



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Хусанов Аъзамжон Ахмаджанович

«ПЕДАГОГИК КОРРЕКЦИЯ»
(Маърузалар матни)



НАМАНГАН

“Педагогик коррекция” маърузалар матни Наманган Давлат университети,
Педагогика факультети, педагогика – психология кафедраси

Тузувчи: Педагогика - психология кафедраси ўқитувчиси А. Хусанов.

Такризчилар:

Педагогика - психология кафедраси мудири, п.ф.н., доцент. Ў. Асқарова.

Педагогика - психология кафедраси доценти, п.ф.н. М. Нишанов.

Физиология кафедраси мудири, б.ф.н. доцент А. Орипов.

К И Р И Ш

***“Келажакда Ўзбекистон юксак даражада тараққий
этган иқтисоди билангина эмас, балки билимдон,
маънавий жихатдан етук фарзандлари билан ҳам,
жахонни қойил қилиши лозим.”***

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Абдуганиевич Каримов.

“Таълим тўғрисида”ги янги қонун, **“Кадрлар таёрлаш миллий дастури”** қабул қилнгунча ҳам биз мактабгача тарбия тўғрисида фикир юритиб келганмиз. Бугун эса бу масалага чуқурроқ, янгича ёндошмоқдамиз. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, дастур талабларига асосан мактабгача таълим тури – болани мактабга таёрлаш билан бирга, уни ҳар томонлама соғлом бўлиб ўсишини таъминлайди.

Бизнинг мамлакатимизда янгича ижтимоий – иқтисодий шароитларда шаклланаётган мактабгача таълим тизими бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга. Жумладан, бозор иқтисодиётининг ўтиш босқичи қийинчиликларига қарамадан биз эришилган ижобий тажрибаларни сақлаш ва ривожлантириш йўлидан бормоқдамиз.

Кейинги йилларда мактабгача таълим муассасаларининг янги тармоғи шаклланиб бормоқда. Мисол тариқасида “Хонадон боғчаси”, “Фермер хўжалиги боғчаси”, “Нутқ ўстириш боғчаси”, “Коррекцион мактабгача таълим муассасаси”, “Даволовчи махсус боғча” ва бошқа мажмуаларни мисол келтириш мумкин. Булардан ташқари оммавий мактабгача таълим муассасалари қошида логопедик грухлар, заиф кўрувчи ва кўр болалар учун, заиф эшитувчи ва қар болалар учун, ақли заиф болалар учун, рухан суст

ривожланган болалар учун махсус гуруҳлар ташкил этилган ва ҳозирги кунда улар ўз фаолиятларини олиб бормоқдалар.

Буларнинг ҳаммаси мактабгача ва мактаб ёшдаги болаларни **“Кадрлар таёрлаш миллий дастури”** талаблари асосида маънавий ахлоқий жихатдан тарбиялаш учун шарт шароитлар яратади. Махсус мактабгача таълим муассасаларида логопедик ёрдамни тўғри ва аниқ шакллантириш ҳамда янги иновацион педагогик методларни қўллаш болалардаги турли жисмоний, рухий, нутқидаги камчиликларини вақтида аниқлашга, уни ўз вақтида тузатишга олиб келади.

Ўзбекистон Республикаси ДТС да “Мактабгача ёшдаги ва мактаб ёшидаги болалар таълимига қўйиладиган давлат талаблари” мавжуд. Шу талаблар асосида “Учинчи минг йиллик боласи” номидаги болаларни ривожлантириш ва мактабга таёрлаш таянч дастури тузилган. Ушбу ҳужжат “Таълим тўғрисида” ги Қонун, “Кадрлар таёрлаш миллий дастури” ҳамда “Соғлом авлод” Давлат дастурини ҳаётга тадбиқ этишга йўналтирилган.

Мустақилликка эришган ҳозирги даврни муҳим ҳусусиятларидан бири, бозор муносабатлари шаклланаётган мазкур жараёнга мос келадиган, янгича фикрловчи ёшларни тарбиялашдан иборат. И.А. Каримов таъкидлаганларидек “фikirлаш, ишлаш ва яшаш маданиятига эга бўлган мустақил шахсни вояга етказишимиз зарур”.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида” ги Қонуни ва “Кадрлар таёрлаш миллий дастури” талаблари асосида мактабгача ёшдаги болаларга таълим – тарбия беришнинг асосий мақсади ёш авлодни истиқлол ҳолатлари асосида соғлом, ҳар томонлама ривожланган шахс сифатида тарбиялаш ва мактаб таълимига таёрлашдан иборатдир.

Бироқ, мактабгача ёшдаги болалар орасида жисмоний ёки рухий ривожланишида нуқсонли бўлган болалар ҳам учираб туради. Турли сабабларга кўра кўзи ожиз, қар ёки заиф эшитувчи бўлиб қолган ва бошқа тоифадаги алоҳида ёрдамга муҳтож болалар мактабгача тарбия муассасаларига ҳамма қатори қатнаб, таълим – тарбия жараёнига жалб этилишлари керак.

Мактабгача тарбия муассасалари болаларни жисмоний, ақлий ва маънавий жихатдан ривожлантириб уларнинг туғма лаёқати, қизиқиши, эҳтиёжи ва имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида мунтазам таълим олишига (мактабга) таёрлаши лозим. Бунинг учун ҳар бир тарбиячи болани ривожлантиришида қандай нуқсонлар бўлиши мумкин, уларнинг турлари, келиб чиқиш сабаблари, улар билан педагогик коррекция ишларини олиб бориш усулларини билишлари керак.

Шуни ҳисобга олиб бошланғич таълим ва болалар спорти, мактабгача тарбия ва спорт тарбиявий иш махсус сиртки, педагогика – психология йўналишлари бакалаврият ўқув режаларига “Педагогик коррекция” фани киритилган.

Мазкур маъруза матнининг мақсади педагогика олий ўқув юртида “Педагогик коррекция” курсини чуқурроқ ўргатишдан иборатдир. Китоб бир нечта боблардан иборат бўлиб, унда педагогик коррекция фанининг мақсад

ва вазифалари, алохида ёрдамга мухтож болалар тарифи берилган бўлиб, бундан ташқари логопедия фанидан мактабгача ва мактаб ёшдаги болаларда кўплаб учирайдиган нуткий нуқсонлар ва уларни бартараф этиш йўллари, мактабгача ва мактаб ёшдаги болаларда кўплаб учирайдиган жисмоний ҳамда рухий камчиликларни диагностикаси, уларни педагогик коррекциялаш, махсус муассасаларга саралаш ҳақида сўз боради.

I – БОБ. “ПЕДАГОГИК КОРРЕКЦИЯ” ФАНИНИНГ МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ, УНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ.

1.1. Мавзу: Олигофрен болалар билан олиб бориладиган педагогик коррекцион ишлар мазмуни.

Режа :

1. Педагогик коррекция фанининг предмети.
2. Махсус педагогика ва унинг тармоқлари ҳақида тушунча.
3. Ақли заифликни келтириб чиқарувчи сабаб ва оқибатлар.
4. Ақли заиф болаларни ўрганиш ва тарбиялаш.
5. Ақли заифлик даражалари.

Таянч сўзлар:

(Коррекция, олигофрения, дебил, идиотизм, имбициллик.)

Болаларнинг жисмоний ва рухий ривожланиши бир хилда кечмайди. Баъзи болалар маълум бир сабабларга кўра жисмонан ёки рухан ривожланишда нуқсонларга эга бўладилар. Шу нуқсонларни ўрганиш ва бартараф этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш педагогик коррекция фанининг асосий вазифаси ҳисобланади. Аввало коррекция нима? Коррекциялаш деганда ривожланишда, камол топишда нуқсонга эга бўлган болаларнинг жисмоний ва рухий нуқсонларини тўғрилаш, юмшатиш, ҳаётга мослаштириш тушунилади. Тузатиш ишларида нуқсонли боланинг ривожланиш имкониятларига асосланилади.

Махсус педагогиканинг назарий асослари ишлаб чиқишида 1918 йилда бўлиб ўтган маориф ва ижтимоий таъминот ходимларининг I Бутун Россия съездида, 1920-1921 йилларда бўлиб ўтган болалар орасидаги нуқсонлик ва қаровсизликка қарши курашга бағишланган съезд материаллари катта аҳамият касб этди. Айниқса, 1925 йилда А.Н.Граборов томонидан махсус педагогиканинг назарий асосларини ишлаб чиқилиши фаннинг ривожланишига тўртки бўлди. Махсус педагогика нуқсони бор болалар иштирок этадиган педагогик жараён билан боғлиқдир. Бу ҳолат боланинг

ёшлигидан анатомик, физиологик, рухий маълумотларининг зарурлигини тақозо этади.

Махсус педагогиканинг асосий вазифаларидан бири болаларнинг умумий ривожланишини фаоллаштиришдан, ривожланишнинг умумий таълим даражасини ошириш учун махсус шарт-шароитлар яратишдан иборатдир.

Махсус педагогика нуқсонли болалар таълими, тарбияси ва улар тараққиётидаги рухий, жисмоний нуқсонларни коррекцияловчи фан сифатида юзага келди. Махсус педагогика инсон ҳақидаги фанлар билан, айниқса, умумий педагогика, умумий психология, махсус психология, анатомия, физиология фанлари билан узвий боғлиқ бўлиб, унинг қонуниятларига таянади. Махсус педагогиканинг асосий мақсади болаларга билим бериш, коррекцион-тарбиявий ишларни амалага ошириш, меҳнат фаолиятига, ижтимоий ҳаётга тайёрлашдан иборат. Юқоридаги мақсад ва вазифаларни амалга оширишда махсус педагогика ўзининг бир нечта тармоқларига таянади.

Махсус педагогиканинг тармоқлари қуйидагилар:

Олигофренопедагогика. (ақли заиф болалар)

Тифлопедагогика (Кўр ва кўзи ожиз болалар)

Сурдопедагогика (Кар ва эшитишда нуқсони бор болалар)

Логопедия. (нутқида нуқсони бор болалар)

Олигофренопедагогика ақли заиф болаларни тарбиялаш ва ўқитиш ҳақидаги фан бўлиб, дефектологиянинг бир қисmini ташкил этади. Бош миyaning органик бузилиши натижасида билиш фаолияти турғун пасайиши келиб чиқади. Натижада ақли заифлик келиб чиқади. Олигофренопедагогика ҳам ўзига хос ривожланиш, шаклланиш тарихига эга. Ақли заиф болалар таълим-тарбияси масалалари билан шуғулланиш ишлари тарихи қарийиб 200 йилдан ошиқдир. Олигофренопедагогика фанининг дастлабки бошланғич даври ақли заифликни ўрганиш, асосан 1926 йилларга тўғри келади. Олигофренопедагогикага Л.С.Выготский асос солган. У ақлий нуқсонга эга бўлган болаларга таълим-тарбия беришни назарий ва амалий асослаб берган. Ақли заифликни келтириб чиқарадиган сабаб-оқибатлар хусусиятлари **эндоген, экзоген** хусусиятларига эга. Бу касаллик сабаб-оқибати натижасида боланинг билиш фаолиятлари кенг маънода бузилиб, ақлий ривожланиш тезлиги, самарадорлиги пасаяди.

Бу сабаблар қуйидагилар:

Хомила даврида турли салбий таъсир этувчи инфекция, жарохатлар.

Туғилиш вақтидаги жарохатлар, асфикция (туғилиш жараёнида қисилиб қолиш).

Чақалокнинг илк ёшида салбий таъсир этувчи юқумли касалликка чалиниши, овқатланишнинг бузилиши, ташқи таъсир, экология ва бошқалар.

Турли ирсий йўл билан авлоддан авлодга ўтадиган ген, хромосома касаллиги.

Ақли заиф болалар бош мияси чуқур зарарланганлиги туфайли барча олий асаб фаолиятлари бузилган бўлади. Бу бузилишлар бош миянинг кўзғалиш ва тормозланиш жараёнларида намоён бўлади. Ақли заиф бола фаолиятларида ташаббускорлик, мустақилликка интилиш каби шахсий сфаталр бўлмайди, ўзларининг мустақил ишларини ақлий жихатдан тушунтириб бера олмайдилар. Шу боис улар доим ёрдамга мухтождирлар. Бош мия фаолиятининг бузилиши сабабларига кўра ақлий заифлик III та даражага бўлинади. **Дебил** (Енгил) **Имбециллик** (Ўртача) **Идиот** (Оғир)

Дебил бир мунча енгил даража бўлиб, олигофрениянинг энг кўп тарқалган даражасидир. Бундай болалар махсус таълим муассасаларида таълим-тарбия оладилар. **Имбециллик** дебил даражадан бир мунча оғир даражадир. Имбецил болаларнинг фикрлаш жараёнлари жуда паст даражада бўлади.

Олигофрениянинг энг оғир даражаси **идиотлик** бўлиб, уларда қўпол ривожланмаганлик кўринади. Улар ўз шахсини аниқ билмайди. Уларнинг тафаккури деярли йўқ. Уларни нутқи тушунарсиз товушлардан, баъзан алоҳида сўзлар йиғиндисидан иборат бўлиши мумкин. Ўзларининг хурсандчилигини ҳаракат, кичқириш, мимика ҳаракатлари билан намоён этсалар, хафагарчиликларини эса қайсарлик, ўз таналарига жароҳат етказиш билан ифодалайдилар. Фаолиятлари деярли кўзга ташланмайди. Ўзларига хизмат қилиш малакаси шаклланмаган. Идиотларда турли тутқаноқлар кузатилиши, модда алмашинувининг бузилишини кўриш мумкин. Бу касалликларни келтириб чиқарувчи сабаблар хилма-хилдир. Онанинг хомиладорлик вақтида юқумли касалликка йўлиқиши, оғир вирусли грипп, тиф, қизилча, хомиланинг шикастланиши, алкоголизм ва бошқалар. Яна туғилиш вақтида боланинг қисқич билан тортиб олиниши, вакум билан туғилган вақти чўзилиб кетса, бола бошини қўл билан сиқилиши ва хакозолар.

Олигофрения бола туғилганидан кейин ҳам пайдо бўлиши мумкин. Масалан: мия ва унинг пўстлоғининг шамоллаши (менингит), марказий нерв системасининг шикастланиши. Насл орқали ҳам ўтади. Ф.Платтер рухий касалликлардан ақли заифликни ажратди. Ж.Эскирол биринчи марта «Ақли заифлик» анатомиясини фанга киритди. Ақли заиф болаларни ўқитиш ва тарбиялаш назариясини юзага келишида Э.Сегеннинг (1812-1880) педагогик фаолияти катта аҳамиятга эга. 1846 йилда ёзган «Ақлий нормал бўлмаган болаларнинг тарбияси, гигиенаси ва ахлоқий давоси» асари олигофренопедагогика фанида катта ютуқ бўлди. Ақли заиф болаларни ўрганиш масаласи алоҳида ўрганишни талаб этадиган мавзулардан биридир. Ақли заифлик деганда меърий рухий ривожланишдан четланиб, ҳақиқий, реал ақлий нуксонликка олиб келувчи ҳолат тушунилади. Бундай болалар ёрдамчи мактабларда таълим-тарбия оладилар. Таълим жараёнида ақли заиф боланинг тафаккури, нутқи, қизиқишлари ва билиш қобилиятлари ривожланиши билан бирга ахлоқи ҳам ривожланиб боради. Уларда жамоада ўзини тутиш, меҳнатга тўғри муносабатда бўлиш каби фазилатлар вужудга келади.

Назорат саволлари:

1. Коррекция дегани нима?

- 2.Махсус педагогика нима ва унинг қандай тармоқлари бор?
- 3.Олигофренопедагогиканинг мавзу бахси нимадан иборат?
- 4.Ақли заифликни келтириб чиқарувчи сабабларга нималар киради?
- 5.Ақли заифлик даражалари ҳақида нималарни биласиз?
- 6.Ақли заиф болалар ўрганиш манбаи деганда нимани тушунасиз?

Фойдаланилган адабиётлар:

- 1.П.М. Пўлатова “Олигофренопедагогика” Тошкент 2005 йил.
 2. В.С. Рахманова “Махсус педагогика” Тошкент 2004 йил.
 - 3.Выготский.Л.С. «Проблема отсталости» Москва 1956 йил.
 - 4.Под ред. Дульнева. Г.М.»Коррекционная роль обучения в школе»М.1971 й.
 5. М. Аюпова “Логопедия” Тошкент, 2007 йил.
 6. М. А. Повалёва “Справочник логопеда” Ростов-на-Дону, 2007 год.
- 1.2. Мавзу: Кўзи ожиз ва заиф кўрувчи болалар билан олиб бориладиган педагогик коррекцион ишлар.**

Режа:

1. Тифлопедагогика фани ҳақида тушунча.
2. Кўзи ожиз ва кўр болаларни ққтиш ва тарбиялаш мазмуни.
3. Тифлопедагогиканинг методлари.
4. Кўр ва заиф кўрувчи болаларни кўрувини химоя қилиш.

Таянч иборалар: (тифлопедагогика, оправа, окулист, коррекция, метод)

Тифлопедагогика грекча **тифлос** кўр сўзидан олинган бўлиб, кўришда нуқсони бўлган шахслар таълим-тарбияси ҳақидаги фан. У умуман умумий педагогиканинг қисми ва дефектологиянинг бўлимларидан биридир. Тифлопедагогиканинг табиий илмий асоси И.Сеченов ва И.П.Павловнинг «Олий нерв фаолияти тўғрисидаги» таълимоти саналади. Тифлопедагогика педагогика фан сифатида қуйидаги асосий муаммаларни ҳал қилади:

кўришда жиддий нуқсони бўлган шахсларни психологик, педагогик ва клиник ўрганиш нуқсонлар мавжуд бўлганда рухий ва жисмоний ривожлантириш ва кўриш функцияси бузилишларини аниқлаш.

Кўриш ва кўзи ожизларда бузилган ва тўла ривожланмаган функцияларни коррекциялаш ва тиклаш йўллари ва шартлари.

Шахснинг кўриш фаолиятида турли бузилишлари мавжуд ҳолда шаклланиши ва ҳар томонлама ривожлантириш шартларини ўрганиш, фан асосларига ўргатиш, политехник меҳнат ва касб тайёргарлиги.

Кўр ва кўзи ожизларни ўқитиш ва тарбиялаш учун махсус муассасалар типлари ва структурасини белгилаш.

Кўришда нуқсони бўлгани шахсларнинг билим имкониятларини кенгайтириш, уларни ўқитиш ва жамиятда меҳнатга тайёрлаш самарадорлигини имконини берадиган махсус техник воситаларни яратиш.

Тўла қонли бўлмаган кўришни муҳофазалаш ва ривожлантириш бўйича гигиеник тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш.

Таълим-тарбия ва касб тайёргарлиги учун биноларни лойихалашга алохида эътибор қаратиш.

Замонавий тифлопедагогикани ривожлантириш, нуқсонларни олдини олиш ва тугатиш йўллари компенсациялаш. (Аниқлаш)

Тифлопедагогиканинг методлари:

1. Эксперимент: а) илмий б) лаборатория в) табиий: 2. Сухбат 3. Анкета.
4. Кузатиш. 5. Хужжатларни ўрганиш. 6. Касбий фаолиятни таҳлил қилиш.
7. Тажрибани кенгайтириш. 8. Ўз-ўзини кузатиш.

Кўришда нуқсони бўлган болалар учун мактабгача муассасалар 2-3 ёшдан 7 ёшгача бўлади. Кўр ва заиф кўрувчилар, ғалай болалар шундай муассасаларда таълим-тарбия оладилар. Бу муассасаларнинг мақсади кўриш фаолиятини имкон қадар тиклаш ва ривожлантириш, болаларни тарбиялаш, даволаш ва мактаб тизимига тайёрлашдан иборат. Бу ерда аввало эшитиш, фазода мўлжалга олиш, ўз-ўзига хизмат қилиш каби қобилиятларнинг ривожланишига алохида эътибор берилади. Болалар боғчасига кўриш ўткирлиги 0,5 ва 0,4 кўзойнакли бўлган коррекцияли болалар қабул қилинади.

Тифлопедагогиканинг вазифалари:

1. Кўришда нуқсони бўлган ўқувчиларни педагогик ва психологик ўрганиш, нуқсонларнинг турларини ойдинлаштириш, жисмоний ва рухий ривожлантириш.
2. Кўзида нуқсони бўлган болаларнинг таълим-тарбияси мақсади, мазмуни ва методларини қайта ишлаш.
3. Бола шахсиятини ҳар томонлама ривожлантиришда махсус ишларни амалга ошириш.
4. Ўқувчиларни меҳнатга ва касб-хунарга йўналтирилган имкониятларни яратиш.
5. Махсус ўқув режалари, дастурлар ва дарсликларни тузиш.
6. Махсус мактабларни ривожлантиришни йўлга қўйиш.

Даволаш ва тиклаш ишлари мактаб-интернатларда окулист раҳбарлигида амалга оширилади. Педагог ва тарбиячилар ҳам врач тавсияларини ўз вақтида бажаришга ёрдам берадилар. Кўзойнак ва бошқа оптик кўрувчи коррекцияловчи воситаларни тавсия қилиш даволаш ишининг асоси ҳисобланади. Педагог ва тарбиячилар болаларни кўзойнаклардан шифокор тавсия этганидек тўғри фойдаланишларини назорат қилади. Кўзойнакни оправасини (қолипи) тўғри танлаш муҳим роль ўйнайди. У юз хажмини қорачиқлари орасидаги масофага мос тушиши шарт, қулоқларни, бурунларни қисмаслиги лозим.

Кўр ва заиф кўрувчи болаларни меҳнатга ва мустақил ҳаётга тайёрлашда махсус машғулотларнинг ўрни катта. Даволовчи жисмоний тарбия. Фазода мўлжалга олиш. Даволовчи жисмоний тарбия машқлари орқали турли касалликларни амалиётда даволаш чора-тадбирларини

қўлланувчи жисмоний маданият воситалари тўплами хисобланади. Фазода мўлжалга олиш кўришда нуқсони бор инсоннинг муҳим катта эҳтиёжи хисобланади. мўлжалга олишга ўргатиш, болаларни боғча ёки мактаб атрофида эркин мўлжал олишга ўргатади. Бу қанча эрта бошланса яхши натижа беради.

Назорат саволлари:

- 1.Тифлопедагогика фанининг мавзу баҳси нима?
- 2.Махсус машғулотларга нималар киради?
- 3.Тифлопедагогика қандай методларга таянади?

Фойдаланилган адабиётлар:

- 1.Махсус педагогика. Маърузалар матни.Низомий номли ТДПИ 2000
- 2.Тифлопедагогика. Маърузалар матни. Низомий номли ТДПИ 2001 й
- 3.А.А.Венгер, Г.А.Выготский «Отбор детей в специальнке учреждения» Москва 1972 йил

1.3. Мавзу: Эшитишида нуқсони бор бўлган болалар билан олиб бориладиган педагогик коррекцион ишлар.

Режа:

1. Боланинг эшитиш идрокида кузатиладиган муаммолар.
2. Боланинг эшитиш даражасини аниқлаш усуллари.
3. Карликнинг келиб чиқиш сабаблари, қар болалар тарифи.
4. Заиф эшитувчи болалар, улардаги нуқсоннинг келиб чиқиш сабаблари.
5. Кеч қар ёки кейинчалик заиф эшитувчи бўлиб қолган болалар.
6. Махсус муассасаларда таълим – тарбия жараёнининг ўзига хослиги.

Таянч иборалар: (Карлик, гунг, сурдопедагогика, эшитиш нервининг неврити, дицибел, заиф эшитувчи, дактиль, мимика, жест.)

Нутқ – мураккаб рухий фаолиятдир. У рухий жараёнларнинг таркиб топишига ва боланинг умуман барқомол бўлиб ўсишига катта таъсир кўрсатади. Нутқ эшитув органлари воситаси билан идрок этишга асосланган бўлиб, атрофдагиларга тақлид этиш йўли билан ривожланиб боради. Оғзаки нутқнинг шаклланишида эшитув анализатори, нутқни ҳаракатга келтирувчи анализатор иштирок этади. Нутқни ҳаракатга келтирувчи анализатор эшитув анализатори билан маҳкам боғланган ҳолда ишлайди, эшитиш анализаторининг ривожланиш даражаси эса кўп жихатдан талаффузга боғлиқ.

Бола нутқининг ўсиб бориши товушлар талаффузи, физиологик ва фонематик эшитишнинг камол топиб бориш даражаси билангина характерланиб қолмай, балки энг муҳим - ўз нутқи ва атрофидагилар нутқидаги сўзларнинг тузилишини, товуш таркибини фарқлай олиш қобилияти билан ҳам характерланади. Сўз таркибини англаб олишдан иборат бу қобилият грамматик ва лексик компонентларнинг ривожланишида ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Иккала сигнал тизими, шунингдек, идрок билан сўзнинг ўзаро алоқада бўлиши ақлий ривожланишнинг асосини ташкил этади

Дефектологларнинг (Т.А. Власова, Р.М. Боскис, Д.В. Нейман ва бошқаларнинг) берган маълумотларига кўра, эшитишида нуқсонлари бор болаларнинг ривожланиш даражаси шу нуқсоннинг бола ҳаётининг қайси даврда пайдо бўлганлигига ва оғир – енгиллигига боғлиқ. Сурдопедагогикада эшитишда нуқсонлари бор болалар **кар, заиф эшитувчи, кейинчалик заиф эшитувчи бўлиб қолган болалар** гуруҳига бўлиб ўрганилади. Туғма ҳали тили чиқмаган гудаклик даврида иккала қулоқнинг мутлақо эшитмаслиги кар – соқовликка олиб келади. Эшитиш қобилятининг қисман бузилиши натижасида нутқий нуқсонга учраган болалар заиф эшитувчи болалар гуруҳига киритилади. Нутқий ривожланиб, шаклланиб олгандан сўнг яхши эшитмайдиган бўлиб қолган болалар кейинчалик заиф эшитувчи бўлиб қолганлар гуруҳига киради. Бу нуқсон нутқ таркиб топганидан сўнг вужудга келса ҳам, қулоқдаги нуқсон туфайли эшитишда хос камчиликлар бўлаверади.

Турғун эшитиш нуқсонлари келиб чиқиш сабабларига кўра **туғма ва орттирилган** бўлиши мумкин.

Кар – соқов болаларнинг 25% - 30% да эшитиш нуқсонлари туғма бўлади. Бунга сабаб: онанинг хомиладорлик даврида турли касалликлар, масалан, грипп билан касалланиши, ота – оналарнинг ичкилик ичиб туришлари, онанинг хомиладорлик даврида билар – билмас дори – дармонларни истеъмол қилишлари (айниқса стептомицин, хинин сингари дориларни), хомиланинг шикасланишлари; ирсият, генетик факторлар (қулоқ тузилишларидаги патологик ўзгаришлар бўлиши, масалан, эшитиш йўли атрофиясининг битuvi).

Эшитишдаги орттирилган нуқсонлар қулоқ ёки эшитиш анологизаторларининг тузилишидаги камчиликлардан келиб чиқиши мумкин. Бунга олий нерв маркази, ўтказувчи йўллар ёки қулоқнинг ўзидаги ўзгаришлар сабаб бўлади. Боланинг илк ёшида отит, паротит (тепки), менингит, менингоинсифалит, қизамиқ, қизилча, грипп касалликлари билан касалланиши баъзи ҳолларда кар- соқов ёки турли даражалардаги заиф эшитишга олиб келиши мумкин. Ҳозирги кунда экология масалаларининг кенг ўрганилиши эшитиш нуқсонларининг олдини олишда ҳам катта аҳамиятга эга. Эшитиш анологизаторларига турли захарли кимёвий дорилар жуда кучли таъсир этиб айнақса анологизаторнинг ўтказувчи нервларини ишдан чиқаради, натижада бола яхши эшита олмайдиган бўлиб қолади.

Эшитиш нуқсонларига эга бўлмаган болалар аномал болалар категориясига киради, чунки бу нуқсон боланинг умуман ривожланиб, камол топиб боришига, дастур материалларини ўзлаштиришига салбий таъсир кўрсатади.

Эшитиш нуқсонлари бор болалар махсус шароитда, махсус усуллар билан ўқитилиши ва тарбияланиши керак. Эшитиш нуқсонларининг енгил даражалари ҳам болани ҳар томонлама ривожланишига таъсир кўрсатади, боғча ва мактаб дастурларининг ўзлаштиришда бир қатор ўзига хос қийинчиликлар келиб чиқишига сабаб бўлади.

Кичик ёшдаги боланинг эшитиш қобиляти нутқи ривожлангандан сўнг масалан, икки ёшида йўқолганида ҳам, карлик натижасида бола атрофдагилар

нутқини эшитмайди ва хаттоки билганларини ҳам аста – секин унутади, боладаги карлик билан соқовлик қўшилиб у кар – соқов бўлиб қолади. Болага ўз вақтида махсус ёрдам кўрсатилмаса, унда ақли заифлик белгилари ҳам пайдо бўлади. Бироқ нуқсоннинг ўрни тўлдирилиб, бошқарувчи жараёнларни активлаштирувчи махсус педагогик коррекцион шароит боладаги нуқсонларни бартараф этади, уларни ҳам нутқий ривожланишини, ҳам умумий, ақлий ривожланишини таъминлайди.

Заиф эшитувчи болалар учун махсус ташкил этилган мактабгача тарбия муассасаси ҳамда мактаб-интернатда барча зарур шарт-шароитлар мавжуд. Махсус муассасалардаги тарбиячи ва ўқитувчилар бундай болаларнинг тегишли таълим – тарбия олишларига ёрдам беришлари керак.

Юқорида қайд этилганидек, сурдопедагогикада эшитиш қобилияти заиф болаларга кар – соқов, туғма ҳамда кейинчалик заиф эшитувчи бўлиб қолган болалар киради. Заиф эшитувчи болалар ўз навбатида эшитиш қобилиятининг нечоғлик бузилганига қараб енгил, ўртача ва оғир даражали камчилиги бор болаларга бўлинади. **Енгил даражадаги** заиф эшитувчи болалар овози билан гапирилган нутқни **6 – 8 метр** масофадан овоз чиқармай, шивирлаб гапирилган гапни кулоқ супрасидан **3 – 6 метр** масофадан эшитади. **Ўрта даражадаги** кулоғи оғир болалар овоз чиқариб гапирилган гапни **4 – 6 метр**, овозсиз шивирлаб гапирилган гапни **1 – 3 метр** масофадан эшитади. **Оғир даражадаги** заиф эшитувчи болалар ўрта меъёردа овоз билан гапирилган гапни кулоқ супрасидан **2 метр**, шивирлаб гапирилган гапни **0,5 метр** масофадан эшитади холос.

Кулоғи оғирлик натижасида бола нутқида бир қатор камчиликлар кузатилади: луғатининг камбағал бўлиши, грамматик компонент ривожланмаган – гап ичида сўзларни ташлаб кетиш, сўзларни нотўғри эшитиш, уларни ўзаро боғлай олмаслик, келишиқ, сўз ясовчи, сўз ўзгартирувчи қўшимчаларни ишлата олмаслик; товушларни нотўғри талаффуз қилиш – ўхшаш, жарангли-жарангсиз ундошларни бир бири билан адаштириш, тушириб кетиш ва бошқалар шулар жумласидандир.

Бола нутқидаги камчиликларнинг келиб чиқиш сабабларини билмаслик орқасида айрим тарбиячи ва ўқитувчилар болани дангаса, маъсулиятсиз, безори деб, унга нотўғри муносабатда бўладилар, натижада бола инжиқ, йиғлоқи, сержахл, гап ўтмас бўлиб қолади, яъни унда иккиламчи рухий ўзгаришлар пайдо бўлади.

Енгил даражадаги заиф эшитувчи болалар соғлом тенгдошлари қаторида оммавий мактабгача тарбия муассасаларида ва мактабда таълим – тарбия олиши мумкин. Бироқ унга алоҳида муносабатда бўлиш, улар учун қулай шарт – шароитлар яратиш талаб этилади.

Узлуксиз таълим тизимида Ўзбекистонда эшитишда нуқсони бўлган болалар учун мактабгача тарбия муассасалари, мактаб ва касб – хунар коллежларида махсус гуруҳлар фаолият кўрсатиб келмоқда. Ушбу тоифадаги болалар учун ташкил этилган мактаб – интернатларда мактабгача тарбия бўлими ҳамда умумтаълим мактаб бўлими мавжуд. Ушбу муассасаларда

таълим умумтаълим 9 йиллик таълимнинг давлат талаблари ва дастурлари асосида амалга оширилади.

Эшитиш қобилияти заифлашган болалар билан ишлашда сурдопедагоглар катта ютуқларга эришмоқдалар. Ушбу тоифадаги аномал болалар махсус кечки мактабларда таълим олганларидан кейин олий ўқув юртларини ҳам муваффақиятли битириб чиқмоқдалар, мамлакатимизнинг турли корхоналарида ҳамма билан баробар меҳнат қилмоқдалар. Демак, эшитиш нуқсонларини бартараф этиш, тўла компенсациялаш, мумкин. Тарбиячи ва ўқитувчиларнинг асосий вазифалари – соғлом болаларни заиф эшитувчи болалардан ажратиб, уларга алохида ёндашиш, зарур бўлса, уларнинг “махсус муассасалар” да таълим – тарбия олишини ёки интеграциялашган таълимга жалб этишни таъминлашдан иборат.

Махсус муассасаларда ўз фикрини оғзаки ифодалай олмаслигини ҳис этган ўқувчи ёзма шаклда баён этишни билиши керак. Бунинг учун ўқувчиларнинг ўз фикрини оғзаки, ёзма баён этишга ўргатиш амалий нутқий кўникма ва малакаларни шакллантириш асосида амалга оширилади.

Кар ва заиф эшитувчи ўқувчиларда сўзлашув (оғзаки, ёзма) нутқни шакллантириш юзасидан дарс ва машғулотларда муайян тизимдаги машқлар асосида ўқитувчи ва ўқувчи фаолияти ташкил этилади, дидактик воситаларни барча турларини нутқий жараёнга мослай олиш талаб этади. Нутқий материалларнинг амалий эгалланиши таъминлаш учун махсус содир этилган муаммоли нутқга (гапириш, ёзип тушунтиришга) эҳтиёжини туғдурувчи вазиятлар олдиндан режалаштирилади. Бунда нутқий материаллар фанлар бўйича ўқув дастурларида, режалаштиришларда олдиндан белгиланган бўлади, яъни коррекцион – педагогик жараён муайян тизим асосида амалга оширилади.

Ҳар бир дарс учун нутқий материаллар коррекцион – коммуникатив тизим тамойилларига қатъий риоя қилган ҳолда (ўқувчиларнинг эшитиш, талаффуз қилиш имкониятларига мос, талаффузи яққол ва эшитилиш диапозони енгил, оддийдан мураккабга, ноўхшашликдан – ўхшашликка боровчи тартибда) танланади ва тайорланади.

Сўзлашув нутқига эҳтиёжини тарбиялаш оиладан бошланиши, яъни мактабда эгаллаган нутқий кўникма ва малакалар оилада табиий вазиятларда мустахкамланиши ва ўқувчилар амалда (эркин, қўрқмасдан, уялмасдан) қўллашларига эришиш учун кенг шароитлар яратилмоқда. Ушбу шароит оила аъзолари иштирокида яратилади. Уларнинг кар бола билан кенг мулоқати ва илиқ муносабати боланинг кегинги босқич таълим – тарбиясига ва умуман тақдирига бевосита таъсир кўрсатувчи омиллардан ҳисобланади.

Кар ва заиф эшитувчи болаларнинг нутқий ахборотни қабул қилиш ва узатиш имконияти эшитиш (ҳар қандай даража карликда у маълум миқдорда бўлади) қолдиғидан оптимал равишда фойдаланишга боғлиқ бўлганлиги туфайли махсус муассасаларда таълимни овоз кучайтирувчи аппаратлар асосида олиб бориш талаб этилади. Снифлар махсус жихозланади. Яъни мактаб – интернат моддий техника негизининг йўналишига мос шаклланиши талаб мазмунининг самарадорлигини оширади.

Кар ва заиф эшитувчи болалар ўз она тилини шу тил қонуниятлари, хусусиятларидан келиб чиққан, мазкур боланинг рухий, нутқий имкониятларига мослаштирилган, коррекцион коммуникатив таълимларга асосланган ва маҳаллий шароитларни инобатга олган махсус ёндашув асосида эгаллайди.

Махсус мактаб – интернатларида таълим – тарбия жараёнини, хусусан она тили таълимини амалга оширишда ўқувчиларнинг фикр махсули нутқ шароитига мос равишда оғзаки, ёзма шакилларда тўғри, равиш ифодалашга ўргатишда **дактил** белгиларидан тегишли босқичларида ўринли фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Кар ва заиф эшитувчи ўқувчиларда сўзлашув (оғзаки, ёзма) нутқни шакиллантиришга ижтимоий эҳтиёж сифатида ёндашиш долзарб масаладир. Буни амалга ошириш мазкур болаларнинг жамиятга мослашуви, уларнинг борлиқни англашлари ҳамда уларни атрофдагилар қанчалик тушуниб қабул қилишлари билан белгиланади.

Кар ва заиф эшитувчи бола жамиятнинг тўлақонли аъзоси сифатида сиёсий, иқтисодий ва бошқа ижтимоий муносабатларининг барчасида меъёрга ривожланган, соғлом тенгқурлари қаторида ўз она тилида бемалол, эркин, самарали ва барча учун (нафақат ўзи каби тақдирдошлари) тушунарли тизимда мулоқот қила олиши таъминлаш мумкинлиги амалда ўз ишотини топмоқда.

Ўқувчиларнинг нутқий ахборотни қабул қилиш ва узатиш имкониятини ривожлантириш, ўз она тилида соғлом тенгқурлари каби сўзлашиш, фикр алмаштиришини шакллантиришга йўналтирилган ўқув – коррекцион жараёни ягона тизим асосида амалга ошириш орқали такомиллаштирилмоқда.

Кар ва заиф эшитувчи болалар мактаблари ўқув режасига **“Лабдан ўқиш”** кўникмаларини шакллантириш ва мустаҳкамлаш машғулотилари киритилган.

Эшитишида муаммоси бўлган болалар махсус мактаб - интернатларининг барчаси овоз кучайтирувчи аппаратлар билан таъминланган, хоналари махсус товуш қайтармайдиган қопламалар билан жиҳозланади, соғломлаштириш бўйича тадбирларни мақсадли амалга ошириш учун шароитлар яратилган.

Хозирги кунда сурдопедагогикада кар ва заиф эшитувчи болаларнинг махсус таълим билан эрта қамраб олиниши, ривожланиши, коррекция – компенсация қилиниши масалалари долзарбдир. Республика ижтимоий адаптация маркази, А. Авлоний номидаги ХТХМО инситути ҳамда РТМ ходимлари бунинг учун ўқув кўрсатмалар яратиш устида фаол меҳнат қилиб келмоқдалар. Булардан ташқари Низомий номли ТДПУ нинг дефектология факультети, сурдопедагогика кафедрасининг профессор – ўқитувчилари ҳам бир қанча самарали илмий тадқиқот ишларини олиб бормоқдалар.

Назорат саволлари:

1. Боланинг эшитиш идрокида қандай муаммолар кузатилади?
2. Боланинг эшитиш даражасини аниқлаш усуллари айтинг.
3. Заиф эшитувчи ва қар болалар таърифини айтинг.
4. Заиф эшитувчи ва қар болалар таълим тарбиясининг ўзига хос хусусиятлари.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Хватцев. М.Е. Логопедия Москва 1969 йил.
2. Правдина. О.В. Логопедия. Москва 1969 йил.
3. Филичева. Т.Б, Мўминова. Л. Логопедия. Тошкент 1993 йил.
4. Алмазова. Е.С. Логопедическая работа по восстановлению голоса у детей. 1973 й

1.4. Мавзу: Рухий ривожланиши сустлашган болалар билан олиб бориладиган коррекцион ишлар.

Режа:

1. РРС болаларнинг бошқа алоҳида ёрдамга мухтож болалардан фарқи.
2. Клинико – психологик белгиларига кўра РРС болалар хиллари.
3. Рухий ривожланишдаги сустликнинг келиб чиқиш сабаблари.
4. РРС болалар учун дифференциал ва интеграциялашган таълимнинг ташкил этилиши.

Таянч сўзлар : (РРС. дифференциал, интеграциялаштириш, инклюзив конситуционал, соматоген, психоген, церебрал.)

Улгурмовчи ўқувчилар орасида рухий ривожланиши сустлашган болалар кам учраб туради. Уларнинг билиш фаолияти-интеллекти мантикий тафаккур, идроки, хотираси, ихтиёрий диққати, иш қобилияти ва бошқа хислатларига биринчи ўринда марказий нерв системасининг касалликлари натижасида рухий ривожланиши сустлашади. Бундай болаларда хиссиёт, ирода сферасидаги камчиликлар бирламчи, ақлий заифлик эса иккиламчи ходиса бўлиб ҳисобланади.

Т.А. Власова, М.С. Певзнер, В.И. Лубовский, Т.В. Егорова, К.С. Лебединская, Н.А. Никашина, К.К. Мамедов, Б.В. Шоумаров, Н.А. Спина, Р.Д. Триггер ва бошқа олимларнинг маълумотларига кўра бошланғич синф ўқувчиларининг 5,8 фоизини ана шундай болалар ташкил этади.

Рухий ривожланиши сустлашган болалар ақлий даражаси жихатидан асосан икки гуруҳга бўлинади:

1. Енгил нуқсон бор болалар –булар махсус шароитда 1-3 йил таълим – тарбия олганларидан кейин ўқишни оммавий мактабнинг тегишли синфда давом эттириши мумкин.

2. Рухий ривожланишида сезиларли даражада орқада қолган болалар – булар мактабни битиргунига қадар махсус шароитда ўқитилиши керак. Бундай болалар мактаб дастурини соғлом тенгдошлари қаторида ўзлаштира олмайди. Рухий ривожланиши сустлашган болаларни оммавий мактабда ҳамма қатори ўқиши таълим жараёнига ҳам салбий таъсир кўрсатади, яъни ўртача ўқувчининг савиясини орқага тортади, яхши ва аъло ўзлаштирувчи ўқувчиларни етарли даражада ўстиришга тўсқинлик қилади.

Дастур материалларини яхши ўзлаштира олмаганлиги туфайли рухий ривожланиши сустлашган болалар доим муваффақиятсизликларга учрайверади, бу нарса уларнинг хулқ - атворида аксарият турли салбий хислатлар юзага келишига сабаб бўлади.

Олимлардан К.С. Лебединская, Г.П. Бертон, Е.М. Дунаева, ва бошқалар рухан суст ривожланганликни клиник-психологик жихатидан қуйидаги хилларга бўлишни тафсия этадилар:

- 1) **конституционал шакли;**
- 2) **соматоген шакли;**
- 3) **психоген шакли;**
- 4) **Церебрал шакли.**

Рухан суст ривожланганликнинг конституционал шаклини характерловчи белгиларга қуйидагилар киради: боланинг гавда тузилиши соғлом тенгдошлариникига нисбатан 1-2 ёш кичик кўринади. У ўзини боғча ёшидагиларга ўхшаб туради ва таълим олиш учун хали “етилмаган” бўлади. Бундай бола ўқув фаолиятига яхши киришиб кетмайди, чунки унда қизиқиш йўқ, иш қобилияти паст. Мазъулиятсизлик, мотивларнинг сустлиги, рухий жараёнлардан анализ, синтез қобилиятларининг яхши ривожланмаганлиги туфайли ўқиш ва ёзишни, математикани катта қийинчиликлар билан ўзлаштиради. Дарс вақтида тез чарчаб қолиш ҳоллари, бош оғриб туриши конституционал шаклдаги бундай болада иш қобилияти, фаоллик, янада пасайиб кетишига сабаб бўлади.

Ривожланишдаги бу камчиликка бола онасининг хомиладорлиги даврида қалқонсимон безлари фаолиятининг бузилганлиги, юрак – томир касалликлари сабаб бўлиши мумкин.

Илк ёшда ҳар хил сурункали касалликлар билан тез – тез касалланиб туриши натижасида бола яхши ўсиб – унмай қолиши мумкин, бу эса ўз навбатида рухий ривожланишда орқада қолишга, кечикишга олиб келади, РРС нинг **соматик** шакли деб шунга айтилади. Болада сурункали инфекциялар, аллергия ҳолат, туғма парок ва шу каби касалликлар айниқса тез учраб туради. РРС нинг самотоген сабабларига алоқадор сустлиги болада астения ҳолатини вужудга келтиради. Айрим болаларда самотоген инфантилизм кузатилади, яъни бола ўсиб унмаган, гудак тахлид бўлиб қолаверади. Бунда бола психикасида неврозга ўхшаш ҳолатлардан ўз кучига ишонмаслик, қўрқоқлик, инжиқлик, эркалик, қизиқишнинг пастлиги ва бошқалар кузатилади.

РСР нинг **психоген шаклида** бола эрта ёшлигидан нокулай, нотўғри шароитда тарбияланади ва шу тарбиянинг салбий томонлари рухан ривожланишига таъсир ўтказган бўлади. Шу хилдаги камчиликларни келиб чиқиш сабабларини 3 гуруҳга бўлиш мумкин.

1. Бола тарбияси билан мутлақо шуғулланмаслик, уни бутунлай ўз холига ташлаб қўйиш, бунда болаларда бурч ва маъсулият хисси шаклланмайди. Ақлий идрокни ривожланиши, қизиқишлари, билиш фаолияти хис туйғу ва ирода етишмаслиги устига ўқув фанларини ўзлаштириш учун зарур билим ва таассуротларнинг етишмаслиги ҳам қўшилади.

2. Болани ҳар томонлама эркалатиш, етарли мустақил фаолиятга ўргатмаслик, ташаббускорлик, маъсулият хиссини шакллантирмаслик, болани “оила эркаси” қилиб ўстириш, хаддан ташқари унинг кўнглига қараб иш тутиш натижасида ҳам бола рухий ривожланишида бир қадар орқада қолиши мумкин.

3. Болага нисбатан қўпол муносабатда бўлиш, жисмоний жазолаш, каттиққўллик қилиш, ота – оналарнинг алкоголизмга алоқадор тажаввузкорона муносабатлари болани мудом асабийлаштириб, рухий ривожланишдан орқада қолишга сабаб бўлади. Бундай болаларда қўполлик, журъатсизлик, ташаббуссизлик, мустақилсизлик, кўрқоқлик ва бошқа хислатлар шаклланади. Буларнинг ҳаммаси ақл идрокига, билиш фаолиятига ҳам салбий таъсир кўрсатади.

РСР нинг **психоген** шаклида ақл идрок билиш фаолиятига алоқадор камчиликларга аксари нотўғри тарбия натижасида пайдо бўлган хислатлар ҳам қўшилиб пировард натижасида шахснинг ривожланиши издан чиқади, унда патологик хислатлар юзага келади. Ана шундай болаларни педагогик қаровсиз болалардан ажрата олиш лозим. Педагогик қаровсиз болаларнинг психикаси нормал бўлиб, улар нотўғри тарбияланганлиги натижасида улгурмовчи ўқувчилар қаторига ўтиб қоладилар. Холбуки РСР болаларда шахсиятнинг ҳар томонлама нотўғри ривожланиши марказий нерв системасидаги енгил даражадаги органик жароҳатланиш билан боғлиқ.

РСРнинг энг мураккаб ва кенг тарқалган психоген шаклида бош миyaning касаллигига, яхши етилмаганлигига алоқадор ўзгаришлар кузатилади. Олимларимизнинг берган маълумотларига кўра бундай болаларнинг 50%да нерв системасида органик нуқсонлар бўлади. Бу нарса уларнинг хис – туйғу, иродавий ҳолатлари тараққий этмаганлигига, асосан органик инфантилизм тарзида намоён бўлади. Мияга алоқадор органик инфантилизм иккига бўлиниши мумкин.

1. Кайфияти – рухияти ўзгариб аксари кўтаринки руҳда болалар, уларда ўзларидан ёш болаларга хос ҳусусиятлар сақланган бўлади.

2. Кўпроқ кайфияти паст бўлиб маюс тортиб юрадиган болалар, уларда вазифани мустақил ҳал қила олмаслик, ташаббус кўрсата олмаслик, кўрқиш ҳолатлари кузатилади.

Мияга алоқадор органик характердаги яна шу икки хил инфантилизм кўп ҳолатларда қатор қўшимча ходисалар билан бирга давом этади. Буларга қуйидагилар киради:

1. Церебрал-эндокрин инфантилизм. Бунда асосан ички секреция безлари фаолияти бузилган бўлади. Натижада болаларда хис-туйғулар яхши ривожланмай невропатия ҳолатлари юзага келади. Боланинг уйқуси, иштахаси яхши бўлмайди, дизпенсия ҳолатларига мойиллик пайдо бўлади.

2. Серебрастеник ҳолатлар, булар ҳам тез-тез учраб туради. Марказий нерв системаси тез чарчайди, нейродинамик ўзгаришлар кузатилади. Натижада ақлий қобиляти сусайиб, хотира пасаяди, диққати тарқоқ бўлиб қолади, тез таъсирланиш, қиз болаларда йиғлоқилик, ўғил болаларда ҳаддан ташқари қўзғалувчанлик кузатилади, бола иш қобиляти паст, арзимаган нарсага тез чарчаيدиган бўлиб қолади.

3. Табиатан неврозга яқин ҳолатлар, булар қоронғидан, яқкаликдан танҳоликдан қўрқиш, ўзи ва атрофидагилар соғлиги учун хавфсираш гиперкинезлар, дудукланиш, энурез, каби ҳодисалар билан бирга ифодаланади.

4. Психомотор қўзғалувчанлик-асосан ўғил болаларда кўпроқ учрайди. Серхаракатлик, диққатнинг тарқоқлиги, тез чалғиш бунга характерлидир.

5. Аффектив ўзгаришлар –кайфияти, рухиятининг айтарли сабабсиз айнаиб туриши, тажовузкорлик қилишга мойил бўлиш билан характерланади.

6. Психопатик ўзгаришлар-ақлий фаолиятга рағбат пастлиги, ўқишга салбий муносабатда бўлиш, ўғрилиқ қилиш, кўпроқ ёлғон гапириш каби салбий ҳислатларни ўз ичига олади.

7. Эпилептик бузилишлар-хар-хил кўринишда тутқаноқ тутиб туриши билан намоён бўлади.

8. Апатик-адинамик бузилишлар-ташаббускорлик пасайиши, ақлий фаолияти сустлиги, ҳаддан ташқари эмотционал бўшанглик билан характерланади.

Рухий ривожланиши суслашганликнинг церебрал шакли мия шикастланишларилари, минингит, минингоинцифалит, гидроцефалия ва бошқа касалликлар натижаси бўлиб ҳисобланади.

РРС ган болаларни ўқиши пасайиб кетади, бироқ бу ҳолат ўз вақтида ва тўғри аниқланса, болаларга тегишли ёрдам ташкил этилса, улар оммавий мактаб дастурини ўзлаштира оладилар.

Рухан ривожланиш камчиликларининг баъзи бир шаклларида, болаларни вақти вақти билан махсус психоневрологик санаторияларда даволаш фойдалидир. Санаторияда бола коллектив ишига аста-секинлик билан жалб этилади. Унда чарчаш аломатлари пайдо бўлганда, у ўқув машхулотларидан вақтинча озод этилади ёки унга соддароқ вазифалар берилади. Санаториядан даволаниб қайтганларидан сўнг, бола ўқишни ўз мактабида давом эттиради.

РРС болалар учун мамлакатимизда махсус мактабгача тарбия муассасалари, мактаб – интернатлар, мактабларда куни узайтирилган синфлар жорий этилган. Ушбу муассасаларда таълим умум ўрата таълим мактаблари ва боғчаларининг дастурлари асосида олиб борилиб, ҳимоялайдиган мулойим даволовчи махсус тартиб ташкил этади. Таълим –

тарбиявий ишлар болаларнинг фқирлаш қобилияти диққати, иш қобилияти, хотираси, нутқи ва тафаккуридаги камчиликларни бартараф этишга қаратилган бўлиб, бундай болаларга билим беришда ўқитувчи унинг ўзига хос индивидуал хусусиятларини этиборга олган ҳолда махсус шароитда, махсус усуллар билан ишлайди, тегишли ёрдам ташкил этади.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги болалар ва ўсмирлар гигиенаси иниситут ходимлари, жумладан Н.П. Вайзман ва бошқа олимларнинг ўтказган илмий текширишлари шуни кўрсатадики, РРС болалар ўзлаштириш жихатидан олганда соғлом ва дебил болалар ўртасида оралиқ ўринда туради. Бу олимлар текшириш вақтида дебил ва РРС болаларга бир хилдаги топшириқларни бериб кўрадилар, шунда нормал соғлом болалар берилган вазифани тўғри тушуниб, уни керакли тартибда бажарган бўлсалар, дебил болалар вазифани тушунмай бажара олмайди, РРС болалар эса худди шундай вазифани қисман тушиниб, қисман бажаради. Демак РРС болалар ақли заиф дебил болаларга нисбатан анча яхши тушунишади ва уларни бажариш учун, уларга керакли имкониятлар мавжуд бўлади. РРС болаларнинг ўзлаштириш қобилияти соғлом тенгқурларига нисбатан паст бўлсада дебил болалардан анча дуруст бўлганлиги учун бундай болаларни ёрдамчи мактабга юбориш нотўғри, чунки ушбу мактаб дастури улар учун соддалик қилади. Оммавий мактаб эса бола учун зарур бўлган шароитни яратиб (махсус сниф тенглаштирувчи сниф очиб) ўз дастурини ўзлаштиришни таминлаш учун махсус ёрдам кўрсатиши лозим.

Боғча тарбиячилари ва бошланғич мактаб ўқитувчилари РРС болаларнинг махсус шароитда таълим – тарбия олишларига ёрдам беришлари керак, уларни ўз вақтида аниқлаб, бошқа болалардан ажиратиб олиб, ота – оналарига мутахасис психоневрологларга мурожаат қилишга маслаҳат беришлари лозим. РРС болалар билан инклюзив меъёردа ривожланган, соғлом тенгдошлари орасида ёки махсус муассасаларда даволаниб, химоя этиш ва рухий фаолиятини ростлашни кўзлаб алоҳида таълим – тарбия ишлари олиб борилади.

Ўз вақтида ва тўғри ташкил этилган ёрдам туфайли ушбу тоифадаги алоҳида ёрдамга мухтож болалар кейинчалик яхши ривожланиб кетиб, мактабни битиргач олий ўқув юртларида ҳам муваффақиятли таълим оладилар.

Назорат саволлари:

1. РРС болалар бошқа аномал болалардан нимаси билан фарқ қилади?
2. РРС болаларнинг қандай гуруҳлари мавжуд?
3. РРС нималардан келиб чиқади?
4. РРС болалар қаерда таълим олишлари керак ва нима учун?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Шоумаров Ғ.Б, Мамедов К.К. “Психик ривожланиши сустлашган болаларнинг психологик хусусиятлари ва дифференциал диагностикаси”. “Ўқитувчи” нашриёти, Тошкент. 1987 йил.
2. Шоумаров Ғ.Б, Мамедов К.К. “Рухий ривожланиши сустлашган болалар ҳақида” “Ўқитувчи” нашриёти, Тошкент. 1999 йил.

1.5. Мавзу: Ҳаракат – таянч аъзолари жароҳатланган болалар ва улар билан олиб бориладиган коррекцион ишлар.

Режа:

1. Ҳаракат – таянч аъзолари бузилган болаларнинг бошқа тоифадаги аномал болалардан фарқи.
2. Ушбу болалардаги нуқсоннинг келиб чиқиш сабаблари.
3. Болалар церебрал фалажлиги.
4. Ҳаракат – таянч аъзолари жароҳатланган болалар билан комплекс ёндашган ҳолда олиб бориладиган коррекцион ишлар.
5. Ҳаракат – таянч аъзолари жароҳатланган болалар билан олиб бориладиган таълим-тарбия ишлари.

Таянч иборалар: (коррекцион, церебрал, фалажлик, ҳаракат-таянч аъзолари)

Ҳар қандай ота – она ўз оиласида соғлом фарзандни, жисмонан бақуват, рухий тетик, фикрлаш қобилияти соғлом, иймон – этиқоди бутун, билимли, маънавияти юксак, мард ва жасур, ҳар томонлама камол топишини истайди.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ Республикамизда соғлом авлодни тарбиялашга катта эътибор берилмоқда. “Баркамол” авлодни тарбиялаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, бу масалага устувор вазифа деб қаралмоқда. Мустақил ватанимизнинг биринчи ордени “Соғлом авлод учун” деб аталган, “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия жамғармасининг тузилганлиги. 2000 йилни “Соғлом авлод йили”, 2001 йилни “Она ва бола йили” деб элон қилинганлиги фикримизнинг далилидир. Президентимиз томонидан “Соғлом авлод” руқундаги, махсус ёрдамга муҳтож бўлган болаларни соғломлаштириш, уларни соғлом кишилар қаторига қўшиш, ижтимоий моддий жихатдан химоялаш, меҳнатга, ижтимоий ҳаётга

мослаштириш масалаларига доир қатор қарорлар, ҳужжатлар чиқарилмоқда, қабул қилинмоқда.

Республикаimizда сўнги пайтларда болаларнинг соғлом туғилишини таъминлаш, аномалияларни олдини олиш ҳамда жисмоний ёки рухий ривожланишда камчиликлари бўлган болаларни эртароқ аниқлаш чора – тадбирлари устида талайгина ишлар амалга оширилмоқда. Бу масалани тез ва самарали ҳал бўлишини таъминлаш мақсадида онанинг хомиладорлик давридан бошлаб, то бола вояга етгунга қадар унинг ривожланиши тиббиёт ходимлари, ўқитувчи ва тарбиячилар, психолог, дефектологлар томонидан назорат қилиниб, “Соғлом авлод” дастурини тўғри амалга оширилишини таъминлаш чора – тадбирлари ишлаб чиқилмоқда, ташкил этилмоқда. Натижада, ҳаракат – таянч аъзолари жароҳатланган болалар ҳам аниқланиб, уларга махсус ёрдам кўрсатилмоқда. Ҳаракат – таянч аъзолари жароҳатланган болаларнинг кўпчилигига ногиронлар аравачалари олиб берилганлиги сабабли, улар боғча ва мактабларга қатнай бошладилар.

Ҳаракат – таянч аъзолари жароҳатланган болалар церебрал фалажи, полиомиелит (шол касаллиги асорати), ҳаракат таянч аъзоларининг турли туғма ва оттирилган деформацияси – артрогрипос, оёқ қўлларнинг мажрухлиги ахондроплазия ёки хондродистрофия – тана, бўйин, бошнинг нормал ривожланаётган бир пайтда туғма оёқ – қўл суяклари ўсишининг орқада қолиши, миёпатия – мушак тўқималарида модда алмашинуви билан боғлиқ бўлган ирсий касалликда мушаклар яхши қисқармайди, киши қўл – оёқни ҳаракатга келтира олмайди.

Ҳаракат – таянч аъзолари жароҳатланган болаларнинг кўпчилигида мия фалажи кузатилади. БЦФ (Болалар церебрал фалажлиги) касаллиги хали етилмаган, шаклланиб бўлмаган миянинг касаллигидир. Онанинг хомиладорлик даврида маълум касалликлар билан касалланиши, туғилиш вақтидаги патологик ўзгаришлар, туғилгандан то бир ёшгача давр ичида боланинг касалланиши натижасида бош миянинг ҳаракат зоналари шикастланади, унинг натижасида эса миянинг яхлит етилиши кечикади ва бузилади. Оқибатда боланинг умумий ҳамда нутқий моторикаси (ҳаракатчанлиги) фаолияти бузилади. Нутқнинг ривожланмаслиги эса, интеллектуал ривожланишни секинлаштиради. Киши организмнинг асосий функциялари – нафас олиш, қон айланиш, ютиниш, тана ҳаракати, нутқий ҳаракатлар ва бошқалар ҳаракат орқали мушакларнинг қисқариш натижасида содир этилади. Ҳаракатлар ихтиёрий ва ихтиёрсиз бўлади. Аниқ мақсадни кўзлаб бажарилган ихтиёрий ҳаракатлар инсон хатти ҳаракати, ҳиссий – иродавий қобилияти, билиш фаолиятини, ҳулқнинг шаклланишида асосий рўл ўйнайди.

Назорат саволлари:

1. Ҳаракат таянч аъзолари жароҳатланган болалар нима учун аномал болалар категориясидан бири сифатида ўрганилади?
2. Нима учун болаларнинг ҳаракат таянч аъзолари жароҳатланади?

3. Ҳаракат таянч аъзолари жароҳатланган болалар билан олиб бориладиган таълим-тарбия ишларининг ўзига хослиги нимада?
4. Мужассам нуқсонли болалар категорияси бошқа аномал болалардан нимаси билан фарқ қилади?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. К. А. Семенова, М.М. Махмудова “Медицинская реабилитация и социальная адаптация больных детским церебральным параличом” Ташкент 1979 йил.

1.6. Мавзу: Мужассам нуқсонли болалар ва улар билан олиб бориладиган педагогик коррекцион ишлар мазмуни.

Режа:

1. Ҳаракат – таянч аъзолари жароҳатланган болалар аномал болалар тоифасидан бири сифатида.
2. Боланинг ҳаракат – таянч аъзолари жароҳатланишининг сабаблари.
3. Ҳаракат – таянч аъзолари жароҳатланган болалар билан олиб бориладиган таълим-тарбия ишларининг ўзига хослиги.
4. Ҳаракат – таянч аъзолари жароҳатланган болалар учун дефференциал ва интеграциялашган таълимни ташкил этиш.

Таянч иборалар: (Офтольмологик церебрал, фалажлик, дефференциал, интеграциялашган).

Дунёдаги 500 миллион аҳолининг 10% ногиронлардир. Шулар жумласига мужассам нуқсонли аномал болалар ҳам киради. Мужассам нуқсонли аномал болаларда бир неча нуқсон биргаликда кузатилади. Улар комплексли нуқсонли болалар категорияси деб ҳам номланади. Оналар ва болалар саломатлигини яхшилаш, ногиронликнинг олдини олиш, экологик мувозанатни янада барқарорлаштириш юзасидан мамлакатимизда мустақиллигимизнинг биринчи куниданоқ мунтазам амалий ишлар олиб борилмоқда. Республикада касал болалар туғилиши кўрсаткичи минг аҳолига нисбатан 1991 – йилдаги 34,5 дан 2000 – йилда 21,4 га камайди. Демак, ҳали ҳам бу борада кўпгина ишлар олиб борилиши лозим. Аёллар, айниқса қизлар орасида учрайдиган чекиш, спиртли ичмликлар ичиш, наркотик моддалар қабул қилиш, шифокор маслаҳатисиз дори – дармонлар қабул қилиш, экологик муаммолар ва бошқа ҳолатлар ногирон болалар туғилишига сабаб бўлаётганини ва уни олдини олиш боасида кўпроқ балоғат ёшидаги йигит – қизлар орасида тушунтириш ишлари кенг тарзда олиб борилиши мақсадга мувофиқдир. Олимлар томонидан аниқланган 400 дан ортиқ дори – дармонлар хомила ривожланишига (дастлабки 1 – 2 ойлар) салбий таъсир этади.

Мужассам нуқсонли махсус ёрдамга мухтож тоифасига кар – кўр - соқов болалар, кар ва ақли заиф, кўр ва олигофрен, ҳаракат – таянч аъзолари жароҳатланган ва кўр ёки ақли заиф ҳамда хоқозолар кирадилар.

Охирги йилларда кўр ва заиф кўрувчи болалар сони анча камайди. Офтолмалогик юутуқлар, эрта диагностиканинг янги усуллариининг қўлланилиши, кўриш органлари касалликларини даволаш ва коррекция қилиш натижасида махсус мактаб ўқувчиларининг контингенти сезиларли даражада ўзгарди. Кўр болалар нисбатан камайди, аммо заиф кўрувчи болалар сони кўпайди. Уларнинг орасида мактаб дастурини ўзлаштира олмайдиган болалар яққол кўрина бошлади. Комплекс, яъни ҳар томонлама текшириш, ўрганиш натижасида уларнинг кўриш қоблятининг бузилиши билан бирга олигофрения типигади ақли заифлик ҳам мавжудлиги аниқланди. Заиф кўрувчи ва ақли заиф бўлган болаларнинг ўқитиш ва тарбиялаш анча мураккаб ва ўзига хосдир. Одатда кўр ва заиф кўрувчи болалар “Брайль” системасида ўқиш ва ёзишни ўрганадилар. Тўғри ташкил этилган таълим натижасида кўр болалар нуқта – релефли шрифтни тез ўрганиб оладилар. Ақли заиф кўр болаларда бу жараён секин кечади. Бунга бир қанча сабаблар мавжуд бўлиб, марказий нерв системасининг органик шикастланиши натижасида ақли заиф кўр боланинг компенсатор имкониятлари суст бўлади. Махсус ташкил этилган ишлар туфайлигина эшитиш анализаторлари компенсатор вазифасини бажаради. Ақли заиф ўқувчиларнинг тафаккури, тасаввури, нутқ фикирлаш қоблятини ривожлантиришда ёрдамчи мактабда кўргазмали куруллардан кенг фойдаланилади. Кўрлар мактабида кўпроқ нутқ сўзга махсус тифлографик кўргазмали курулларга асосланган ҳолда иш юритилса, ақли заиф кўр болалар билан бошқачароқ иш юритилади. Иккала ҳолатда ҳам биринчи новбатда боланинг абстракт тафаккури яхши ривожланган бўлиши керак. Ақли заиф болаларнинг эса билиш фаолияти турғун бузилган бўлади. Ақлан ва заиф кўрувчи болаларнинг таълим тарбиясига махсус ёндашган ҳолда, махсус яратилган тизим асосида ўқитиш ва тарбиялаш лозим.

Мужассам болалардан эшитиш қобляти ва ақли заиф болалар биринчи бўлиб ўрганилган эди. Кар ва заиф эшитувчи болаларда иккиламчи ҳодиса сифатида ақлан заифлик кузатилиб борилади. Натижада интелекти соғлом, эшитиш қобляти заиф болаларни ҳам авли, ҳам эшитиш қобляти заиф болалардан амалда ажратиш анча мушкул, айниқса илк ёшлик чоғларида. Ҳозирги кунда улар учун дифференциал – диагностик меъзонлар ишлаб чиқилган. Ақли ва эшитиш қобляти заиф болалар карлар ёки заиф эшитувчи болалар мактаб интернатларининг ёрдамчи синфларида ёрдамчи мактаб дастури бўйича таълим оладилар. Ёрдамчи синфлар кўрлар ва заиф кўрувчи болалар мактаб интернатлари ҳам мавжуд.

Мужассам нуқсонли болалар тоифасига кўр, кар соқов болалар ҳам киради. Бу тоифадаги болалар нуқсони анча мураккаб. Кар соқов кўр болалар теваарак атрофдан ахборот олиш имкониятидан махрум бўлганлиги туфайли ақлан ривожланмайди. Бироқ махсус ташкил этилган ёрдам туфайли бу болалар тўлиқ интеллектуал ривожланиш имкониятига эгадирлар. Уларга барча мураккаб мулоқат турлари яратилади, нутқи ўстирилади ва улар баркамол

нутқдан тортиб, то сўз нутқиғача эгаллай оладилар. Бу эса уларнинг ўрта мактаб дастуринини эгаллаб, хатто олий ўқув юртларини ҳам бошқалар қатори битиришларига имкон беради.

Назорат саволлари:

1. Ҳаракат таянч аъзолари жароҳатланган болалар нима учун аномал болалар категориясидан бири сифатида ўрганилади?
2. Нима учун болаларнинг ҳаракат таянч аъзолари жароҳатланади?
3. Ҳаракат таянч аъзолари жароҳатланган болалар билан олиб бориладиган таълим-тарбия ишларининг ўзига хослиги нимада?
4. Мужассам нуқсонли болалар категорияси бошқа аномал болалардан нимаси билан фарқ қилади?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. К. А. Семенова, М.М. Махмудова “Медицинская реабилитация и социальная адаптация больных детским церебральным параличом” Ташкент 1979 йил.

II – БОБ. ЛОГОПЕДИЯНИНГ ФАН СИФАТИДА ҚЎЛЛАНИЛИШИ.

2.1. Мавзу: Логопедия фанининг мақсад ва вазифалари

Режа:

1. Логопедия фани ҳақида тушунча.
2. Логопедия фанининг мақсад ва вазифалари.
3. Логопедиянинг аҳамияти.
4. Логопедиянинг бошқа фанлар билан алоқаси.

Таянч сўзлар: (нейропсихоллингвистик, логопедик жараён ва таъсир)

Логопедия бу нутқ бузилишлари ҳақидаги махсус таълим ва тарбия воситасида нутқ бузилишларини ўрганиш, тузатиш ва олдини олиш ҳақидаги педагогик фандир. Логопедия нутқ фаолияти бузилишининг сабаблари, механизмлари, аломатлари, оқимлари таркибини ўрганади. Шунинг учун уни махсус педагогика сарасига қўшадиладар. Логопедия термини грекча **логес, пейдео** сўзларидан ташкил топган бўлиб, таржимада тўғри нутқни тарбиялаш маъносини англатади. Фан сифатида логопедия нутқ нуқсонини тузатиш, нутқий фаолияти заифлашган шахсларни ўқитиш ва тарбиялаш жараёни ҳисобланади. Логопедияни ўрганиш объекти нутқ нуқсонига эга бўлган шахс. Адабий тилда қабул қилинган нутқ нормаси билан бир оз бўлса ҳам четга чиқиш-бу нутқ нуқсони деб ҳисобланади.

Замонавий логопедия структураси мактабгача ёшли мактаб болалар логопедияси, ўсмирлар ва катта ёшдагилар логопедиясига бўлинади. Логопедиянинг асосий **мақсади** нутқида нуқсони бор шахсларни ўқитиш, тарбиялаш ва қайта тарбиялашнинг илмий асосаланган системасини ишлаб чиқиш, шунингдек нутқ нуқсонининг олдини олишдан иборатдир. Логопедия фани нутқида нуқсони бор болаларнинг шахс сифатида ҳар томонлама ривожлан И.П.Павлов таълимотига мувофиқ нутқ бош миянинг мураккаб

психо-физиологик функциясини, унинг иккиламчи сигнал системасини ўзида намоён этади. Биринчи ва иккинчи сигналлар системаси бир-бири билан узвий боғлангандир. Иккинчи сигнал системаси биринчи система асосида шаклланади. Аммо кейинчалик иккинчи сигнал системасининг биринчи сигнал системасига тартибга солувчи таъсири намоён бўлади. Сўз алохида хусусиятнинг сигнали, умумлаштириш қуролидир. Биринчи ва иккинчи сигнал системалари орасидаги ўзаро мураккаб алоқаларни ҳисобга олиш нутқ бузилишини тузатиш, бўзилган нутқ ва нутқсиз функцияларнинг ўрнини босиш устида самарали логопедик иш олиб бориш учун имокният яратади.

Логопедия фанининг қўйидаги вазифаларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- 1.Нутқ бузилишининг турли шаклларида нутқ фаолиятининг онтогенезини ўрганиш.**
- 2.Нутқ бузилишларининг кенг тарқалганлиги, аломатлари ва даражаларини аниқлаш.**
- 3.Нутқий фаолияти бузилган болаларнинг ўз -ўзидан ва бирор мақсадга қаратилган ривожланиш динамикасини, шунингдек нутқий заифликни уларнинг шахс сифатида етишувига, рухий ривожланишига, турли кўринишдаги фаолиятларни намоён қилишга, ўзларини тутишларига таъсирини аниқлаш.**
- 4.Ривожланишида турли хил фарқлар бўлган болаларда нутқнинг шаклланиши ва нутқ бузилишлари хусусиятини ўрганиш.**
- 5.Нутқ бузилишининг келиб чиқиш сабаблари, механизмлари, тузилиши ва аломатларини аниқлаш.**
- 6. Нутқ бузилишларининг педагогик диагностикаси методларини ишлаб чиқиш.**
- 7.Нутқ бузилишларини тартибга солиш.**
- 8.Нутқ бузилишини бартараф этиш принциплари, дифференциаллашган методлари ва воситаларини ишлаб чиқиш.**
- 9.Нутқ бузилишининг олдини олиш методларини такомиллаштириш.**

10. Логопедик ёрдамни ташкил этиш масалаларини ишлаб чиқиш.

Логопедиянинг юқорида кўрсатилган вазифаларида унинг ҳам назарий, ҳам амалий йўналишлари белгилаб берилгандир. Унинг назарий томони нутқ бузилишларини ўрганиш ҳамда уларнинг олдини олиш, аниқлаш, тузатишнинг илмий асосланган методларини ишлаб чиқишдан иборатдир. Амалий томони нутқ бузилишини олдини олиш, аниқлаш ва бартараф этишни ўз ичига олади. Логопедиянинг назарий ва амалий вазифалари бир-бирига чамбарчас боғлангандир. Логопедик жараёни ташкил этиш нутқ бузилишини тўғрилаш билан бир қаторда психофизик нуқсонларни ҳам тугатиш ёки енгиллатиш учун шароит яратади. У педагогик таъсир қилишнинг муҳим мақсади бўлган шахсни ҳар томонлама камол топтириш имконини беради.

Логопедия фан сифатида муҳим назарий ва амалий аҳамиятга эгадир. У тилнинг, нутқнинг социал моҳияти, боланинг нутқи, тафаккури ва бутун рухий фаолиятининг чамбарчас боғлиқлиги билан белгиланади. Нутқ ривожланиши жараёнида билиш фаолиятининг олий шакллари, тушунарли тафаккур қобилиятлари шаклланади. Сўзнинг аҳамияти ўз-ўзидан умумлаштирувчи ҳисобланади ва шу муносабат билан ўзида нафақат нутқ бирлигини, балки тафаккур бирлигини ҳам намоён қилади. Улар айнан ўхшаш эмас ва маълум даражада бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда пайдо бўлади. Лекин боланинг рухий ривожланиши жараёнида мураккаб, сифат жihatдан янги бирлик, нутқий тафаккур, нутқий фикрлаш фаолияти пайдо бўлади. нутқ бузилиши, нутқий муомаланинг чекланганлиги бола шахсининг шаклланишига салбий таъсир кўрсатиши, аслида бўлмаган рухий бузилишларни, ҳиссий-иродавий соҳанинг ўзига хос хусусиятларини келтириб чиқариш, унинг ҳарактеридаги салбий фазилатларнинг ривожланиши учун йўл очиб бериши мумкин. Демак, логопедиянинг аҳамияти боланинг нутқий бузилишини бартараф этиш, шу билан бирга унинг мукамал, ҳар томонлама ривожланишини таъминлашдан иборатдир. Логопедия бошқа фанлар билан чамбарчас боғлангандир.

Шахсга ҳар томонлама таъсир кўрсатиш учун нутқ бузилишини бартараф этиш ва олдини олиш билан омилкорона шу ғулланиш учун нутқдаги нуқсонларнинг аломатларини, уларнинг этиологиясини, механизмлари, нутқ фаолияти бузилиш таркибидаги нутқий ва нутқсиз аломатлар муносабатларини билиш керак. Бу логопедиянинг бошқа фанлар билан алоқасини белгилайди. Системалар ичидаги ва системалараро алоқалар бор. Системалар ичидаги алоқаларга педагогика ҳамда махсус педагогиканинг турли соҳалари: сурдопедагогика, тифлопедагогик, олигофренопедагогика, умумий ва махсус психология билан бўладиган алоқалари киради. Системалараро алоқаларга эса тиббий-биологик ва тилшунослик фанлари ўртасидаги алоқалар киради. Логопедия умумий анатомия ва физиология, нутқ механизмлари, нутқ жараёнининг бош мияда

ташкил этилиши ҳақидаги, нутқ фаолиятида анализаторларнинг кўрилиши ва ҳаракатга келиши ҳақидаги билимлардан фойдаланади.

Логопедия отолоренгология, невропотология, психопотология, олигофрения билан узвий боғлангандир. Жумладан, нутқ ва эшитиш аъзоларининг патологияси нафақат бузилишлар этиологиясини аниқлашга, балки тиббий таъсир кўрсатиш билан бўладиган логопедик ишларни тўғри кўшиб олиб бориш учун ҳам имкон беради. Нутқ бузилишининг кўпгина турлари марказий асаб системасининг органик шикастланиши билан боғлиқ бўлиб, у логопед ва невропотолог-врач ёки психоневрологнинг ҳамкорликда ишлаши билан аниқланиши мумкин.

Логопед нутқ бузилишининг неврологик асосларини билиши, болалар психо-патологияси масалаларини тушуниши керак. Унда олигофрения ва рухий ривожланишнинг тормозланиши ва хис-хаяжонли бузилишларда намоён бўладиган, болалардаги рухий (ривожланишнинг тормозланиши) бузилишларининг энг кўп учрайдиган шакллари ҳақида ҳам тасаввур бўлиши лозим.

Логопедия тилшунослик ва психоллингвистика билан узвий боғланган. нутқ тиллар бирлигининг турли даражаси ва уларнинг амал қилиш қоидаларидан фойдаланишни ҳам назарда тутди. Улар ҳар-хил бузилишларда турлича бузилиши мумкин. Боланинг тил нормаларини ўзлаштириб олиш қонунлари ва изчиллигини билиш логопедик хулосаларни аниқлаштиришга ёрдам беради, логопедик таъсир этиш системаларини ишлаб чиқиш учун зарур бўлади. Нутқни идрок этиш ва унинг самарали турли операцияларни қамраб оладиган мураккаб қурилишга эга бўлган кўп даражали жараёнлардан иборатдир. Нутқ ҳосил бўлиш жараёнининг ҳар бир даражаси, ҳар бир операцияси ўзининг луғатига, бирликларни бирлаштириш синтаксисига эга.

Логопедия умумий, махсус психология ва психодиагностика билан чамбарчас боғлангандир. Логопедия учун боланинг рухий ривожланиш қонуниятларини билиш, турли ёшдаги болаларни психологик-педагогик текшириш методларини билиши муҳимдир. Логопед ана шу методлардан фойдаланиб, нутқ бузилиши турли кўринишларини табақалаштириши ва уларни интеллектуал етишмовчилик, хис-хаяжонли ва ҳаракат жараёнидаги заифлашувлар билан боғлиқ бўлган нутқ бузилишларидан ажрата олади.

Психологик билимлари логопедга нафақат нутқ нуқсонларининг ўзини, балки ундан ҳам олдин болани кўришга, унинг нутқий бузилишининг рухий ривожланишдаги муҳим жихатлар билан бўладиган ўзаро алоқасини умуман тўғри тушунишга ёрдам беради. Бу билан унга турли ёшдаги болалар билан алоқа боғлашга, уларнинг нутқ, нутқидаги ҳалақит берувчи омиллар, хотираси, диққат-эътибори, интеллекти, ўзини эркин ёки хис-хаяжонли тутишларини текширишда маъқул методларни танлаб олишга, шунингдек маълум ёшдаги бола фаолияти устидан логопедик иш олиб боришга кўмаклашади.

Назорат саволлари:

1. Логопедияни фан сифатида таърифлаб беринг.
2. Логопедиянинг предмети, объекти ва аҳамиятини шархланг.
3. Логопедиянинг мақсад ва вазифалари нималардан иборат?
4. Логопедия қайси фанлар билан боғланган?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Хватцев. М. Е. Логопедия Москва 1969 йил.
2. Правдина. О. В. Логопедия. Москва 1969 йил.
3. Филичева. Т. Б, Мўминова. Л. Логопедия. Тошкент 1993 йил.
4. Алмазова. Е. С. Логопедическая работа по восстановлению голоса у детей. 1973 й

2.2. Мавзу: Логопедиянинг методологик асослари.

Режа:

1. Логопедиянинг принципи ва методлари.
2. Логопеднинг шахси.
3. Логопедиянинг тушунчани даражалаш аппарати.

Таянч сўзлар:(системалилик, комплекслилик, эмпирик метод, дунтология қиёсий лангитюдинал праксиметрик усул, дидактик тамоил.)

Нутқ бузилишини ўрганишда ва тузатишда логопедия нутқ ва фикрнинг ўзаро боғлиқлиги ҳақидаги аномал боланинг ривожланишидаги умумий ва махсус қонуниятларнинг ўзаро муносабатлари тўғрисидаги назарий қоидаларга, нутқ ва фаолиятнинг ҳамкорликда ривожланиш ҳақидаги ички ва ташқи омилларнинг ўзаро таъсир ҳақидаги, рухий ривожланишнинг ҳаракатлантирувчи кучлари ҳақидаги назарияга таянади.

Шундан келиб чиқиб, логопедия қўйидаги асосий принципларга таянади: **системалилик, комплекслилик, ривожланиш принципи, нутқ бузилишининг болани психик ривожланишидаги бошқа томонлари билан ўзаро боғлиқ ҳолда қараб чиқиш, фаолиятли ёндашув, онтогенетик принцип, этиология ва механизмларни ҳисобга олиш принципи, нуқсонли нутқнинг бузилиш аломатлари ва тузилишини ҳисобга олиш, умумдидактик ва бошқа принциплар.**

Системалилик принципи тил ҳақида мураккаб функционал система тўғрисидаги тушунчага таянади. Унинг бузилиш компонентлари ўзаро ҳамбарчас алоқада бўлади. Шу муносабат билан нутқни, унинг ривожланиш жараёнларини ва бузилишини тузатишни ўрганиш нутқ қурилиш системасининг барча компонентларига, барча томонларига таъсир этишни

назарда тутати. Ривожланиш принципи, шунингдек боланинг яқин ривожланиш доирасидан урин олган маълум вазифалар, қийинчиликлар босқичларни логопедик иш жараёнига ажратишни ҳам кўзда тутати.

Нутқ бузилишини ўрганиш ва тузатишда дидактик принциплар:

Кўргазмалилик, тушунарлилик, онглилик, яқка тартибда ёндашиш ва бошқалар муҳим ўрин тутати.

Логопедия фани методларини шартли равишда бир нечта гуруҳларга бўлиш мумкин:

1. Ташкилий методлар: киёсий лонгитюдонал, комплексли.
2. Эмпирик методлар: обсервацион, экспериментал, психодиагностик, фаолиятни шунинг билан бир қаторда нутқий фаолиятни ҳам ташкил қилишнинг парасметрик усуллари, биографик метод.
3. Микдор ва сифат анализи бунда олинган маълумотлар ЭХМ ни қўллаган ҳолда машинада ишлаб чиқарилади.
4. Интерпретацион методлар услублар ўрганилаётган ҳодисалар ўртасидаги алоқаларни назарий ташкил қилиш усуллари.

Логопед умумназарий ва махсус ихтисосли билимлар системасини эгаллаган бўлиши керак. Бу билимларнинг мажмуи ва кенглиги унда нуқсонли ривожланишнинг типология ва таркиби, нутқий номукамалликнинг олдини олиш ва уни бартараф этиш усуллари ҳақидаги, рухий педагогик таъсир этиш методлари тўғрисидаги тасаввурларни шакллантиради. Логопед нутқ бузилишларини пайқаб олиши, уларни тузатиш ва бартараф этиш усул ҳамда методларини эгаллаган бўлиши, бундай нуқсонларни олдини олишга доир профилактик ишларни йўлга қўйиши, нутқи заифлашган болаларни мактабгача тарбия ёшида ҳам, мактаб ёшида ҳам она тили бўйича ўқитишнинг махсус методларини қўллай олиши, ғайритабиий нутқли болаларнинг муҳим психик хусусиятларини билиши, уларни тарбиялаш усул ҳамда методларини эгаллаб бўлиши, улардаги олий мия қобиғи фаолиятини тузатиш ва ривожлантириш услубларидан қўллай олиши керак.

Логопеднинг ихтисоси бўйича чуқур билимга эгаллиги дастурларни, мактаб дарсликларини, логопедия бўйича қўлланмаларни билишни ўз ичига олади. Болаларни ўқитиш, тарбиялаш ва уларнинг бузилган нутқлари юзасидан олиб бориладиган ишларнинг самарадорлигига эришиш учун логопеднинг шахси биринчи даражали аҳамият касб этади. У қуйидаги асосий сифатларни ўзида намоён этади: касбига қизиқишлик, болаларни севиш, ўзига ва атрофдагиларга талабчанлик, педагогик ҳаё ва кузатувчанлик, саҳийлилик, камтаринлик, масъулиятлилик, сўзда ва амалда катъийлик, изчиллик.

Логопед илғор тажрибаларини умумлаштириб болаларнинг нутқини тузатишнинг энг яхши воситалари бўйича изланиш олиб бориши керак. У эгаллаб олиши лозим бўлган малакалар кенг ва турличадир: ўқув-билиш,

ўқув-ташкилий, ўқув-педагогик. Бундан ташқари логопеднинг иши деонтология принципларига катъий амал қилишга асосланиши керак.

Педагогик деонтология педагогик этика ва эстетика, педагогик бурчи ва педагогик одоби ҳақидаги таълимотларни ўз ичига олади. Унга амал қилишда педагогдан, логопеддан нутқида камчилиги бор боланинг ота-оналари психологиясини тушуниши ва улур билан бир қаторда қайғуриши талаб қилинади.

Логопед жуда саботли, тадбиркор ва хайрихоҳ, нутқи бузилган шахсга ва унинг ота-оналарига врачнинг беморга ва унинг яқин кишиларига муомаласи каби муносабатда бўлиши, нутқ бузилишларининг оғир жихатлари ва муҳими механизмларни аниқлашда, улар ҳақида олдиндан маълумотлар тўплашда эҳтиёткорлик қилиш, нутқ бузилишларининг ташқи кўринишини улар моҳиятини ҳисобга олиши керак.

Логопед ва болалар муассаси шифокори, логопед ва тарбиячи, логопед ва педагог ўртасида ўрнатиладиган ўзаро тўғри муносабатлар педагогик деонтологиянинг муҳим шarti бўлиб ҳисобланади. Ҳар қандай фаннинг ажралиб чиқиши ва мавжудлигининг мажбурий шarti ундаги ўз тушунчани даражалаш аппаратининг мавжудлигидир.

Логопедияда нутқ нормалари ва унинг бузилиш тушунчасини фарқлаш муҳимдир. нутқ нормаси деганда нутқ фаолияти жараёнидаги тил ишлатилишининг умумий қабул қилинган вариантлари тушунилади.

Нутқнинг нормал фаолияти ҳолатида унинг психофизиологик механизмлари Сақланган бўлади. Нутқ бузилишлари гапирувчи шахснинг маълум тил муҳитида қабул қилинган, нутқ фаолияти нормал ҳолда ишлаётган психофизиологик механизмларнинг заифлашувига боғлиқ ҳолда тил нормаларидан четлашуви билан белгиланади.

Нутқ бузилишлари қуйидаги хусусиятлари билан ажралиб туради:

1. Сўзловчининг ёшига номувофиқлик хусусияти.
2. Шевачилик, нутқий саводсизлик, тил билмасликнинг ифодаси бўлмаган хусусиятлар.
3. Нутқнинг психофизиологик механизмларидаги четлашиш билан боғлиқ бўлган хусусиятлар.
4. Уз-ўзидан йўқолмайдиган, балки мустахкамландиган барқарор хусусиятлар.
5. Нутқ бузилишининг ҳарактерига боғлиқ ҳолда аниқ логопедик таъсир этишни талаб қилувчи хусусиятлар.
6. Боланинг кейинги психик ривожланишига тез-тез салбий таъсир ўтказадиган хусусиятлар.

Нутқнинг тўлиқ ривожланмаганлиги ва нутқ бузилиши тушунчалари бир-биридан фарқ қилади. тўлиқ ривожланмаган нутқда у ёки бу нутқ аъзолари иши ёки умуман нутқ системаси сифат жихатидан энг паст даражада шаклланган бўлади. Нутқнинг бузилиши нутқ фаолияти механизмларининг нутқ фаолияти механизмларининг ишлаши жараёнида

бузилишдан, нормадан олишдан иборат бўлади. нутқнинг тўлиқ ривожланмай қолиши деганда ҳозирги логопедияда нутқий нотекисликнинг шундай турли шакли тушуниладики, унда барча нутқ компонентларининг шаклланиши бузилган бўлади. Шундай қилиб, нутқ ривожланишининг бузилиши ва нутқ ривожланишининг тухтаб қолиш тушунчалари бир-биридан фарқланади.

Нутқ онтогенези жараёнини кўрсатувчи нутқ ривожланишининг бузилишидан фарқлироқ, нутқ ривожланишининг тухтаб қолиши, бу суръатнинг секинлашувини билдиради. Нутқнинг бузилиши **аломати** бу нутқий фаолиятнинг қандайдир бузилиш белгисидир. Нутқий бузилиш аломати бу нутқий фаолият бузилишининг белгилари мажмуидир. нутқ бузилиши механизмлари деганда нутқий фаолият бузилишининг пайдо бўлиши ва ривожланишининг шарт қилиб қувувчи жараён ва операцияларнинг бажарилишидан четлашиш характери тушунилади.

Нутқ бузилишининг **патоинези** бу нутқий фаолиятда бузилишларнинг пайдо бўлиши ва ривожланишига сабаб булувчи патологик механизмдир. нутқий нуқсон деганда маълум нутқ бузилишининг нутқий ва нутқсиз аломатлари ҳамда уларнинг боғланиш характери мажмуи тушунилади. нутқ бузилишларини бартараф этишда шундай тушунчалар қўлланилади: логопедик таъсир этиш, тузатиш ўрнини тузатиш, ривожлантириш, ўқитиш, тарбиялаш, қайта тарбиялаш, тузатиш-тарбиялаш орқали ўқитиш ва бошқалар.

Логопедик **таъсир** нутқий фаолият бузилишини тузатиш, нутқи бузилган болани тарбиялаш ва ривожлантиришга йўналтирилган жараёни ўз ичига олади. нутқ бузилишини тузатиш- нутқ бузилиши аломатини тўғрилаш ёки енгиллаштиришдир. Компенсация организмнинг қандайдир ҳаракатларининг йўқолиши ёки бузилиши ҳолларидаги психологик функцияларни қайта кўришнинг кўп қиррали, мураккаб жараёнини намоён қилади. Тўлиқ шаклланмаган ва бузилган нутқли ҳамда нутқсиз ҳаракатларнинг ривожланиши ва тикланиши логопедик таъсир этишнинг махсус системасидан қўлланиш асосида амалга ошади.

Бу жараёнда **компенсация** шаклланади. Ўқитиш икки томонлама бошқариладиган жараёндир. У болаларнинг билим, малака ва кўникмаларни ўзлаштириш борасидаги фаол билим фаолиятини, бу фаолият устидан педагогик раҳбарликни амалга оширишни ўз ичига олади. Ўқитиш жараёни узвий бирликдаги таълим бериш, тарбиялаш ва ривожлантириш вазифаларини бажаради.

Тарбиялаш жамият эҳтиёжларига мувофиқ равишда шахснинг ёки унинг алоҳида сифатларининг шаклланиш жараёнини мақсадга йўналтирилган ҳолда узлуксиз, ташкилий тарзда бошқариш демакдир. Қайта тарбиялаш жараёнида нутқий фаолияти бузилган кишиларнинг ўзига хос муҳим хусусиятларини тузатиш ишларини амалга оширилади. Логопедик **таъсир** нутқ бузилишларини бартараф этишга, тўғрилашга ҳам, нутқсиз бузилишларнинг салбий аломатларини йўқотишга ҳам қаратилган бўлиши мумкин.

Назорат саволлари:

1. Логопедиянинг методологик асослари, унинг принципи ва методларини очиб беринг.
2. Логопед шахсига таъриф беринг.
3. Логопедия фанининг асосий тушунчани даражалаш апаратини таърифланг.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. П.М. Пўлатова “Олигофренопедагогика” Тошкент 2005 йил.
2. В.С. Рахманова “Махсус педагогика” Тошкент 2004 йил.
3. Выготский.Л.С. «Проблема у отсталости» Москва 1956 йил.
4. Под ред. Дульнева. Г.М.»Коррекционная роль обучения в школе»М.1971 й.
5. М. Аюпова “Логопедия” Тошкент, 2007 йил.
6. М. А. Павалёва “Справочник логопеда” Ростов-на-Дону, 2007 год.
7. Алмазова.Е.С. Логопедическая работа по восстановлению голоса у детей.
8. Правдина.О.В. Логопедия 1969 йил

2.3. Мавзу: Нутқ бузилишларининг сабаблари ва уларни коррекциялашда олиб бориладиган логопедик ишлар.

Режа:

1. Болалардаги нутқий нуқсонларнинг асосий сабаблари.
2. Органик ҳарактердаги нутқ бузилишлари.
3. Функционал ҳарактердаги нутқ бузилишлари.

Таянч сўзлар:(Эволюцион динамик, асфиксия, нейроинфекция, диспансеризация, наслий факторлар, ижтимоий омил, жароҳатланиш.)

Болалардаги нутқ бузилишининг юзага келтирувчи сабаблар ичида ташки (экзоген) ва ички (эндоген) омиллар, шунингдек атроф-муҳитнинг ташки шароитлари фарқ қилинади. Нутқий нуқсоннинг турли сабабларини кўриб чиқишда эволюцион-динамик ёндашилади. Бу нуқсоннинг юзага келиш жараёнини таҳлил қилишдан, аномал ривожланишнинг умумий қонуниятларини ҳисобга олишдан иборатдир. Шунингдек боланинг теvarак-атрофидаги шароитни алоҳида ўрганиш талаб қилинади.

Психик жараёнларнинг шаклланишида биологик ва социал жараёнларнинг бирлиги принципи нутқий системанинг ривожланишига-нутқий муҳит, муомала, эмоционал алоқа ва бошқа факторларнинг таъсирини аниқлаш имконини беради. Эшитиши нормал бўлган боланинг кар-соков ота-она кулида тарбияланувчи, сурункали касал бўлиб, тез-тез касалхоналарда даволанувчи болаларда нутқнинг ривожланмай қолиши, оилада узок вақт давом этувчи рухий (ривожланмай қолиши) шикастланиш ва икки тиллик болада дудуқланишни юзага келтиради.

Болалардаги нутқий нуқсонларнинг асосий сабаблари:

1. Эмбрион ривожланиш давридаги турли хил потологиялар.
2. Хомиладорлик вақтидаги токсикозлар, вирусли, эндокрин касалликлар, жароҳатлар, қоннинг резус факторга мос келмаслиги.
3. Туғруқ вақтидаги шикастланиш ва асфикция.
4. Бола ривожланишининг биринчи йилидаги бош мия касалликлари.

5. Миянинг чайкалиши билан бирга содир бўладиган бош мия жароҳатлари.

6. Наслий факторлар. Бундай ҳолларда нутқ бузилишлари умумий нерв система бузилишларининг бир қисмини ташкил этиб, интеллектуал ва ҳаракат камчиликлари билан бирга кузатилади.

7. Ижтимоий маиший шароитнинг ёмонлиги. Бу ҳолат микросоциал педагогик қаровсизликка, вегетатив дисфункцияга, эмоционал иродавий муҳитнинг бузилишларига ва нутқнинг ривожланмай қолишига сабаб бўлади. Юқорида кўрсатиб ўтилган сабаблар, айрим ҳолларда уларнинг биргаликда қўшилиб келиши нутқнинг турли томонларининг бузилишига сабаб бўлиши мумкин.

Ҳамма нутқ бузилишлари келиб чиқишига кўра икки гуруҳга бўлинади:

1. Органик ва функционал ҳарактердаги нутқ бузилишлари.

Органик нутқ бузилишлари уз навбатида маълум жойнинг зараланишига кўра марказий ва периферик ҳарактерда бўлади.

Марказий бузилишлар: Марказий нерв тизимини у ёки бу қисмларининг бузилиши, зарарланиши натижасида келиб чиқади. Марказий ҳарактердаги органик нутқ бузилишларига: **алалия, афазия, дизартрия** нутқ камчиликлари киради.

Периферик бузилишлари: артикуляцион аппаратнинг нотўғри бузилиши ва периферик нерв артикуляцион органлар инервациясининг бузилишидан келиб чиқади. Периферик ҳарактердаги органик нутқ бузилишларига дислалия, дудукланиш каби нутқ нуқсонлари киради. Периферик ҳарактердаги нутқ бузилишларига: **ринолалия, прогнатия, прогения** киради. Функционал бузилишлар бунда нутқ жараёнида иштирок этадиган аъзолар тузилишида ҳеч қандай ўзгаришлар бўлмайди.

Функционал ҳарактердаги нутқ бузилишларига дислалия, дудукланиш каби нутқ нуқсонлари киради. Турли нутқ бузилишларини ривожланишини олдиндан аниқлаш катта аҳамиятга эгадир. Агарда боланинг нутқий нуқсони мактабга келган вақтида илк бор аниқланса, у ҳолда уни тузатиш қийинчиликлари тузатилиб, узлаштиришга салбий таъсир кўрсатади. Агарда боланинг нутқ нуқсони мактабгача ёки ясли ёшида аниқланса, тиббий ва педагогик тузатиш мактабда тўла қонли таълим олиш имконини беради. Ривожланишида камчиликлар бўлган болаларни эрта аниқлаш ишлари биринчи навбатда оилавий мухити яхши бўлмаган оилада кузатилади. Бундай оилаларга қуйидагилар киради:

1. У ёки бу нуқсонга эга бўлган болалари бор оилалар.
 2. Ота-оналарнинг бирида ёки иккаласида физиологик эшитиши бузилган, акли заифлик, шизофрения касаллиги бор оилалар.
 3. Хомиладорлик вақтида юқумли касалликлар, оғир токсикоз ўтказган аёл бор оилалар.
 4. Эмбрионлик даврида гипоксияни, туғруқ вақтида асфексия, жароҳат ёки нейроинфекцияни бошидан кечирган, ҳаётнинг биринчи ойларида бош мия жароҳатлари олган бола бор оилалар.
- Бизнинг Республикамизда она ва бола

соғлигини сақлаш борасида узлуксиз равишда чоралар кўрилмоқда. нуткий ривожланишдаги нуқсонларнинг олдини олишда туғилиш вақтида шикастланган болаларни диспансеризацияси муҳим рол ўйнайди.

Назорат саволлари:

1. Нутқ нуқсонларининг асосий сабабларини таърифланг.
2. Нутқ бузилишлари шароитларига таъриф беринг.
3. Нутқ бузилишларининг сабаби сифатида омилларни таърифланг.
4. Нутқ бузилишларининг пайдо бўлишида ирсий омиллар.
5. Нутқ бузилишларининг пайдо бўлишида ижтимоий омиллар.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. П.М. Пўлатова “Олигофренопедагогика” Тошкент 2005 йил.
2. В.С. Рахманова “Махсус педагогика” Тошкент 2004 йил.
3. Выготский.Л.С. «Проблема у отсталости» Москва 1956 йил.
4. Под ред. Дульнева. Г.М.»Коррекционная роль обучения в школе»М.1971 й.
5. М. Аюпова “Логопедия” Тошкент, 2007 йил.

2.4. Мавзу: Мактабгача тарбия ёшидаги болалар нутқининг ривожланиш хусусиятлари.

Режа:

1. Болалар нутқининг ривожланиш давлари.
2. Тайёргарлик ва боғчагача бўлган давр.
3. Мактабгача ва мактаб даври.
- 4.

Таянч сўзлар: (нутқ. бўғин. талаффуз. Тафаккур. Шароит.)

Боланинг нутқи катталар нутқи асосида ривожланиб боради. нутқнинг тўғри шаклланиши атрофдагилар нутқи, нуткий тажрибага, тўғри нутқ мухити ва таълим-тарбияга боғлиқ. Нутқ туғма қобилият эмас, балки хаёт давомида боланинг жисмоний ва ақлий ривожланиши билан бир каторда шаклланиб боради. нутқ бузилишларини ўрганиш, тушуниш учун бола нутқининг нормал ривожланиш йўлини, бу жараённинг ўзига хос хусусиятларини, нутқнинг муваффақиятли шаклланишида катта рол ўйновчи шароитни билиши лозим. Бундан ташқари бола нутқининг ривожланиш жараёнидаги ривожланиш даврини аниқ билиш зарур. Бу эса нутқнинг ривожланиш жараёнидаги у ёки бу камчиликларни ўз вақтида билиш ва аниқлаш учун керак бўлади. Масалан, 1 ёш 4 ойлик бола гапирмаяпти.

Педагог боланинг нормал ривожланишида биринчи сўзлар қачон пайдо бўлишини билса, у ҳолда бу боланинг нормал ёки ноноормал ривожланаётганини ҳал қила олади. Бола нутқининг ривожланиш хусусиятларини билиш, нутқ бузилишларига тўғри диагноз қўйиши учун ҳам зарурдир. Баъзи мутахассислар уч ёшли боланинг товуш талаффузидаги камчиликларни бартараф этиш учун уни логопед қабулига юбордилар. Шу тўғрими? Йўқ, албатта. Чунки, нутқи нормал

ривожланаётган болага ҳали бу ёшда баъзи бир товушларни нотўғри талаффузуз этиш хос бўлади. Бу кўриниш **физиологик дислалия** деб аталиб, бу ёшдаги болаларда артикуляция аппаратининг ҳали етарли даражада шаклланмаганлигини билдиради. нутқ камчиликларини бартараф этишда тўғри ва аниқ тарбиявий-тузатиш иш режасининг тузиш учун бола нутқининг ривожланиш қонуниятларининг яна бир қарра билиш зарур ҳисобланади.

Муаллифлар бола нутқининг шаклланиш давларини турлича кўрсатадилар, уларни ҳар-хил номлайдилар ва ҳар бирининг ёш чегараларини турлича ифодалайдилар. Г. Л. Розенград-Пупко болада нутқ ривожланишни 2 даврга ажратади: 1. Тайёрлов даври. (2 ёшгача бўлган давр) 2. нутқнинг мустақил шаклланиш даври. А.Н. Леонтев бола нутқининг шаклланишини 4 даврга бўлиб кўрсатади:

1. Тайёргарлик даври- 1 ёшгача.
2. Боғчагача бўлган давр- 3ёшгача.
3. Мактабгача бўлган давр- 7 ёшгача.
4. Мактаб даври.

Бу давларнинг тўлиқ тавсифи устида тўхталиб ўтамиз. Шундай қилиб, **Биринчи давр-тайёргарлик даври.**

Бола туғилган дақиқадан бошлаб овоз чиқаради. Бу овоз қичқирик ва йиғидан иборат бўлади. Тўғри, бу овоз одам нутқидан узоқ. Лекин, ана шу қичқирик ва йиғи нутқ аппаратининг 3 бўлимини (нафас олиш, овоз ҳосил бўлиш, артикуляция) ривожланишда катта рол ўйнайди. Икки ҳафта ўтгач, бола гапираётган одамнинг овозига эътибор бера бошлайди. Унга гапираётганда қулоқ солади, йиғлашдан тўхтайди.

Бир ойлигининг охирига бориб, уни майин кўшиқ (**АЛЛА**) остида тинчлантириш мумкин бўлиб қолади. Кейинчалик у бошини гапираётган одам томонга буради ёки уни кўзлари билан кузатади. Тез кунда бола интонацияга эътибор бера бошлайди: майин гапирганда тинчланади, кескин интонацияга йиғлайди. Икки ойлик атрофида гу-гулаш, уч ойликнинг бошида буғинларнинг талаффузузи пайдо бўлади.(ага-ага, та-та, ба-ба ва бошқадар)

Бунда товушлар бирикмаси аниқ артикуляция қилинмайди. Бола беш ойлигида товушларни эшитади. Атрофдагиларнинг лаблари артикуляция ҳаракатини кўриб, унга тақлид қилишга ҳаракат қилади. Боланинг қандайдир аниқ ҳаракатларни кўп маротаба такрорлаши ҳаракат кўникмасининг мустаҳкамланишига олиб келади. Олти ойлигидан бошлаб бола тақлид қилиш орқали баъзи буғинларни талаффузуз эта бошлайди: на-на-на, бе-бе-бе, да-да-да, па-па-па ва бошқалар. Кейинчалик бола тақлид қилиш орқали нутқнинг хилма-хил элементларини аста-секин ўзлаштира бошлайди. Бунда бола нафақат фонемаларни, балки нутқнинг суръат, ритм, тон, мусиқавийлиги, ифодалилигини ўзлаштиради.

Иккинчи ярим йилликда бола баъзи бир товушлар бирикмасини идрок қила бошлайди ва уларни предметлар ёки ҳаракатлар билан боғлайди. (бу, ма, бей).Бола етти - тўққиз ойлигида катталар кетидан турли хил буғинларни қайтара бошлайди. Ўн – ўн бир ойлигида сўзларнинг ўзига реакция пайдо бўла бошлайди. (вазият ва гапираётган кишининг интонациясидан қатъий

назар) Бу вақтда бола нутқи шаклланаётган шарт-шароитлар муҳим аҳамият касб эта бошлайди. (катталарнинг тўғри нутқи ва катталарга тақлид қилиш ва хакозолар). Бола ҳаётининг биринчи йилининг охирига келиб унда нутқий алоқада бўлиш эҳтиёжи ўсиб боради. У бир нимани олишни, сўрашни айтишни хоҳлайди. Бу эҳтиёж боланинг бутун фаолиятида иштирок этади ва унда актив нутқнинг пайдо бўлишини белгилаб беради. Бир ёшнинг охиридан бошлаб болада актив нутқ ривожлана бошлайди. Биринчи сўзлар пайдо бўлади.

Иккинчи давр-боғчагача бўлган давр. (1 ёшдан 3 ёшгача)
Болада биринчи сўзлар пайдо бўлгандан сўнг таёрлов даври тугаб актив нутқни эгаллаш даври бошланади. Бу вақтда бола атрофдагилар артикуляциясига эътибор беради. У гапирётганлар орқасидан сўзларни кўп маротаба такрорлайди ва ўзи ҳам сўзларни талаффузуз қилади. Талаффузуз вақтида бола баъзи товушларни нотўғри талқин этади, ўрнини алмаштиради ёки ўз нутқида қўлламайди. Бу вақтда бола бир сўз ёки товушлар бирикмаси билан предметни ҳам, илтимосни ҳам, хис-туйғуни ҳам ифодалаши мумкин. Бола ҳаётининг 2-3 йилига келиб, унинг луғат бойлиги сезиларли даражада бойиб боради. Шунини таъкидлаш керакки, кўпгина хилма-хил тадқиқотчилар бола сўз бойлигининг ўсиб боришида турли рақамли маълумотларни кўрсатадилар. Энг кенг тарқалган маълумотга кўра, болаларнинг луғат бойлигини боғчагача бўлган даврда ўсиши қуйидаги рақамларни кўрсатади:

1 ёш 6 ойда 10-15 та, 2 ёшнинг охирига келиб 300 та, 3 ёшда 1000 та сўз.
Бола ҳаётининг учинчи йилига келиб, нутқнинг грамматик томони шакллана бошлайди. Аввал бола ўз хохиши ва илтимосларини ҳар бир сўз билан ифодалайди. Кейинчалик 1-2 та сўздан иборат содда жумлалар пайдо бўла бошлайди.

Учинчи давр- мактабгача бўлган давр. (3 ёшдан 6 ёшгача).

Мактабгача бўлган даврда болалар биринчи навбатда артикуляцион жихатидан осон талаффуз этиладиган: лаб-тил ундошлари (**п, б, м, ф, в**) ва бошқаларни ўргана бошлайдилар. Артикуляцион жихатидан талаффузуз этиш қийин бўлган: шивирловчи, сирғалувчи (**с, з, ш, ж, ч**) ва сонор (**р, л**) тил орқа (**к, г**) товушларни талаффузини эгаллашга қийналадилар. Шунинг учун болалар бу товушларни нутқда нотўғри қўллайдилар ёки талаффузуз этмайдилар. 3-7 ёшгача бўлган даврда болаларда эшитиш малакалари ривожланиб боради, бу эса боланинг ўзи талаффузини назорат қилишга имконият яратади. Баъзи ҳолларда болалар ўз камчилигини тўғрилайдилар. Уларда фонематик идрок шаклланиб боради.

Бу даврда луғат бойлигининг ўсиши давом этади. Боланинг 4-6 ёшида унинг актив луғати **3000-4000** та сўзгача етади. Луғат бойлиги ўсиб бориши билан биргаликда нутқнинг грамматик томони ҳам ривожланиб боради. Бола ҳаётининг 4-йилига келиб, улар ўз нутқларида содда ва мураккаб гапларни қўллай бошлайдилар. 5 ёшга келиб эса қўшма гаплардан эркин фойдалана оладилар. 5 ёшли болалар қўшимча саволларсиз хикоя ва

эртактларни айтиб бериш қобилиятига эга бўладилар. Бу даврда фонематик идрок сезиларли даражада ривожланади.

Бола аввал унли ва ундошларни, сўнг сонор, шовқинли ва сирғалувчи товушларни ажрата бошлайди. Нормада 4 ёшли бола барча товушларни ажрата олиши, унда фонематик идрок шаклланган бўлиши лозим. Бу вақтга келиб, товушларни тўғри талаффуз ўзининг шаклланиши тугалланади ва бола ҳар томонлама тўғри аниқ гапира олади.

Туртинчи давр-мактаб даври (7 ёшдан 17 ёшгача). Бу даврнинг ўзига хос томони шундаки, болалар нутқининг ривожланиши олдинги даврларга нисбатан онгли равишда рўй беради. Бу даврда болалар товушлар анализи, нутқнинг грамматик қонуниятларини эгаллайдилар. Бу даврда нутқнинг янги тури ёзма нутқ етакчи рол ўйнайди. Грамматик конструкциялар ҳам мураккаблашиб боради, чунки, агар, қачонки каби боғловчиларни ишлата бошлайдилар. Бу боланинг тафаккур жараёнлари мураккаблашиб бораётганлигини ва бу нутқда ўз ифодасинин топаётганлигини кўрсатади. Бола нутқининг ривожланиш жараёни ўз вақтида тўғри кечиши учун махсус шароитлар зарурдир. Бунинг учун: бола рухий ва жисмоний жихатидан соғ бўлиши, нормал ақлий қобилиятга эга бўлиши нормал эшитиш ва кўриши, етарли даражада рухий активликка эга бўлиши, гаплашиш эҳтиёжига эга бўлиши, тўғри нутқ мухитига эга бўлиши лозим. Болада нутқнинг нормал ривожланиши, унга доимо янги тушунчаларни ўзлаштириб олишга, теварак-атроф ҳақидаги билим ва тасаввурларини кенгайтиришга имконият яратади. Шундай қилиб, нутқ, унинг ривожланиши тафаккурнинг ривожланиши билан узвий боғлиқдир.

Назорат саволлари:

1. Бола нутқининг ривожланиши неча даврни ўз ичига олади? Унинг моҳияти нимадан иборат?
2. Мактабгача даврда бола нутқининг ривожланиш хусусиятлари нималардан иборат?
3. Мактаб даврида бола нутқининг қайси томонларини ўзлаштиради?

Фойдаланилган адабиётлар:

- 1 Розенград-Пупко Г.А. «Реч и развитие воспитания в раннем возрасте» М 1963 й.
- 2.Фомичева Т.Б» Воспитание у детей правильного произношения» Москва 1987 йил.
3. П.М. Пўлатова “Олигофренопедагогика” Тошкент 2005 йил.
4. В.С. Рахманова “Махсус педагогика” Тошкент 2004 йил.
5. Выготский.Л.С. «Проблема у отсталости» Москва 1956 йил.
6. Под ред. Дульнева. Г.М.»Коррекционная роль обучения в школе»М.1971 й.
7. М. Аюпова “Логопедия” Тошкент, 2007 йил.

III – БОБ. НУТҚ БУЗИЛИШЛАРИ ВА УЛАРНИ ПЕДАГОГИК КОРРЕКЦИЯЛАШ.

3.1. Мавзу: Дислалия нутқ бузилиши ва уни коррекциялаш.

Режа:

1. Дислалия хақида тушунча.
2. Механик дислалия.
3. Функционал дислалия.
4. Дислалия турлари.

Таянч сўзлар: (Механик дислалия, Функционал дислалия, Прогения, Очик прикус, Прогнатия, Сигматизм, Ротацизм, Ламбдацизм, Мономорф дислалия)

Овоз ва шовқиннинг иштирок этиш даражасига кўра тилдаги фонемалар иккига бўлинади: унли фонемалар ва ундош фонемалар. Унли фонемалар ун найчаларининг тебраниши билан пайдо бўлади. Унли товушларни талаффуз қилганимизда ўпкадан чиқадиган хаво оқими оғиз бўшлиғида бирор дуч келмасдан чиқади. Ундош товушлар унли товушлардан қуйидагича фарк қилади: ундошлар оғиз бўшлиғида пайдо бўлади ва шовқиндан иборат бўлади ёки уларда қисман шовқин қатнашади: ундошларнинг талаффуз ўзида ўпкадан чиқадиган хаво оқими бўғиздаги ун найчаларини баъзан титратиб, баъзан титратмай ўтади: оғиз бўшлиғидаги аъзоларнинг тўсиғига дуч келади.

Бунинг натижасида хаво оқими портлаб ёки сирғалиб чиқади. Кишилар ўртасида муомаланинг асосий воситаси нутқ хисобланади. Инсон нутқ ёрдамида ўз фикрини, хис-туйғуларини изхор қилади ҳамда бошқаларнинг хиссиётларини билиб олади. Демак, нутқ фаолияти алоқа ўрнатиш воситасидир. Инсон нутқи товушлари муайян аҳамиятга эгадир. 4-5 ёшли

болаларнинг кўпчилигида товушлар талаффузи тил нормадагига яқинлашган бўлади.

Айрим болалар товушларни бузиб талаффуз этадилар. Улар бир товушни иккинчи товушдан фарқ қила олмайдилар, айрим товушларни талаффуз ўзда қўллай олмайдилар ёки нутқда бошқа товушларга алмаштирадилар. Бу ҳолатлар дислалия термини билан аталувчи нутқ бузилишларини юзага келишига сабаб бўлади. Дислалия термини грекча сўздан олинган бўлиб, **ДИС-бузилиш, ЛАЛИА - нутқ** деган маънони англатади. Дислалия нутқ бузилишлари орасида энг кўп тарқалган камчиликдир. Ҳозирги вақтда дислалия нутқ аппаратининг инерцияси сақланган ва эшитиш нормада бўлганда товушлар талаффузузидаги камчилик деб талқин этилади. Этиологик белгиларга кўра дислалия 2 турга бўлинади: **механик ва функционал** дислалия.

Механик дислалия периферик нутқ аппаратининг органик бузилиши натижасидир. Тил тагидаги этнинг калталиги механик дислалияга сабаб бўлади. Бу камчилик тил ҳаракатини қийинлаштиради, тил тагидаги этнинг хаддан ташқари калта бўлиши тилнинг юқори томон кўтарилишига им қон бермайди. Бундан ташқари тилнинг хаддан ташқари кичик ва тор бўлиши ҳам дислалияга олиб келади. Бундай ҳолларда тўғри артикуляция қийинлашади. Жағ тузилишидаги камчиликлар прикус нономалликларга олиб келади. Нонормал прикуслар бир неча хил кўринишда бўлади.

Прогнатия-юқори жағ олдинги томони чиққан бўлади. Бунинг натижасида пастки олдинги тишлар юқоридаги олдинги тишлар билан бирлашмайди. Прогения-пастки жағ олдинга чиққан бўлади. Очик прикус-юқори ва пастки жағлар бирлашганда улар орасида оралик масофа қолади. Ёки очик прикус ўнг томонли, чап томонли ва икки томонли бўлиши мумкин. Тишларнинг нотўғри тузилиши ҳам дислалияга сабаб бўлади. Танглайнинг нотўғри тузилиши ҳам товушларнинг тўғри талаффузига ҳалақит беради. Тор, баланд, паст, ясси танглай кўпчилик товушларнинг тўғри артикуляциясига имкон бермайди. Лабларинг калинлиги, ингичка ва кам ҳаракатчанлиги ҳам лаб ва лаб-тиш товушларини аниқ талаффуз ўзига ҳалал беради. Функционал дислалияда периферик нутқ аппаратининг артикуляцион қисмида ҳеч қандай органик бузилишлар, камчиликлар қузатилмайди.

Функционал дислалиянинг кенг тарқалган сабабларидан бири оилада бола нутқини нотўғри шакллантиришидир.

Айрим оилаларда катталар бола нутқига тақлид қиладилар. Болани суйиб, у билан бола тилида сўзлашадилар. Бунинг натижасида болада товушларнинг тўғри талаффуз ўзи кеч ривожланади. Дислалия болаларда тақлид асосида ҳам юзага келиши мумкин. Товушлар талаффузузи ҳали етарли тўғри шаклланмаган кичик ёшдаги болалар билан тили чучук ёки ноаниқ тез шошиб гапирадиган кишилар билан доимо мулоқотда бўлиш бола нутқига таъсир кўрсатади. Кўпинча бола оилада товушларни нотўғри талаффуз этувчи киши нутқига тақлид этади.

Оиладаги икки тиллилик, пндагогик каровсизлик ҳам функционал дислалияга сабаб бўлади. Бунда товушлар талаффузига эътибор бермаслик,

боладаги камчиликларни тўғриламаслик, тўғри ва аниқ талаффуз ўз намуналарини бермаслик холлари кўзда тутилади. Дислалия яна артикуляцион аппарат аъзоларининг ҳаракатчанлигидаги камчиликлар натижасида ҳам содир бўлади. Бу хол боланинг тилни керакли ҳолатда ушлаб тура олмаслиги ёки бир ҳаракатдан иккинчи ҳаракатга тез ўта олмаслигида намоён бўлади.

Дислалия функционал эшитувнинг пасайиши натижасида ҳам пайдо бўлиши мумкин. талаффузузидаги камчиликлар ўз характериға, маълум товушлар гуруҳига тегишли бўлишиға кўра дислалия қуйидаги турларға ажратилади:

1. **Сигматизм.** Бунда сирғалувчи (**с, з, ц**) ва шовқиндан иборат (**ш, ж, ч**) товушлар талаффузузидаги камчиликлар кузатилади. Сирғалувчи ва шовқинли товушларни бошқа товушларға алмаштирилиши **парасигматизм** деб юритилади. Масалан, соат-тоат, жужа- дуда.
2. **Ротацизм** -Р товушининг талаффузузидаги камчиликлардир. Р товушини бошқа товушлар билан алмаштирилиши **параротацизм** дейилади. Масалан, ракета-якета, ром-лом, ручка-цучка.
3. **Ламбдацизм** -Л товушининг талаффуз ўзидаги камчиликдан иборат. Л товушининг бошқа товушларға алмаштирилиши **параламбдацизм** деб юритилади. Масалан, лола-йойа, гал-гуй.
4. Тил орқа товушларидаги камчиликлари: **каппацизм**- к товушининг йўқлиги, **паракаппацизм** к товушининг алмаштирилиши. Масалан, копток-топто, китоб-титоб. **Гамацизм**-г товушининг йўқлиги, **парагаммацизм**- г товушининг алмаштирилиши. Масалан, гул-дул, гилам-дилам. **Хитизм**- х товушининг нутқда йўқлиги, **парахитзм** х товушининг алмаштирилиши. Масалан, хат-тат, хуроз-туроз. **Йотацизм** й товушининг нутқда йўқлиги, **парайотацизм**- й товушининг алмаштирилиши.
5. **Жаранглатиш нуқсонлари**- жарангли ундош товушлар талаффузузидаги камчиликлар. Бу камчиликлар жарангли ундош товушларни жарангсиз ундош товушларға алмаштирилади: **б-п, д-т, в-ф, з-с, ж-ч, г-к** ва бошқалар.

С, З товушлари. Бу товушлар сирғалувчи товушлар гуруҳига киради. Уларнинг талаффуздаги камчиликларни тўғрилаш, юқорида қайд этилганидек, болада бу товушларни эшитиб, уларни бир-биридан фарқлаш малакаларини ривожлантиришдан бошланади, сўнгра артикуляцион машқлар ўтказилади. Кейин эса шу товушларнинг тўғри артикуляцияси ўргатилади. Сигматизмларни бартараф этиш учун камчилик характериға қараб турли методларни қўллаш мумкин.

1. Тишлараро сигматизмни баратараф этишда логопед болага юқори ва пастки тишларни бир-бириға яқинлаштирилиб, тилнинг учини пастки тишлар орқасига қўйиб с товушини талаффуз этишни буюради ва с товуши аниқ эшитилмаса унга ёрдам беради. Бунда логопед зонд ёки шпатель билан тилнинг учини пастки тишлар орқасига босиб туриб, с товушини айттириб кўради. Шунда с товуши аниқ ҳосил бўлади. С товуши аниқ, тўғри ҳосил бўлганидан сўнг з товушинин талаффуз этишға ўтилади. Бунда с товушиға овоз қўшиб айтилса з товуши ҳосил бўлади.

2. Лаб ва тиш сигматизмини бартараф этиш учун логопед болага лабларни юқори ва пастки томонга йўналтиришни ташкил этади. Бунинг учун у боланинг пастки лабини бармоғи билан пастга тортади ва илжайишни буюриб туриб, с товушини талаффуз қилдиради.
3. Тил олди сигматизминин бартараф қилиш учун логопед икки усулдан фойдаланади: а) хаво оқиминин юқори ва пастки тишлар орасидан чиқариш в) тилнинг учини кенг ёйиб юқори ва пастки тишлар орасига олиш ва хаво оқимини чиқариш.
4. Шовқинли сигматизмни бартараф этиш учун юқорида кўрсатиб ўтилган тил олди сигматизмини бартараф этишнинг в пунктидаги усулдан фойдаланиш мумкин.
5. Ён сигматизни бартараф этиш учун эса бир неча усуллар тавсия этилади:
А) логопед ойна олдида тақлид қилиш усули билан болага тўғри товуш талаффузини ўргатади. Бунда асосан тақлид қилиш усулидан фойдаланилади.
Б) логопед механик усулда фойдаланган холда тўғри товуш талаффузини ҳосил қилади. Бунинг учун логопед зонд ёки гугурт чўпи билан тилнинг олдинги қисмини пастга босиб туриб, хаво оқимини чиқаришни буюради, шунда товуш ҳосил бўлади.
В) товушнинг тўғри артикуляциясини ҳосил қилиш учун тишлараро сигматизм ҳосил қилинади. Бунинг учун хаво оқимини тил ўртасидаги ариқчадан чиқаришга уриниб кўрилади, шунда товуш ҳосил бўлади.
6. Бурун сигматизмини бартараф қилишда хаво оқими оғиз бўшлиғидан ўтказилади. Бунинг учун турли уйин машқларидан фойдаланилади. Масалан, бурундан нафас олиб, оғиздан чиқариш, оғиз билан нафас олиб, нафас чиқаришда ёниб турган шамни пуфлаб ўчириш кабилар.

Сирғалувчи товушларда бўлган камчиликлар шовқинли товушларда ҳам учрайди. Бундан ташқари, шовқинли товушлар сирғалувчи товушлар билан алмаштирилади. Масалан, ш товуши с товуши билан, ж товуши з товуши билан алмаштирилиши мумкин. Бундай алмаштириш сирғалувчи сигматизм дейилади. Бундай камчиликларни бартараф қилиш учун қуйидаги усуллардан фойдаланиш мумкин. Ш товушини ҳосил қилиш учун тақлид усулидан фойдаланиш мумкин. Бунда болага тақлид натижа бермаса, механик усулдан фойдаланиш мумкин. Бунда болага с товушини айттириб, шу вақтнинг ўзида махсус зонд ёрдамида тил бир оз юқорига кўтарилиб, орқага бир оз итарилади.

Шу вақтда с товуши ўрнига ш товуши, з товуши ўрнига ж товуши ҳосил бўлади. Қоришиқ ч товушини ҳосил қилиш учун логопед болага ж товушини талаффуз этишни таклиф қилади. Бола товушларни бир неча марта талаффуз этиш вақтида логопед махсус зонд ёрдамида тил учини орқага бироз итиради, шунда ж товушини ўрнига ч товуши ҳосил бўлади. Ч товуши бўғинларда мустахкамлангач, уни сўзларда, шеър ва хикояларда мустахкамлаш тавсия этилади.

Ротоцизмни тузатиш. Р товушининг тўғри артикуляциясини ҳосил қилиш учун кўпчилик ҳолларда тайёрлов машқларидан фойдаланилади. Уларни биз шартли равишда 2 турга ажратишимиз мумкин.

Биринчи тур машқлар тилни керакли тўғри холда ушлаб туришга, керакли ҳолатларга келтиришга қаратилган бўлса, 2 чи тур машқлар тилда тебраниш ҳосил қилишга қаратилгандир.

Р товушини ҳосил қилишда бир нечта усуллардан фойдаланиш мумкин.

1 усул логопед ойна олдида ўтирган болага оғзини катта очишни ва тил учини юқори тиш орқасига кўтариб з товушини талаффуз этишни таклиф этади ва ўзи махсус зонд ёрдамида тил юганчасини тебратиб р товушига ухшаш товушни ҳосил қилдиради.

2 усул логопед р товушини ҳосил қилиш учун болага юқоридаги усулни қўллаган холда ж товушини айттиради ва бунда механик воситалардан фойдаланилади.

3 усул логопед болага бир нафас чиқаришда д товушини баланд овозда айтишни таклиф қилади. талаффуз вақтида боланинг ўзи тилининг учини тепа қаттиқ танглайга урилиб туришини ойна орқали кузатиб туриши лозим. Тил тепа учининг тебраниши натижасида р товуши ҳосил бўлади.

Л товушини ҳосил қилиш учун бир нечта усуллардан фойдаланилади.

1 усул логопед бола билан бирга ойна олдида утириб, унга тилини ясси ҳолатда юқори ва пастки тишлар орасига олишни ва тил учини енгилгина тишлаган холда овоз чиқаришни таклиф этади.

2 усул логопед болага тилни янада ясси ҳолатга келтириб, тишлар орасига олиши ва тил учини енгилгина тишлаб и товушинин талаффуз ўз этишни таклиф этади. Шунда л товуши ҳосил бўлади.

3 усул логопед болага а товушини талаффуз ўз қилишни ва шу захотиёк тилнинг учини кенгёйиб енгилгина тишлашни таклиф этади. Бунда л товуши аниқ ҳосил бўлади ва жумлаларда, шеърларда мустаҳкамланади. талаффуз ўз вақтида к товуши ҳосил бўлмаса каппатизм, г товуши ҳосил бўлмаса гамматизм, х товуши ҳосил бўлмаса хитизм деб аталади.

Каппатизмни тузатиш.

К товушини ҳосил қилишда болага та-та-та бўғинни айтиш таклиф этилади, шу вақтнинг ўзида махсус зонд ёрдамида тилнинг учи босилиб, орқага бир оз итарилади. Бунда тил орқа томон сурилган сари ка-ка-ка бўғини эшитилади. Қ товушини ҳосил қилишда асосан тақлид қилиш усулидан фойдаланиш тавсия этилади. Бунинг учун бола қарғанинг қағиллашига (қа-қа-қа), томоқнинг қаттиқ қиришга тақлид қилиш лозим. Бу жараёни логопед аввал болага кўрсатиб беради, сўнг бола логопедга тақлид қилиб, уни қайтаради.

Хитизмни тузатиш.

Х товушини ҳосил қилишда болага са-са-са бўғинни айтиш таклиф этилади, шу вақтнинг ўзида зонд ёрдамида тилнинг учи бир оз босилиб,

орқага бир оз сурилади. Бунда аввало ся, сўнгра тил бир оз ичкарироқ итарилганда ха бўғини эшитилади.

Гамматизмни тузатиш.

Г товушини хосил қилишда болага да-да-да бўғинни айтиш таклиф этилади, шу вақтнинг ўзида махсус зонд ёрдамида тилнинг учи босилиб, орқага бир оз итарилади. Бунда тил ичкарироқ итарилганда га бўғини эшитилади. Г товуши артикуляцияси аниқ хосил бўлгандан сўнг механик воситалар ёрдамисиз г товушини талаффуз этиш тавсия этилади. Ғ товушини хосил қилишда аввал таклид қилиш усулидан фойдаланиш тавсия этилади. Бунда бола томоқ чайиш, машинанинг ғириллаши ва ғозларнинг ғағиллашига таклид қилади. Бу жараён аввал логопед томонидан кўрсатиб берилади, сўнг бола логопедга таклид қилиб уни қайтаради.

Агарда таклид қилиш орқали ғ товуши хосил бўлмаса, унда ғ товушини куйидаги усул билан хосил қилиш тавсия этилади. Логопед боладан х товушини аниқ талаффуз этишни сурайди ва х товушини талаффуз қилиш вақтида овоз кўшиб талаффуз қилиш буюрилади, бунда х товуши ўрнига ғ товуши хосил бўлади. Хосил бўлган х товуши бўғинларда, сўзларда, гапларда ва шеърларда мустахкамланади.

Ундош товушлар таснифи.

Овоз ва шовқиннинг иштирокига кўра		Артикуляция (хосил бўлиш усулига кўра)		Артикуляция (хосил бўлиш ўрнига кўра)					
				Лаб ундошлари		Тил ундошлари			Бўғин ундошлари
				Лаб лаб	Лаб – тиш	Тил олди	Тил ўрта		Чуқур тил орқа
Шовқинчан	Жарангли	Портловчи	Соф портловчилар	Б		Д		Г	
	Жарангсиз			П		Т		Қ	
	Жарангли		Қоришиқ портловчилар			Ж			
	Жарангсиз					Ч			
	Жарангли	Сирғалувчи		В	В	Ж,З	У,Ў		Ғ
	Жарангсиз			Ф	Ф	С,Ш			Ҳ
Соплоқ		Портловчи, сирғалувчи	Бурун товушлари	М		Н		Н (НГ)	
			Ён товушлари			Л			
			Титироқ товушлар			Г			

Назорат саволлари:

1. Дислалия ҳақида нималарни биласиз?
2. Механик дислалия нима ва уни бартараф этиш чораларини айтинг.
3. Функционал дислалия нима?

4. Сигматизм ва уларни коррекциялашни айтиб беринг.
5. Ротацизм ва уни коррекциялаш қандай амалга оширилади?
6. Ламбдацизм ва уни коррекциялаш ҳақида нима дея оласиз?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. П.М. Пўлатова “Олигофренопедагогика” Тошкент 2005 йил.
2. В.С. Рахманова “Махсус педагогика” Тошкент 2004 йил.
3. Выготский.Л.С. «Проблема у отсталости» Москва 1956 йил.
4. Под ред. Дульнева. Г.М.»Коррекционная роль обучения в школе»М.1971 й.
5. М. Аюпова “Логопедия” Тошкент, 2007 йил.
6. М. А. Павалёва “Справочник логопеда” Ростов-на-Дону, 2007 год.
7. Алмазова.Е.С. Логопедическая работа по восстановлению голоса у детей.
8. Правдина.О.В. Логопедия 1969 йил

3.2. Мавзу: Ринолалия нутқ бузилиши ва уни коррекциялаш.

Режа:

1. ринолалиянинг келиб чиқиши сабаблари.
2. Ёпиқ ва очик ринолалия ҳақида.
3. Коррекцион ишларнинг мазмуни ва вазифаси.

Таянч сўзлар: (ринолалия. Органик ринолалия. Функционал ринолалия. Нормал фонация. очик ва ёпиқ ринолалия.)

Ринолалия нутқ аппаратининг анатомик ва физиологик камчиликлари сабабли овоз тембри ва товушлар талаффузузидаги бузилишлардир.

Ринолалия ҳосил бўлишига кўра дислалиядан фарқ қилади, яъни ринолалияда товушларни бурун-димоқ билан талаффуз қилиш ҳоллари кузатилади. ринолалияда товушлар артикуляцияси, фонация, товуш ҳосил бўлиш механизмлари жиддий равишда нормадан четга чиқади. Нормал фонация бўлганда кишида бурун товушларидан ташқари нутқдаги ҳамма товушларни талаффуз қилиш вақтида бурун- ҳалқум ва бурун бўшлиғининг бўғиз ва оғиз бўшлиғидан ажралиши руй беради.

Нутқ жараёнида юмшоқ танглай ўзлуксиз равишда турли баландликка кўтарилади ва тушади, бу ҳолат товушлар талаффузга боғлиқ. Танглай ҳалқумнинг бирлашиш кучи товушлар талаффузга боғлиқдир. Унли товушлар талаффузида танглай ҳалқум ундаш товушлар талаффузга нисбатан камроқ бирлашади. Танглай ҳалқумнинг энг кучсиз бирлашиши в ундош товуш талаффузда; энг кучли бирлашиш с товуш талаффуз ўзида к ўзатилади. Танглай ҳалқум бирлашиш функциясининг бузилиш ҳарактерига кўра ринолалия турли шаклларга ажратилади.

Ёпиқ ринолалия.

Ёпиқ ринолалия нутқ товушларини талаффуз қилиш вақтида физиологик бурун резонансининг пасайиши натижасида юзага келади. М,Н бурун товушлари талаффузида энг кучли резонанс бўлади. Бу товушларнинг

нормал талаффузида бурун ҳалқум йўли очик бўлади ва ҳаво оқими тўғри бурун бўшлиғига ўтади. Агарда бурун товушлар талаффуз - ида бурун резонанси бўлмаса, унда бурун товушлари в,д товушларига ўхшаб талаффуз қилинади. ринолалиянинг ёпиқ шаклининг келиб чиқиш бурун бўшлиғидаги органик ўзгаришлар ёки танглай ҳалқум бирлашишининг функционал бузилишидир. М.Зееман ёпиқ ринолалиянинг 2 турини ажратади: олдинги ёпиқ ринолалия-бунда бурун бўшлиғида утказувчанлик функцияси булмайди ва орқа ёпиқ ринолалия- бунда ҳалқум бўшлиғида утказувчанлик камаяди. Олдинги ёпиқ ринолалиянинг сабаби – бурун шиллик пардасида сурункали гипертониянинг бурун бўшлиғида полипларнинг бўлиши, бурун деворининг қийшиқлиги ва бурун бўшлиғида ўсмаларнинг бўлишидир.

Орқа ёпиқ ринолалияда болаларда оденоидларнинг кўпайиб кетиши бурун ҳалқум полипларнинг, фиброма ва ўсмаларнинг пайдо бўлиши кузатилади. Функционал ёпиқ ринолалия болаларда кўп учраб туради, лекин уни доимо тўғри аниқлаш қийин. Чунки у бурун бўшлиғининг яхши ўтказувчанлигида ва бурундан нафас олиш бузилмаган ҳолларда кузатилади. Бунда бурун тембри ва унли товушлар талаффузи кўпол бузилган бўлади. Органик ёпиқ ринолалиянинг сабаби бурун бўшлиғида ўтказувчанликнинг бузилишидир. Бунда бурундан нафас олиш йўлга қўйилса, яъни бурун бўшлиғидаги ўтказувчанлик яхшиланса, ҳамма камчилик йўқолади.

Ёпиқ ринолалияда олиб бориладиган логопедик ишнинг самарадорлиги бурун ҳалқум ҳолатига унинг функциясига ва боланинг ёшига боғлиқ. Логопедик машғулотнинг бошлангич даврида нафас машқларини олиб бориш тавсия этилади. Бундан мақсад оғиз ва бурундан нафас олиш ва нафас чиқаришни дифференциация қилишдир. Бу машқлар аввал пуфлашдан бошланиб, кейин бурундан қисқа ва чуқур нафас чиқариш билан алмаштирилади. Шу билан биргаликда юмшоқ танглай ва ҳалқумнинг орқа девор мускуллари ҳаракатини активлаштиради. Кейинги даврда оғиз ва бурундан нафас чиқаришни мувофиқлаштириш устида иш олиб борилади. Бу машқлар м, н, бурун товушларининг талаффузини тўғри йўлга қўйиш ва мустаҳкамлашга имкон яратади.

Очик ринолалия

Очик ринолалияда оғиз бўшлиғида ҳосил бўлувчи товушлар димокда талаффуз этилади. очик ринолалияда бу унли товушларнинг жарангдорлигида сезиларли даражада фарқ бўлади.

Очик ринолалияни аниқлаш учун турли функционал текшириш усуллари мавжуд. Бунда логопед болага галма-гал а ва и унли товушларини қайтаришни буюради ва боланинг бурун йўлини бир беркитиб, бир очиб туради. Яна аниқлаш усулларида бири, бу фонедоскоп билан текширишдир. Бунда текширувчи фонедоскопнинг бир учини ўзининг қулоғига, иккинчи учини боланинг бурнига тутиб туради. Бола унли товушларни, айниқса у ва а унлиларини талаффуз қилганида кучли товуш эшитилади. Очик ринолалия органик ва функционал бўлиши мумкин. Органик очик ринолалия туғма ва ҳаёт давомида орттирилган бўлади. очик ринолалиянинг туғма шаклининг сабаби юмшоқ ва қаттиқ танглайдаги ёриқликлардир.

Хаётда орттирилган очик ринолалияга оғиз ва бурун бўшлиғида жарохатланишлар бўлиши ва юмшоқ танглайни хаёт давомида фалажланиши кабилар сабаб бўлиши мумкин. Функционал очик ринолалиянинг пайдо бўлиш сабаблари турли хил бўлади. Масалан, боланинг овозининг хосил бўлишида юмшоқ танглай ҳаракатининг суст бўлиши. Функционал очик ринолалия асаб касалликларида ҳам намоён бўлиш холлари кузатилади. У аденоидларни олиб ташлагандан сўнг кўпроқ кузатилса, дифтериядан кейинги фалажланишда камроқ кузатилади. Функционал очик ринолалия органик ринолалияга нисбатан енгил кечади.

Овоз машқларидан сўнг бурунлашиш тембри йўқолади, товушлар талаффузидаги камчиликларни одатдагидек, яъни дислалияни бартараф этишда қўлланиладиган усуллар орқали бартараф этиш мумкин. Туғма танглай ёриқлари бўлган болаларда фонетик жихатидан тўғри нутқни шакллантириш бир-бирига боғлиқ бўлган бир неча вазифаларни хал этишга қаратилгандир.

1. Оғиздан нафас чиқаришни нормаллаштириш, яъни бурун товушларидан ташқари ҳамма нутқ товушлари талаффузида оғизда хаво оқимини тўғри йўналтириш.
2. Ҳамма нутқ товушларининг тўғри артикуляциясини хосил қилиш.
3. Бурунлашиш овозини бартараф этиш.
4. Товушларни бир-биридан ажратиш малакасини тарбиялаш, бундан мақсад товушлар тахлилидаги камчиликларнинг олдини олиш.
5. Нутқнинг суръат, ритм, просодик томонини нормаллаштириш.
6. Хосил қилинган нутқий малакаларни эркин сўзлашувда ғайри-ихтиёрий равишда қўллаш.

Бу махсус вазифаларнинг хал этилиши талаффузининг тўғри малакаларини ўзлаштиришда муҳим аҳамиятга эгадир. Нутқнинг товуш томонини тўғрилашда тўғри товуш талаффуз малакаларини ўзлаштириш бир неча даврни ўз ичига олади.

Биринчи давр- нутқгача бўлган машқлар даври қуйидаги иш турларидан иборат: Нафас машқлари. Артикуляцион гимнастика. Алохида товушлар артикуляцияси. Бўғин машқлари.

Иккинчи давр-товушларни фарқ қилиш даври.

Учинчи давр-интеграция даври, яъни боғланган нутқда товушларни позицион ўзлаштиришларни ўргатиш.

Туртинчи давр-автоматизация даври.

Олиб бориладиган логопедик тузатиш ишлари икки даврга бўлиб олиб борилади:

1 давр- операциягача бўлган даврда олиб бориладиган логопедик ишлар.

2 давр-операциядан сўнг олиб бориладиган логопедик ишлар.

Операциягача бўлган даврда қуйидаги вазифалар хат этилади:

- 1 - юз мускулларини ортиқча ҳаракатдан озод этиш.
- 2 - унли товушларни тўғри талаффуз қилишга тайёрлаш.
- 3 -бола талаффуз қилиши мумкин бўлган ундош товушларни тўғри талаффузга тайёрлаш.

Операциядан сўнг олиб бориладиган логопедик ишлар бир мунча мураккаблашади:

1-юмшоқ танглайнинг ҳаракатчанлигини ривожлантириш.

2-товушлар талафузида артикуляция аъзоларининг нотўғри ҳолатини бартараф этиш.

3- нутқдаги ҳамма товушларни талаффузга тайёрлаш.

Операциядан сўнг олиб бориладиган махсус иш турлари қуйидагилардан иборат:

а) Юмшоқ танглайни массаж қилиш.

б) Бўғизнинг орқа томони ва юмшоқ танглай гимнастикаси.

в) Артикуляцион гимнастика.

г) Бу машқларнинг асосий машқлари қуйидагилардан иборат:

-оғиз орқали чиқариладиган ҳаво оқимининг давомийлигини ва кучини ошириш.

-артикуляцион мускуллар фаолиятини яхшилаш.

Юмшоқ танглай массажининг асосий мақсади операциядан сўнг ҳосил бўлган тўқимадаги чандикни юмшатишдир. Массажни гегена талабларига риоя қилган ҳолда овқатланишдан олдин ўтказиш лозим.

Юмшоқ танглай гимнастикаси бир қатор машқларни ўз ичига олади:

1.Сувни ютиш ёки ютиш ҳаракатига тақлид қилиш.

2.Оғизни очган ҳолда эснаш.

3.Кам миқдордаги иссиқ сув билан томоқни чайиш.

4.Йўталишга тақлид қилиш. Бу машқ жуда фойдали бўлиб йўталиш халқумнинг орқа девор мускулларини актив қисқаришга олиб келади.

5.Унли товушларни баланд овоз билан аниқ актив талаффуз этиш. Бунда оғиз бўшлиғи резонанси кучаяди ва бурунлашиши камаяди, юқорида баён этилган машқлар операциягача ва операциядан кейинги даврларда ижобий натижалар беради. Бу машқларни ўзликсиз олиб бориш натижасида бола ҳаво оқимини йўналишини сеза бошлайди ва уни тўғри йўналтиришни ўрганади.

Назорат саволлари:

1. Ринолалиянинг қандай шакли оғир кечади ва нима учун?

2. Ринолалиянинг қайси шакли ёзувда бузулишларга сабаб бўлади?

3. Органик ринолалия билан функционал ринолалиянинг фарқи нимада?

4. Махсус болалар боғчасига борганда ринолалик бола билан танишинг. Унинг табиий педагогик хужжатларини кўриб чиқинг.

5. Ринолалик болалар билан олиб бориладиган машхулотнинг режасини тузинг.

6. Очиқ ринолалияда операциядан олдин олиб бориладиган логопедик ишлар моҳияти нималардан иборат?

7. Операциядан сўнгги ишлар моҳияти-чи?

8. Ринолалик болалар билан олиб бориладиган логопедик ишлар режасини тузинг.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. П.М. Пўлатова “Олигофренопедагогика” Тошкент 2005 йил.
2. В.С. Рахманова “Махсус педагогика” Тошкент 2004 йил.
3. Выготский.Л.С. «Проблема у отсталости» Москва 1956 йил.
4. Под ред. Дульнева. Г.М.»Коррекционная роль обучения в школе»М.1971 й.
5. М. Аюпова “Логопедия” Тошкент, 2007 йил.
6. М. А. Павалёва “Справочник логопеда” Ростов-на-Дону, 2007 год.
7. Алмазова.Е.С. Логопедическая работа по восстановлению голоса у детей.
8. Правдина.О.В. Логопедия 1969 йил

3.3. Мавзу: Дизартрия нутқ бузилиши ва уни коррекциялаш.

Режа:

1. Дизартриянинг келиб чиқиш сабаблари.
2. Дизартриянинг шакллари.
3. Коррекцион ишларнинг асосий йўналишлари.

Таянч иборалар: (Дизартрия Анаортрия Булбар дезартрия Қобик дезартрияси)

Дизартрия нутқ апарати интервациясининг органик бузилиши сабабли нутқнинг талаффуз томонидан бузилишидир.

Дизартрия грекча сўздан олинган бўлиб, бўлак, бириктириш деган маънони билдиради. Дизартрия бу марказий ҳарактердаги органик нутқ бузилиши хисобланади. Дизартрияда нутқ аъзоларининг кам ҳаракатланиши натижасида нутқ товушлари артикуляцияси қийинлашади, шу билан биргаликда овоз, нафас бузилишлари ҳамда нутқнинг сурати, ритми ва ифодалилигида ўзгаришлар кузатилади. Дизартриянинг оғир шаклида нутқ бутунлай тушунарсиз бўлади. Бундай хол **анартрия** деб аталади.

Дизартрия қуйидаги сабабларга кўра намоён бўлади:

Бош миянинг яллиғланиши.

Мияда қон айланишининг бузилиши.

Бош мия шикастланишлари.

Дизартрия болалар церебрал параличининг бир белгиси хисобланади. Артикуляцион мускуллар тонусининг ўзгариши натижасида артикуляцион моториканинг бузилиши, ихтиёрий ҳаракатларнинг чегараланганлиги, координатининг бузилиши, тил, лабда гиперкинезлар, нафас, овоз бузилишлари, шунингдек нутқнинг суръати, равонлиги, ифодалилигининг бузилиши, жумлалар шаклланишининг ноаниқлиги, охириги жумлагача гапирмаслик, паузанинг бузилиши, товушларни сўзларни нутқда ташлаб кетиш холлари дизартрия учун характерлидир.

Дизартрияда овоз паст ёки баланд, монотон, хириллаган бўлади. Дизартрияда нутқнинг лексик-грамматик томонининг бузилиши асосий бузилиш ҳисобланмайди. Бунда нутқнинг товуш томонидан бузилиши етакчи ўрин тутadi.

Дизартрия шакллари бўйича қуйидагича тасниф қилинади:

1. Булбар дизартрия
2. Псевдобулбардизартрия
3. Қобик дизартрияси
4. Қобик ости дизартрияси
5. Миячали дизартрия

Булбар дизартрия: Бу ўзунчоқ мияда жойлашган тил-халқум, адашган, ққшимча нерв, тил ости жуфт нервларининг ядролари ва илдизчаларининг зарарланиши натижасидир. Булбар дизартрияда овоз пардалари фалажланганлиги учун овоз чиқариш мумкин бўлмай қолади ёки овоз бўҳилиб чиқади. Фалажланиш натижасида трахеяга боровчи йил маҳкам беркилмайди, бунинг натижасида овқат трахеяга кетиб қолиши мумкин. Булбар дизартрияда фалажланиш бир томонлама бўлади, бола нутқда жарангли товушларни ққллай олмайди. Шунингдек бошқа кўпгина товушларни бузиб талаффуз қилиш ҳоллари ҳам кузатилади.

Псевдобулбар дизартрия: Дизартриянинг бу фомаси олимлар томонидан энг кўп ўрганилган бўлиб ҳаётда кўпроқ учраб турадиган нуқсон ҳисобланади. псевдобулбар дизартрия боланинг илк ёшлик даврида, туғруқ вақтида ёки хомилалик даврида турли бош мия касалликлари-микроэнсифалит, мия шишлари ҳамда мия жароҳатлари сабабли бош миянинг органик жароҳатланиши натижасидир.

Псевдобулбар дизартрияда булбар дизартриянинг кўпгина белгилари пайдо бўлади. Булбар дизартрияда ўзунчоқ мияда жойлашган жуфт нервларнинг ядролари ва илдизчалари жароҳатланган бўлса, псевдобулбар дизартрияда ана шу жуфт нервлар марказий невронларининг ўтказувчи йўллари жароҳатланган бўлади. Булбар дизартрияда жароҳатланиш бир томонлама бўлса, псевдобулбар дизартрияда жароҳатланиш икки томонлама бўлади, шунинг учун буни псевдобулбар фалаж дейилади. Бунда юмшоқ танглай ҳар икки томонда осилиб туради.

Псевдобулбар фалажда болада умумий ва нутқий моторика бузилади. Бола ёмон эмади, энтикади ва ёмон ютади. Оғизларидан доимо сўлак ажралиб туради, юз мускуллари ҳаракати ҳам бузилган бўлади. Болада нафас олиш жараёни бузилиб, овозлари монотон бўлади. Псевдобулбар дизартрия шакли равишда учта даражага ажратилади: **енгил, ўрта, оғир**. Псевдобулбар дизартриянинг **енгил даражаси** артикуляцион аппарат ҳаракатларида кўпол бузилишларининг йўқлиги билан ҳарактерланади. Бунда асосий артикуляцион қийинчиликлар тил, лабларда ҳаракатни тез ва аниқ бажара олмасликларида сезилади. Нутқ бир мунча секинлашган бўлади.

Артикуляцион жихатдан қийин бўлган товухлар: ж, ш, р, ч, ц талаффузида камчиликлар кузатилади. Товушлар талаффузидаги камчиликлар фониматик ривожланишга салбий таъсир кўрсатади. Нутқнинг лексик ва грамматик томонларида камчиликлар деярли кузатилмайди. Шундай қилиб псевдобулбар дизартриянинг енгил даражасида болаларда асосан нутқнинг фонетик томонидан камчиликлар кузатилади. Бундай камчиликка эга бўлган болаларда эшитиш ва ақлий ривожланиш нормада бўлади.

Псевдобулбар дизартриянинг **ўрта даражасида** болада юз мускуллар ҳаракати йўқолган бўлади. Лаб ва тил ҳаракатлари чегараланган бўлади. Бола лабларини олдинга чўза олмайди, унда тил ҳаракатлари ҳам чекланган бўлади. Асосий қийинчиликлар бир ҳаракатдан иккинчи ҳаракатга ўтишда яққол намоён бўлади. Болада сўлак оқишлари ҳамда чайнаш ва ютиш жараёнларида қийинчиликлар кузатилади.

Артикуляцион аппарат функциясидаги камчиликлар оғир талаффуз бузилишларига олиб келади. Бундай болалар нутқи тушунарсиз бўлади ва кечикиб ривожланади. Псевдобулбар дизартриянинг **оғир даражаси** бу **анартриядир**. Бунда асосий камчилик мускулларни оғир бузилиши ва нутқ аппаратининг тўлиқ фаолиятсизлиги билан характерланади.

Анартрик болалар юзи маъносиз ўзгача кўринишда бўлади, пастки жағ тушган, оғизлари доимо очик ҳолда бўлади. Тил оғиз бўшлиғида ҳаракатсиз ётади, лаб ҳаракати ўта чегараланган бўлади. Чайнаш ва ютиш жараёнларида қийинчилик кузатилади, нутқи тўлиқ бўлмайди.

Миячали дизартрия: Бу миячанинг зарарланиши натижасида пайдо бўлади. Бунда нутқнинг равонлиги, баландлиги, саръати бузилган бўлади. Дизартриянинг бу шакли ҳаётда кам ўрганилган.

Қобик дизартрияси: Дизартриянинг бу шаклида артикуляцион аппарат моторикасида ихтиёрий ҳаракатлар бузилган бўлади. Бунда ҳам товушлар талаффузида камчиликлар кузатилади. Болалар товушларни алоҳида аниқ талаффуз этиш қобилятига эга бўладилар, лекин нутқда товушларни нотўғри талқин этадилар ёки бир-бирига алмаштирадилар.

Қобик ости дизартрияси. Дизартриянинг бу шакли бош мия қобик ости тугунларининг жароҳатланиши натижасида пайдо бўлади. Қобик ости дизартрияси мукуллари тонусининг бузилиши ва гиперкинесларнинг бўлиши билан характерланади. Мускуллар тонусининг бузилиши ва гиперкинезлар овоз ва артикуляция бузилишларига олиб келади.

Қобик ости дизартриясининг характерли белгилари нутқнинг суръати, ритми ва интонациясининг бузилишидир. Дизартрик болалар билан олиб бориладиган логопедик иш дизартриянинг барча шаклларида нутқ бузилиши, умумий ва нутқий моторика бузилишларининг миханизмларини билган ҳамда боланинг шахсий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Асосий эътибор болада нутқнинг ривожланиш ҳолатига, нутқнинг лексик-грамматик томонига ҳамда алоқа функцияси хусусиятларига қаратилади. Мактаб ёшидаги болаларда ёзма нутқ ҳолати ҳам ҳисобга

олинади. Дизартрик болалар билан олиб бориладиган логопедик ишларнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

1. Товушларнинг тўғри талаффузушини цргатиш, яъний артикуляцион моторикани нутқий нафас олишни ривожлантириш, товушларни нутқда тўғри қцллаш ва мустахкамлаш.
2. Фониматик идрокни ривожлантириш, товуш анализ малакасини шакллантириш.
3. Нутқнинг поросодик томонларини нормаллаштириш яъний нутқнинг ритмик охангдорлиги ва ифодалилиги томонидаги камчиликларни бартараф этиш.
4. Нутқнинг умумий ривожланмаганлиги кцринишларини тўғрилаш. Бунда йдаврда олиб бориладиган ишлар қуйидагиларни ўз ичига олади:
А) бутун юз мукулларини массаж қилиш
Б) ихтиёрсиз ҳаракатлардан фойдаланиш.
В) пассив гимнастикадан аста-секин фаол гимнастикага ўтиш.
Г) актив гимнастика.

Нафас олиш ва нафас чиқариш жараёнлари яхши шакллангач, овоз машқларига утилади. Овоз машқлари аввал унли товушларда, сўнг ундаш товушларда ва бўғинларда олиб борилади. Артикуляцион бузилишларнинг оғир холларида товушларни нутқга қўйиш махсус ёрдамни талаб этади.

Бунда логопед кўриш, тактик вибрацион сезишдан фойдаланган холда у ёки бу товушнинг талаффуз ўзи учун зарур бўлган ҳаракатни бажаришни болага тушунтиради ва унга ёрдам беради.

Товушлар устида олиб борилаётган машқлар кўрув ва дактил идрок йўли билан назорат қилиб борилади. Бу даврда яна артикуляцион белгилари буйича бир-бирига карама-қарши қўйилган товушлар дифференциацияси устида машқлар ўтказилади.

1. Оғиз ва бурун товушлар дифференсиацияси. (П, М)
2. Бурун товушлари гурухи уртасида товушлар дифференсиацияси. (М, И, Н)
3. Портловчи товушлар гурухида товушлар дифференсиацияси. (К, Х)
4. Унли товушлар дифференсиацияси. (А, У, И, О)
5. Портловчи товушлар дифференсиацияси. (Т, С)

Бундан ташқари болалар Р, Ж ,Ш товушларини аниқ, яхши талаффуз қилишда, уларни фарқлашда қийналадилар. Бу даврда ҳам товушлар дифференсиацияси устида ишлашга махсус вақт ажратилади. Товушларнинг тўғри талаффузи, фонематик эшитувни ривожлантириш, товушлар анализи малакасини шакллантириш устида иш олиб борилади ва бу ишлар дизартрик болаларнинг ёзувни ўзлаштиришлари учун асос бўлади.

Назорат саволлари:

1. Дизартрияга таъриф беринг. Унинг пайдо бўлиш сабаблари, механизмлари, локолизацияси ва оғирлик даражаларини ёритинг.
2. Дизартрияни тавсифлаб беринг. Унинг асосий шакиллари тавсифлаб беринг.
3. Махсус болалар боғчасига борганда дизартрик болалар нутқни кузатинг.

4. Дизартрияли нутқини текшириш учун дидактик материаллар танланг.
5. Дизартрик болаларнинг қўл моторикасини ривожлантириш учун уйин машқларини танланг.
6. Дислалия ва дизартрия нутқ камчиликларига қиёсий тавсиф беринг.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Фомичева.Т.Б, Чиркина.Г.В, Муминова.Л.Логопедия. Т.1993 йил.
2. Шомахмудова Р, Мўминова.Л. Болалар нутқидаги нуқсонлар ва уларни бартараф этиш. Тошкент 1993 йил.
3. Винарская. Е. Н, Пулатов.А.М. Дизартрия и ее топико диагностическая значение в клинике очаговых поражений мозга. Тошкент 1973 йил.
4. Винарская.Е.Н, Шур.С.Н. Нарушение звуковой системы и речи бульбарной дизартрии у взрослых 1987 йил.

IV – БОБ. ОВОЗ КАМЧИЛИКЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ТУРЛАРИ.

4.1. Мавзу: Овоз камчиликлари ва уларни коррекциялаш.

Режа:

1. Овоз бузилиши сабаблари.
2. Овоз бузилишининг турлари.
3. Овозни тиклашдаги логопедик ишлари.
4. Овоз бузилишини корекциялаш.

Таянч сўзлар: (Мутизм. Афония. Дисфония. Фонестения. Функционал)

Овоз нутқни ўзоқ масофадан эшитишни таъминловчи муҳим воситадир. Инсон бўғзи орқали чиқадиган, мураккаблиги ва социал аҳамиятидан қатъий назар ҳар қандай товуш ҳақидаги тасаввур инсон овози тушунчасига киради. Овоз нутқининг ифодалилиги, эмоционаллиги ва мазмунининг аҳамиятини таъминловчи воситалардан бири бўлиб, у нутқнинг эшитишини таъминлайди.

Овознинг энг оддий кўринишлари инсоннинг инграши, бақариш, кулиши, йўталиши каби реакцияларда ифодаланади. Овоз функциясини бузилишлари кўпинча болалар ва ўсмирларда кузатилади. Овоз бузилишларининг келиб чиқиш сабаблари турличадир. Булар бўғиз, бурун-хиқилдоқ, оғиз-хиқилдоқ, ўпка, бронхлар ва трахея касалликлари, юрак ва юрак- қон томир системаси касалликлари, гапиришда ва қўшиқ айтишда овоз гигиенасига риоя қилмаслик, овозни хаддан ташқари зўриқтириш, овоз чиқаришнинг нотўғри техникаси ва эшитишнинг пасайиши бўлиши мумкин. Кўрсатилган этиологик факторлар органик ва функционал овоз бузилишларини келтириб чиқаради.

Балоғатга етиш даврида овоз бузилишларининг келиб чиқиши хавфи мавжуд бўлади, шунинг учун мутация даврида хорда қўшиқ айтишдан сакланиш керак. Қўшиқ айтишда ўз овозига мувофиқ келмаган овоз регистрида куйлаш ҳам зарарлидир. Овоз гигиенасига доимий риоя қилмаслик функционал овоз бузилишларига олиб келади. Органик овоз бузилишлари овоз аппаратининг нотўғри ривожланиши натижасида келиб чиқади. Гармонал бузилишдаги патологик ўзгаришлар, жумладан қал

консимон без касалликлари кўпинча овоз бузилишларини келтириб чиқаради. Овоз бузилишлари келиб чиқишига кўра **функционал** ва **органик** овоз бузилишларига булинади. Органик овоз бузилишлари периферик ва марказий характерда бўлиши мумкин. Периферик характердаги органик овоз бузилишлари асосида овоз аппарати касалликлари: ун пайчаларидаги тугунчалар, бўғиз ва ун пайчаларининг папиламатозлари, бўғиз стенози, жарохатланишлар, куйишлар ётади.

Булар периферик характердаги органик овоз бузилишларини келтириб чиқаради. Марказий характердаги органик овоз бузилишлари дизартриянинг турли кўринишларида кузатилади. Марказий характердаги овоз бузилишларига **афония** ва **дисфония** киради. Функционал овоз бузилишида овоз хосил бўлиш бўлимларида ҳеч қандай патологик ўзгаришлар кузатилмайди.

Функционал овоз бузилишларида: **мутизм, афония, дисфония, фоностения** каби ўзгаришлар киради. Кучли кўрқув натижасида овознинг тўсатдан ва бутунлай йўқолиши **истерик мутизм** деб аталади ва бу функционал овоз бузилиши шаклларида бири ҳисобланади. Мутизм ўзоқ вақт кўрқиш, аффектив кўзғолиш ёки рухий зўриқиш натижасида келиб чиқади. **Функционал афония** овознинг бутунлай йўқолиши бўлиб, бемор фақат шивирлаб гапиради, лекин йуталганда овоз чиқади. Функционал афониянинг қуйидаги кўринишлари ажратилади:

А) **паретик афония**, овознинг тўсатдан йўқолиши билан характерланади, бўғиз мукуллари функционал жихатидан бушашган бўлади.

Б) **спастик афония** бутун овоз аппаратининг ҳаддан ташқари кучли зўриқиши.

В) **паратикспатик афония** сохта ун пайчалари фаолиятининг керагидан ортиб кетиши ва ҳақиқий ун пайчалари фаолиятининг сусайиши ёки аксинча.

Дисфония нафас аппарати, шунингдек ҳиққилдоқ, бўғиз, бўйин мускулларининг таранглашиши ва дағал, хирилдоқ, қисилган овоз билан характерланади.

Фоностения овоз хосил бўлиш аппаратида ҳеч қандай органик ўзгаришлар бўлмаган ҳолда овоз хосил қилиш функциясининг бузилиши, тез толиқувчанлик, овоз жараёнининг бузилиш ёки овознинг кучи, баландлиги ва овоз тембрининг ўзгариши, овознинг хирилдоқлиги билан характерланади. Овознинг нотўғри хосил бўлиши овознинг йўқлиги ёки хирилдоқ бўлишига нисбатан кўп турли кўринишларга эга бўлади.

Овозни тиклашда олиб бориладиган логопедик иш мазмуни 2 даврдан иборат бўлади:

1. Тайёрлов даври. 2. Овозни тиклаш даври.

Тайёрлов даври анаменезтик маълумотлар йиғиш психотерапия, массаж, артикуляцион машқлар, нафас гимнастикаси ва овоз машқларини ўз ичига олади. Бола овозини тиклаш ишларини бошлашдан аввал бола ҳақидаги анаменезтик маълумотларни олиш, шунингдек клиник, психопедагогик ва

логопедик текширишларнинг натижаларини тартибга солиш ва умумлаштириш зарурдир.

Психотерапиянинг мақсади боланинг онгини, активлигини, иродасини овозни тиклаш жараёнига жалб қилишдир. Психотерапия бола шахсини қайта тарбиялашга бола шахсини қийинчиликларни енгиш ва тезроқ соғайиши учун кўрашишга ёрдам беради ва уни фаоллаштиради.

Артикуляцион машқларнинг мақсади артикуляцион аппарат барча қисмларини аниқ, тез, тўғри ҳаракатини таъминлаш ва артикуляцион аппарат фаолиятини нафас ва овоз хосил қилиш органлари иши билан мувофиқлаштиришдир.

Артикуляцион мукулларни зўриқишдан ва аксинча бўшанглик, заифликдан холос қилиш зарур. Артикуляцион аппаратни зўриқишдан холос қилиш ва унинг тонусини ошириш учун гигиеник массаждан фойдаланилади. Массажда бармоқларнинг учи билан:

- А) пешона ўртасидан чаккалар томон ва кўз атрофида буруннинг икки кўз ўртасидаги юқори қисмигача.
- Б) буруннинг икки кўз ўртасидаги юқориги қисмидан қулоқ олди чуқурчаси томон.
- В) бурун учидан юқори ва пастга
- Г) бурун учи атрофида винтсимон ҳаракатлар, юқори ва пастки лабларга ўтиш билан массаж қилинади.

Массаж билан бир вақтда артикуляцион аппаратнинг турли қисмлари учун алоҳида ажратилган артикуляцион машқлар олиб борилади. ҳар бир артикуляцион машқлар ҳаракати айни олдида ўтирган холда аниқ, шошилмасдан, муайян ритмни сақлаган холда амалга оширилади. Артикуляцион машқлар билан бир вақтда 2 чи ёки 3 чи машғулотдан бошлаб нафас машқлари ҳам олиб борилади. Нафас машқларини ўтказишда қуйидаги қоидаларга риоя қилиш керак:

1. Болани толиқтириб қўймаслик, яъни машқларнинг сонини ва ўтказилиш суръатини қатъий меъёрга қилиш.
2. Боланинг кўкрак қафасини ҳаво билан тўлиб қолмаслигини ўзатиб туриш.
3. Бола ҳаракатларини секин, санок остида, бир текисда, шамоллатилган хонада овқатгача бажариш керак.

Иккинчи давр: яъни овозни тиклаш жараёни мураккаблашиб боровчи 3 босқичдан иборат:

1.Овоз товушини хосил қилиш.

2.Хосил қилинган овозни мустахкамлаш.

3. Овоз хосил қилиш жараёнини автоматлаштириш.

Овоз товушини хосил қилиш-тиқловчи таълимнинг энг муҳим, энг мураккаб, энг ўзоқ давом этадиган босқичидир. Овоз товушини инграш ёки мураш интонацияси орқали хосил қилиш мақсадга мувофиқдир. Хосил қилинган овоз товуши очиқ ва ёпиқ бўғинларда у, о, а, и унли товушлари билан бирлаштирилади. Хосил қилинган овозни мустахкамлаш. Бу даврнинг асосий вазифалари:

- 1.Хосил қилинган овозни унли ва ундош товушлар билан бирга бўғинларда,

сўзларда, гапларда мустахкамлаш.

2. Овоз баландлигини, овоз кучини, овоз тембрини, овоз моделиациясини, нутқнинг методик интонацион томонларини ривожлантириш.

3. Қўшиқ айтиш овозини ҳосил қилишдан иборат.

Овоз ҳосил қилиш жараёнини автоматлаштириш. Болаларда овозни ҳосил қилиш ва уни ривожлантириш бўйича олиб бориладиган логопедик машғулотларнинг 2 ва 3 даврларини бир-биридан ажратиш қийин, чунки овоз ҳосил қилиш жараёнининг автоматлашуви 2 - давридаёқ бошланади. 3 - даврнинг асосий вазифаси овозни боланинг кундалик нутқига амалий жихатдан киритиш, болани баланд, жарангли овозда эркин, зўриқишсиз, товушларни аниқ талаффуз қилган ҳолда фойдаланишга ўргатишдир.

Бу даврда қуйидаги машқлар ўтказилиши мумкин:

1. Унликларни баланд ва паст овозда тезлаштириб бориладиган суръатда куч билан ва кучсиз санаш.
2. Мақоллар, тез айтишларни овоз баландлигини, кучини, моделиациясини ўзгартириб, турли интонациялардан фойдаланган ҳолда нутқ суръатини тезлаштира бориб талаффуз қилиш.
3. Шеър, текстларини ёд олиш.
4. Масалаларни ўқиш ва ёд олиш.
5. Халқ эртакларини ўқиш ва матнларни овоз чиқариб ўқиш.
6. Логопед танлаган шеър ва матнларни овоз чиқариб ўқиш.
7. Берилган мавзу бўйича ва расмларга ўараб хикоя тузиш.

Овоз бузилишлари кўпинча овоздан нотўғри фойдаланиш натижасида ва кўп ҳолларда овоз нагрукаси билан боғлиқ бўлган касб кишиларда ҳамда қўшиқ айтувчиларида учрайди. Болалик ёшида овознинг хириллаши асоан овознинг хаддан ташқари зўриқишидан келиб чиқади. Бунинг олдини олиш учун болани бақаришга мажбур қилмаслик ва шу билан бирга боланинг ҳар қандай бақаришга ҳам жавоб бермаслик керак. Болаларни гавдани тўғри тутишга ўргатиш лозим ва уни гавдани тутишдаги камчиликларни йўқотиш муҳимдир. Чунки бу камчиликлар нафас ва овоз мускулатурасини зўриқиш ҳолатини келтириб чикаради ва бу ҳам овоз бузилишларига олиб келади.

Овоз бузилишларининг олдини олиш учун овоздан табиий регистрида, табиий диапазонда ва ўртача баландликда фойдаланиш принципиал жихатдан зарурдир. Овоз ўз кучи ва баландлиги жихатидан индивидуал физиологик имкониятлардан ошмаслиги керак. Овоздан фойдаланиш характери ва унга баҳо бериш кишилар билан алоқа муносабати учун муҳимдир. Чунки овознинг ифодалилиқ даражасига қараб одамнинг рухий ҳолатини аниқлаш мумкин.

Назорат саволлари:

1. Овоз ҳосил бўлишининг анатомик-физиологик механизмини ёритинг.
2. Органик ва функционал овоз бузилишларининг фарқини айтинг.
3. Овоз бузилишларини бартараф этишда олиб бориладиган тиббий-педагогик тадбирларни ёритиб беринг.

4. Махсус болалар боғчасига борганда болалар овози ҳолатига эътибор беринг.
6. Болалар овоз гигиенаси ҳақида педагоглар ва ота-оналар билан олиб бориладиган суҳбат конспектини тузинг.
7. Болалар овозини ривожлантириш учун ўйинлар танланг.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Выготская И.Г. Исправление нарушений звукопроизношения у дошкольников. Москва 1977 йил.
2. Патапова С.Л. Коррекционно-логопедическая работа при нарушениях голоса. Москва 1984 йил.
3. Филичева Т.Б, Волкова Л.С, Муминова Л. Логопедия 1998 йил.
4. Алмазева. Е.С. Логопедическая работа по восстановлению голоса у детей. Москва 1973 йил.

4.2. Мавзу: Алалия ва афазия нутқ камчиликларини коррекциялаш.

Режа:

1. Алалия ҳақида тушунча.
2. Мотор алалия ҳақида тушунча.
3. Сенсор алалия ҳақида тушунча.
4. Афазия ҳақида тушунча.
5. Мотор ва сенсор афазия.
6. Афазия ва алалияни коррекциялаш.

Таянч сўзлар:(Алалия Мотор. Сенсор. Афазия. Эмболофразия. Эхолалия.)

Алалия энг оғир нутқ нуқсонларидан бири ҳисобланади, бундай нуқсон пайтида бола тил орқали мулоқот воситасидан бутунлай ажралади: унинг нутқи мустақил ва логопед ёрдамисиз шаклланмайди. Алалия нутқнинг йўқлиги ёки боланинг она қорнида ёки дастлабки ривожланиш босқичида нутқ шаклланишига қадар бош миё қобиғи нутқ доирасининг органик жароҳатланиши ўзлуксиз ривожланмай қолишидир. Алалия болаларда периферик эшитиш ва артикуляцион аппаратнинг сақланган ҳолда кузатилади. Бундай омиллар улардаги нутқ ривожланиши учун ақлий имкониятларнинг мавжудлигидан далolatдир. Нутқ бузилишининг шаклланиш сабаблари марказий нерв системасининг органик жароҳатланиши билан боғлангандир.

Уларга қуйидагилар киради: бош миёнинг жароҳатланиши; туғруқнинг оғир кечиши; тез туғиш оқибатида миёга қон қуйилиши; боланинг она қорнида ривожланиш босқичида, туғруқ вақтида, шунингдек боланинг бир ёшгача бўлган дастлабки ривожланиш босқичида моддалар алмашинувининг бузилиши. Бундан ташқари оғир рахит хасталиги, нафас йўлларининг касалланиши, ҳаётининг дастлабки ойларида уйқуси ва овқатланишининг бузилишини бошидан кечирган болаларда ҳам алалия пайдо бўлиши

мумкин. ош мия катта ярим шаридаги нутқ доирларининг бузилишига қараб алалиянинг икки шакли: **мотор алалия** ва **сенсор алалия** вужудга келади. **Мотор алалия** марказий ҳарактердаги органик бузилишлар натижаси ҳисобланади. Бундай носоғлом неврологик кўриниш нутқнинг ривожланиши борасида жиддий орқада қолиш билан кўшилган ҳолда нутқ фаолиятининг сусайишига, нутқ нуқсонларининг келиб чиқишига, рухий ва интеллектуал ривожланишда аста-секин орқада қолишга олиб келади.

Неврологик нуқсоннинг намоён бўлишига кўпинча ота-оналарнинг тарбия масаласига нотўғри ёндашувлари ҳам сабаб бўлади. Бундай нотўғри ёндашув уларнинг заиф болага хаддан ортиқ эҳтиёткор, раҳм-шафқатли муносабатда бўлишларида намоён бўлади. Мотор алалияли болалар рухий жисмоний ҳолатининг заифлашуви кўп толиқиш ва ишга қайишмаслик оқибатидда янада чуқурлашади. Ташқи нутқнинг бузилиши шунингдек боғланишли нутқни мустақил талаффуз қилишнинг бирданига пасайиши мотор алалияли болаларнинг ҳарактерли белгисидир. Бу пайтда болаларнинг фаол луғат бойлигини ўзлаштириш, нутқни грамматик жихатдан тўғри тузиш, товуш талаффузи ва сўзнинг бўғинли кўринишидан фойдаланиш борасидаги қийналишлари кузатилади. Шундай қилиб алалиялик болалардаги нутқ ҳолати жуда ҳам ранг-баранглиги билан тавсифланади ва у неврологик бузилишларнинг оғирлигига, нутқ мухити ва тарбиявий шароитга логопедик таъсир этишнинг вақти ва муддатига бошқа кўп ҳолларда эса боланинг компенсаторлик имкониятларига боғлиқдир. Мотор алалияли болалар нутқининг мазмунли томони бузилиши ўзоқ муддатли ва ўзлуксиз тузатиш ишлари олиб боришни талаб этади. Бу нуқсон махсус ўқитишсиз тугатилмайди. Тарбиячи мотор алалияси билан хасталанган болаларни логопед хузурига консултацияга юбориш керак.

Сенсор алалиядаги нуқсонларнинг бузилишида эшитиш тўлиқ сақланган ҳолда нутқни қабул қилиш ва тушунишнинг бузилиши асосий ҳисобланади. Сенсор алалия бош мия чап ярим шари юқори доирасининг жароҳатланиши билан боғлангандир. Сенсор алалия болаларда **эхололия** бегона сўзларни автоматик тарзда такрорлаш ҳоллари учрайди. Бола кўпинча саволга жавоб қайтариш ўрнига саволнинг ўзини такрорлайди. Қатор ҳолларда болалар ўзларига кўрсатилган нарса ёки расмнинг номини айтишга уринадилар ва айна пайтда уша нарса ёки расмни бошқа кишига бериш ҳақидаги илтимосни нотўғри бажарадилар.

Тарбиячи сенсор алалиялик болаларнинг ақлий ривожланиш борасида аниқ бир тўхтамга келишга шошилмаслиги лозим. Нутққа оид вазифани тушунмаслик ва унинг бажарилмаслиги интеллектуал камчилик сифатида хато қабул қилиниши мумкин. Шунинг учун бундай ҳолларда болага намуна бўйича амалий машқлар бажаришни таклиф қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Бундай пайтда боланинг дидактик материалга қандай мувофиқлашувини, тарбиячи ёрдамини қандай қабул қилишини, бошқа болаларга нисбатан тақлидини аниқлаш муҳимдир. Сенсор алалия амалиётда жуда кам учрашига қарамадан, бундай болаларга алоҳида эътибор бериш лозим. Чунки фақат тегишли шароитларда ва ўзоқ вақтли тузатиш ишлари

жараёнида мазкур нуқсонни қисман тузатиш ва болани нутқ ўстиришга ихтисослашган мактабда ўқитиш учун тайёрлаш мумкин.

Афазия марказий органик турга оид оғир нутқ бузилишлари қаторига киради. Бу кўпроқ ёши ўтиброк қолган кишилардаги миёда қон айланишининг бузилиши оқибатида пайдо бўлади. Афазия нутқнинг тўлиқ ёки қисман йўқолиши, у одатда бош миёнинг локал жароҳатланиши натижасида юзага келади.

Афазия сабаблари нутқнинг шаклланган босқичида бош миё нутқ системасининг турли хил органик бузилишларидан иборатдир.

Афазия қуйидаги хасталикларнинг натижаси ҳисобланади:

1. Бош миёнинг оғир жароҳатланиши.
2. Миёнинг яллиғланиши жараёни ва унда ўсмаларнинг пайдо бўлиши.
3. Қон-томир касалликлари ва миёда қон айланишининг бузилиши.

Афазиянинг шакли, нуқсоннинг оғирлиги ва унинг ўтиб бориш характери қуйидаги омилларга боғлиқдир:

А) шикастланиш ўчоғининг кенглиги ва унинг тарқалишини чеклаш.

Б) миёда қон айланиши бузилишининг характери.

В) миёдаги ўриндошлик вазифасини бажарувчи касалланмаган бўлимларнинг ҳолати. Одатда болалар афазияси икки турга бўлинади; **мотор афазия** ва **сенсор афазия**.

Мотор афазия кенг тарқалган хасталик ҳисобланади. Афазиянинг бундай тури нутқнинг ҳаракатлантирувчи марказининг бузилишида юзага келади. Хасталикнинг бундай турида бемор ё гапириш қобилиятини йўқотади ёки унинг нутқий имкониятлари жуда кам миқдорда сақланиб қолади. Мотор афазия билан хасталанган киши нутқни эшитади, тушунади, лекин талаффуз қилолмайди.

Шунингдек мотор афазия билан хасталанган кишида ўз- ўзидан қўлланиладиган сўз ва жуда оддий иборалар сақланиб қолади, у айрим бўғинларда, сўзлар ва ўзуқ-юлуқ гапларни тўлиқ тушунмаган ҳолда такрорлайди. Мотор афазия билан хасталанган кишининг спонтан нутқи ундаги нутқ аъзолари заифлашувининг натижаси бўлиши мумкин, холбуки брока марказининг бузилишида сўзнинг товуш ва бўғин бузилишлари талаффуз қилиш имконияти чекланади.

Сенсор афазия болалар афазиясининг иккинчи шакли ҳисобланади. Сенсор афазия даврида биринчи навбатда нутқни идрок этиш бузилади. Шунинг учун нутқни тушунишда бола анча қийналади. Афазия билан хасталанган бола нутқни эшитади. Лекин нима ҳақида гапириляётганини англамайди. Нутқни идрок этишни бузилишининг турлича даражалари мавжуд бўлиб, бунга фақат ўз нутқини эмас, балки бошқа кишилар нутқни ҳам тушунмаслик киради. Фонематик эшитишнинг бузилиши оқибатида сенсор афазия билан касалланган болалар ўз нутқи устидан назорат ўрнатиш имкониятини йўқотадилар. Уларга тўғри нутқ фаолиятининг сақланиб қолишига ҳеч нарса тўсқинлик қилмаса ҳам бу нутқ қуйидаги сабабларга кўра мукамал бўла олмайди: Нутқни эшитиш орқали назорат қилишнинг йўқлиги; Нутқни тушунишнинг бузилиши.

Сенсор афазия пайтида нутқнинг просодик томони бузилмайди, бундай пайтда болалар нутқи етарли даражада оҳангдор бўлади. Тузатиш орқали таъсир этиш афазиянинг турли шаклларида икки йўналишдан иборат бўлади.

1. Тиббий йуналиш хасталанган аъзоларни тўғридан-тўғри дори-дармон воситаларини қўллаган ҳолда тузатиш. Даволаш муддати врач кўрсатмаси ва кузатуви остида олиб борилади.
2. Логопедик йуналиш махсус ташкил этилган машғулотларда бевосита қобилиятни тиклаш учун ўқитиш.

Кузатишларнинг кўрсатишича, катталар билан олиб борилган машғулотларга нисбатан болалар билан ўтказиладиган машғулотлар самарали бўлади. Одатда катталар нутқини мукамал тиклаб бўлмайди, болалар нутқини эса нисбатан қисқа муддатларда меъёрга тиклаш мумкин. Логопедик машғулотларни ўтказиш шаклига кўра асосан хусусий характерда бўлиши керак, чунки болалар нутқий ва шахсий хусусиятлари бўйича бир-бирларидан фарқ қиладилар. Бундан ташқари нутқнинг тикланиш жараёни ҳар бир болада турлича кечади. Логопедик ишнинг барча давларида ота-оналар, тарбиячилар, болага яқин кишиларнинг ёрдами керак бўлади: улар тиклаш ишларини давом эттиришлари, унинг устидан назорат ўрнатишлари, болада ўз кучига ишонч пайдо қилишлари лозим. Машғулотларда орттирилган нутқ кўникмалари мустаҳкам бўлмайди ва тез унутилади, шунинг учун бутун ўқиш давомида ўзлаштирилган билимларни, кўникмаларни кўпроқ такрорлаш ва мустаҳкамлаш керак бўлади.

Назорат саволлари:

1. Алалия ва афазиянинг келиб чиқиш сабаблари.
2. Афазия, алалия, дизартрия ақлий қолоқликдан нимаси билан фарқ қилади?
3. Алалиянинг қандай шакллари мавжуд?
4. Мотор ва сенсор алалия билан хасталанган болалар нутқини тузатиш ва уларни ўқитиш йўллари аниқланг.
5. Афазияли болалар логопедик ёрдамни қаердан оладилар?
6. Болаларда афазиянинг қайси турлари кўпроқ учрайди?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Цветкова Л.Н. Проблемы афазии и восстановительного обучение Москва.1975 йил.
2. Миронова. С.А. Обучение и воспитание дошкольников с нарушением речи. Москва. 1987 .
3. Лурия А.Р. Травматическая афазия. Москва 1974 йил.
4. Левина.Р.Е. Опыт изучения неговорящих детей алаликов. Москва 1951йил.
5. П.М. Пўлатова “Олигофренопедагогика” Тошкент 2005 йил.
6. В.С. Рахманова “Махсус педагогика” Тошкент 2004 йил.

- 7.Выготский.Л.С. «Проблема у отсталости» Москва 1956 йил.
8.Под ред. Дульнева. Г.М.»Коррекционная роль обучения в школе»М.1971 й.
9. М. Аюпова “Логопедия” Тошкент, 2007 йил.

4.3. Мавзу: Дудукланиш ва уни коррекциялаш методлари.

Режа:

1. Дудукланишнинг келиб чиқиш сабаблари.
2. Дудукланишнинг аломатлари.
3. Дудукланишни коррекциялаш.

Таянч сўзлар: (Физиологик ва рухий бузилишлар. Невропатик касалланишлар. Конситуцион мойиллик Асфенция. Рухий сиқилиш. Эмоционал ҳаракатлар.)

Дудукланиш бу нутқ аппарати мускулларининг тортишиши натижасида нутқнинг суръат охангининг бузилишидир.

Дудукланиш сабаблари ҳозирги вақтда 2 гуруҳга бўлинади: мойиллик сабаби ва келтириб чиқарувчи сабаблардир. Мойиллик сабабига қуйидагилар киради:

- ота-оналарнинг невропатик касалланиши.
- дудукланувчининг ўзидаги невропатик хусусиятлар.
- наслий бузилиш.
- бош миянинг турли даврлардаги ривожланишида, кўплаб салбий омиллар таъсирида шикастланиши. Келтириб чиқарувчи сабаблар гуруҳида анатомик-физиологик рухий ва социал сабабларни ажратиб кўрсатишимиз мумкин.

Анатомик-физиологик сабаблар: энцефамитик окибатлари бўлган жисмоний касалликлар, жарохатлар, миянинг органик бузилиши, захарланиши ва марказий нутқ аппаратини заифлаштирувчи бошқа касалликлар натижасида нерв системасининг тамоман издан чиқиши ёки ўта чарчаши, қизамиқ, терлама, гижжалар, бурун, ҳалқум, хикқилдок касалликлари, дислалия, дизартриянинг ва нутқ тўлиқ ривожланмаганлиги ҳолларидаги товуш талаффузи аппаратининг мукамал ривожланмаганлиги.

Рухий ва социал сабаблар: қисқа муддатли бир лахзалик рухий шикаст, ўзоқ вақт таъсир кўрсатадиган рухий шикаст, сурункали зиддиятли кечинмалар, рухий зўриқиш ёки хал этилмаган, умумий ғов бўлувчи зиддиятли вазиятлар кўринишидаги ўзоқ муддатли салбий хиссиётлар, рухан жуда оғир эзилиш, ўткир самарасиз таъсирни келтириб чиқарадиган кучли, беҳосдан пайдо бўладиган изтироблар, ваҳималик ва ўта шодланиш ҳолати, нутқнинг болаликда нотўғри шаклланиши, кичик ёшдаги болани ҳаддан ортиқ нутқ материаллари билан таништириш, зўриқтириш, полиглоссия, эрта ёшда бирданига қандайдир турли хил тилларни билиш одатда қандайдир бир тилдаги дудукланишни келтириб чиқаради. Дудукланувчиларга тақлид қилиш, бундай рухий индукция иккита шаклга ажралади: суст-бола дудукланадиган кишининг нутқини тинглаб беихтиёр дудуклана бошлайди, у фаол дудук кишига тақлид қилади, чапақайликдан ўнақайликка ўргатиш.

Доимо эслатиш, тартибга чақириш боланинг олий нерв фаолиятини издан чиқариш ва дудукланишни келтириб чиқариш билан бирга невратик ва психопатик ҳолатларга олиб келиши мумкин; ўқитувчининг болага нотўғри муносабатда бўлиши, ҳаддан ортиқ қаттиққўллик, шафқатсизлик дудукланишнинг юзага келиши учун туртки бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Ҳозирги даврда дудукланишнинг аломатларини бир-бирига ўзаро яқин бўлган иккита гуруҳи ажратилади; **биологик (физиологик) ва социал (психологик)**.

Физиологик аломатларига кўра нутқнинг ҳосил бўлишида иштирок этувчи аъзоларининг тортишиши, марказий нерв системаси ва жисмоний саломатлигининг, умумий ва нутқ ҳаракатларининг бузилиши киради. **Психик аломатларга** нутқда тутулиш ва хис-ҳаяжонли нутқнинг бошқа бузилишлари нутқда қайд қилиш феномени, логофобиялар, найранг ишлатиш ва бошқа рухий жихатлар киради.

Нутқ акти жараёнидаги мускул тортишиш 3 хил бўлади; **клоник, тоник ва аралаш**. Дудукланиш тутиб қолишининг беқарор тезлигини ўрганиш тўғри нутқнинг сақланиб қолган нутқ фаолиятидаги ва нутқ вазиятидаги турли даражали мураккабликларига боғлиқ равишдаги кўрсаткичларини белгилаш тўғрисидаги тушунчаларни асослаш учун имконият яратади.

Сақланган нутқ даражасини аниқлаш логопедик ишнинг ҳар бир босқичидаги асосий тузатиш вазифалари учун муҳим аҳамият касб этади. Дудукланишнинг пайдо бўлишига шунингдек умумий ва нутқ моторикасининг турлича бузилишлари ҳосдир. Улар зўраки ва ихтиёрий тутиб қолиш тарзида бўлиши мумкин. Дудукланувчилар ўзларининг қийин нутқини никоблаш ёки енгиллаштириш мақсадида бундай ҳаракатлардан фойдаланадилар. Дудукланишнинг социал асоси шундай психик асоски, унинг асосида «нутқнинг заифлашувини идрок этиш» пайдо бўлади. Ўзининг нотўқислигини хис этиш невротик касаллиқнинг ривожланишида асосий омиллардан бири ҳисобланади.

Хасталанган киши ўзининг касаллик аломатларига қанчалик кўп эътибор берса, у шунчалик зурайиб бораверади. Натижада шундай оғир ахвол пайдо бўладики, бемор ундан сира қутула олмайди, касаллик аломати унинг эътиборини чулғаб олади, бунинг оқибатида аломатлар янада ривожланади ва беморнинг эътиборини ўзига қаратади. Дудукланиш муаммолари билан шуғулланувчи тадқиқотчилар нуқсонга эътиборни жалб этиш тушунчаси борасида турлича қарашларни келтирадилар: диққат эътиборнинг алоҳида хусусияти, нуқсонни идрок этиш, у ҳақида тасаввурга эга бўлиш, унга нисбатан турлича ҳиссиётли муносабатда бўлиш қабилар.

Нуқсонда қайд қилинадиган турли даражаларнинг ҳақиқий мураккаблигини ифодаловчи меъёрларни топиш муҳимдир. Бундай меъёр сифатида дудукланувчининг ўз нуқсонига нисбатан хис-ҳаяжонли муносабати борасидаги 3 та вариантдан ва уларга қарши иродавий куч-ғайрат сарфлашнинг 3 та вариантыдан фойдаланиш мумкин. Шулар муносабати билан дудукланадиган кишиларни уч гуруҳга ажратиш учун «касалликка диққатни жалб қилиш» атамасининг киритилиши ўринлидир.

1. **Касалликка диққатни жалб қилишнинг нолинчи даражаси:** болалар гуё ўз нуқсонини сезмагандек, у ҳақида ўйламайдилар ва ташвишланмайдилар. Тортиниш, ўзининг нотўғри нутқи хусусида ўйлаш, нуқсонни бартараф этиш учун ҳеч қандай уринишлар бўлмайди.

2. **Касалликка диққатни жалб қилишнинг муътадил даражаси;** юқори синф ўқувчилари ва ўсмирлар ўз нуқсонидан ташвишланадилар, ундан уяладилар, дудукланишни яширадилар, турлича хийла ишлатишгача борадилар, атрофдагилар билан камроқ муносабатда бўлишга уринадилар. Улар ўзларининг дудукланишларини биладилар, унинг кетидан қатор ноқулайликларни бошдан кечирадилар, ўз камчилигини ниқоблашга уринадилар.

3. **Касалликка диққатни жалб қилишнинг яққол ифодаланган даражаси:**

Дудукланувчиларда нуқсон борасидаги ташвишланиш ўзининг нотўқислигини доимий чуқур хис этишга айланади, бунда ҳар бир ҳаракат нутқий нотўқислик тушунчаси орқали таҳлил этилади.

Улар ўз диққатларини нутқий камчиликларига йуналтирадилар, дудукланишдан чуқур ташвиш чекадилар, улар учун касалликка эътибор бериш, касалликдан шубҳаланиш, гапиришдан олдин ваҳимага тушиш, одамлардан, вазиятлардан ва бошқалардан гумонсираш хосдир.

Дудукланиш учта даражага ажралади: енгил дудукланиш- киши асабийлашган ҳолатида ёки тез гапираётганида дудукланади: уртача дудукланиш- киши тинч, одатдаги вазиятда осон гапиради, кам дудукланади, хис-ҳаяжонли дамларда кучли дудукланиш юз беради: оғир дудукланиш- киши бутун нутқи давомида, доимий чалгитувчи ҳаракатлар қилиши билан дудукланади. дудукланиш давом этишига кўра куйидаги турларга ажратилади: доимий- дудукланиш пайдо бўлгач турли нутк шакллари ва вазиятларида бевосита намоён бўлади: тўлқинсимон дудукланиш-

дудукланиш гоҳ камаяди, гоҳ кучаяди лекин бутунлай йўқолмайди: қайталанувчи- дудукланиш йўқолиб, яна пайдо бўлади, яъни қайталаниш юзага келади, ўзоқ муддатли эркин тутулишсиз нутқдан сўнг қайта пайдо бўлади.

Дудукланишни бартараф этишнинг амалдаги воситалари ва методларини ўрганишда уларнинг дудукланувчига таклиф этилган таъсир воситалари хусусиятларини ҳам кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Биринчи ҳолатда бу даврлаш тадбирлари, иккинчисиди педагогик тадбирлар ва учинчисиди дудукланувчига даволаш ва педагогик жараёнларнинг турли ҳолатда қўшиб олиб борган ҳолда таъсир этиш. Дудукланишни бартараф этишнинг терапевтик воситалари турлича даражалари ва шаклларида қадимдан бошлаб барча даврларда қўлланиб келинган.

Дудукланишни даволашнинг жаррохлик методи эрамининг I асрдан XIX аср ўрталарига қадар то унинг бесамаралилиги ва ҳавфлилиги ҳақидаги фикрлар тасдиқлангунча қўлланган.

Психотерапевтик таъсирлар.

Дудукланишга невротик заифлашуви сифатидаги қарашларни пайдо бўлиши билан айрим муаллифлар уни психотерапевтик таъсир орқали бартараф қилишга биринчи даражали аҳамият бера бошладилар.

Дидактик усуллар. Дудукланувчиларда тўғри нутқни дидактик усулда тарбиялаш тарафдорлари ҳам нутқнинг айрим элементларини, ҳам умуман нутқни қамраб олувчи турли хил ва секин-аста мураккаблашадиган нутқий машғулотлар системасини тавсия этишди. Дудукланишни бартараф этишга замонавий атрофлича ёндашув деганда дудукланувчи рухий жисмоний ҳолатининг турлича томонларига турли мутахассисларнинг ҳар-хил восита ва усуллари билан педагогик даволаш орқали даволаш, таъсир этиш тушунилади. Барча педагогик даволаш мажмуини дудукланувчиларга таъсир этиш хусусиятига қараб шартли равишда иккита гуруҳга ажратиш мумкин: даволаш- соғломлаштириш ва педагогик тузатиш.

Тиббиётчи олиб борадиган даволаш- соғломлаштириш ишлари қуйидаги асосий вазифаларни ўз ичига олади: дудукланувчининг асаб системаси ва жисмоний ҳолатини мустаҳкамлаш ҳамда соғломлаштириш, уларнинг рухий-жисмоний ҳолатидаги оғиш ва патологик қурбанишларни бартараф этиш ва даволаш.

Логопед олиб борадиган педагогик тузатиш ишлар қуйидаги асосий вазифаларни ўзида мужассамлаштиради, дудукланувчи нутқидаги нуқсонлар ва рухий нотуқис жихатларини бартараф этиш. Логопед ўз услуби ва воситаларини дудукланувчига таъсир этишда қўллай биладиган зарур мутахассисларнинг ҳамкорликдаги тиббий-педагогик ишини ташкил этади.

Назорат саволлари:

1. Дудукланиш механизмини физиологик ёндашув нуқтаи назаридан очиб беринг.
2. Дудукланиш ҳақидаги таълимотнинг ривожланиш тарихига тавсиф беринг.
3. Дудукланиш аломатлари.
4. Дудукланишни бартараф этишда комплекс даволов-педагогик ёндашув ишларига умумий тавсиф беринг.
5. Дудукланувчи болалар билан олиб бориладиган даволаш- соғломлаштириш ишларининг асосий шакл ва вазифаларини ёритиб беринг.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Селиверстов В.И. Заикание у детей. Москва 1979 йил.
2. Чевелева Н.А. Исправление заикание у школьников в процессе обучения. 1978 йил.
3. Выготская И.Г. Устранение заикание у дошкольников в игре. М. 1984
4. Власова Н.А. Логопедическая работа с заикающимися дошкольниками. Москва. 1959 йил

4.4. Мавзу: Нутқнинг фонетик – фонематик томонидан ривожланмаганлиги ва уни коррекциялаш.

Режа:

1. Логопедик тузатиш ишларининг асосий йўналишлари
2. Логопедик машғулотлар
3. Талаффуз ва фонематик идрокни шакллантириш ва нутқ ўстириш
4. Савод ўргатиш
5. Махсус гуруҳларда логопеднинг хужжатлари
6. Ота-оналар билан ишлаш
7. Логопеднинг иш режаси
8. Логопеднинг хисоботи

Таянч сўзлар: (Логопед, идрок, фонетик, фонематик, НТР, талаффуз)

Нутқнинг фонетик-фонематик томондан ривожланмаганлиги - бу товушларни талаффуз этиш ва идрок қилиш жараёнидаги камчиликлар натижасида болаларда она тилидаги товушларни талаффуз қилиш системаси такрорланишининг бузилишидир. Бундай нутқ камчилигида нутқнинг идрок ва талаффуз қилиш нуқсонларига асосланган фонетик-фонематик томонининг бузилиши биринчи ўринда туради. Шу билан бирга баъзи болаларда лексико-грамматик тараққиётида яққол ифодаланмаган орқада қолиш ҳоллари ҳам кузатилиши мумкин. Бу тоифадаги болаларга хос хусусият артикуляцион ёки акустик белгиларига кўра фарқ қиладиган товушларнинг шаклланиш жараёнининг тугалланмаган бўлишидир.

Бу ҳолда бола нутқида дифференциацияланмаган товушлар бўлиши, товушларни алмаштириш, нутқда уларни тўғри қўлламаслик, кўплаб товушларни бузиб талаффуз қилиш, шунингдек товушларни эшитишга кўра етарли фарқламаслик кузатилади. Шундай қилиб, фонетик-фонематик

ривожланмаганлик гурухига кирувчи болаларнинг оғзаки нутқида қуйдаги талаффуз камчиликлари кузатилади:

а) товушларни артикуляцион жихатдан осон бўлган товушларга алмаштириш (масалан, «с», «ш» товушларининг «ф» товушига алмаштирилиши);

б) нутқнинг турли шаклларида товушлардан барқарор фойдаланмаслик;

в) товушларни артикуляцион жихатдан бир-бирига яқин бўлган товушларга алмаштириш;

г) бир ёки бир нечта товушни бузиб талаффуз қилиш; Фонематик идрокнинг бузилишлари қуйидагиларда аниқ ифодаланади:

а) фонемаларни ўз нутқи ва бошқалар нутқида аниқ фарқламаслик (биринчи навбатда жарангли-жарангсиз, сирғалувчи-шовқинли, шовқинли-аффрикат товушлар);

б) товушларни оддий анализ ва синтез қилишга тайёр эмаслик;

в) нутқнинг товуш таркибини анализ қилишдаги қийинчиликлар.

Кўпинча товушларни нотўғри талаффуз ва идрок қилиш билан бирга кўп бўғинли сўз ва сўз бирикмаларини талаффуз қилишда қийинчиликлар кузатилади. Шунингдек, луғат бойлигининг камбағаллиги, сўз тузилишидаги кўникмаларнинг етарли бўлмаслигида ифодаланган лексик-грамматик тараққиётда орқада қолиш ҳам кузатилади.

Сўз бирикмалари ва гаплар тузишда нутқи нормал ривожланган болаларга хос бўлмаган хатолар кўзга ташланади. Шунингдек, нутқда қўлланадиган синтактик конструкцияларнинг камбағаллиги характерлидир. Бу барча қийинчиликлар мустақил нутқда яққол кўринади.

Логопедик тузатиш ишларининг асосий йўналишлари

Нутқи фонетик-фонематик томондан ривожланмаган катта болалар гурухларига нормал эшитувчи ва нормал интеллектли, нутқи ривожланмаган ва бунда нутқнинг товуш томонининг шаклланмаганлиги асосий ўрин эгаллаган 5 ёшли болалар қабул қилинади. Бу болалар учун фонематик идрокнинг шаклланиш жараёнининг тугалланмаганлиги хосдир.

Нутқ камчиликлари товушларни нотўғри талаффуз қилиш билан чегараланиб қолмай, шунингдек, товушларни етарли фарқламаслик ва сўзни товуш томондан анализ қилишдаги қийинчиликлардан ҳам иборат бўлади.

Тузатувчи таълимнинг вазифалари

Мактабгача тарбия муассасаларида нутқ камчиликларига эга бўлган болаларни тарбиялаш болалар боғчаси тарбия дастурига мувофиқ ташкил қилинади. Фонетик-фонематик нутқ камчилигига эга бўлган беш ёшли болалар дастурда оммавий типдаги мактабгача тарбия муассасаларнинг мактабга тайёрлов гурухларига мўлжалланган билим, кўникма ва малакалар ҳажмини ўзлаштиришлари керак.

Фонетик-фонематик жихатдан нутқи ривожланмаган болалар гурухларига олиб келинган болалар 10 ой ичида умумтаълим мактабида муваффақиятли билим олиш учун зарур бўлган асосий топшириқлар, кўникма ва малакалар ҳажмини ўзлаштириб олишлари лозим. Нутқ фаолиятининг айрим томонларини ривожлантиришга қўйиладиган талабларни аниқлаш мақсадида қуйидаги махсус ишлар амалга оширилади:

- талаффуз ва фонематик идрокни шакллантириш;
- саводга ўргатиш;
- атроф мухит билан таништириш ва нутқ ўстириш.

Тузатувчи таълимнинг мақсади: болаларда умумий ва нутқ нуқсонини тузатиш ҳамда болаларнинг нутқий фаолиятини ривожлантиришга йўналтирилган махсус логопедик метод ва усулларни қўллаш йўли билан боланинг ёшига мувофиқ луғат бойлиги ва боғланган нутқ билан бирга тўғри, аниқ, равон нутқни тарбиялаш.

Логопедик иш талаффуз малакаларини шакллантириш, фонематик идрокни, товушлар анализи ва синтези малакаларининг ривожлантириш йўналишлар бўйича олиб борилади. Тузатилган нутқий материал устида куйидаги ишлар амалга оширилади:

- болаларда сўзнинг морфологик составига ва сўзларнинг ўзгаришига эътиборни жалб этиш ҳамда сўзларнинг гапда боғланишини ривожлантириш;
- болаларда оддий ёйиқ ва қўшма гапларни тўғри тузиш, боғланган нутқда турли конструкциядаги гапларни қўллаш кўникмаларини тарбиялаш;
- боғланган нутқни ривожлантириш; луғатни бойитиш;
- талаффузни тўғрилаш асосида саводга ўргатиш. Тарбиячи олиб борадиган машғулотларда болаларнинг атрофдаги предметлар ва ходисалар ҳақидаги тасаввурлар ҳосил қилиш ва уларни системалаштириш, табиий ва ижтимоий ходисалар билан таништириш билан бир вақтда болаларнинг луғат бойлиги кенгайтирилади, сўзлашув ва тасвирий, ҳикоя нутқи ривожлантирилади.

Шундай қилиб, болалар нутқи турли йўллар билан ривожлантириб борилади, лекин бир мақсадни - таълим ва тарбия бериш жараёнида болаларнинг нутқий тараққиётидаги камчиликларни йўқотиш ва уни мактабда кўникма ва малакалар олишга тайёрлашни кўзда тутати.

Машғулотларда ўқитиш

Машғулотларда ўқитиш - мактабгача ёшдаги болалар билан олиб бориладиган тузатиш ишининг асосий шаклидир. Хар куни эрталабки соатлар орасида 10 минутлик танаффус билан иккитадан фронтал машғулот ўтказилади: 1-машғулот соат 9⁰⁰ дан 9³⁵ гача ва 2-машғулот соат 9⁴⁵ дан 10²⁰ гача. Хар куни (шанбадан ташқари) кечки соатларда битта машғулот ўтказилади: соат 16¹⁵ дан 16⁵⁰ гача. Логопед хар куни битта фронтал машғулот ўтади (соат 9 дан 9³⁵ гача). Ёзги даврда фақат гуруҳли ва индивидуал машғулотлар ташкил қилинади. Фронтал логопедик машғулотлар болаларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда барча болалар учун умумий бўлган режага мувофиқ тузилган дастурга асосланган система бўйича ўтказилади.

Бу машғулотларда ҳамма болалар қатнашадилар. Фронтал машғулотларда нутқий материал доимо тўғри талаффуз қилинадиган товушларни ўз ичига олиши лозим. Фронтал машғулотларга болалар логопед томонидан хар куни соат 9⁴⁵ дан 13⁰⁰ гача ўтказиладиган гуруҳли ва индивидуал машғулотларда тайёрлаб борилади. Гуруҳли машғулотлар логопедик машғулотларнинг асосий шакли ҳисобланади. Гуруҳларга камчиликлари ўхшаш ва бир хил бўлган 2-6 бола бирлаштирилади. Гуруҳлар таркиби йил давомида таълимнинг у ёки бу даврининг аниқ мақсад ва

вазифалари ҳамда ҳар бир боланинг индивидуал ютуқларига кўра ўзгариши мумкин.

Йил бошида кўп вақт товушлар талаффузини йўлга қўйишга ажратилган даврда гуруҳларга товушлар талаффузидаги нуқсонлари бир мунча ўхшаш бўлган болаларни бирлаштириш мақсадга мувофиқдир. Кейинроқ, асосий эътибор қўйилган товушларни мустахкамлашга қаратилган ва луғат бойлигини кенгайтириш, грамматик жихатдан тўғри нутқни, сўзнинг товуш таркибини таҳлил қилишни, ўқиш ва ёзишни ўргатишга қаратилган машқларни киргизиш имконияти ошиб бораётган даврда, ҳар бир бола билан ўтказиланган нутқий иш ҳажмини ҳисобга олган ҳолда гуруҳларни қайтадан тузиш мумкин.

Тарбиячи ўз ишини қўйилган вазифаларни ҳисобга олган ҳолда режалаштиради. Нутқ ўстириш ва талаффуз малакаларини мустахкамлаш машғулоти логопед билан ҳамкорликда режалаштирилади. Агар биринчи машғулоти логопед ўтказса (талаффуз, саводга ўргатиш ёки нутқ ўстириш бўйича), тарбиячи унда қатнашади ва ўзига керакли нарсаларни ёзиб олади, чунки бу машғулотнинг баъзи элементлари унинг кечки ишида режалаштирилади. Ўн минутлик танаффусдан сўнг тарбиячи ўз машғулотини ўтади (жадвалга асосланиб).

Бу вақтда логопед бир ёки бир нечта болани кабинетига индивидуал иш ўтказиш учун олади. Шунинг унутмаслик керакки, махсус гуруҳлар тузишдан мақсад - болаларнинг нутқини тузатишдир. Логопед болаларнинг қобилияти ва индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиб, қайси болалар билан индивидуал иш ўтказишни тарбиячи билан олдиндан келишиб олади. Болалар билимини баҳолашда оғзаки ва символик рағбатлантиришлардан фойдаланиш ёки камчиликларни йўл-йўриғи билан кўрсатиш лозим.

Машғулотлар ўтишда логопед ва тарбиячи болаларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олишлари ва турли дидактик ўйинлар, ўйин усуллари, предметли-амалий машғулотлар, кўргазмали воситалар ва материаллардан кенг фойдаланишлари лозим.

Логопедик машғулотлар

Логопедик машғулотлар қуйидаги бўлимлардан иборат; талаффуз ва фонематик идрокни шакллантириш ва нутқ ўстириш; саводга ўргатиш; тузатувчи таълим системаси.

Таълимнинг биринчи даврида (сентябрь - ноябрь) фронтал машғулотлар фақат «Талаффузни шакллантириш ва нутқ ўстириш» бўлими бўйича ўтказилади (ҳафтада 5 марта). Таълимнинг иккинчи даврида (декабрь - март) савод ўргатишга ҳафтасига иккита машғулоти, талаффузни шакллантириш ва нутқ ўстиришга ҳафтасига 3 машғулоти ажратилади. Таълимнинг учинчи даврида (апрель - июнь), яъни ўқув материалига ҳар қандай товушни киргизиш мумкин бўлган даврда (бу вақтда товушлар талаффузининг қўйилиши тугалланган бўлиши лозим) ҳафтада бир ёки иккита машғулоти нутқ ўстиришга, бир ёки иккита машғулоти талаффузни шакллантиришга ажратилади. Саводга ўргатишга ҳафтада иккита машғулоти ажратилади. Июнь - август ойларида ўтилган материални мустахкамлаш бўйича яқка тартибдаги тузатиш ишлари ўтказилади.

Талаффуз ва фонематик идрокни шакллантириш ва нутқ ўстириш

Талаффузни шакллантириш. Бу бўлим бўйича асосий тузатиш вазифалари қуйидагилардан иборат: талаффуз жихатдан аниқ фарқ қиладиган, бир-бирига қарама-қарши қўйиладиган фонемаларни шакллантириш;

бўғинлар мураккаблигига кўра турлича сўзларни талаффуз қилишга ўргатиш; эгалланган мустақил нутқ малакаларидан эркин фойдаланишга ўргатиш.

Қўйилган вазифаларни бажариш учун биринчи навбатда махсус логопедик усуллар ёрдамида товушлар талаффузидаги нуқсонлар тузатилади ва нутқда бор товушлар аниқлаштирилади.

Тўғри артикуляция малакаларини шакллантириш қўйилган вазифаларни муваффақиятли ҳал қилишнинг асосий шартларидан биридир. Фонематик идрокни ва эштитиш хотирасини ривожлантиришга махсус вақт ажратилади: болалар нутқни тинглашга, нутқнинг айрим товуш элементларини фарқлаш ва эсга туширишга, эшитиб идрок қилинган материални эслаб қолишга, ўзларининг ва бошқалар нутқининг жаранглашини таққослашга ўрганадилар.

Артикуляцион малакалар ва фонематик идрокни ривожлантириш нутқнинг товуш таркибини анализ ва синтез қилишни ривожлантириш билан бир вақтда олиб борилади. Сўзнинг товуш таркибини анализ ва синтез қилишни кўзда тутувчи машқлар фонемалар тузиш жараёнини нормаллаштиришга ёрдам беради ва болаларни саводни ўзлаштиришга тайёрлайди. Тузатувчи таълимнинг барча даврларида товушларни тўғри талаффуз қилишни мустахкамлаш иши дикцияни ривожлантириш, товуш-бўғин таркибига кўра мураккаб сўзларни талаффуз қилишдаги қийинчиликларни бартараф қилиш иши билан қўшиб олиб борилади. Ўрганилаётган товушларни ва товуш-бўғин таркибига кўра турлича сўзларни тўғри талаффуз қилишни мустахкамлаш босқичида тузатувчи машқлар материали нутқнинг лексик ва грамматик бирликларини бир вақтда ривожлантиришни назарда тутган ҳолда танланади.

Талаффузни шакллантириш иши якка тартибдаги (гуруҳли ва фронтал) машғулотларда амалга оширилади. Бўлим бўйича тузатувчи таълимнинг вазифалари болаларда тил доирасида кузатиш ва умумлаштириш қобилиятини ривожлантириш, ўзлаштирилган лексик ва грамматик материални боғланган нутқнинг турли кўринишларида амалий қўллаш малакасини кенгайтиришдан иборатдир. Лексик-грамматик машқлар болалар томонидан тўғри талаффуз қилинадиган материал асосида ўтказилади, бу материалнинг товуш таркибига мустахкамлаш босқичидаги тўғриланган товушлар киради.

Сўзнинг асосий қисмини эшитиш, ажратиш ва тўғри талаффуз қила билиш тилни кузатишни ривожлантиради, кейинчалик нутқни мустақил такомиллаштириш учун шароит яратади. Болалар луғатини бойитиш ва аниқлаштириш бўйича асосий ишни тарбиячи олиб боради. Нутқ ўстириш бўйича бу ишни логопед давом эттиради ва чуқурлаштириб боради, бунда у ўз олдига қуйидаги вазифаларни қўяди - болалар луғатини кенгайтириш, уларнинг дикқатини сўзларнинг маъносига ва сўз тузишнинг баъзи усулларига жалб этиш, бор луғатини таҳлил қилиш.

Савод ўргатиш

Бу бўлим бўйича олиб бориладиган тузатувчи таълим вазифалари:

- болаларда савод ўрганиш учун зарур бўлган тайёргарликни шакллантириш; болаларни ўқиш ва ёзишга ўргатиш. Савод ўргатиш

талаффузи қайта ишланган товушлар материали асосида олиб борилади. Таълим бериш системасида ўрганилаётган товушлар, нутқ товуш анализи шакллари холида ўқиш ва ёзишга ўргатиш орасидаги ўзаро мувофиқлик кўзда тутилади. Болалар томонидан ўқиш ва ёзиш малакаларини муваффақиятли ўзлаштиришга имконият яратиш учун тайёрлов даври кўзда тутилади, бу давр икки ойни ўз ичига олади.

Бу давр мобайнида савод ўргатиш бўйича махсус машғулотлар ажратилмайди - савод ўргатишга тайёргарлик талаффуз малакаларини шакллантириш билан бир вақтда олиб борилади. Махсус машқлар натижасида болаларда нутқнинг товуш томони тарбияланади, улар айрим товушлар, сўзларни аниқ талаффуз қилишга, фарқлашга ва ажратишга ўрганадилар. Бу даврда саводга доир кўйидаги икки вазифа амалга оширилади:

болаларни сўзларни тахлил қилишга тайёрлаш;

С Г (с - жарангсиз, г - жарангли) турдаги оддий бўғинларни - харфларни ажратмай, боғлаб ўқишга ўргатиш. Таълимнинг «Алифбе» даври 6 ой (ноябрь - апрель) давом этади. Бу даврда саводга доир фронтал машғулотлар ҳафтада икки марта, гуруҳ холида олиб бориладиган машғулотлар эҳтиёжга кўра ўтказилади. Бунда ташқари, талаффуз бўйича ҳар бир машғулотда 5 минут ўқишга доир машқларга ажратилади.

Тайёрлов даврининг узок давом этишига қарамай, савод ўргатиш нормадан фарқ қиладиган шароитларда ўтади. Бу фарқлар болаларда фонемалар системаси ҳали тўла шаклланмаганлиги, лексик-грамматик тараққиёт даражаси ҳали пастлигида ифодаланади.

Бу фақат ўқиш ва ёзишни ўзлаштириш жараёни вақтини чўзишни эмас, балки шу билан бирга материални бошқача жойлаштириш, махсус методик усуллардан фойдаланишни талаб қилади. Савод ўргатиш талаффуз малакаларини шакллантириш билан боғланган. Бунда айрим товушларни талаффуз қилиш, эшитиб фарқлаш ва ўз талаффузида дифференциациялашга, шунингдек, нутқда товушларни тўғри қўллаш малакасини тарбиялашга қаратилган оғзаки машқлар доимо бўғин таркиби мураккаблашиб боровчи сўзларни тахлил қилиш билан бирга қўшиб олиб борилади. Харфларни ўрганиш тартиби асосан товушлар талаффузини ўзлаштириш тартибига мувофиқ бўлади.

Артикуляцион ва акустик хусусиятлари яқин бўлган товушларни ўрганиш орасида узок вақт бўлиши лозим, масалан, *с-ш*, *п-б* ва ҳоказо. Янги харф бўйича дастлабки машқлар ўтказишда ўрганилаётган товушга яқин бўлган харфлар вақтинча ўтилмай турилади. Бўғин таркибига кўра турлича сўзлар ўқиш материалига муайян изчилликда, шу сўзларни талаффуз ва товуш томондан тахлил қилишга йўналтирилган оғзаки тайёргарликдан кейин киритилади. Таълим даврида турли шаклдаги кўргазмалар, ўйин усуллари, ўйин шаклидаги машқлар кенг қўлланилади.

Таълим охирида кўпчилик болалар алифбе доирасида ўқий олишлари, ўқиганларини тўғри тушунишлари, ўқиганлари бўйича саволларга жавоб бера олишлари, матнларга савол тузишлари, кесма алифбеда сўз туза билишлари, барча тўғри ёзиш қоидаларига риоя қилган ҳолда турли товуш-бўғин таркибига эга бўлган сўзлар ва гапларни кўчириб ва ўзлари ёза билишлари лозим.

Махсус гуруҳларда логопеднинг ҳужжатлари

Логопедик иш жараёнининг тўғри ташкил этилганлиги мақсади нутқ камчиликларини тўғрилашдан иборат бўлган тузатиш ишининг сифати билан

белгиланади. Ишни тўғри ташкил этишда куйидагилар кўзда тутилади: болаларни ўз вақтида текшириш, машғулотлар жадвалини тўғри тузиш, ҳар бир бола билан олиб бориладиган индивидуал ишни умумий режага мувофиқ режалаштириш, фронтал машғулотларни олиб боришда уларни зарур жихозлар, кўргазмали қуроллар билан жихозланиши ва гуруҳ тарбиячиси билан логопеднинг биргаликдаги ишлари.

Логопедик текшириш

Гуруҳга қабул қилинган болалар мукаммал логопедик текширувдан ўтказилади. Болаларни текшириш учун логопед ўқув йилининг иккита биринчи ҳафталарини ажратади. Кейинчалик текширув натижалари машғулотлар вақтида болани кузатиш натижалари билан тўлдирилиши мумкин. Шу билан бир вақтда талаффузни тузатиш устида иш бошланади ҳамда режага мувофиқ фронтал машғулотлар олиб борилади, бу ҳақда куйида баён этилади. Текшириш махсус «Нутқ картаси» да кўрсатилган режа асосида ўтказилади.

Логопедик текширувни тугатиб, индивидуал иш режасини тузгандан сўнг логопед тарбиячига ҳар бир боланинг нутқи шаклланишидаги асосий камчиликларни айтиб ва кўрсатиб беради (нутқ картасига мувофиқ), айниқса нутқи шаклланишида оғир камчиликларга эга бўлган болалар билан ўтиладиган тузатувчи таълим мазмуни устида тўлиқ тўхталиб ўтади. Логопед таълимнинг турли даврларида алоҳида болалар нутқига талаблар белгилайди. Шу билан бирга ҳар бир тарбиячи болаларнинг товушлар талаффузидаги камчиликларни эшитиши, нутқ бузилишларини аниқ тасаввур қилиши, товушларнинг нутқга қўйишнинг асосий усуллари эгаллаган бўлиши, болаларнинг нутқини кузатиш ҳамда машғулот ва машғулотлардан ташқари вақтларда уларнинг индивидуал имкониятларини ҳисобга олган ҳолда тузатиш учун қайси болада қандай товушларни нутқга қўйиш, мустахкамлаш ёки дифференциациялаш зарурлигини билиши керак.

Логопед ишини режалаштириш

Логопед бутун ўқитиш жараёнида тузатиш ишининг ҳамма бўлимларини ўз ичига олувчи перспектив иш режасини тузиши лозим. Бу режани тузишда логопед куйидагиларни ҳисобга олиши керак: Тарбиячилар учун семинарлар ўтказиш. Ўзи ишлаётган оммавий болалар боғчасида катта гуруҳ болаларининг нутқини текшириш. Болаларнинг нутқ камчиликларини бартараф этиш юзасидан тарбиячиларга маслаҳатлар бериш. Очиқ логопедик машғулотлар ўтказиш. Ўта (қийин) мураккаб болаларни бошқа мутахассислар (психоневролог, тарбиячи, музика раҳбари) билан биргаликда маслаҳатли таҳлил қилиш. Педагогик кенгашларда, туман конференцияларида қатнашиш.

Ота-оналар билан доимо алоқада бўлиш (индивидуал суҳбатлар, уйга берилган топшириқларни бажаришга ота-оналарни жалб этиш, ота-оналар бурчагини безатиш, ота-оналар мажлисини ўтказиш). Ҳар бир фронтал машғулот учун логопед режа тузиши шарт. Режада машғулот мавзуси ва унинг мақсади, жихозлар, машғулотнинг тахминий бориши кўрсатилади. Тарбиячи фронтал машғулотларда қатнашади, машғулотнинг бориши ва болалар хатосини ёзиб боради. Машғулот натижасини тарбиячи ўз режасининг ҳисобга олиш бўлимига ёзиб қўяди.

Индивидуал режани логопед ҳар бир бола учун тузади. Унда қайси товушлар тузатишга ёки дифференциацияга тегишли зканлиги, нутқ

тузилишининг ритмик бўғинини ривожлантириш, эшитиш тафаккурини шакллантириш, нутқнинг товуш таркибини анализ қилиш, луғатни аниқлаш ва кенгайтириш грамматик жihatдан тўғри боғланган нутқни шакллантириш бўйича қандай ишлар олиб бориш зарурлиги тўлиқ кўрсатилади.

Болалар билан ишлашда ишни ҳисобга олиш кундалиги

Кундаликда болаларни кузатув хулосалари ёзилади. Логопед кейинги иш учун зарур деб ҳисобланган нарсаларни ёзиб боради, бола янги материални қандай ўзлаштирганлигини, иш давомида қандай қийинчиликларга дуч келганлигини белгилайди. Бундан ташқари кундалик ёзувларида машғулотларда учратилган тарбиявий ишлардаги қийинчиликлар, болаларнинг машғулотларга қизиқиши, уларнинг мақсадга интилганлиги белгилаб борилади. Шу ернинг ўзида мутахассислар (психо-невролог, отолоринголог)нинг маслаҳатлари берилади. Ўз хулосаларини логопед нутқ дефектининг охирларига қараб кундаликда алоҳида акс эттиради.

Н У Т Қ Х А Р И Т А С И

Боланинг фамилияси, исми: _____

Туғилган санаси: _____

Уй манзили ва телефони: _____

Логопедик гуруҳга қабул қилинган вақти: _____

Қаердан юборилган: _____

ТППК хулосаси: _____

Гуруҳ логопедининг хулосаси: _____

БОЛАНИНГ ОТА ОНАСИ ХАҚИДА МАЪЛУМОТ.

Онаси: _____

Ёши: _____

Маълумоти ва иш жойи: _____

Отаси : _____

Ёши: _____

Маълумоти ва иш жойи: _____

Оилада бошқа фарзандлар: _____

Анамнез:

Боланинг нечанчи хомилалиги:_____

Боладаги наслий касалликлар:_____

Оиладаги нутқий мухит:_____

Онада хомиладорликнинг қандай кечганлиги (жарохатлар, интоксикациялар, касалликлар):_____

Туғилишнинг кечиши (вақтидан олдин, вақтида, тез, жуда тез):_____

Туғилиши билан йиғлаганми:_____

Асфиксия кузатилганми:_____

Боланинг бир ёшгача касалликлари:_____

Ота онасининг шикоятлари:_____

ИЛК ПСИХОМОТОР РИВОЖЛАНИШИ.

Бошини тута бошлаган:_____

Эмаклай бошлаган:_____

Ўтира бошлаган:_____

Юра бошлаган:_____

Биринчи тишлари чиқа бошлаган вақти:_____

Умумий моторикаси (харакатлари) – гипердинамик, гиподинамик, координация бузилишларининг мавжудлиги, бир ҳаракатдан иккинчисига ўтишидаги қийинчиликлар._____

ИЛК НУТҚИЙ РИВОЖЛАНИШИ.

Гугулаши:_____

Чуғурлаши:_____

Биринчи сўзлар:_____

Дастлабки жумлалар:_____

Уч ёшгача товуш – бўғин тузилишида қўпол бузулишлар кузатилганми:_____

Имо – ишоралардан фойдаланиши:_____

Оилада икки тилликнинг мавжудлиги:_____

ПСИХОЛОГИК – ЛОГОПЕДИК ТЕКШИРИШ.

Дастлабки суҳбат:

Исминг нима?_____

Ёшинг нечада?_____

Қаерда яшайсан?_____

Кимлар билан яшайсан?_____

Ота – онангнинг исми нима?_____

Қўлингда нечта бармоғинг бор?_____

Битта бармоғинни кўрсат:_____

Бармоқларингни кўрсат:_____

Гавда қисимлари тўғрисидаги тушунчалари (кўрсат ва айтиб бер):_____

НУТҚНИНГ УМУМИЙ ТАСНИФИ.

Нутки бор йўқлиги:_____

Товушга тақлид қилиши:_____

Чуғурлаши:_____

Айрим бўғинларни талаффуз қилиши: _____

Алохида сўзлар:_____

Жумлали нутқ:_____

МАТОРИКАНИ (ХАРАКАТНИ) ТЕКШИРИШ.

Қўлнинг ҳаракатлари (маторикаси):

Қулоқчани кўрсат (2 – 3 бармоқ):_____

Шохчани кўрсат (2 – 5 бармоқ):_____

Доирачани кўрсат (1-2-3-4-5 бармоқ):_____

Тугмани қадаш ва лентани боўлаш:_____

Умумий маторика:

Полдаги арқон бўйлаб юриш:_____

Ўнг ва чап оёқларда галма гал сакраш:_____

Коптокни отиш ва икки қўллаб илиб олиш:_____

Полдаги тўсиқлардан хатлаб ўтиш._____

Артикуляцион аъзоларнинг тузилиши.

Лаблар: миёрида, қалин, юпка, ёриқлар:_____

Тишлар: миёрида, кам, йўқ бўлиши, қийшиқ:_____

Тил: миёрида, ингичка, катта, юганчанинг калталиги:_____

Тишламлар: миёрида, прогения, прогнетия, очик ва ён очик:_____

Қаттиқ танглай: миёрида, баланд, ясси, тор ва ёриқлар:_____

Артикуляция аъзоларининг ҳаракатчанглиги:

Ҳаракатларнинг ҳажми: тўлиқ, тўлиқ эмас:_____

Ҳаракатларнинг аниқлиги:_____

Ҳаракатлар тонуси:_____

Ҳаракатларсуръати:_____

Нутқий нафас:_____

Овоз :

Миёрида, бўғиқ, хирилдоқ, заиф, паст, йўғон, ингичка, манқаланган:_____

Нутқнинг суръати:

Миёрида, секинлашган, тезлашган: _____

ТОВУШЛАР ТАЛАФФУЗИНИНГ ХОЛАТИ.

	С	З	Ш	Ж	Ч	Л	Р	М	Н	Б	П	В	Ф	Т	Д	К	Г	Х	Й
Алохида																			
Сўзларда																			
Жумлаларда																			

ФОНЕМАТИК ИДРОКИ

ПА – БА	БА – ПА
ВА – ФА	ПА – БА
ТА – ДА	ДА – ТА
СА – ЗА	ЗА – СА
ША – ЖА	ЖА – ША
ЛА – РА	РА – ЛА
ГА – КА	КА – ГА
СА – ША	ША – СА
ТА – ДА – ТА	ДА – ТА – ДА
КА – ГА – КА	ГА – КА – ГА
СА – СА – ЗА	ЗА – ЗА – СА
ГУЛ – КУЛ	БАХОР – НАХОР
КУЗ – ТУЗ	ТУЯ – КУЯ
ШИМ – ШИН	
СОЧ – ҚОЧ	ОЗ – ОЧ.

НУТҚНИНГ ЛУҒАТ ЗАХИРАСИ ВА ГРАМАТИК ХОЛАТИ

1. Импрессив нутқ.

1.1. От ва фелларнинг тушуниш кўникмаси:

1. Китобни, айқчани, коптокни қаердалигини кўрсат: _____

2. Қўғирчоқни олиб кел, шкафни оч, китобни олиб кел: _____

3. Шкафни оч ва унга пирамидачаларни жойла: _____

1.2. Ёрдачи сўзлар (кўмакчиларни) тушуниши:

Боллага қалам ва китоб берилади ва таклиф этилади

1. қаламни китобнинг ичига қўй:_____
2. қаламни китобнинг устига қўй:_____
3. қаламни китобнинг тагига қўй:_____
4. қаламни китобнинг ёнига қўй:_____
5. қаламни китобнинг устида ушлаб тур:_____

1.3. Отларнинг бирлик ва кўплик шакллари:

Кубик - кубиклар:_____

Гул - гуллар:_____

Мушук - мушуклар:_____

Қуён - қуёнлар:_____

Олма - олмалар:_____

1.4. Кичрайтириш – эркалатиш шакллари тушуниши:

Кўрсат!

Стул – стулча: _____

Уй – уйча:_____

Қошиқ – қошиқча:_____

Тугма – тугмача:_____

1.5. Келишик қўшимчаларининг тушуниши:_____

1.6. Фел замонларини тушуниши:

Балиқ тутмоқчи:_____

Балиқ тутяпти:_____

Балиқ тутди:_____

2. Экспрессив нутқ.

2.1. Фаол луғат:

Қандай овоз чиқаради?

Мушук:_____

Сигир:_____

Ит:_____

Хўроз:_____

Ғоз:_____

Қандай ҳаракатланади?

Қурбақа:_____

Илон:_____

Балиқ:_____

Қуш:_____

Гавда қисмларини номлаш:

Бош:_____

Қўл: _____

Оёқ: _____

Елка: _____

Қорин: _____

Бўйин: _____

Қош: _____

Кўз: _____

Қулоқ: _____

Оғиз: _____

Бурун_____

Уйинчоқлар :_____

Мевалар: _____

Сабзавотлар: _____

Уй парандалари: _____

Уй хайвонлари: _____

Ёввойи хайвонлар: _____

Қушлар: _____

Йил фасиллари: _____

Мебеллар: _____

Идиш – товоқлар: _____

Кийимлар: _____

Пояфзаллар: _____

Транспортлар: _____

Касблар: _____

Умумлаштириш: _____

Ким нима қилади?
Шифокор: _____

Ўқитувчи: _____
Ошпаз: _____

Хайдовчи: _____

Учувчи: _____

Тикувчи: _____

Сотувчи: _____

Тарбиячи: _____

Антонимлар:
Катта: _____

Узун: _____

Баланд: _____

Кенг: _____

Совук: _____

Кун: _____

Қурук: _____

Тез: _____

Тоза: _____

Кўмакчи сўзларни қўллаш: _____

2.2. Сўзни ўзгартириш:

Отларни бирлик ва кўпликда қўллаш

Китоб: _____

Машина: _____

Уй: _____

Дарахт: _____

2.3. Эркалатиш кичрайтириш формалари:

Қиз: _____

Куйлак: _____

Қути: _____

Этик: _____

Юлдуз: _____

Хайвон болаларининг номи:

Қўй: _____

От: _____

Болаларнинг индивидуал дафтарлари

Болалар билан олиб бориладиган индивидуал иш хар бир бола учун белгиланган дафтарларга ёзиб борилади. Бу дафтарларга логопед машғулотларни белгилаб, унинг тахминий мазмунини кўрсатади. Дафтарлар чиройли қилиб безатилади; логопед ёки ота-она керакли расмлар ёпиштирадилар. Уйда топшириқларни бажаришлари учун шанба кунлари дафтар ота-оналарга берилади, қолган кунлари эса логопеднинг топшири-ғига кўра алохида болалар билан шу дафтар бўйича тарбиячи шуғулланади.

Тарбиячининг кечки машғулоти учун дафтар.

Логопед хар куни тарбиячига алохида болалар билан шуғулланиш учун кечки логопедик ишларни режалаштириб беради. Бу топшириқлар махсус дафтарларга ёзиб борилади, тарбиячи машғулот охирида ҳисобга олиш графигини тўлдириб боради.

Логопедик кабинетнинг жихози ва иш мазмуни

Индивидуал ва гуруҳли логопедик машғулотлар махсус жойда, педагогик ишлар юритиш учун яроқли бўлган логопедик кабинетда олиб борилади. Нутқ бузилишларига эга бўлган болалар учун болалар боғчаси ҳақидаги кўрсатмага биноан логопедик кабинетларнинг молиявий томондан таъминлаш вилоят, шаҳар ва халқ таълими бўлимида логопедик гуруҳ тузилган болалар боғчасининг сметаси бўйича амалга оширилади. Логопедик кабинет ўқув-дидактик материаллар билан етарлича таъминланган бўлиши керак. Унда методик адабиётлар ва қўлланмалар учун шкаф, машғулотларни олиб бориш учун бир неча стол ва стуллар бўлиши лозим.

Столларнинг сони логопеднинг катта столини ҳисобга олмаганда 4 тадан, стулларнинг сони эса 8-10 тадан кам бўлмаслиги керак. Бундан ташқари, логопедик кабинетда расмларни қўйиш, харфлар ёзиш, предметларнинг схематик кўринишини бериш мумкин бўлган осма доска ҳам бўлиши керак. Логопедик кабинетни жихозлашда ойналар бўлиши зарурдир: бири товушларни нутқга қўйишдаги гуруҳли иш учун **70X100 см** дан кам бўлмаган девор ойнаси, индивидуал ишлар учун **9X12 см** ли кичкина индивидуал ойналар (камида 10 тадан).

Логопедда логопедик шпателлар, зондлар тўплами ва зондларни артиш учун спирт ва пахта бўлиши керак. Логопедик кабинетда тоза сочик, стол соати ва стол лампаси бўлиши зарур. Мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг нутқидаги камчиликларни бартараф этиш боланинг ёши, индивидуал хусусиятларига мос материал асосида, болалар боғчаси дастури материалини ҳисобга олган ҳолда олиб борилади.

Логопед боғчанинг методик кабинетида мавжуд бўлган қўлланмалардан фойдаланади. Бундан ташқари, логопедик кабинетда қўйидагилар бўлиши зарур: болалар нутқини текшириш учун альбом; товушлар талаффузини мустаҳкамлаш учун нутқ материали, методик қўлланмалар; алохида товушларга мўлжалланган предметли, сюжетли ва серияли расмлар тўплами; газламадан тикилган касса ва кесма харфлар (етарли микдорда); ҳисоб материаллари; темалар бўйича расмлар ва

ўйинчоқлар тўплами (мебель, идиш-товоқлар, транспорт) ва хоказо; предметларнинг шакли ва хажми, рангини аниқлаш учун предметлар ва ўйинчоқлар тўплами.

Агар логопед нутқни тўғрилаш машғулотида ўйин материалларидан кенг фойдаланса янада таъсирли ва қизиқарли бўлади. Мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг талаффузидаги камчиликларни тўғрилаш бўйича дидактик материал» (авторлар: Капе Г.А.Филичева Б.М. «Просвещение», 1971 й.) асосий қўлланма бўлиб хисобланади.

Ота-оналар билан ишлаш

Логопеднинг ота-оналар билан биргаликдаги иши бутун педагогик жараёнинг ажралмас қисми бўлиб хисобланади ва махсус болалар боғчаси шароитида қуйидаги формада амалга оширилади.

Ота-оналар мажлиси. Биринчи ота-оналар мажлиси август ойининг охири ёки сентябрнинг бошида ўтказилади. Унда, ота-оналар ушбу муассасанинг тузилиши, бутун ўқув йили давомидаги иш мазмуни ва вазифалари, болалар боғчасининг кун тартиби ва қоидалари билан танишадилар. қоида бўйича бу мажлис махсус гуруҳларнинг ота-оналари билан болалар боғчасининг мудираси томонидан олиб борилади; иккинчи мажлис октябрь ойи давомида ҳар бир логопед томонидан ўз гуруҳида ўтказилади.

Бу вақтга келиб логопед болаларни текширишни тугатади. Бу мажлиснинг мақсади ота-оналарни текширув натижалари билан таништиришдир. Бунда логопед фақатгина гуруҳнинг эмас, балки ҳар бир боланинг тўлиқ нутқ ва умумий ривожланиш характеристикасини беради. Ота-оналарга болаларнинг нутқ ривожланишидаги асосий камчиликларни содда ва тушунарли қилиб очиқ бериш, уларнинг нормадан орқада қолиши даражаси ҳамда бу нуқсонни бартараф этишда биргаликдаги ҳаракат зарурлигини кўрсатиб ўтиш керак.

Шу мажлисда логопед таълимнинг I даври иш режаси, унинг вазифа ва мазмуни ҳақида гапириб беради; учинчи ота-оналар мажлиси январда ўтказилади. Бунда I ярим йилликка якун ясалади, кейинги тузатувчи таълимнинг асосий йўналишлари очиқ берилади. Ҳар бир боланинг умумий ва нутқий ривожланиш характеристикаси берилади, болаларда қандай ўзгаришлар борлиги, шу билан бирга уйда алоҳида эътибор бериш зарур бўлган машғулотлар жараёнидаги қийинчиликлар кўрсатилади; охири, якунловчи ота-оналар мажлиси май ойида ўтказилади.

Унда бутун ўқув йилига якун ясалади. Ўтилган материални мустаҳкамлашни давом эттириш учун керак бўлган маслаҳатлар берилади (алоҳида болаларга). Шу ерда логопед ота-оналарни уларнинг болалари оммавий ёки нутқий мактабда ўқишни давом эттириши ёки зарур бўлса махсус гуруҳда такрорий қатнаб туриши ҳақидаги комиссиянинг қарори билан таништиради. Комиссия қарори тўлиқ асослаб берилади.

Ота-оналар билан қисқа суҳбатлар.

Ҳар ҳафтанинг шанба ёки чоршанба кунлари (куннинг 2-ярмида) ўтказилади. Бу ерга ишлаш жараёнида кўпроқ қийинчиликлар келиб чиққан

болаларнинг ота-оналари таклиф қилинади. Логопед ота-оналарни товушларни нутқга қўйишнинг асосий усуллари билан таништиради, уйда қандай машқларни бажариш кераклигини айтади ва кўрсатиб беради, боланинг дафтарига ёзилган топшириқларни қандай бажариш зарурлигини тушунтиради. Ота-оналар бутун ўқув йили давомида очиқ логопедик машғулотларга қатнашиб турадилар.

Машғулотлар 3 ойда камида бир марта ўтказилади. Бу машғулотларда логопед ота-оналарни асосий ўқитиш усуллари, материални танлаш ҳамда машғулот вақтида болаларга қўйиладиган талаблар билан таништиради. Бундан ташқари бутун ўқув йили давомида логопед билан тарбиячилар биргаликда ота-оналар бурчагини ташкил қиладилар. Бу ерда бола нутқининг нормада шаклланиши, нутқ аномалиясининг турли кўринишларига тааллуқли алоҳида саволлар ёритилади, шу муаммолар ёритилган адабиётлар рўйхати таклиф қилинади. Шу группа болаларининг боғланган нутқи, товушлар талаффузи шаклланишини ёритувчи бўлимдаги материал вақт-вақти билан янгиланиб турилади.

Бундай жадваллар болалар нутқининг ҳолати, нутқи ривожланишидаги ўзгаришларни кузатиб боришга ёрдам беради. Ота-оналар бурчагида ота-оналар мажлисининг вақти, логопед билан ўтказиладиган суҳбатлар, мутахассисларнинг маслаҳатлари вақти кўрсатиладиган ахборот бўлими бўлади.

Логопеднинг ҳисоботи

Йилнинг охирида логопед олиб борилган ишлар ҳақида ҳисобот ёзиб, уни катта логопедга топширади, у эса шунга асосланган ҳолда район ёки шаҳар халқ маорифи бўлимига ҳисобот беради. Бу ҳисоботларда қуйидагилар баён этилади:

1. Гуруҳга келган болалар сони (логопед ҳулосалари билан).
2. Гуруҳларнинг комплектланган вақти.
3. Ҳисобдан чиқарилган болалар сони:
 - а) яхши нутқ билан; б) яхши натижалар билан; в) ҳеч қандай натижасиз.
4. Ўйланма беришга тавсия этиш:
 - а) оммавий мактабга, логопедик пунктда шуғулланиш шарти билан;
 - в) оғир нутқ бузилишига эга бўлган болаларга мўлжалланган махсус мактабга;
 - г) оммавий болалар боғчасига.

Такрорий курсга қолдирилган болалар сони.

Йил давомида турли сабабларга кўра мактабдан чиқиб кетган болалар сони.

Перспектив режага киргизилган тадбирларнинг бажарилиши.

Назорат саволлари:

1. Фонетик-фонематик нутқ ривожланмаганлигига таъриф беринг.
2. Фонетик-фонематик нутқ камчиликларига эга бўлган болалар нутқига тавсиф беринг.

Фонетик-фонематик нутқ камчиликларига эга бўлган мактабгача ёшдаги болалар билан олиб бориладиган логопедик тузатиш ишлари нималардан иборат.

Махсус болалар боғчасига борганда болалар нутқини кузатинг.

5. Махсус болалар боғчасига борганда логопеднинг хужжатлари билан яқиндан танишинг.
6. Фонетик-фонематик нутқ камчилигига эга бўлган болалар нутқини текшириш учун дидактик материаллар тайёрланг.
7. Нутқ картаси билан яқиндан танишинг.
8. Ота-оналар билан ўтказиладиган семинар режасини тузинг.
9. Махсус боғчада логопед машғулотини кузатинг ва таҳлил қилинг.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. П.М. Пўлатова “Олигофренопедагогика” Тошкент 2005 йил.
2. В.С. Рахманова “Махсус педагогика” Тошкент 2004 йил.
3. Выготский.Л.С. «Проблема у отсталости» Москва 1956 йил.
4. Под ред. Дульнева. Г.М. “Коррекционная роль обучения в школе” М.1971 й.
5. М. Аюпова “Логопедия” Тошкент, 2007 йил.
6. М. А. Павалёва “Справочник логопеда” Ростов-на-Дону, 2007 год.

4.5. Мавзу: Болаларда нутқнинг тўлиқ ривожланмаганлигини коррекциялаш.

Режа:

1. Нутқ тўлиқ ривожланмаганлигининг I даражаси .
Нутқ тўлиқ ривожланмаганлигининг II даражаси.
Нутқ тўлиқ ривожланмаганлигининг III даражаси.
2. Болаларнинг импрессив нутқини текшириш методикаси.
3. Экспрессив нутқини текшириш методикаси.
4. Нутқи тўлиқ ривожланмаган болалар таълим ва тарбияси.
5. Умумий тузатувчи машқлар.

Таянч сўзлар: (Экспрессив, импрессив, НТР, таклид, даража, фонетик)

Мактабгача ёшдаги болаларда нутқнинг тўлиқ ривожланмаганлигини текшириш ва уни бартараф қилиш масаласи катта қизиқиш уйғотиб келмоқда, уни назарий ҳамда амалий жихатдан чуқурроқ ўрганишни талаб қилмоқда. Эшитиш ва интеллект йормада бўлган болаларда нутқнинг тўлиқ ривожланмаганлиги деганда нутқ аномалиясининг шундай шакли тушуниладики, бунда нутқ барча компонентларининг шаклланиши (нутқнинг фонетик-фонематик, лексик ва грамматик томони) бузилган бўлади. Нутқнинг тўлиқ ривожланмаганлигини Р. Е. Левина (1961) уч даража билан белгилайди: нутқий алоқа воситаларининг умуман йўқ бўлишидан то фонетик-фонематик ва лексик-грамматик жихатдан ривожланмаганлик элементларига эга бўлган мукамал нутқ бузилишигача.

Нутқ тўлиқ ривожланмаганлигининг I даражаси

Нутқнинг бўлмаслиги билан характерланади. Бундай болалар нутқсиз болалардир. 4-6 ёшдаги бундай болаларнинг луғат бойлиги камбағал, ноаниқ бўлади. Нутқи товушга таклид қилиш, товушлар комплекси билан чегараланган бўлади. Нарса ва ходисаларни фарқ қилмаган холда ифодалаш, сўзларнинг кўп маънога эга бўлиши характерли хусусият хисобланади: «ту-ту» - машина, паровоз, самолёт, қайиқ, кема; «тақ» - йиқилди, тушуриб

юборди, синдирди, бузди. Бу болаларнинг пассив луғати актив луғатига нисбатан анча бойроқ, нутқни тушуниш пасайган бўлади, улар кўп сўзларнинг маъносини тушунмайдилар. Товушлар талаффузида турғунлик бўлмайди, товушлар бир-бири билан алмаштирилади, фонематик ўқув бузилган бўлади. Нутқ тўлиқ ривожланмаганлигининг бу даражасига эга бўлган болалар учун товушлар анализи бўйича берилган топшириқлар тушунарсиз бўлади.

Нутқ тўлиқ ривожланмаганлигининг II даражаси

Дастлабки кенг қўлланадиган одатдаги нутқнинг бўлиши билан характерланади. Болалар оддий жумлалардан фойдалана биладилар, маълум луғат бойлигига эга бўладилар. Улар нарсалар, ходисалар, алоҳида белгилар номини ажрата оладилар. Лекин бундай болаларда нутқнинг кўпол даражада ривожланмаганлиги яққол ифодаланган бўлади. Улар икки-уч сўздан иборат гаплардан фойдаланадилар.

Луғат бойлиги шу ёшга мос келадиган нормадан кам бўлади. Умумлаштирувчи сўзларни (мебель, кийим, сабзавотлар, мевалар ва бошқалар) билмаслик кузатилади. Харакат, белгини билдирувчи сўзлардан фойдаланишда қийинчиликлар кузатилади, предмет номини, рангини, шаклини, ўлчамини ва бошқа белгиларини билмайдилар. Келишик шакллари чалкаштирадилар, феъл сонини от сонига мослаштира олмайдилар. Нутқнинг фонетик томони шу ёшга мос келувчи нормадан орқада қолади. Шундай камчиликка эга бўлган болалар бўғинлар ўрнини алмаштирадилар, ундошлар кетма-кет келганда товушни қисқартирадилар.

Нутқ тўлиқ ривожланмаганлигининг III даражасида

Нутқда лексик-грамматик ва фонетик-фонематик жихатдан ривожланмаганлик элементлари кузатилади. Болалар нутқга эга бўлган ҳолда кишилар билан алоқа боғлай оладилар, лекин буни ота-она (тарбиячи) иштирокида, уларнинг муайян тушунтиришлари ёрдамида бажарадилар. Бундай болалар учун эркин ҳолда алоқада бўлиш жуда қийин.

Товушларни талаффуз қилишда уларни бир-биридан ажрата олмаслик, товушлар гуруҳини артикуляция жихатдан осонроқ бўлган товушларга алмаштириш, баъзи ҳолларда товушларни бузиб талаффуз қилиш бу болалар учун характерлидир. Луғат ҳам нормадан орқада қолган бўлади, луғат бойлиги анализда лексик ҳолатларнинг ўзига хослиги кўринади. Текширишда гапларни, гапларда сўзларни охиригача гапирмаслик каби турғун грамматик ҳатолар кузатилади. Кўпчилик ҳолларда улар қўшимча қўшилиши билан сўз маъносининг ўзгаришини тушуниб етмайдилар.

Педагогик ва психолог олимлар нутқнинг тўлиқ ривожланмаганлигини турли жихатларда ўргандилар: психологик-педагогик (Р.Е.Левина 1951, 1961), психологик-лингвистик (В.К.Орфинская 1959, 1963, Е.Ф. Соботович 1984, В.А.Ковшиков 1985), тиббий-педагогик (С.С. Ляпидевский 1969, Е.М.Мастюкова 1973 й. ва бошқалар).

Бир қатор текширишларда болаларда иутқнинг тўлиқ ривожланмаганлиги масаласининг турли томонларидан бири кўпроқ ёритилди. Масалан, нутқи ривожланмаган болаларнинг товушлар талаффузи, бўғин тузилиши системасини ўзлаштиришлари Р.Е.Левина, Г.А.Каше, А.К.Маркова, О.Н. Усанова ва бошқаларнинг ишларида ёритилган. Нутқнинг

умумий ривожланмаганлигида тилнинг луғат таркиби ва грамматик тузилишининг ўзига хослиги Р.Е.Левина, В.К.Орфинская, Н.Н. Трауготт, С.Н.Шаховская, В.К.Воробьева, Б.М.Гришпун, Л.Ф. Спирова, Н.А.Никашкина, Г.И.Горенкова, Т.Б.Филичева, Г.В. Чиркина, А.В.Ястребова, Е.Ф.Соботович, В.А.Ковишкова ва бошқа олимларнинг илмий-тадқиқот ишларида кўрсатилган.

Бу ишларда нутқнинг талаффуз томони, луғат бойлиги, грамматик тузилиши, мантикий ва товуш томонларини ўзлаштиришга таъриф берилади. Охирги йилларда дефектологик адабиётларда кенг ривож топган нутқнинг ривожланмаганлиги (рус тили) ҳақидаги тасаввурлар уни ўзбек-рус икки тиллиги шароитида ўрганишни зарур қилиб қўяди. Болалар нутқ боғчаларига қабул қилинаётган 4-6 ёшли болалар анамнезида қуйидаги омиллар ўрин олади: отада рухий касалликлар бўлиши, алкоголизм, онадаги алкоголизм, рухий таносил ва оғир соматик касалликлар; онанинг хомиладорлик вақтида кун тартибига риоя қилмаслиги, туғруқнинг оғир ўтиши (туғруқнинг тез бўлиши, боланинг асфиксия билан туғилиши, туғруқ вақтидаги шикастлар); камқонлик, рахит, ички органлар касалликларининг асоратлари, умумий соматик заифлик, туғруқдан кейинги даврда болаларда бўлган генетик касалликлар. Бундан ташқари, ижтимоий шароитлар, педагогик жихатдан қаровсизлик.

Болалар рухий фаоллигининг сезиларли даражада пастлиги, нутқий алоқа мативациясининг бўшашганлиги билан ажралиб турадилар, улар аппатик, бефарқ, тез толиқувчан, негатив, эмоционал реакцияларнинг юзага чиқишида пассив бўладилар ёки аксинча ўзларини тута билмайдилар, кам махсулли фаолиятга эга бўладилар. Психомотор функцияларнинг шаклланмаганлиги ёки уларнинг ривожланишида анча орқада қолиши болаларда ўз-ўзига хизмат қилишда бир қатор қийинчиликларни келтириб чиқаради; нозик ихтиёрий ҳаракатларни талаб қилувчи ҳаракатлар, (туғма қадаш, ботинка ипларини боғлаш, лента тақиш, кийим кийиш).

Бу қийинчиликлар фазовий мўлжал олишнинг бузилиши натижасида янада чуқурлашади, бу, масалан, ботинканинг ўнг-чапини, кийим қисмларини ажрата олмасликда ва бошқаларда ифодаланади. Бундай болаларда фазовий гнозис ва праксис бузилишлари кузатилади. Кўрув-фазовий мўлжал олиш бўйича топшириқлар бевосита топшириқ (илтимос) орқалигина бажарилиши мумкин, ўлчами, шакли, ранги билан фарқ қиладиган предметлар ёрдамида ҳаракат қилиш қийинлашади.

3 ёшли болаларда нутқ ноаниқ, 5 ёшли болаларда эса нутқ умумий ривожланмаганлигининг I ва II даражаси кузатилади. Барча болаларда асосий: сирғалувчи, шовқинли, сонор, жарангли-жарангсиз, тил олди, тил орқа товушлари гуруҳини ўз ичига олган талаффуз бузилишлари кузатилади. Болаларда нутқий ва нутқий бўлмаган фаолиятга қаратилган диққат, фонемабш идрок, фонематик анализ, синтез, тасаввурлар ривожланмаган бўлади. Сўзнинг товуш структураси қўпол бузилган бўлиб, бола на фақат мураккаб, балки товуш таркиби жихатдан содда сўзларни ҳам тўғри талаффуз қила олмайди. Болаларда жумлалар тузиш фрагментар, аграмматик бўлиб, келишиқ қўшимчалари, боғловчилар, ёрдамчи сўзларни нотўғри қўллаш кузатилади.

Нутқни, айниқса, мураккаб грамматик конструкцияларни тушуниш бузилган, луғат бойлиги камбағал бўлади. Нутқ ва тафаккурнинг ривожланмаганлигини белгиловчи биологик ва ижтимоий омилларнинг

мураккаб кўшилиши нутқ умумий ривожланмаганлигининг дифференциал диагностикасини қийинлаштиради. Т.Б.Филичева ва Т.В.Чиркина махсус боғчада нутқи умумий ривожланмаган болаларни ўрганишнинг бир нечта босқичини ажратиб кўрсатадилар:

Ориентировка босқичи ота-оналар билан бир мақсадга йўналтирилган суҳбат ўтказиш, махсус хужжатларни ўрганиш ва бола билан суҳбат ўтказиш орқали амалга оширилади. Кейинги босқич тил системаси компонентларини муфассал текшириш, бу босқич охирида логопедик хулоса асослаб берилади. Учинчи босқич махсус таълим ва тарбия шароитида болани динамик кузатишдан иборат бўлиб, бу босқич жараёнида нутқ тараққиётидаги ижобий ўзгаришлар кузатилади ва етарлича аниқ ифодаланмаган нуқсонлар аниқланади.

Мактабгача ёшдаги болаларни ўрганишда қуйидаги принципларга риоя қилиш зарур: онтогенетик, этиопатогеник (нутқ аномалиясининг симптоматикаси хисобга олинади) фаолияти (етакчи ёш фаолиятини хисобга олиш), нутқий ва умумий руҳий тараққиётнинг ўзаро алоқадорлигини хисобга олиш. Нима бирламчи, нутқий ривожланмаганликми ёки интеллектуал ривожланмаганликми? Буни аниқлаш учун нутқи тўлиқ ривожланмаган болани ҳар томонлама текшириш унинг ривожланишини пронатал (туғруққача бўлган давр), натал (туғруқ вақтидаги давр) ва постнатал (туғруқдан кейинги давр) даври ҳақидаги унинг шахсининг ривожланиши ҳақида зарур маълумотларни билиш зарур.

Шунинг учун нутқи функция билан бирга психик фаолиятнинг нутқий бўлмаган функциялари (умумий ва нутқий моторика), ҳулқ, эмоционал ирода доирасининг ўзига хос хусусиятлари ва нутқий фаолият (экспрессив нутқнинг шаклланиши ва ҳолати), нутқни идрок қилиш ва тушуниш, товушлар талаффузининг ҳолати, фонема тик анализ ва синтез, фонематик тасаввурлар, лексика ва нутқ грамматик тузилишининг ҳолати, нутқ ритми ва суръати бу зилишларининг характери текширилади.

Болаларнинг нутқий ва нутқий бўлмаган моторикасини улар ҳулқининг ўзига хос томонларини, импрессив ва экспрессив нутқини ўрганиш бўйича материаллар, шунингдек, нутқ умумий ривожланмаган болаларни текшириш жараёнида логопед суҳбат, савол-жавоб, кузатиш, баҳолаш, тиббий ва педагогик хужжатларни ўрганиш, лаборатория ва табиий эксперимент каби методлардан фойдаланилади.

Болаларнинг импрессив нутқини текшириш методикаси

Нутқнинг тўлиқ ривожланмаганлигига эга бўлган мактабгача тарбия ёшдаги болаларнинг импрессив нутқини текшириш уларнинг пассив луғатини ўрганишга қаратилган бўлиб, фонематик анализ ҳолатини, сўзларни, гапларни ва боғланган нутқни тушуниш ҳолатини аниқлаш бўлимларни ўз ичига олади. Нутқни тушуниш - мураккаб психологик жараён бўлиб, у нутқ товушларини идрок қилиш, сўзлар, гапларнинг ва текстнинг маъносини тушунишдан иборатдир. А.Р.Лурия импрессив нутқни текширишда унинг экспрессив томони билан ўзаро боғлиқлигини эътиборга олиш кераклигини таъкидлайди.

Бу шу билан тушунтириладики, нутқни эшитишнинг бузилиши нутқ артикуляцияларининг ва экспрессив нутқнинг иккиламчи бузилишига олиб келади. Артикулятор жараёнларнинг ва ички нутқнинг бузилиши нутқ товушларини идрок қилиш ва нутқ мазмунини тушуниш каби импрессив жараёнларга таъсир қилади. Бундан ҳам илгари импрессив нутқнинг

мураккаблиги хақида Л. С. Виготский ҳам ёзган эди. Унинг фикрича, «нутқни тушуниш - товуш сигнали бўйича реакцияни бажаришдан кўра кўпроқ ва бошқачароқ нарсадир».

Фонематик анализни текшириш

Фонематик идрок болада бевосита нутқий алоқа асосида шаклланади. Мактабгача ёшдаги болалар бир-биридан бир товуш билан фарқ қиладиган сўзларни ажрата олмайдилар, шунинг учун болаларга бир товуш билан фарқ қиладиган сўзларни берамиз:

гул - кул соч - қоч

куз - туз оз - оч

сим - шим баҳор - наҳор

ва шу сўзларга мос келадиган расмларни топиш ва кўрсатиш кўникмаси аниқланади.

Сўзларни тушунишни текшириш

Текшириш шундан бошланадики, болага у бевосита кўрмаётган предметларнинг номи айтилади ва уларни кўрсатиб бериш сўралади, Масалан, тана қисмлари - кўз, пешана, юз, бурун, соч, даҳан, қўл, оёқ ва бошқалар. Кейин болага уй предметларини: стол, стул, шкаф, қандил, кўзгу; ўйинчоқлардан - қўғирчоқ, машина, коптокларни кўрсатиш таклиф қилинади. Сўзларни тушунишни текширишнинг кейинги босқичи расмда тасвирланган предметларни таниш кўникмасини аниқлашдан иборат бўлади. Бунда болага турли тематик гуруҳларга кирувчи ва бир-биридан шакли, ранги, ҳажми ва сони жиҳатдан фарқ қилувчи предметлар тасвирланган предметли расмлар кўрсатилади. Бу расмларда уй ҳайвонлари ва ёввойи ҳайвонлар, ўйинчоқлар, сабзавотлар, мевадар, идиш-товоқлар, транспорт, шунингдек йил фасллари тасвирланган бўлади. Бу дидактик материал болалар боғчасининг дастури талабларига мувофиқ келади ва ёш бўйича ажратилади.

Содда гапларни тушунишни текшириш

Болага вазиятли расмлар кўрсатилади ва бир қатор қуйидаги типдаги содда гаплар таклиф қилинади: «қиз ўтирибди», «қизда қизил копток бор», «Бола югурыпти», «Бола турибди», «Болада машина бор», «Кучук югурыпти» ва ҳоказо. Шундан сўнг бола айтиётган ходиса тасвирланган расмни кўрсатиши лозим. Бундан ташқари қуйидагиларни кўрсатиш сўралади: олмахоннинг момнқ думи, қиз қаерда сакраяпти, югурыпти, ёзяпти, сирпанчик учяпти ва ҳоказолар. Кейин битта гапда келган 1-2-3 та изчил ҳаракатларни бажаришни ўз ичига олувчи сўз шаклидаги буйруқларни бажариш, усулидан фойдаланилади. Масалан, «Тур, стол ёнига бор, ўйинчоқларни ол ва полга қўй, коптокни ол, полга ур ва менга бер». Сўнг болаларнинг грамматик структураларни тушунишлари аниқланади.

1. Бирлик ва кўпликдаги отларни тушуниш.

Болага предметли расмлар кўрсатилади, уни таниш ва кўрсатиш кўникмаси аниқланади: машина қаерда, машиналар қаерда, қўғирчоқ қаерда, олма қаерда, олмалар қаерда ва ҳоказолар.

2. Кичрайтириш-эркалаш суффиксига эга бўлган сўзларни тушуниш.

Болага предметли расмлар кўрсатилади ва қуйидагиларни кўрсатиш

кўникмаси аниқланади: стол қаерда, ўйинчоқли столча қаерда, қошиқ қаерда, қошиқча қаерда, қуён қаерда, қуёнча қаерда ва хоказолар.

3. Боғланган нутқ мазмунини тушуниш.

Бу бўлимда шеърий ва дарак гапли текстлар мазмунини тушуниш текширилади. Бунинг учун болаларга шеърий текст таклиф қилинади. Нутқнинг тўлиқ ривожланмаганлигига эга бўлган мактабгача ёшдаги болаларнинг импрессив нутқини чуқур текшириш психолого-логопедик текширишнинг умумий системасида болаларнинг пассив луғатини ва шунингдек, улар рухий фаолиятининг баъзи томонлари ҳолатини аниқлашга ёрдам беради, чунки мантиқий идрок инсоннинг мураккаб специфик перцептив-фикрий фаолияти бўлиб ҳисобланади. Импрессив нутқ боланинг кишилар билан алоқа боғлашига ва фаолиятига таъсир қилади, нутқий ва нутқий бўлмаган ҳаракатларни режалаштириш қуроли бўлиб майдонга чиқади.

Экспрессив нутқни текшириш методикаси

Бола болалар нутқ боғчасига қабул қилинган, логопед уни бир ой давомида текширади, кейинчалик текшириш натижалари коррекцион-логопедик таъсир жараёнида яна аниқлаштирилади.

Боланинг муомала алоқасига киришини текшириш

Нутқнинг тўлиқ ривожланмаганлигига эга бўлган мактабгача тарбия ёшдаги болалар билан биринчи учрашувда логопед албатта боланинг алоқага қандай киришини аниқлайди (осон, қийин ёки хайиқиб, кўрқиб, негативизм). Бундан ташқарй боланинг ўз тенгдошлари билан қандай нутқий алоқага кириши ҳам текширилади: бошқалар билан осон нутқий алоқа ўрнатади, тез-тез ёки камдан-кам уришади, нутқий алоқага киришишда ташаббускор ёки пассив, нутқий алоқага киришиши турғун.

Нутқий бўлмаган моторикани текшириш

Логопед болага сўз инструкцияси ва таклид бўйича қуйидаги вазифаларни бажаришни таклиф қилади: вазифа бўйича иккала оёқда ёки бир оёқда югуриш, сакраш; юриш, югуриш, сакрашда сигнал бўйича тўхташ; бир оёқда, сўнг иккинчи оёқда санок остида туриш; логопедга коптокни отиш ва уни илиб олиш; полда ётган обруч ичига иккала оёқ учиди сакраб кириш ва ундан сакраб чиқиш; қўлда байроқчаларни ушлагар ҳолда қўлни қуйидагисўз буйруқларига амал қилиб ҳаракатлантириш: олдинга, орқага, юқорига, пастга; чўккалаб ўтирган ҳолда полда коптокни у қўлдан бу қўлга юмалатиш, сўнгра коптокни кўтариб, ўриндан туриш; югуриш вақтида коптокни отиш ва илиб олиш; лентани тугун қилиб, сўнг бантик қилиб боғлаш ва бошқалар.

Боланинг моторикасини текшириш натижасида логопед қуйидаги маълумотларни олади: оёқ, қўллар координацияси (тўғри, нотўғри, умуман йўқ); тана мувозанатини сезиш, боланинг гавдасини тутиши, ҳаракатларни бажариш даражаси (тўлиқ, нотўлиқ); бир ҳаракатдан иккинчи ҳаракатга ўтиш (ўз вақтида, секинлашган, йўқ); ҳаракатларни бажариш мустақиллиги (тўлиқ ёки логопед ёрдамида); чапақайлик, мимик ҳаракатлар (нормада, амимиклик), юз мускулларининг гиперкинезияси, синкезиялар, яъни асосий ҳаракатлар билан бирга бажариладиган қўшимча ҳаракатлар (бир оз ёки яққол

ифодаланган). Боланинг мотор функциясини текшириш натижалари куйидаги параметрлар бўйича умумлаштирилади.

Нормал моторика: ҳаракатларнинг статик координацияси шаклланган: топшириқ бўйича ёки эркин равишда керакли ҳолатни аниқ белгилай олади; ҳаракатларнинг динамик координацияси шаклланган: ҳаракатлар аниқ, ишонч билан бажарилади, мотор активлигининг турли хил кўринишлари билан ўзаро боғланган (югуриш, сакрашда, чапак чалишда); қўл бармоқлари ва майда қўл ҳаракатлари тўла шаклланган; юз мимикаси ифодали ва эмоционал.

Фонематик анализ, синтез ва фонематик тасаввурларни текшириш

Бу функцияни текшириш бола учун нутқнинг барча томонлари - луғат, фонематик ўқув, грамматик тузилишни ривожлантириш нуқтаи назаридан олиб бориладиган логопедик иш учун зарурдир.

Фонематик анализни текшириш.

Бунда болаларнинг куйидаги қобилиятларини аниқлаш зарур: сўз бошидаги товушни аниқлаш; сўз ичидан керакли товушларни ажратиб олиш; жуфт товушларни бир-биридан фарқлаш: **б-п, т-д, с-з, ш-ж.** товушнинг сўздаги ўрнини аниқлаш; масалан, сўзда учинчи бўлиб қандай товуш келяпти; товушнинг сўздаги кетма-кетлигини аниқлаш; сўздаги товушлар сонини аниқлаш: масалан, сўзда нечта товуш бор?

Фонематик синтезни текшириш.

Бунда болаларнинг кетма-кет берилган товушлардан бўғинлар тузиш қобилиятини текшириб аниқланади;

Фонематик тасаввурни текшириш.

Бунда болаларга куйидаги топшириқлар берилади: берилган товуш катнашган сўз ўйлаб топиш; номлари оппозицион товушлар билан бошланадиган предметли расмларни икки қаторга тахлаш. Масалан, **с-ш ч-ц, р-я** ва бошқалар.

Нутқ просодик компонентларининг ҳолати

суръат: нормада, секинлашган, тез;
ритм: нормада ёки аритмия;
овоз: нормада, бўғиқ, хирилдоқ, заиф, паст.
овоз тембри: юмшоқ, қаттиқ;
овоз атакаси: қаттиқ, юмшоқ, йўқ;
нутқнинг аниқлиги: аниқ, равшан, мужмал;
нафас: нормада, тезлашган, секинлашган;
нафас олиш чуқурлиги: нормада, юзаки.

Луғат бойлиги ҳолатини ўрганиш

Луғат бойлигини ўрганиш учун махсус усуллар қўлланилади: предметларни номлаш, тасвирланишига кўра предметларни номлаш, предметлар номини умумлаштириш ва бошқалар. Болага предметлар ёки предметлар тасвирланган расмлар берилади ҳамда уларнинг сифати ва белгиларини номлаш таклиф этилади. Предметлар ва расмлар темалар бўйича

танланади. Масалан, ўйинчоқлар, идиш-товоқлар, мебель, кийимлар, оёқ кийимлари, одамнинг тана қисмлари, уй ва ёввойи ҳайвонлар, ўсимликлар, одамлар касби, йил фасллари. Болага яна қуйидаги вазифалар таклиф этилади: расмларни ва кўрсатилган иш-ҳаракатни номлаш: «Бола нима қиляпти?» - бола иш-ҳаракатни номлаш билан саволга жавоб бериши керак. «Мен нима қиляпман?» - иш-ҳаракат амалда намоёиш этилади; предметларни номлаш.

Бола номлаши керак бўлган предметлар ёки уларнинг сифатий белгилари тасвирланган предмет расмлари кўрсатилади. Бунда логопед болага қуйидаги каби саволлар билан мурожаат этади: «Бу нима?», «Бу ким?», «Нима қиляпти?», «қандай?», «Кимники?»; тасвирланишига кўра предметларни номлаш: қайси ҳайвон сут беради? Нима билан ёзамиз? ва бошқалар. умумлаштирувчи сўзларни ажратиш: бир қатор предметларни ёки предмет (тасвирланган) расмларни битта умумий сўз билан номлаш. Масалан: олма, анор, узум, беҳи, шафтоли, анжир, лимон ёки уларнинг расмлари кўрсатилади ва савол берилади. «Бу кўрсатилган предметларни бир сўз билан қандай номлаймиз?». расмлардан фойдаланган ҳолда уларнинг ҳаракати билан номлаш таклиф этилади.

Болага расмларни кўриш таклиф этилади, бунда бола расмдаги предмет қандай ҳаракат қила олишини айтиб бериши лозим (самолёт учаяпти, қалдирғоч учаяпти, кўғирчоқ ўтирибди, бола югурияпти, қиз сузияпти). қуйидаги саволлар билан болага мурожаат этиш мумкин: «Бола нима қиляпти?» ва хоказолар: предметнинг белгисини аниқлаш. Осмон қандай? (хаво ранг), пальто кимники? (онамники) синоним ва антонимларни танлаш: иссиқ-совуқ, ширин-аччиқ, баланд-паст, йўғон-ингичка; бир ўзакли сўзларни билиш (боғ, боғча, боғбон);- отлардан сифат ҳосил қилиш (Стул ёғочдан қилинган). қандай стол? (ёғоч стол). Гуручли таом. қандай таом? (гуручли).

Болалар нутқининг грамматик томонини ўрганиш

Бунинг учун болаларга қуйидаги вазифаларни бажариш таклиф этилади: сюжетли расмлар асосида ҳикоя тузиш; предметли расмлардан фойдаланган ҳолда бирликдаги отлардан кўпликдаги отларни ҳосил қилиш (копток-коптоқлар, қалам-қаламлар, китоб-китоблар ва хоказо); отлардан кичрайтириш-эркалатиш шакллари ҳосилқилиш. Масалан: уй-уйча, стол-столча; отлардан сифат ясаш: Бунда асосий эътибор гапларнинг тузилишига қаратилади. Болага расмлар ёки давомли расмлар асосида ҳикоя қилиб бериш, оддий ва мураккаб мазмунли матнларни сўзлаб бериш таклиф этилади.

Бунда сўзларни боғлаб, матнни қай даражада сўзлаб бериши ва ундаги камчиликлар ҳисобга олиб борилади. Бола нутқининг активлик даражаси, унинг монологик ва диалогик нутқдан фойдаланиш имкониятлари белгилаб борилади. Бундан ташқари, боланинг нутқий муомалада ташаббускорлиги, шеър, ашула билиш-билмаслиги ҳам ҳисобга олинади.

Боланинг фақат нутқи эмас, балки унинг психологик хусусиятлари, шахсининг характерли томонлари, ақлий ҳолати ҳам ўрганиб борилади. Логопед текшириш жараёнида болани фақат кузатиб, у бажарган вазифаларни баҳолабгина қолмай, балки керак бўлганда болага ёрдам бериши лозим. Текшириш жараёнида бола фаолияти, унинг қизиқиши, муваффақият ва муваффақиятсизликдан таъсирланиши, қийинчилик характери ва уни бартараф этиш усуллари, йўл кўйилган хатоларни тўғрилаш қобилиятини

хисобга олиш лозим. Болани чарчатиб қўймаслик, шунингдек, бола фаолиятининг активлик даражасини пасайтирмаслик учун текшириш вақтида иш турлари ўзгартириб турилади.

Текшириш жараёнида болага ва унинг ота-онасига бўлган муносабат меҳрибонларча, текшириш психотерапевтик таъсир этиш асосида бўлиши керак. Текшириш усуллари бир қолипда бўлиши мумкин эмас, улар ҳамма вақт индивидуал йўналишдадир. Тўғри ташкил этилган текшириш ишлари дифференциал диагностика масалаларини хал этишга имкон беради, шунингдек тузатиш-тарбиявий иш методларини тўғри танлашда катта аҳамиятга эгадир. Болаларнинг боғланган нутқини текширишда қуйидаги топшириқларни бериш мумкин:

- а) сюжетли расмлар ёрдамида гап тузиш;
 - б) ўқиган текстини сўзлаб бериш;
 - в) давомли сюжетли расмлар ёрдамида ҳикоя тузиш.
- Ҳамма топшириқ она тилида бажарилади.

Текшириш учун материаллар

Предмет модели, муляж, тарқатма материаллар (расмлар, конструкторлар). Зондлар, шпатель, ойна (девор ва стол ойнаси). Дидактик материаллар: ўйинчоқлар тўплами, стол устида ўйналадиган ўйинчоқлар (лото, домино). Альбомлар ёки расмлар тўплами, предметли, иборали, сюжетли, давомли, қирқма расмлар. Турли катталиқдаги ва турли хил санок материаллари, мазайка, оптик-фазовий тасаввурларини аниқлаш учун турли ранг ва формадаги предметлар тўплами. Турли ўлчамдаги предметлар ёки уларнинг расмлари. Овозли ўйинчоқлар тўплами: барабан, най, пианино, овоз чиқарадиган хайвон-ўйинчоқлар. Расмлар тўплами (ўйинчоқлар): мебель, кийим, идиш-товоқлар, транспортлар, уй ва ёввойи хайвонлар, сабзавотлар, мева-фруктлар. Фонематик идрокни текшириш учун махсус қўлланмалар: жуфт предметли расмлар, бўғинлар, сўзлар.

Вариантлар: Болаларда нутқнинг умумий ривожланмаганлиги (3 даражаси), унинг мотор апарати билан биргаликда келиши; Болаларда нутқнинг умумий ривожланмаганлиги (2 даражаси), унинг дизартрия билан биргаликда келиши.

Нутқи тўлиқ ривожланмаган болаларнинг таълим ва тарбиясини ташкил қилиш

Нутқ камчиликларини тадқиқ қилишда нутқнинг ривожланишини ўрганишга изчил ёндошиш принципи қўлланилади. Бу эса нутқи унча ривожланмаган болаларни мактабда ўқитишнинг илмий асосларини ишлаб чиқишга (Р.Е.Левина 1961, 1964, 1968 й., Г.А.Каше 1962, Н.А.Никашина 1965, Г.В.Чиркина 1965, Л.Ф.Смирова 1975, 1980), шунингдек, мактабгача ёшдаги болалар билан ўтказиладиган машғулотлар мазмунини аниқлашга (Н.С.Жукова, Е.М.Мастюкова, Т.Ю.Филичева, 1973) имкон бериб беради. Бу ишларда болаларнинг нутқ талаффузини, луғат таркибини, грамматик тузилишини, равон гапиришни ўрганишлари ва эгаллаб олишлари, нутқни тузатиш жараёнида болаларнинг ўзбек тилининг маънавий ва талаффуз томонларини билиб олишларининг ўзига хослик тафсилотлари келтирилади. Нутқ муомаласи боланинг тўлиқ рухий ривожланишидаги зарур шартдир. Нутқ бузилганда, айниқса, нутқнинг тўлиқ ривожланмаслиги камчилигида болаларни махсус ўқитмай туриб бутун тил системаларининг шаклланиши

жуда қийин ва умуман мумкин эмас. Кичик ёшдаги болаларнинг нутққа нисбатан сезгирликлари туфайли, нутқи бузилган болаларнинг нутқини яхшилаш ишларини ташкил қилиш жуда муҳим. Нутқни тузатиш учун ўқитишдан мақсад - болаларда ўртача баландликда овоз чиқариб тўғри ва равион сўзлаш малакасини ошириш, бунда уларнинг ўз она тилларидаги сўз бойликлари ва нутқларицинг тараққиёт даражаси ёшларига монанд бўлиши кўзда тутилади. Нутқни тузатиш-тарбиялаш ишларида болаларнинг тил омиллари, рухий фаолиятлари ҳисобга олинади. Болаларни ўқитишда уларда диққат, хотира, ўзларини тута билиш кўникмаларини тарбиялаш билан узвий боғлаб олиб бориш ишлари кўзда тутилади.

Логопедик иш қуйидаги йўналишларда олиб борилади:

- мавзу жихатдан бирлаштирилган пассив ва актив луғат (сўз) бойлигини шакллантириш;
- талаффуз кўникмаларини шакллантириш;
- фонетик идрокни, товушни таҳлил ва синтез қилиш кўникмаларини ривожлантириш;
- сўз тузишни, равион нутқда ҳар хил гаплар тузишни ўргатиш.

Сўз бойлигини ошириш ва нутқни грамматик жихатдан тўғри тузишга қаратилган логопедик иш айна вақтда она тилидаги нутқнинг лексик-грамматик таркибини ҳамда фонетик таркибини такомиллаштиришга ёрдам беради, бу эса ўзбек болаларининг умумий таълим мактабларида она тилларида ҳам, рус тилида ҳам ўқий олишларига шароит яратади. Нутқи бузилган болалар учун мўлжалланган мактабгача ёшдаги болалар муассасалари ва гуруҳлари - дудук, нутқи тўлиқ ривожланмаган, нутқи фонетик жихатдан ривожланмаган мактабгача ёшдаги болаларнинг махсус муассасаларидир. Нутқи тўлиқ ривожланмаган болалар гуруҳларқда ўқитишдан мақсад - нутқдаги камчиликни ва ривожланмаслик натижасида келиб чиққан иккиламчи аломатларни йўқотиш ёки ўрнини қоплаш. Нутқни тузатиш, болаларни тарбиялаш ва ўқитиш ишларини логопед, тарбиячи, музика раҳбари боланинг ота-онаси билан узвий мулоқотда амалга оширади. Махсус мактабгача тарбия болалар муассасалари қуйидаги вазифаларни ҳал қилишлари лозим:

- махсус изчил таълим ва тарбия олувчилар қаторига қўшилган болаларни чуқур ўрганиш жараёнида уларга бирламчи диагноз қўйиш;
 - педагогик шарт-шароит яратиб бериш ва тарбияга комплекс ёндошиш туфайли болаларга бир хил имконият яратиш ҳисобига уларнинг ҳар томонлама ривожланишини таъминлаш;
 - нутқнинг бузилиши характери ва камчиликнинг қандайлигини ҳисобга олиб тузатиш-педагогик, тарбия ишларини изчил амалга ошириш, болаларни мактабда ўқитишга тайёрлаш.
- Мактабгача ёшдаги нормал болаларни тарбиялашнинг ҳрзирги талқини қуйидагиларга асосланади:
- мактабгача ёшдаги болаларнинг рухий-жисмоний имкониятларини ва рухий функцияларининг шаклланишидаги сезгирлик даврларини ҳисобга олиш;
 - Камчиликнинг қандайлигини, қачон пайдо бўлганлигини, болаларнинг ахсий хусусиятларини ҳисобга олиб, умумий ривожланиш ишларини тузатиш-тарбиялаш ишлари билан уйғунлаштириш;
 - Болаларнинг ўсишини муттасил ўрганиш ва мақсадли педагогик таъсир

натижасида пайдо бўладиган янги рухий ўзгаришларни аниқлаш;
— Хар қайси ёш гуруҳида таълимни бир хиллаштириш учун шароит яратиш;
— дидактик қоидаларга риоя қилишда мактаб билан изчил алоқани таъминлаш: хар бир навбатдаги ёш босқичда талабларни кучайтириб юбормаслик;
— Мактабгача ёшдаги болаларни ўқитиш ва тарбиялашга фаоллик билан ёндошиш, бу эса болалар фаолиятидаги етакчи омиллар маромидаги тарбия-таълим ва (ўйинлар, расмлар ва чизмалар чизиш, меҳнат, ўқув фаолиятининг оддий хиллари) тузатиш-тиклаш ишларининг барча турларини ўтказишни тақозо қилади;
— нутқни ривожлантиришга нутқ фаолиятининг турли хилларини шакллантирадиган омил деб қараш.

Генетик принципдан фойдаланиш (бунга сабаб генетик принципнинг логопедик тадқиқотлар методикасидаги ролидир), яъни рухий ривожланишдан болалар нутқининг нормал ривожланиш умумий қонуниятларини очувчи восита сифатида фойдаланиш. Бунинг моҳияти нутқ ривожланишининг турли босқичларида статик ҳулосалар ўтказиш эмас, балки турли даражаларни қайд қилишдир. Ёнг асосийси, бу принципдан фойдаланишнинг моҳияти шундаки, нутқ ривожланишининг антигенетик жараёнларига асосланиб, тажриба таълими мобайнида болаларни нутқ ривожининг бир сатҳидан иккинчисига (юқорисига) ўтказиш ва амалда нутқнинг ривожланиш йўли, воситалари ва мазмунини аниқлаш керак.

Нутқнинг бир даражадан иккинчи даражага яхшиланиши таълим жараёнида юз бериши туфайли биз юқорида айтиб ўтган маънодаги генетик принцип сифат жихатидан ривожлантириш ва тўлдириши зарурлигини тақозо қилади. Биз «болани ўрганар эканмиз, уни ўргатиб ҳам борамиз». Бу ҳолдан логопедик текшириш методикасида, сўнгра нонормал бола нутқини яхшилаш жараёнида хар хил кўринишда ва аниқ фойдаланиш лозим. Шундай қилиб, тадқиқот «амалиётида» назария билан амалиёт орасида алоқа, бирликка замин яратилади.

Логопедик-тузатиш ишларининг асосий йўналишлари

Нутқни тузатиш тарбия ишларининг самарадорлигини, болаларнинг боғчада бўлиш вақтларини аниқ режалаштириш, кун мобайнида ўтказиладиган тадбирларни тўғри тақсимлаш, логопед билан тарбиячининг ишларини бир-бирига тўғри мувофиқлаштириш билан белгиланади. «Нутқни бузилган мактабгача тарбия ёшидаги болалар муассасалари ҳақидаги низом»га мувофиқ хар қайси махсус гуруҳ учун бир ставкали логопед ва икки ставкали тарбиячи тасдиқланади. Логопеднинг иш тартиби ва машғулотлар тури болаларнинг шахсий хусусиятларига, шунингдек, таълим ва тарбия жараёнида ҳал қилинадиган нутқ тузатиш вазифаларига боғлиқ.

Машғулотларнинг қуйидаги хиллари кўзда тутилади:

— равон нутқни шакллантиришга доир машғулотлар;
— талаффузни шакллантиришга доир машғулотлар.
Бу машғулотларнинг сони таълим даврига қараб ўзгариб туради. **Таълимнинг I даврида** тилнинг лексик-грамматик воситаларини шакллантириш ва равон нутқни ривожлантиришга доир кичик гуруҳдаги умумий машғулотлар ҳафтасига беш марта ўтказилади. Товушни талаффуз қилишга доир ишлар хар бир бола билан алоҳида-алоҳида ўтказилади. **Таълимнинг II даврида**

болаларнинг нутқи яхшиланиб боради: тилнинг лексик-грамматик воситаларини шакллантириш ва равон нутқни ривожлантиришга доир умумий машғулотлар ҳафтасига 5 марта ўтказилади. **Таълимнинг III даврида** эътибор болаларнинг равон нутқларини мустақил ривожлантиришга қаратилади, фақат айтилган товушларни мустахкамлашга эмас, балки болаларнинг ювушни таҳлил ва синтез қилишни эгаллаб олишларига доир ишлар ҳам фаоллаштирилади. Бундай умумий ишлар ҳафтасига 6 марта ўтказилади: 4 марта - тилнинг лексик-грамматик воситаларини шакллантириш ва равон нутқни ривожлантиришга доир; 2 марта товушни тўғри талаффуз қилишни шакллантиришга доир.

Тахминий кун тартиби

Туриш, эрталабки ювиниш	7.30-8.30
Нонуштага тайёрланиш, нонушта Машғулотларга тайёрланиш	8.30-8.55
Кичик гуруҳлар ва якка тартибдаги логопедик ва тузатиш-тарбия машғулотлари	8.55 - 9.00
Сайрга тайёргарлик, сайр	9.00-13.00
Сайрдан қайтиш	10.00-12.00
Тушликка тайёргарлик, тушлик	12.30-12.40
Уйкуга тайёргарлик, кундузги уйку	12.40-13.10
Туриш, кеч тушки овқат, логопед топшириқ-ларини бажариш	13.10-15.00
Ўйинлар, меҳнат	15.00-16.00
Сайр	16.00-16.30
Сайрдан қайтиш, ўйинлар	16.30-18.00
Тарбиячи машғулоти	18.00-18.20
Кечки овқатга тайёргарлик, кечки овқат	18.20-18.40
Тинчлантирувчи ўйинлар	18.40-19.10
Уйкуга тайёргарлик,	19.10-20.30
Уйку	20.30 -7.30

Нутқи тўлиқ ривожланмаган болалар ҳаётини ташкил қилиш ва уларни тарбиялаш

Нутқи тўлиқ ривожланмаган болалар катта гуруҳига 5 ёшли болалар, тайёрлов гуруҳига эса 6 ёшдан катта болалар қабул қилинади. Гуруҳда 12 киши бўлиши лозим. Мактабгача тарбия ёшидаги болалар муассасаларида, шунингдек, оммавий болалар боғчаларининг нутқи тўлиқ ривожланмаган болаларга мўлжалланган айрим гуруҳларда нутқ тузатиш ва таълим-тарбия ишлари ҳал қилинади. Логонед, тарбиячи ва музика раҳбари нутқ тузатиш-тарбиялаш ишларига ҳам, таълим ишларига ҳам жавобгардирлар. Нутқ тузатиш ва тарбия вазифаларига болаларнинг рухий-жисмоний ҳолатларини ҳисобга олган ҳолда, уларнинг умумий хулқ-атворлари ва нутқлари яхшиланиб бориши, сўзлашув кўникмалари шаклланиши кўзда тутилади. Нутқи тўлиқ ривожланмаган болалар билан нутқ тузатиш-тарбия ва умумий таълим ишларини амалга ошириш учун ҳар-хил машғулотлар ўтказилади, ўйинлар, қувноқ кечалар, кўнгил очиш тадбирлари ташкил қилинади, кун тартибидаги кун-далиқ ишлар; кийиниш, ечиниш, навбатчилик,

енгил-елпи меҳнат, ўз-ўзига хизмат кўрсатиш ва шунга ўхшаш юмушлар бажарилади.

Логопед болалар нутқидаги камчиликларни тузатишда умумий машғулотлар, кичик гуруҳлардаги ва якка машғулотлардан фойдаланади. Бу машғулотларнинг асосий вазифаси - болаларнинг нутқини ривожлантириш, уларнинг умумий хулқ-атвори ва нутқидаги камчиликларини бартараф этишдан иборат. Логопед болаларнинг нутқини ривожлантиришга доир умумий машғулотлар сонини даврга қараб аниқлайди. Улар 20 - 25 минут давом этади. Нутқни ривожлантиришга доир кичик гуруҳлардаги машғулотларни логопед ҳар куни ўтказди. Кичик гуруҳлардаги: машғулотлар ҳам 20 - 25 минут давом этади. 12 кишилик гуруҳ 6 кишилик икки кичик гуруҳга бўлинади. Биринчи кичик гуруҳдаги машғулот 10 минутлик танаффусдан кейин бошланади. Машғулотдан кейин 1 кичик гуруҳ болалари машғулотга киришади. Якка машғулотларни логопед ҳар куни ўтказди, бунинг учун у бўш қолган вақтларидан фойдаланади.

Якка машғулотларга логопед битта, иккита ёки учтадан болани жалб қилади. Бир бола билан олиб бориладиган якка машғулот 10-15 минут давом этади. Болалар боғчаси педагогика жамоаси болаларга бир хил талаблар қўйиб яқин алоқада ишлагандагина болалардаги нутқ камчилигини бартараф қилиш мумкин. Шунинг учун логопед, тарбиячилар ва музика раҳбарининг ҳамкорлиги ўзига хос хусусиятларга эга. Уларнинг асосийси белгиланган мавзунини ўтишда вазифаларни тўғри тақсимлаб олишдир. Тарбиячи ўз машғулотини логопеднинг навбатда белгиланган мавзуга мослаб тузади, унинг машғулотидаги вазифалар логопед машғулотидаги вазифалар билан ҳамоханг бўлади. Тарбиячи ва логопеднинг бир мавзудаги машғулотлари бир вақтда ўтказилади.

Оммавий (оддий, умумий) болалар боғчасидаги каби тарбиячи қўйидаги умумий таълим масалаларини ҳам ҳал қилади: сайр пайтидаги кузатишлар асосида экскурсияларда атроф-муҳит ва табиат билан танишиш вақтида маълум бир мавзуда болалар тушунадиган тарзда билим беради, болаларнинг сўз бойлигини ошириш, фаолиятини фаоллаштиришга оид ишлар олиб бориб, уларнинг нутқини ривожлантиради, уларни нарсаларнинг расмини чизиш, пластилиндан ҳар хил буюмлар ясаш, аппликация, лойихалаш усуллари ва кўникмаларига ўргатади: бу ишларни болаларнинг нутқини ривожлантиришга усталик билан боғлайди.

Булардан ташқари, тарбиячи махсус нутқ тузатиш ишларини олиб боради. Тарбиячилар ҳал қиладиган нутқ тузатишга доир асосий вазифалар болаларда умумий хулқ-атвор ва нутқни яхшилаш кўникмаларини шакллантириш, нутқни ривожлантириш ва қулай, мустақил сўзлаш кўникмаларини шакллантиришдан иборат. Тарбиячи болаларни бўлажак логопед машғулотларига тайёрлашда фаол иштирок этади. Барча машғулотларда ва улардан ташқарида тарбиячи болаларнинг сўз бойлигини оширишга кўп вақт ажратади.

Атрофдаги борлиқни кузатишаётганда тарбиячи болаларни янги сўзлар билан таништиради, уларнинг мазмунини тушунтиради, уларнинг ҳар хил вазифаларда такрорланишига эришади, фаоллаштиради. Музика машғулотлари (ҳафтасига икки марта) болаларда қўйга монанд ҳаракатлар қилиш, қўй ва оҳангни фарқ қилиш қобилятини ўстирибгина қолмай, музика ёрдамида болалар диққатини ростлаш, берилган ҳаракатларни изчиллик билан такрорлаш, музика мазмунининг характери, маромини ҳаракатлар орқали

ифодалаш, бир ҳаракатдан иккинчисига равон ўтиш ва хоказоларга ҳам ёрдам беради. Логопед, тарбиячи, музика раҳбари ҳамоханг ишлашлари учун улар ишни биргаликда режалаштиришлари: мавзуга доир машғулотлар мазмунини ўз вақтида танлаш, ҳар бирининг вазифаларини ва машғулотлар ўтказиш навбатини келишиб олишлари керак

Логопед машғулотлари

Махсус болалар боғчасидаги логопед машғулотлари нутқ тузатишга доир таълимнинг асосий шакли ҳисобланади: бу машғулотларда нутқдаги барча нуқсонлар муттасил бартараф қилиб борилади. Нутқ тузатишга доир аниқ вазифалар ва босқичларга қараб, логопеднинг (умумий) машғулотлари қуйидаги хилларга бўлинади:

I. Тилнинг лексик-грамматик воситаларини шакллантиришга оид машғулотлар:

а) сўз бойлигини яратишга оид машғулотлар; б) грамматикага (гап тузишга) доир машғулотлар.

Бу машғулотларнинг асосий мақсади болаларни нутқни тушунишга, уларнинг сўз бойликларини аниқлаш ва кенгайтиришга, умумлаштирувчи тушунчаларни шакллантириш, сўз: тузиш ва сўзни ўзгартириш амалий кўникмаларини шакллантириш, кенг тарқалган оддий гапларни ҳамда мураккаб ва синтактик тузилишдаги гапларнинг баъзиларини гапира олишга ўргатиш.

II. Сўзларни талаффуз қилишга доир машғулотлар.

Бундай машғулотларнинг асосий мақсади: товушларни тўғри талаффуз қилишга ўргатиш; сўзларни эшитиб идрок қилишни ривожлантириш; ҳар хил товуш - бўғинли сўзларни талаффуз қилиш кўникмаларини ҳосил қилиш; нутқнинг тушунарли ва ифодали бўлишини назорат қилиб туриш; товушларни таҳлил ва синтез қилишга доир оддий кўникмаларни ўзлаштиришдан иборат.

III. Равон сўзлаш малакасини ривожлантиришга доир машғулотлар.

Бу машғулотларнинг асосий вазифаси болаларни ўз фикрларини мустақил изҳор қилишга ўргатишдир. Нутқ тузатишга оид таълим жараёни бошдан-оёқ фикр алмашинув тарзида ташкил қилинади. Тилнинг ўрганилаётган ҳар қайси босқичи бевосита мулоқотга асосланиши керак. Болаларни ўрганган сўзлари ва гапларини бошқа шунга ўхшаш ёки янги вазиятларда ишлата олиш, олган кўникмаларини ҳар хил фаолиятларида ижрдий қўллай билишга ўргатиш жуда муҳимдир.

Логопеднинг тилнинг лексик-грамматик воситаларини шакллантириш ва равон гапиришни ривожлантиришга доир машғулотлари умумий педагогика ва мактабгача тарбия ёшидаги болалар педагогикаси, шунингдек махсус таълим талабларини ҳисобга олиб ташкил қилинади: машғулотлар мавзуи ва мақсадини аниқлаш; лексик ва грамматик материални танлашда машғулотлар мавзуи ва мақсадини, нутқ тузатиш таълими босқичини, ҳар бир боланинг нутқий ва рухий имкониятини алоҳида-алоҳида ҳисобга олиш; машғулотларнинг асосий босқичларини белгилаб олиш, уларнинг бир-бирига боғлиқлигини ва алоқасини кўрсатиш ва

хар бир босқичнинг мақсадини баён қилиш; машғулотларга турли-туман ўйинлар ва дидактик машқларни қўшиб, буларни мусобақалаштириш тарзида ўтказиш; программа материални танлашда болаларнинг фикрлаш, идрок қилиш, тасаввур қила олиш қобилиятларини ҳисобга олиш; болаларга алоҳида-алоҳида ёндошилганда уларни фаол сўзлаштиришга жалб қиладиган усулларни кўзда тутиш; нутқни ривожлантиришга доир ўзлаштирилган материални мунтазам такрорлаб боришни ҳам ҳисобга олиш.

Хар қайси машғулотда берилган товушни (бўғинлар, сўзлар, гаплар ва матнлар ёрдамида) тўғри талаффуз қилиш, идрок қилиш ҳиссини ривожлантириш, оддий таҳлил ва синтез қилиш кўникмаларини ривожлантиришга доир машқлар кўзда тутилади. Барча машғулотлар бир неча босқичдан иборат бўлиб, логопед уларнинг хар қайсисига аниқ ва қисқа йўл-йўриқ беради. Умумий машғулотлардан фақат тўғри талаффуз қилинаётган товушлар ажратиб олинишини ҳисобга олиб, машққа 3 минутдан ортиқ вақт сарфламаслик тавсия қилинади. Нутқ товушларини фарқлаш учун шартларни аста-секин мураккаблаштира бориш кўзда тутилади.

Логопеднинг якка-якка машғулотлари

Логопеднинг хар қайси бола билан якка-якка ўтказадиган машғулотлари самарадорлигини ошириш учун уларни аниқ ташкил қилиш, хар бир боланинг нутқ даражасини ва шахсини яхши билиш лозим. Нутқ нормаллигининг шакли билан мавжуд нуқсоннинг ўзига хос томонларини (алалия, дизартрия, ринолалия ва хоказо) ҳисобга олиш жуда муҳим. Мунтазам нутқ камчиликларининг аломатлари хар хил бартараф қилинади ва шу туфайли нутқ тузатиш таълимининг турли босқичларида турлича намоён бўлади. Уларни бартараф қилишнинг энг қулай муддатларини аниқлаш керак. Якка-якка машғулотларнинг асосий мақсади нутқнинг товушни талаффуз қилиш томонини дастлабки шакллантиришдир, бу эса ўз ичига талаффузга оид тайёргарлик машқлари мажмуини, нотўғри айтилган товушларни талаффуз қилишни, бўғинларни тўғри кўчиришни, сўзларни идрок қилиш ҳиссини ривожлантиришни ўз ичига олади.

Якка-якка машғулотларнинг ўзига хос томони умумий логопедик машғулотларда ўрганилгунга қадар товушлар талаффузини олдиндан ишлаб чиқиш ва уларни дастлабки фарқлашдан иборат. Зарур фонетик материал дастурга мувофиқ даврларга бўлиб тақсимланади.

Тузатиш-логопедик ўқитиш

I давр (сентябрь, октябрь, ноябрь).

Фонематик эшитув ва нутқ нафасларини тарбиялаш ва ривожлантириш, овоз кучини бошқаришни ўргатиш, интонацион ифодали овоз аниқ дикцияни ривожлантириш; оғзаки нутқни тушунишни ривожлантириш, ўзига қаратилган нутқни эшитишга ўргатиш, айтилган предметларни белгиларига кўра ажратиш, умумлаштирувчи сўзлар маъносини тушуниш.

Сўзларни сон ва келишда мослаштириш, жониворлар ва уларнинг болаларини ифодаловчи отларни нутқда бирлик ва кўпликда ишлатишни, отнинг қараткич келишиги шаклини, уюшиқ бўлакли гаплар тузишни ўргатиш. Расмларга қараб оддий, қисқа хикоя тузишни ўргатиш. қуйидаги темалар асосида луғат бойлигини мустаҳкамлаш ва ўзлаштириш. «Боғча

биноси», «Ранглар», «Куз», «Сабзавотлар», «Мевалар», «Тана қисмлари», «Уйинчоқлар», «Кийимлар», «Оёқ кийимлари». Талаффуз бўйича индивидуал машғулотлар ҳар куни планлаштирилади ва унда қуйидаги мақсадлар амалга оширилади:

- тўғри талаффуз этилган товушларни мустахкамлаш: *а, у, о, э, и, у, м, н, т, л, ф, в, б*.
- нутқда ноаниқ талаффуз этилган товушларни ва йўқ товушларни тузатиш, уларни нутқга қўйиш ва автоматлаштириш: *к, г, х, л, й, с, э, р*.
- унли ва ундош товушларни ажратиш; талаффузда тушириб қолдириладиган товушларни қўйиш, автоматлаштириш: *л,, б, д, г, с, з, ш, р, ж, к, г, х*.
- бўғин тузилишни ва сўзларда товуш-бўғин тузилишини ўзлаштириш;
- жарангли ва жарангсиз товушларни аниқ ажратиш асосида фонематик малакаларни шакллантириш;
- товушларни анализ-синтез қилишнинг бошланғич малакаларини шакллантиришга тайёргарлик кўриш.

Машғулотларнинг тахминий тақсимланиши

Луғат бойлиги ва грамматик тузилишини шакллантириш бўйича 14 машғулот. II давр (декабрь, январь, февраль, март). Нутқнинг грамматик тузилишини шакллантириш. Болаларни ҳар хил гап турлари (содда, қўшимча) тузишга ўргатиш. Отнинг келишиги ва содда турланишини (*боғча, боғчага, боғчада, боғчанинг*); феълнинг буйруқ майли (*бер, ол, кет* кабилар); Айрим жониворларнинг болалари, предметлар, идиш-товоқлар номларини бирлик ва кўпликда айтишни ўргатиш.

Айрим сўзларни ясашиш усулларига эътибор бериш (қанд - қанддон). Бир ўзакли сўзлар (мушук - мушукча) ясашга ўргатиш. Вазиятли ва сюжетли расмларга қараб хикоя тузишни ўргатиш. Қуйидаги темалар асосида луғат бойлигини бойитиш: «Кийимлар», «Уй ва ёввойи ҳайвонлар», «Паррандалар», «қиш», «Янги йил», «8 март», «Наврўз», «Баҳор», «Хафта кунлари».

Индивидуал машғулотда: I даврнинг индивидуал машғулотларида товушларни тўғрилаш, тўғри товушлар талаффузини мустахкамлаш; ноаниқ талаффуз қилинаётган товушларни тузатиш. Тарбиячининг вазифалари қаторига болалар жамоасида ҳайрихоҳлик мухитини яратиш, болаларнинг ўз имкониятларига узларини ишонтириш, нутқи ривожланмаслик билан боғлиқ бўлган салбий кечинмалардан ҳалос қилиш машғулотларга қизиқиш уйғотиш ҳам киради. Бу вазифаларни амалга ошириш учун эса болаларнинг ёшларига ва шахсиятларига ҳос рухий-физиологик хусусиятларини билиш шарт.

III давр (апрель, май, июнь). Болаларни содда ва мураккаб гаплар тузишга ўргатишни давом эттириш. Барча сўз туркумларидан фойдаланишга ўргатиш. Гаплардан отларни сонларга (стол устида бешта нок, қизил лента, қизил кўйлак) мослаш. Кўплик сонидан фойдаланиш кўникмасини такомиллаштириш. Турланмайдиган отлар (кофе, пальто, пианино) фойдаланиш кўникмасини шакллантириш. Бир ўзакли сўзлар ясашга ўргатишда давом этиш. Болаларнинг турли усуллар билан сўзлар ясаши. Нутқда сифатдошларни қўллашга ўргатиш.

Расмга қараб хикоя тузишни, эртакни гапириб беришни мустахкамлаш. қуйидаги темалар асосида луғат бойлигини бойитиш ва мустахкамлаш: «Баҳор», «Наврўз», «1 Май байрами», «Ёз», «Боғ», «Транспорт», «Ўқув қуроллари». Умумлаштирувчи сўзлар маъносини шакллантириш ва

мустахкамлаш. Очик бўғинларда товушларни ўзлаштириш. Хосил бўлиш ўрнига (с-ш) ва овознинг иштирокига кўра товушларни (с-з) фарқлаш.

Очик ва ёпиқ бўғинли сўзларда товушларни анализ-синтез қилиш малакаларини шакллантириш. Машғулотларнинг тахминий тақсимланиши. Грамматик тузум ва луғат бойлигини шакллантириш бўйича - 17 машғулот. Боғланган нутқни ривожлантириш бўйича - 33 машғулот.

Тарбиячининг машғулотлари

Нутқи бузилган болалар боғчасининг тарбиячиси умумий таълим вазифаларини бажариш билан бирга болалар нутқидаги кичик камчиликларни бартараф қилишга қаратилган тадбирларни ҳам бажаради. Бунда тарбиячи ўз эътиборини нафақат боланинг ақлий ва жисмоний камчиликларини йўқотишга, уларнинг атрофидаги нарсалар ҳақидаги тасаввурларини бойитишга, балки болаларда сақланган анализаторлар фаолиятини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга қаратади. Машғулотларнинг тахминий тақсимланиши. Луғат бойлиги ва грамматик тузумини шакллантириш бўйича - 14 машғулот. Боғланган нутқни ривожлантириш бўйича - 12 машғулот.

Нутқни ривожлантириш

Тарбиячининг болалар нутқини ривожлантириш соҳасидаги асосий вазифалари: атрофдаги нарсалар ҳақидаги тасаввурларини чуқурлаштириш асосида болаларнинг нутқ бойлигини кенгайтириш ва фаоллаштириш; болаларда ҳар хил муомала вазиятларида шаклланган равлон сўзлаш малака ва кўникмаларини қўллай олиш қобилиятларини ўстириш; логопедик машғулотлар дастурига мувофиқ болаларнинг бемалол муртақил сўзлашларини, сўзларни тўғри талаффуз қилишларини, нутқнинг грамматик жихатдан (товуш-бўғинларига риоя қилиб) тўғри тузилишини таъминлаш (автоматлаштириш, яъни ўз-ўзидан тутилмай гапирадиган қилиш).

Тарбиячи боланинг нутқ фаоллигини, айтилган ва тузатилган товушлардан, ишлаб чиқилган грамматик шакллардан тўғри фойдаланишни кузатиб туради. Тарбиячининг нутқи равлон, тушунарли, ифодали, нутқи ривожланмаган болалар ўрнат оладиган бўлиши лозим. Тарбиячи машғулотларда болаларда сўз бойлигини ошириш ва гапларни грамматик жихатдан тўғри тузиш кўникмаларини босқичма-босқич шакллантириши керак: болалар ўрганилаётган ходиса билан бевосита танишадилар; тарбиячининг равлон нутқи ёрдамида болалар бу ходисаларни сўз билан ифодалашга ўргатилади; тарбиячи болаларни тўғри ва равлон сўзлашни машқ қилдириб кўради, бунда ходисаларни сўз билан ифодалаш кўникмалари пишитилади.

Ҳар қайси ўқув даври учун юқорида айтилган босқичларнинг аҳамияти турлича. Олдинига тарбиячининг хикояси ва ўқиши, суратларни кўрсатиши ва саволлар бўйича суҳбатлар, тарбиячи тузиб чиққан дидактик ўйинлар тарзидаги баёний хикояларни такрорлаш каби босқичлар етакчи ҳисобланади. Болаларнинг саволларига аниқ жавоб (бир сўз билан ёки тўлиқ) беришга ўргатишга алоҳида аҳамият берилади. Ҳар қайси мавзунинг ўргатишда логопед билан биргаликда болалар тушуниши ва амалда қўллай олиши лозим бўлган луғат минимуми белгилаб олинади.

Умумий тузатувчи машқлар

Болаларда мотор ривожланиш хусусиятлари махсус машқлар ва умумқабул қилинган жисмоний тарбия усуллари орқали тўғрилаб борилади. Тузатиш мускуллар тонусни нормал ҳолатга келтиришга, нотўғри ҳаракат ҳолатини тўғрилаш, чидамликларни ривожлантиришга, мувозанатни, ҳаракат суръатини яхшилашга, нутқ ва ҳаракат орасидаги ўзаро боғлиқликни тенглаштиришга, ҳаракатлар актини эслаб комил сўз (кўрсатмаларига) бўлган реакцияларни тезлаштиришни тарбиялашга, нозик ҳаракатнинг мувофиқлигини ривожлантиришга, ёзув малакаларини тўлиқ шакллантиришга қаратилган бўлиши зарур. Болалар боғчаси дастурининг «жисмоний тарбия» бўлимида белгиланган машқлар катта гуруҳ болаларининг деярли ҳаммасига тавсия этилади. Асосий диққат майда қўл мускулларини ривожлантиришга қаратилади.

Бунга қуйидаги машқлар тавсия этилади:

- резина коптокни ёки теннис коптокчасини сиқиш;
- бармоқларни навбатма-навбат муштум ҳолатига келтириш ва яна очиш;
- берилган суръат бўйича бармоқларни столга кетма-кет уриш;
- тортилган резинка ёки арқончани турли бармоқлар билан тортиш;
- навбатма-навбат ҳар бир бармоқ билан теннис коптокчасини итариш;
- ҳар хил катталиқдаги коптокларни иилиб олишни машқ қилиш;
- қўлни ва бармоқларни ҳар хил ҳолатларга келтириш;
- кичик, манда предметларни бармоқлар билан олиш;
- қаламни бармоқлар билан юмалатиш;
- майда (гугурт чўни, мозайка) предметлардан мураккаб бўлмаган геометрик нақшларни бажариш.

Юқорида кўрсатилган машқларни аввал секин суръатда, аста-секин тез суръатда бажариш тавсия этилади. Шу билан бирга вазифанинг тўғри бажаришини диққат билан кузатиб туриш керак.

Назорат саволлари:

1. Нутқнинг тўлиқ ривожланмаганлигига таъриф беринг.
2. НТРга эга бўлган болаларнинг ўзига хос хусусиятларини айтинг ва улар нутқига тавсиф беринг.
3. II ва III даражали НТР га эга бўлган болалар нутқини таққосланг ва уларга тавсиф беринг.
4. Нутқи тўлиқ ривожланмаган болалар нутқини логопедик текшириш ишларини ёритиб беринг.
5. Нутқи тўлиқ ривожланмаган болалар нутқини текшириш учун дидактик материаллар тайёрланг.
6. Нутқ картаси билан яқиндан танишинг.
7. Нутқи тўлиқ ривожланмаган болаларни ўқитиш ва таълимини ташкил этиш вазифаларини айтинг.
8. Нутқи тўлиқ ривожланмаган болалар билан олиб бориладиган логопедик-тузатиш ишларининг асосий йўналишларини ёритиб беринг.
9. Махсус болалар боғчасига борганда нутқи тўлиқ ривожланмаган болалар нутқини кузатинг.
10. Махсус болалар боғчасида логопед машғулотини кузатинг ва анализ қилинг.
11. Махсус болалар боғчасида логопед ҳужжатлари билан яқиндан танишинг.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. П.М. Пўлатова “Олигофренопедагогика” Тошкент 2005 йил.
2. В.С. Рахманова “Махсус педагогика” Тошкент 2004 йил.
3. Выготский.Л.С. «Проблема у отсталости» Москва 1956 йил.
4. Под ред. Дульнева. Г.М. “Коррекционная роль обучения в школе” М.1971 й.
5. М. Аюпова “Логопедия” Тошкент, 2007 йил.
6. М. А. Павалёва “Справочник логопеда” Ростов-на-Дону, 2007 год.

V – БОБ. НУТҚ КАМЧИЛИГИГА ЭГА БЎЛГАН БОЛАЛАР УЧУН МАХСУС МУАССАСАЛАР СИСТЕМАСИ ВА УЛАРГА БОЛАЛАРНИ САРАЛАШ.

5.1. Мавзу: Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимида махсус муассасалар тизими.

Режа:

- 1 Халқ таълими системасида логопедик ёрдам.
- 2 Нутқ нуқсонига эга бўлган болаларга мўлжалланган мактабгача тарбия муассасалари.
- 3 Таянч-харакат аппаратида камчилиги бор болаларга мўлжалланган мактабгача тарбия муассасалари.
- 4 Ақлий заиф болаларга мўлжалланган мактабгача тарбия муассасалари.
- 5 Оғир нутқ нуқсонига эга бўлган болаларга мўлжалланган мактаблар.
- 6 Турли муассасаларда логопедик ёрдамни тишқил этиш.

Таянч иборалар: (ЭНН, гунг, олигофрен, РРС, клоник, тоник, ФФН)

Бизнинг мамлакатимизда турли хил нутқ камчилигига энг бўлган шахсларга кўрсатиладиган хар томонлама систематии ёрдам ривожланиб бормоқда. Россияда қадимдан алоҳида меҳр-мурувват муассасалари мавжуд бўлиб, уларда махсус таълим яққол намоён бўлган нуқсонларни (карлик, кўрлик, ақли заифлик) ажратиш ва фарқлаш заминида амалга оширилар эди. Нутқ нуқсонига эга бўлган кишиларга логопедик ёрдам ташқил қилинмаган эди. Педагогика ва тиббиёт жамоатчилигининг атоқли намояндалари нутқ патологиясининг рухиятнинг ва шахсининг шаклланишига салбий таъсир этишини бир неча бор кўрсатиб ўтганлар. 30-йилларнинг бошларида институт аномал болаларга мажбурий суръатда умумий таълим бериш хақидаги қонунни қабул қилишда қатнашди.

Турли хил аномалияларни клинико-психологик диагностика қилишга таяниб, болаларни комплекс ўрганиш, мамлакатда махсус мактабгача тарбия ва мактаб муассасаларининг кўп тармоқли системасини ривожлантириш учун асосий илмий заминни яратиш имконини берди. Нутқ нуқсонининг мураккаб структурасини тўғри тушуниш фақат тўғри диагноз қўйишни, махсус муассаса турини ҳамда бола билан олиб борадиган тузатиш-тарбиялаш иш методлариини белгилай билишнигина эмас, балки иккиламчи нуқсонларнинг келиб чиқиш эҳтимолларини олдиндан айтиб бериш имконини беради.

Халқ таълими ва соғлиқни сақлаш органлари томонидан махсус таълим ва тузатиш ишларига мухтож ясли, мактабгача тарбия ва мактаб ёшидаги болаларни аниқлаш ҳамда ҳисобга олишга йўналтирилган ташқилин педагогик иш ўтказилди. Назария ва амалиётнинг ўзаро яқин ҳамкорлиги нутқ

нуқсонига эга бўлган ўсмир ва болаларга бериладиган таълим тарбияни илмий асослаш, махсус муассасалар тармоғини ривожлантиришга бўлган эҳтиёжни аниқлаш имконини берди. Номенклатурага у ёки бу типдаги махсус муассасанинг киритилишидан олдин болалар кенг миқёсда комплекс клинико-нейрофизиологик ва рухий-педагогик жихатдан ўрганилади, экспериментал таълим системаси ташкил қилинади. Хозирги вақтда турли типдаги муассасаларнинг тузилиши ва тузатиш-тарбиявий таъсир этиш мазмуни аниқ белгиланган. Болани унинг умумий ва нутқий ривожланиши савиясига мос келадиган муассасага ўтказиш зарурати туғилганда бу имкониятни таъминловчи ворислик кўзда тутилади. Иил сайин мактабгача тарбия ёшидаги аномал болаларга кўрсатилаётган ёрдам кенгайиб бормоқда. Халқ таълими давлат комитетининг «Жисмоний ва ақлий ривожланишида камчилиги бор болалар учун мактабгача тарбия муассасалари номенклатураси ҳақида»ги қарори қабул қилингандан сўнг махсус мактабгача тарбия муассасалари тармоғи сезиларли даражада ривож топди.

Мактаб ислохотида мувофиқ нутқий нуқсонга эга бўлган болалар учун мўлжалланган мактаб ва мактабгача таълим тизимини такомиллаштириш давом эттирилмоқда. Нутқ нуқсонига эга бўлган катта ёшдаги кишилар, ўсмирлар ва болаларга поликлиникаларда, шифохоналарда, диспансер, санаторийларда комплекс тиббий логопедик ёрдам кўрсатилади. Ривожланишида камчилиги бор болаларга давлатимизнинг кўрсатаётган ғамхўрлиги фақат махсус муассасаларнинг дифференциаллашган тармоғини ташкил этишда намоён бўлмай, балки ривожланишида нуқсони бор болаларга бериладиган таълим даражасини тизимли равишда ошириб боришда акс этаётир. Кўпчилик махсус мактаблар интернат шаклида бўлиб, уларда болаларни таълим-тарбия олиши давлат хисобидан таъминланади. Бизнинг мамлакатимизда аҳолига кўрсатиладиган дифференциялашган логопедик ёрдам кенг ривожлангандир. Бу ёрдам халқ таълими ва соғлиқни сақлаш сохалари орқали амалга оширилмоқда.

Дефектология соҳасидаги илмий тадқиқотлар орқали нуқсонни эрта аниқлаш ва уни олдинроқ тузатиш катта аҳамиятга эга эканлиги исботлаб берилган. Бир қатор ҳолларда махсус мактабгача таълим ва тарбия ривожланишдаги камчиликларни тузатади ва бу билан болаларнинг мактабда ўқишида вужудга келадиган қийинчиликларнинг олдини олади (Г.А.Власова, 1972). Яққол намоён бўлган нутқ нуқсонлари мавжуд бўлганда болалар билан олиб бориладиган тузатиш-тарбиялаш ишларини эрта бошлаш нуқсонни сезиларли даражада компенсация қилинишини таъминлайди.

Дастлаб бу оммавий боғчалар қошида ташкил қилинган алоҳида экспериментал гуруҳлар эди. Кейинчалик эса нутқ нуқсонига эга бўлган болаларга мўлжалланган алоҳида болалар боғчалари ва ясли-боғчалари ташкил топди. Дастлабки босқичда болалар боғчаларида енгил нутқ камчилигига эга бўлган (нутқнинг фонетик томони ривожланмаган) болалар учун гуруҳлар очилди. Кейин бирмунча мураккаб нуқсонли болалар (дудуқланадиган, нутқи умумий ривожланмаган болалар) гуруҳлари ташкил қилинди.

Нутқ нуқсонига эга бўлган болаларга мўлжалланган боғчалар, ясли-боғчалар ва умумий типдаги боғча, ясли-боғчалар қошидаги тегишли мактабгача тарбия гуруҳлари юқорида номлари кўрсатиб ўтилган муассаса қарайдиган халқ таълими бўлимлари томонидан комплектлаштирилади. Нормал нутқни ўзлаштирган, таълимни муваффақиятли тамомлаган ва 7 ёшга

тўлмаган болалар умумий типдаги боғчага ўтказиладилар. Махсус мактабгача тарбия муассасалари шароитида турли хил нутқ нуқсонларига эга бўлган болаларга бериладиган логопедик таълимнинг асосий вазифалари етакчи нутқ нуқсонини тузатиш билан бирга хат-саводни эгаллашга тайёрлаш ишини ҳам ўз ичига олади. Нутқ нуқсонига эга болаларга мўлжалланган мактабгача тарбия муассасаларида барча тузатиш жараёнларини аниқ ташкил қилиш кўзда тутилади.

Тузатиш ишлари қуйдагилар, яъни:

- болаларни ўз вақтида текшириш;
- машғулотлар жадвалини оқилона тузиш;
- ҳар бир бола билан олиб бориладиган индивидуал ишни режалаштириш;
- фронтал машғулотларни режалаштириш;
- машғулотларни керакли жихозлар ва кўргазмали куроллар билан таъминлаш;
- логопеднинг тарбиячи ва ота-оналар билан ўзаро ҳамкорлик қилиши орқали таъминланади.

Нутқида камчилиги бор шахсларнинг барча ёш гуруҳларида нутқ, билиш фаолияти, эмоционал-иродавий соҳаларидаги нуқсонларни бартараф этиш имкониятлари тиббий ва педагогик таъсирлар комплексининг ўз вақтида ва айнан бир хил қўлланишига боғлиқдир. Тузатувчи таълим ишларининг барча комплексларини ўтказиш умумпрограмма талабларини бажариш билан бирга нутқ нуқсонларини тузатиш бўйича махсус машғулотларни қўшиб олиб боришни талаб қилади. Нутқ нуқсонига эга бўлган мактабгача тарбия ёшидаги болалар гуруҳлари учун оддий кун тартибидан фарқ қиладиган, махсус кун тартиби ишлаб чиқилган. Жумладан унда логопед томонидан ўтказиладиган умумий, гуруҳлардаги ва якка тартибдаги машғулотлар кўзда тутилган. Шу билан бирга кечки вақтда тарбиячининг логопед топшириғи бўйича гуруҳларда ва алоҳида болалар билан нутқни тузатиш юзасидан махсус соатлар ажратилган.

Тарбиячи ўз ишини дастур талаблари ва болаларнинг нутқий имкониятларини ҳисобга олган ҳолда режалаштиради. Тарбиячи бола нутқининг шаклланишидаги индивидуал камчиликларни билиши, нутқининг талаффуз ва лексико-грамматик томонидан нуқсонларни билиши, таълим ва таълимдан ташқари фаолият жараёни давомида ҳар бир боланинг нутқий имкониятларини ҳисобга олиши шарт. Логопед билан ҳамкорликда нутқнинг тўлиқ ривожланмаганлиги (ФНН гуруҳларида) нутқни ўстириш, теварак-атроф билан таништириш, савол ўрганишга тайёрлаш бўйича машғулотлар режалаштирилади. Логопед билан тарбиячининг ишидаги изчиллик махсус дафтарда қайд қилинади.

Логопеднинг ота-оналар билан ҳамкорликдаги иши бутун педагогик жараённинг ажралмас қисми бўлиб, болалар боғчаси шароитида қуйидаги шаклларда амалга оширилади. Ота-оналар мажлислари. Биринчи ота-оналар мажлиси августнинг охирида ёки сентябрнинг бошида ўтказилади. Ота-оналар муассаса тузилиши, иш мазмуни ва вазифалари билан, болалар боғчасидаги кун тартиби ва қоидалар билан таништирилади. Одатда, бу мажлисни боғча мудираси барча махсус гуруҳлар болаларининг ота-оналари билан биргаликда ўтказади. Иккинчи мажлисни ҳар бир логопед ўз гуруҳида октябрь ойида ўтказади. Ушбу мажлиснинг мақсади ота-оналарни болаларни текшириш натижасида олинган маълумотлар билан таништиришдир.

Бунда логопед ҳар бир боланинг нутқий ва умумий ривожланишини атрофлича таърифлайди. Ота-оналарга болаларнинг нутқий ривожланишларидаги асосий камчиликларни тушунарли қилиб ёритиб бериш, уларнинг нормадан орқада қолиш даражасини ва ушбу нуқсонни бартараф этишда ҳамкорлик қилиш зарурлигини кўрсатиб бериши керак.

Учинчи ота-оналар мажлиси январь ойида ўтказилади. Унда ярим йиллик иш натижалари айтилиб, кейинги тузатиш ишлари йўналиши ёритиб берилади. Ҳар бир боланинг нутқий ва умумий ривожланиши, болалардаги ижобий динамика, шунингдек машғулот давомида учраган қийинчиликлар таърифланади. Охириги ота-оналар мажлиси май ойида ўтказилади. Унда йил давомида бажарилган ишлар якунланади. Утилган материални мустахкамлаш бўйича тавсиялар берилади. Логопед ота-оналарни болани оммавий мактабда, нутқ мактабида таълим олиши ёки зарурат бўлса, боғчанинг махсус гуруҳида қайта бўлиши ҳақида комиссияни қарори билан таништиради. Комиссиянинг қарори тўлиқ асосланади.

Шанба ёки чоршанба кунлари (куннинг иккинчи ярмида) ҳар ҳафта ота-оналар учун қисқа муддатли мажлислар (пятиминутка) ўтказилади. Баъзи бир ота-оналар болалари билан таклиф қилинадилар. Логопед ота-оналарни товушларни мустахкамлашнинг асосий усуллари билан таништиради. Уйда қандай машқлар бажариш кераклигини кўрсатиб беради. Ота-оналарнинг очик логопедик машғулотларда иштирок этиши бутун ўқув йили давомида режалаштирилади (3 ойда 1 марта). Бундай машғулотларда логопед ота-оналарни таълимнинг асосий усуллари, материални танлаш, шунингдек машғулот давомида болаларга қўйиладиган асосий талаблар билан таништиради.

Ота-оналарга мўлжалланган стендларни логопед ва тарбиячи бутун йил давомида чиқариб турадилар. Стендда нормадаги бола нутқининг ривожланиши, нутқ аномалияларининг хилма-хил турлари, оммабоп адабиётлар рўйхати каби масалалар ёритилиб борилади. Товушларни талаффуз қилиш, боғланишли нутқнинг шакллантиришга доир нутқий материал вақт-вақти билан янгиланиб турилади. Ота-оналар бурчагида ахборот бўлими мавжуд бўлиб, унда ота-оналар мажлисларининг саналари, логопед билан суҳбатлашиш учун таклифлар, мутахассисларнинг консултация бериш вақти кўрсатилган бўлади.

Нутқ камчилигига эга бўлган болаларга мўлжалланган мактабгача тарбия муассасалари аномал болаларга таълим ва тарбия бериш умумий системасида перспектив бўғин бўлиб ҳисобланади, қайсики у нуқсоннинг кейинги ривожланишини олдини олади. Бир қатор патологик шаклларда (олигофрения, кўриш нуқсонлари, таянч-ҳаракат аппаратидаги нуқсонлар) нутқ камчилигига эга бўлган болаларга махсус мактабгача тарбия муассасалари шароитида логопедик ёрдам кўрсатилади.

Таянч-ҳаракат аппаратида камчилиги бор болаларга мўлжалланган мактабгача тарбия муассасалари.

Таянч-ҳаракат соҳасида камчилиги бор болалар-учун мактабгача тарбия муассасаларининг гуруҳлари ёшни ҳисобга олиб қуйидагича комплекташтирилади: ясли гуруҳи 2-3 ёшдаги болалар, кичик гуруҳ 3-4 ёшдаги болалар, ўрта гуруҳ 4-5 ёшдаги болалар, катта гуруҳ 5-6 ёшдаги болалар, тайёрлов гуруҳи - 6-7 ёшли болалар. Гуруҳдаги болалар сони 10-12 та бўлиши керак. Болалар ҳар йили 1-августдан 1-сентябрга қадар қабул

қилинади. 7 ёшга тўлган болалар тиббий-педагогик комиссиянинг хулосасига кўра тегишли типдаги мактабларга ўтказиладилар. Ўқитувчи-логопед болаларни ақлий ривожланиши, тўғри нутққа, тўғри талаффуз қилишга ўргатишга доир бутун ўқув тузатиш ишини ўтказди. У врач-психоневролог, гуруҳ тарбиячилари билан ҳамкорликда иш олиб боради, болалар билан фронтал, кичик гуруҳлар тузиб, яқка тартибда машғулотлар ўтказди, тегишли хужжатларни ёзиб боради.

Ақлий заиф болаларга мўлжалланган мактабгача тарбия муассасалари.

Болалар боғчаси (болалар уйи) ақлий заиф болаларга мўлжалланган мактабгача тарбия муассасасининг асосий типи бўлиб хисобланади. Гуруҳлар ёшни ҳисобга олиб, қуйидагича комплекташтирилади: кичик гуруҳ 3-4 ёшдан 4-5 ёшгача, ўрта гуруҳ 4-5 ёшдан 5-6 ёшгача, катта гуруҳ 5-6, тайёрлов гуруҳи 6-7 ёш. Гуруҳдаги болалар сони интеллектнинг бузилиши даражасидан қатъи назар 10-12 боладан иборат бўлади. Мактабгача тарбия ёшидаги ақлий заиф болаларнинг кўпчилигида яққол намоён бўлган нутқ камчиликлари мавжуд бўлиб, улар учун коррекцион таълимнинг умумий системасида систематик логопедик иш кўзда тутилади. Логопедик иш машғулотлар жадвалига қатъий риоя қилган ҳолда ҳар бир ёш гуруҳида ҳафтасига 2 марта фронтал нутқ ўстириш машғулотларида амалга оширилади (таълимнинг 1-3 йилларида гуруҳ кичик гуруҳларга бўлинади; 4 йилда гуруҳ билан фронтал машғулот ўтказилади). Ҳар бир бола билан ҳафтасига 3 марта индивидуал логопедик машғулотлар ўтказилади. Коррекцион таълим мазмунига она тили товушларини нутққа киритиш (постановка) ва мустаҳкамлаш (автоматизация), нутқнинг равлонлиги, нафас олиш, урғу қўйиш устида ишлаш, сўз бойлигини аниқлаштириш ва кенгайтириш, грамматик тузилишларни амалда қўллаш, боғланган нутқни шакллантириш киради. Нутқни ўстириш юзасидан олиб бориладиган ҳар қунги ишлар махсус мактабгача тарбия муассасасининг бутун коллективи томонидан амалга оширилади.

Кўриш нуқсонига эга болаларга мўлжалланган мактабгача тарбия муассасалари (гуруҳлари)

Бу масалаларга кўришида камчилиги бўлган, кўриш қобилияти кескин пасайган ва интенсив даволанишга- муҳтож 2 ёшдан 7 ёшгача бўлган болалар қабул қилинади (ясли-боғчага 2 ёшдан, боғчага 3 ёшдан). Кўр болалар гуруҳлари 10, заиф кўрувчи болалар гуруҳи 12-15 кишидан иборат бўлиши керак. Бу тоифадаги болалар билан мунтазам логопедик ишлар олиб бориш зарурлиги болаларда яққол намоён бўлган оғзаки нутқдаги камчиликларнинг мавжудлигидан келиб чиқади. Болалар билан дастлабки танишув атрофлича текшириш ўтказиш ва нутқий ҳамда нутқсиз жараёнларни баҳолашдан бошланади (боғланишли нутқнинг ахволи, сўзнинг грамматик тузилиши, луғат бойлиги, фонетика, идрокни баҳолаш, умумий ва нутқ методикаси ҳам шу ўринда текширилади).

Тузатиш ишлари текшириш натижаларини ҳисобга олган ҳолда режалаштириладя. Таълимнинг дифференциялашган системаси нутқий ривожланиш даражаси (улар 4 та) ҳар хил бўлган болаларни ўқитишни кўзда тутди. Нутқ ривожланишининг 1-даражаси гуруҳларида асосий эътибор товушлар талаффузини шакллантиришга қаратилади. Нутқ ривожланишининг 2-3-даражасига мўлжалланган болалар гуруҳларида логопедик иш нутқнинг фонетик-фонематик ва лексик-грамматик томонидаги камчиликларни бартараф этишга қаратилади. Болалар билан боғланган нутқни шакллантириш,

нутқ системасининг барча компонентларини ривожланганлигини тузатиш бўйича логопедик машғулотлар ўтказилади. Логопедик машғулотлар шакли бўйича яқка тартибда ва кичик гуруҳлар билан ўтказилиши мумкин. Кўр ва заиф кўрувчи болаларнинг нутқий ривожланишини тузатишга доир ишлар ушбу муассасада ишловчи барча мутахассисларнинг ўзаро ҳамкорлиги орқали амалга оширилади.

Оғир нутқ нуқсонига эга бўлган болаларга мўлжалланган мактаблар.

Оғир нутқ нуқсонига эга бўлган болаларга мўлжалланган мактаб нормал эшитиш ва сақланган интеллектда вужудга келган алалия, афазия, ринолалия, дизартрия, дудукланиш каби нутқ камчиликларига эга бўлган болаларга мўлжалланган махсус мактаб муассасаси типидир. Мазкур тоифадаги болаларда дастурни ўзлаштириш, нутқ шаклланишининг муваффақиятли бўлиши тузатувчи таъсир кўрсатишининг ўзига хос системаси қўлланадиган махсус мактаб шароитидагина мумкин бўлади.

Дефектология илмий текшириш институти логопедия секторини бевосита иштирокида 1954 йилда Ленинградда биринчи мактаб ташкил қилинган эди. Москвада, 1956 йил заиф эшитувчилар мактаби қошида оғир формада нутқи ривожланмаган болалар учун алоҳида синфлар ташкил қилинди. Мактаб базасида 1958 йил оғир нутқ камчиликларига эга бўлган болалар учун ўзига хос режимли махсус мактаб-интернат очилди. 1958 йилдан кейин бундай мактаблар бошқа шаҳарларда вужудга келди (Москва (иккинчи мактаб), Ленинград, Свердловск). Дастлаб бу мактаблар оммавий мактабнинг 4-синфи ҳажмидаги таълимни таъминлар эди. 1961 йилдан эътиборан оғир нутқ нуқсонига эга болалар учун махсус мактаб-интернатлар тармоғи кенг ривожлана бошлади.

Хозирги вақтда оғир нутқ нуқсонига эга бўлган болалар учун алоҳида мактаб-интернатлар мавжуд.

Бу муассасада умумтаълим мактаби вазифалари билан бирга махсус вазифалар ҳам хал қилинади:

- а) оғзаки ва ёзма нутқдаги турли хил камчиликларни бартараф этиш;
- б) улар билан боғлиқ психик ривожланишдаги ўзига хос камчиликларни ўқиш ва ўқишдан ташқи тузатиш-тарбиявий ишлар жараёнида йўқотиш;
- в) профессионал-меҳнат тайёргарлигини амалга ошириш.

Мактаб икки бўлимдан иборат. Мактабнинг биринчи бўлимига оммавий мактабда таълим олишга ҳалақит берадиган алалия, афазия, дизертрия, ринолалия, дудукланиш каби нутқ нуқсонига эга бўлган нутқи умумий ривожланмаган болалар қабул қилинади. Синфларни комплекташтиришда биринчи навбатда нутқий ривожланиш даражаси ва бирламчи нуқсон характери ҳисобга олинади.

II бўлимга. нутқнинг нормал ривожланишида дудукланиш-нинг оғир шаклидан азият чекувчи болалар қабул қилинади. I бўлимда нутқи умумий ривожланмаган болалар учун таълим олиш муддати 12 йил (тайёрлов синфи ва I-XI синфлар), II бўлимда дудукланишнинг оғир шакли билан хасталанган болалар учун - 9 йил (I-IX синфлар). Синфлар 12 кишидан иборат бўлади. Махсус мактабни битирувчиларига тўлиқсиз ўрта маълумот ҳақида гувоҳнома берилади. Ўқувчиларнинг нутқлари ва ёзувдаги камчиликларини тузатиш ишлари мунтазам равишда бутун ўқув-тарбиявий жараён давомида олиб борилади. Айниқса, она тили дарсларида бу вазифа ҳар томонлама хал

килинади. Турли хил нутқ дефектларини олдини олиш фронтал ва индивидуал машғулотларни бирлиги туфайли мумкин бўлади. Индивидуал логопедик машғулотлар ўқитувчи логопед томонидан дарсдан ташқари вақтда ўтказилади. Харакатида камчилиги бор болалар учун даволаш гимнастикаси бўйича машғулотлар ўтказилади. Махсус мактабнинг II бўлимида болалар тўлиқ бўлмаган ўрта мактаб ҳажмида билим оладилар.

Дудуқланишнинг оғир шаклига эга болаларни ўқитишда оммавий мактаб дарсликлари, махсус логопедик жихозлар, таълимнинг техник воситаларидан фойдаланилади. Махсус мактабни битирувчилар ом-мавий мактабда ёки хунар-техника билим юртларида таълим олишни давом эттиришлари мумкин. Нутқ камчиликларини бартараф этишда логопеддан ташқари ўқитувчи ва тарбиячилар ҳам қатнашадилар. Мактаб ўқитувчилари, тарбиячилари, логопеди таълим ва меҳнат фаолияти давомида ўқувчиларнинг умумий ва нутқий ривожланишларини тузатиб борадилар.

Ёрдамчи мактабдаги логопедик ишлар.

Ақлий заиф ўқувчиларда нутқ камчиликларини тузатиш махсус логопедик ишларнинг ташкил қилинишини талаб қилади. Ёрдамчи мактабларнинг ўқув режасида ўқитувчи - логопед томонидан ўтказиладиган логопедик машғулотлар соати кўзда тутилган. Ўқитувчи логопед тиббий-педагогик комиссиянинг аъзоси ҳисобланади. Махсус текшириш йўли билан у боланинг нутқида камчилиги бор-йўқлигини ва унинг характерини аниқлай билиши керак. Ўқув йилининг бошида логопед мактабга қабул қилинган барча ўқувчиларни текширади. Ўқувчилар оғзаки нутқининг дастлабки текширилиши дарслар вақтида ўтказилади. Ёзув малакалари диктант орқали текширилади.

Дастлабки текшириш давомида нутқида камчилиги аниқланган болаларнинг ҳаммасини логопед махсус журналга белгилаб қўяди. Шундан сўнг нутқнинг ва ёзувнинг ҳолати индивидуал текширилади ва болага нутқ картаси тўлдирилади. Логопедик ёрдамга жуда муҳтож, нутқ нуқсони оғир болалар логопедик машғулотларда қатнашиш учун танланади. қолганлар кандидат сифатида қабул қилиниб, мактабга дастлаб қабул қилинган ўқувчиларда нутқ бузилишлари бартараф этилгандан сўнг логопед томонидан машғулотларга чақирилади.

Нутқ нуқсонининг характери ва боланинг ўзлаштиришда унинг аҳамияти машғулотларга қабул қилишда асосий мезон бўлиб ҳисобланади. Логопедик машғулотга қатнашадиган боланинг нутқ картасига у билан олиб бориладиган машғулотларнинг индивидуал режаси илова қилинади. Режа текширишдан олинган барча маълумотларни умумлаштирувчи логопедик ҳулоса асосида тузилади. Логопед ўқувчидаги нутқ нуқсонининг характери ва этологиясини аниқлаш, унга нисбатан энг тўғри ва самарали ёндашув йўлини топиш мақсадида тиббий текшириш маълумотлари билан танишади.

Нутқ нуқсонига эга бўлган болалар билан машғулотлар ташкил қилиш ва уларни ўтказиш.

Нутқ камчиликларини тўғрилаш юзасидан олиб бориладиган ишлар болаларнинг ёш хусусиятларини, нутқ дефекти хусусиятларини, она тилидан мактаб дастурини ҳисобга олган ҳолда ташкил қилинади. Логопедик машғулотларга дарс машғулотларидан бўш ва синфдан ташқари вақтда 5-6 дарс ажратилади. Мактаб маъмурияти ва синф ўқитувчилари билан келишган

холда логопед ўқувчиларни ўқиш дарсларидан чақириб олиши мумкин. I-IV синф ўқувчилари билан индивидуал ва гуруҳ тарзидаги машғулотлар ҳафтасига 4 марта ва V-VI синфларда ҳафтасига 3 марта ўтказилади. Ҳар бир ўқувчи билан олиб бориладиган индивидуал машғулотга, одатда 15 мин ажратилади.

Гуруҳ машғулотларининг давомийлиги - 45 мин. Кичик гуруҳчалар билан 20-25 мин машғулотлар ўтказишга йўл қўйилади. Одатда индивидуал машғулотлар товушларни постановка ёки коррекция қилишга муҳтож болалар билан ўтказилади. Логопед битта нутқий нуқсон бўйича 4-6 кишидан иборат гуруҳни комплекташтиради. 2-9 ўқувчидан иборат кичик гуруҳлар бир хил ўқувчилар билан, ўзига хос режа бўйича ишлаш талаб қилингандагина комплекташтирилади. Ўқитувчи ва логопед, синф раҳбари, тарбиячи ўқувчиларни логопедик машғулотларда қатнашишларини назорат қилиб туришлари керак.

Логопед:

- машғулотга қатнашиш журналини тутиб, унда машғулотда ўтилган материалнинг мазмунини қисқача акс эттиради (ҳар куни);
- ишни ўқитувчилар ва тарбиячилар билан яқин ҳамкорликда ташкил қилади, улар дарс вақтида, уй вазифасини тайёрлаш давомида, турмушда ўқувчиларнинг логопедик машғулотлар жараёнида эгалланган нутқий малакаларининг мустаҳкамланишига ёрдам беришлари керак;
- дарс вақтида ва дарсдан ташқари вақтда болалар нутқига тўғри талаблар қўйилиши учун ўқитувчи ва тарбиячиларга ўқувчиларнинг ютуқ ва камчиликлари ҳақида мунтазам ахборот бериб боради;
- бола билан олиб борилган логопедик машғулотлар якунлангандан сўнг ўқитувчи ва тарбиячига қўлга киритилган малакаларни синф шароитида ва дарсдан ташқари вақтда тўлиқ автоматлаштириш усуллари ҳақида тавсиялар беради;
- нутқий нуқсони бор бўлган ўқувчиларнинг нутқ имкониятларини текшириш учун она тили, нутқ ўстириш, ўқиш ва бошқа дарсларни кузатади (логопедик машғулотлардан бўшвақтда). Ўз навбатида ўқитувчи ва тарбиячилар ҳам мазкур синф ўқувчилари билан олиб борилаётган ишлардан хабардор бўлишлари учун вақт-вақти билан логопедик машғулотларда қатнашишлари керак;
- дастур талабларини, она тилини ўқитиш методи ва усуллари яхши билиши, уларни ўз ишида ҳисобга олиши, дарсда ўрганилаётган мавзуга мос дидактик материалдан фойдаланиши керак;
- ўқувчилар билан олиб бориладиган нутқ ўстириш ишларини ташкил қилишда тарбиячиларга ёрдам беради;
- ўқув йилининг охирида тантанали эртаклик ўтказади. Унда логопедик машғулотларга қатнашган болалар ўз ютуқларини намойиш қиладилар.

Логопеднинг тарбиячилар ва ўқитувчилар билан олиб борадиган иши турли шаклда бўлиши мумкин: индивидуал суҳбат, очиқ машғулотлар, метод бирлашмаларда маълумот бериш ва бошқалар. Йилнинг охирида логопед ўқув йили давомида қилинган ишлар ҳақида матнли ва рақамли ҳисобот топширади.

Ўрта умумий таълим мактаблари қошидаги логопедик – пунктлар.

Логопедик пунктлар мактаб ёшидаги болаларда мавжуд бўлган нутқ камчиликларини бартараф этиш учун мўлжалланган махсус таълимий-тарбия муассасаларидир. Улар тумандаги умумий таълим мактабларининг бирида ташкил қилинади. Хар бир логопедик пунктга муайян миқдордаги мактаблар сони бириктирилади.

Унинг асосий вазифалари:

Ўқувчилардаги нутқ камчиликларини тўғрилаш; ўқитувчилар ва аҳоли ўртасида логопедик билимларни тарғиб қилиш; биринчи синфга келаётган болалардаги нутқ камчиликларини ўз вақтида аниқлаш, олдини олишдан иборатдир. Товушлар талаффузида камчилиги бўлган, дудукланувчи, дизграфик, дизлексик, яққол намоён бўлмаган нутқи ривожланмаган болалар логопедик пунктларнинг асосий контингенти бўлиб ҳисобланади. Болаларни саралашда логопед уларни синфда (тайёрлов гуруҳида) текширувдан ўтказди. Логопедик пунктга болалар психоневролог, ўқитувчилар, ота-оналар ташаббуси билан юбориладилар. Логопедик машғулотлар натижалари нутқ картасига белгиланиб, синф раҳбари ва ота-оналар эътиборига ҳавола қилинади. Логопедик ишнинг самарадорлиги тузатиш тадбирларининг тўғрилигига, ўқитувчи ва логопеднинг ўзаро яқин ҳамкорлиги ҳамда болалар нутқига ягона талаблар қўйишига боғлиқ. Болалар нутқини тўғрилашда ота-оналарнинг фаол иштирок этиши ҳам катта аҳамиятга эга.

Соғлиқни сақлаш системасида логопедик ёрдам

Аҳолига логопедик ёрдам беришни такомиллаштириш, нутқда камчилиги бўлган шахсларни даволаш самарадорлигини ва сифатини ошириш масалалари Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан муваффақиятли ҳал қилинмоқда. Нутқда камчилиги бўлган беморларга кўрсатиладиган логопедик ёрдамни янада такомиллаштириш тадбирлари ҳақида деган қарори асосида ихтисослаштирилган ёрдамни ривожлантириш логопедик кабинетлар тармоғини, болалар поликлиникаларида, психоневрологик диспансерларда даволаш-тиклаш бўлимларини кенгайтиришга доир ишлар йўналиши белгиланган. Бу жойларда функционал ва органик нутқ камчиликларига эга бўлган турли ёшдаги шахсларга логопедик ёрдам кўрсатилади. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг чиқарилган махсус қарорида логопедларнинг хизмат нормалари кўрсатилди:

- оғир нутқ камчилигига эга бўлган (афазия, диазартрия, дудукланиш ва бошқалар) шахслар билан индивидуал ишлашда бир соатда 1-5 кишини қабул этиш, гуруҳли логопедик машғулотларда бир соатда 8-10 киши билан ишлаш кўзда тутилади;
- дислалик болалар билан яқка тартибда бир соатда 4 киши билан ишлаш, гуруҳли логопедик машғулотларда бир соатда 10-12 киши билан ишлашни кўзда тутди;

- катта ёшдаги 100 минг аҳолига бир ставка логопедии хизмат, болалар ва ўсмирлар ёшидаги 20 минг аҳолига бир ставка логопедик хизмат кўрсатилади. Нутқ камчиликлари бўйича Республика илмий-методика маркази муваффақиятли ишлаб келяпти. Унинг асосий вазифаси соғлиқни сақлаш муассасаларида ташкил этилган логопедик кабинетларда психоневрологик диспансерлар, касалхоналарнинг ихтисослаштирилган бўлимларида ишни ташкил этиш бўйича ташкилий ва методик ёрдам

беришдир. Илмий-методик марказнинг хизматчилари аҳоли ўртасида кенг ёйилган нутқ камчиликларини, логопедик ёрдамга эҳтиёжни ўрганадилар; болалар ва катталарга кўрсатиладиган логопедик ёрдамини ташкил этиш, яхшилаш ва ривожлантириш бўйича таклифларни, тавсияномаларни ишлаб чиқадиладар; логопедик кабинетларни, стационарларни жихозлашга доир таклифларни ўрганадилар; инструктор-методик материалларини ишлаб чиқадиладар, логопедик кабинет ва касалхоналарнинг логопедия бўлимлари иш тажрибаларини оммалаштирадилар. Болалар поликлиникасининг логопедик кабинети Соғлиқни сақлаш системасида болалар поликлиникаси қошида ташкил этилган логопедия кабинети логопедик ёрдамнинг асосий бўлими ҳисобланади. Поликлиникада логопеднинг иши «Болалар поликлиникасининг логопедия кабинети ҳақида Низом» га асосланган ҳолда ташкил этилади. Низомда унинг иши йўналишлари белгиланган:

1. Нутқдаги камчиликларни бартараф этиш бўйича олиб бориладиган педагогик ишлар доимий ва консултациян машғулотлардан иборат бўлади.
2. Уюшган ва уюлмаган болалар гуруҳини диспансеризация қилиш.
3. Соғлиқни сақлаш ва халқ маорифи системасидаги логопедик муассасаларни комплекшлаштиришда иштирок этиш. Хар бир болага логопедик характеристика тузиш.
4. Логопедик тадбирларни ўтказиш: ота-оналар билан суҳбат, болалар врачлари ва болалар боғчасининг тарбиячилари билан олиб бориладиган ишлар, логопедик бюллетенлар чиқариш, дидактик кўрсатма материалларини тайёрлаш.

Нутқ камчилигига эга бўлган болалар учун ихтисослаштирилган яслилар соғлиқни сақлаш муассасаларининг мустақил бир бўлими бўлиб ҳисобланади ва болаларни тарбиялаш, тадбирлар ўтказиш, болалар нутқдаги камчиликларни бартараф этиш, болалар нутқини ўстириш каби мақсадларни ўз олдига қўяди. Яслилар соғлиқни сақлаш маҳаллий органларининг қармоғида бўлиб, бу органлар улар ишига раҳбарлик ва болаларгз тўғри хизмат кўрсатиш ишини назорат қилади. Нутқ камчилигига эга бўлган болаларни яслига саралаш махсус тузилган комиссия томонидан ўтказилади. Бу комиссия таркибида: педиатр, психиатр (невропатолог, психоневролог) ва логопед бўлади. Болалар саралаш комиссиясига қуйидаги ҳужжатлар билан юборилади: касаллик тарихидан кўчирма, поликлиника психоневрологи ва логопедининг ҳулосаси, яшаш жойидан маълумотнома, ота-онасининг иш жойидан олинган ойлиги ҳақидаги маълумотнома. Ихтисослаштирилган яслиларга қабул қилиш қуйидагича амалга оширилади:

а) нутқий ривожланишида тўхталиш бўлган болалар йил давомида бўшаган жойларга қабул қилинадилар;

б) дудуқланувчи болалар 6 ойда бир марта қабул қилинадилар.

Ихтисослаштирилган яслиларга органик характерга эга бўлган дудуқланувчи ва нутқий ривожланишида тўхталиш бўлган болалар қабул қилинади.

Яққол ифодаланган аклий заиф болалар (олигофрения, аклий заифлик), тутқаноқ ва ҳаракатида қўпол бузилишлар бўлган болалар ушбу яслига қабул қилинмайдилар.

Ихтисослашган яслилар кеча-кундуз ишлашга мўлжалланган бўлиб, уларга 3 ёшгача бўлган болалар қабул қилинади. Болалар ясида 4 ёшгача бўладилар.

Гурухлар нутқ камчиликлари бўйича (дудукланиш, нутқий ривожланишида тўхталиш бўлиш) комплектлаштирилади.

Яслидан сўнг болалар махсус нутқ боғчаларига ёки умумий боғчаларга борадилар.

Ихтисослаштирилган болалар уйи.

Болалар уйида ишлайдиган логопеднинг асосий вазифаси нутқ камчиликларини олдини олиш (нутқсиз даврдан бошлаб - 3 ойликдан-1 ёшгача), ўз вақтида диагноз қўйиш ва ҳамма ёш гурухларида болалар нутқини тўғрилашдир. Логопед тиббий-педагогик кўрикда актив иштирок этади, ҳамма болаларнинг нутқ ва нутқсиз фаолиятини текширади, ҳар бир боланинг ривожланганлик даражасини тасвирлайди, ўтказиладиган тадбирлар режасини тузади ҳамда ҳар бир гуруҳдаги болалар нутқини ривожлантириш ва улар нутқидаги камчиликларни бартараф этиш бўйича иш олиб боради. Логопед ҳар куни ёш гурухларидаги ҳамма болалар билан шуғулланади (3 ойликдан бошлаб).

Болалар психоневрологик санаториялари - санатория типдаги даволаш-соғломлаштириш муассасалари.

Болалар психоневрологик санаториялари туман, шаҳар, республика қарамоғида бўлиши мумкин. Бошқарув ишлари Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоят ва шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими томонидан амалга оширилади. 4-7 ёшгача бўлган болалар мактабгача психоневрологик санаторийларга; 7-13 ёшгача бўлган болалар - мактаб психо-неврологик санаторийларига қабул қилинадилар. Болалар психоневрологик санаторийларига болаларни саралаш «Маҳаллий санаторий ва курортларда болаларни даволаш учун мумкин ва мумкин бўлмаган» жараёнларига мувофиқ равишда амалга оширилади. Психоневрологик санаторийларга болаларни юбориш учун мумкин бўлган кўрсатмалар:

- неврозлар, церебростения, марказий нерв системасининг эрта органик жароҳатланиши натижасидаги невратик ҳолатлар, миё шикастланишлари, нейроинфекция, самотик касалликлар;

психик касалликларнинг неврозга ўхшаш шакллари;

- нутқнинг умумий ривожланмаганлигини ҳамма даражалари билан бирга келадиган ўқиш ва ёзиш жараёнидаги камчиликлар; дислексия, дисграфия, дизартрия, дислалия, ринолалия, нутқ ривожланишининг тўхтаб қолиши, дудукланиш (ўқиш ва ёзув жараёнларининг бузилиши билан бирга намоён бўлиши), мутизм. Санаторийда бўлиш вақти - 3 ойдир. 6 ойдан сўнг қайта даволаниш мумкин. Гуруҳларни комплектлаштириш ишлари ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Санаторийнинг вазифаси - болаларнинг нутқ бузилишларини тузатиш ва психик ривожланишидаги четга чиқишларни бартараф этиш мақсадида даволаш, соғломлаштириш ва логопедик тадбирларни ташкил этишдан иборат. Мактаб ёшидаги болалар билан умумтаълим фанлари бўйича синфларга мос ҳолда ўқитиш ишлари олиб борилади.

Даволаш-соғломлаштириш ишларининг асосий бўлимлари:

— болаларнинг ёши ва ахволини ҳисобга олган ҳолда даволаш-сақлаш ва даволаш-машқ қилиш режими;

- психотерапия;
- физиотерапия ва даволаш физкультураси;
- дори-дармонли терапия;
- логопедик тузатиш машғулотлари;
- ритмика;
- меҳнат терапияси;
- рационал овқатлантириш.

Ишлар ҳар бир бўлим учун масъул киши (педагог, врач, логопед) томонидан режалаштирилади ва бош врач уларни бир-бирига мувофиқлаштиради ва бошқаради. Замонавий даволов ва логопедик методлар (рационал психотерапия, гипнотерапия ва бошқалар) қўлланилади. Санаторий ўзига яқин районда жойлашган мактаблар билан, шаҳар, вилоят, республикадаги етакчи тиббиёт муассасалари билан узвий алоқада бўлади. Болалар психоневрологик санаторийсини бевосита бош врач (психоневролог ёки педиатр) бошқаради.

Катта ёшдаги аҳолига логопедик ёрдам.

Кейинги йилларда соғлиқни сақлаш системасида турли нутқ камчиликларига эга бўлган катта ёшдаги кишиларга логопедик ёрдамни яхшилаш устида жадал иш олиб бориляпти. Асосий эътибор оғир инсулт касаллигини бошидан кечирган, бош миёси операция қилинган беморларнинг нутқини қайта тиклаш муаммосига қаратилгандир. Катта ёшдаги аҳолига логопедик ёрдам кўрсатиш системаси турли типдаги муассасаларни ўз ичига олади, яъни:

1. Стационар (касалхоналардаги неврологик бўлимлар).
2. Яримстационар (меҳнат терапияси кабинетлари).
3. Амбулатор (шаҳар, ноҳия поликлиникаларидаги методика кабинетлар).

Поликлиникада беморларни қабул қилиш иш кунида 4- 6 киши ҳисобидан режалаштирилади. Поликлиника логопеди ҳафтада бир марта беморларни уйига бориб кўради. Поликлиника шароитида бир курс нутқни тиклаш машғулотларига 10-17 киши қабул қилинади. Ҳар бир бемор билан олиб бориладиган машғулотлар сони, беморнинг умумий ҳолатини ҳисобга олган ҳолда ҳафтасига 1-5 марта режалаштирилади. Нутқни тиклаш курси ўртача 3 ойгача чўзилиши мумкин. Тегишли кўрсатишлар бўлганда касалга таълим курсини такрорлаш мумкин. Беморлар доимо врач-невропатолог назорати остида бўладилар, улар билан мунтазам равишда фронтал ва индивидуал логопедик машғулотлар ўтказилади.

Бир вақтнинг ўзида даволаш физкультураси, массаж ва физиотерапия буюрилади. Неврологик бўлим шароитида оғир нутқ камчилигига (афазия, дизартрия, дудукланиш ва бошқалар) эга бўлган беморларга логопедик ёрдам кўрсатиш даврма-давр олиб борилади. Эрта бошланган тузатиш ишлари ишнинг самарадорлигини оширади ва катта профилактик аҳамиятга эга бўлади. Неврологик бўлимда беморлар 1-3 ой муддатгача бўладилар. Касалликнинг оғир шаклларида тузатиш ишлари 6-12 ойдан сўнг яна қайтарилади. Логопедик ишларнинг умумий ҳажми 1-2 йил ва ундан кўп муддатни ўз ичига олиши мумкин.

Ҳар томонлама текшириш (логопед, нейропсихолог ва бошқалар) ва унинг натижаларининг анализи жарохатланган жойларнинг қай даражада эканлигини, уларнинг характерини аниқлашга ёрдам беради. Афазик беморлар

билан гурухли ва якка тартибда машғулотлар ўтказилади. Машғулот мазмуни беморнинг индивидуал имкониятларига ва нутқ бузилишларининг даражаларига боғлиқ. Биринчи ҳафтада логопедик машғулотлар 10-15 минут давом этади (қунига 1-2 марта). Кейинчалик логопедик машғулотларнинг давомийлиги қунига 45 минутгача ошиб боради, гурухли машғулотлар бир соатгача бўлиши мумкин.

Беморнинг нутқ картасига бир ойда икки марта логопедик ишларнинг динамикаси белгилаб борилади. Логопеднинг врач ва беморнинг қариндошлари билан доимий алоқада бўлиши логопедик ишнинг самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

Логопедик кабинетни жиҳозлаш.

Логопедик муассасалар ишида замонавий техник воситалардан ва кўргазмали қуроллардан фойдаланиш катта аҳамият касб этади. Махсус мактабгача тарбия болалар муассасаларида, мактабларда турли предметларнинг моделлари, макетлари, муляжлар, иллюстратив жадваллар, схемалардан фойдаланилади.

Болаларнинг мустақил ишлашларига мўлжалланган қўлланмалар (тарқатма материаллар, турли хил конструкторлар, йиғма моделлар) алоҳида аҳамият касб этади. Ривожланишида ҳеч қандай камчилиги бўлмаган болалар учун логопед турли хил дидактик қўлланмалардан фойдаланиши мумкин. Логопедик машғулотларни ўтказишда фойдаланиладиган жиҳозларнинг тахминий рўйхатига қуйидаги техникавий жиҳозлар ва асбоблар қиради: секундомер, магнитофон (кассеталари билан), метроном, экран, слайдлар учун диапроектор, видеомагнитофон, АИР-1, АИР-2, электрофон, пластинкалар тўплами, зондлар, шпатель, соатлар.

Дидактик материаллар.

Турли ёш гуруҳидаги болалар учун ўйинчоқлар тўплами; стол устида ўйналадиган ўйинлар (лото, домино ва бошқалар); нутқни текшириш ва нутқдаги камчиликларни бартараф этишда қўлланиладиган альбомлар, предметли ва сюжетли расмлар; қирқма ҳарфлар; санок материаллари; мозаика; турли рангли предметлар тўплами; шакллар. Овозли ўйинчоқлар тўплами: барабан, най, ксилофон, гармошка, рояль, доира. Нутқ ўстиришда олиб бориладиган фронтал машғулотлар учун ўйинчоқлар тўплами: мебель, кийимлар, идиш-товоқлар, транспорт, уй ва ёввойи ҳайвонлар.

Логопедия кабинетини жиҳозлашга қўйиладиган умумий талаблар.

Якка тартибдаги ва фронтал ўтказиладиган машғулотлар махсус жиҳозланган, кенглиги махсус муассасаларда кўрсатилган кўрсатмаларга мос бўлган кабинетларда ўтказилади. Логопедия кабинетларга маблағни логопед хизмат қилаётган вилоят, район ва шаҳар халқ таълими бўлими ажратади. Логопедия кабинетида кўргазма материаллар ва адабиётлар учун шкаф, машғулот ўтказиш учун стол ва стуллар бўлиши лозим.

Хонада логопеднинг столидан ташқари яна 4 та стол, 8-10 та стул бўлиши керак. Логопедия кабинетида осма доска, яна турли кўргазма материаллари, техник воситалар ва бошқа предметлар бўлиши лозим. Логопеднинг хонасида, албатта 70X100 см ҳажмдаги девор ойнаси ва якка тартибда ишлаш учун 9-12 см ҳажмдаги ойналар бўлиши керак. Логопед дидактик материаллардан фойдаланиши учун ўзига қулай бўлиши мақсадида махсус картотека қилади. Мактаблар қошидаги логопедик пунктларда яна қуйидаги қўшимчалар бўлиши мумкин:

Фонематик малакани ривожлантириш учун махсус материаллар.

1. Гап тузиш учун расмлар ва турли сўзлар тўплами; хикоя тузиш учун таянч жумлалар тўплами; сўзлари тушиб қолган жумлалар.
2. Турли логик-грамматик қурилишга мос келадиган гаплар тўплами.
3. Айрим харфлари тушириб қолдирилган сўзлар тўплами; айрим сўзлари тушириб қолдирилган матн ва хикоялар; диктант матнлари.
4. Антоним, синоним, омоним сўзлар тўплами.
5. Катта-кичик харф ва сонлар тўплами.
6. Шеърлар, масаллар ва масаллар юзасидан тузилган саволлар, тез айтишлар, ҳажвий хикоялар.
7. Боши, ўртаси ёки охириги сўзлари тушириб қолдирилган матнлар.
8. Предмет ва ҳаракатни ифодаловчи расмлар, турли мураккабликдаги сюжетли расмлар.
9. Ўқиш китоби, диктантлар тўплами, алифбе, географик харита, пластинкалар тўплами.

Логопед ҳужжатлари.

Нутқи бузилган болалар боғчасининг логопеди қуйидаги ҳужжатларни юритади:

Нутқ картаси.

Болалар боғчасига келгач, логопед болаларни атрофлича текширади. Текшириш натижалари индивидуал нутқ картасига қайд этиб борилади. Нутқ картасига бола нутқининг ривожланиш даражалари, унинг хотираси, диққати, ақлий ривожланиш хусусиятлари ёзиб қўйилади. Лексик ҳатолар, аграмматизм, сўз ва бўғинларни ўзлаштириш қобилияти, нутқнинг талаффуз томонидаги камчиликлар ёзиб борилади. Ҳар бир графада бола нутқидан камида 3-4 та мисол бўлиши керак. Нутқ картасининг охирида логопеднинг ҳулосаси ёзилади. Логопедик машғулотнинг режаси. Ҳар бир фронтал машғулот учун логопед батафсил режа-конспект ёзади, унда машғулот мавзуси, мақсади ва унинг тахминий мазмуни ёзилади. Режа-конспектининг охирида қайси бола билан яқка тартибда ишлаш лозимлиги белгилаб қўйилади. Бунда қайси бола билан қандай иш (товушнинг қўйилиши, уни мустахкамлаш, автоматизация, дифференциация) олиб борилиши аниқ кўрсатилиши лозим; қилинган ишлар ҳисоби (материал ўзлаштирилдими, қимда қийинчиликлар бўлди ва хоказо) қисқача қайд қилинади.

Болаларнинг индивидуал дафтарлари.

Ҳар бир болага логопедик машғулотлар учун индивидуал дафтар тутилади. Дафтарнинг биринчи бетига бола нутқининг ривожланишидаги камчиликлар ёзиб қўйилади. қуйидаги асосий иш тартиби доимо қайд этиб борилади: артикуляцион аппаратни активлаштириш учун машқлар, товушлар постановкаси, тўғри товуш талаффузини мустахкамлаш, диққат ва хотирани ривожлантириш, фонетик малакани ривожлантириш, товушлар анализи ва синтез малакаларини ривожлантириш. Логопед бола луғат бойлигини кенгайтириш, нутқни грамматик жиҳатдан тўғри шакллантиришга оид материалларни ёзиб боради.

Кечки машғулотларда тарбиячи бу дафтардан фойдаланади. Утилганларни қайтариш ва бола нутқининг ривожланишида ўзгаришларни кўриш учун дафтар якшанба кунлари ота-оналарга бериб юборилади. Логопед топшириқларни ҳафтасига 2-3 марта ёзиб қўяди. Тарбиячининг кечки логопедик машғулотлари учун дафтар Логопед ҳар куни тарбиячига болалар билан логопедик иш олиб бориши учун топшириқлар ёзади. Бериладиган топшириқларга қуйидагилар киради: айрим артикуляцион машқларни бажариш, логопед томонидан махсус танланган сўзлар, гаплар, қисқа хикоялар, шеърларни бола нутқига киритилган товушларни мустахкамлаш мақсадида қўллаш, бола диққати, хотираси ва фонематик малакасини ривожлантиришга доир топшириқларни бажариш; ўқиш малакаларини шакллантириш машқларини бажариш; қирқма ҳарфлар билан ишлаш. Ҳамма топшириқ турлари болаларга таниш бўлиши, олиб бориш методикаси тарбиячига яхши тушунтирилган бўлиши керак. Тарбиячи олиб борган иш ҳақидаги қисқа маълумотни дафтарнинг ҳисобга олиш графасига белгилаб қўяди.

Логопеднинг ҳисоботи.

Логопед ўқув йилининг охирида қилган ишлари юзасидан ҳисобот ёзади. Ҳисоботда қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:

1. Гуруҳларнинг комплектлаштириш вақти (болани гуруҳга келган вақти).
2. Логопедик машғулотларга жалб қилинган болалар сони.
3. Нутқ гуруҳларидан чиқарилган болалар сони ва улар нутқига қисқача тавсиф.
4. Болаларнинг қандай муассасаларга бориши ҳақида йўлланма (умумтаълим мактаби, логопункт, касалхона, болалар боғчаси).
5. Гуруҳларга қайта қолдирилган болалар сони (сабаби кўрсатилади).
6. Йил давомида турли сабаблар билан нутқ гуруҳлардан чиқиб кетган болалар сони.

Ҳисоботда яна қандай логопедик тарғибот ишлари олиб борилганлиги, қандай нутқ нуқсонли болалар аниқланганлиги ҳам кўрсатилиши керак. Оғир нутқ камчилигига эга бўлган болалар мактабларида қуйидаги ҳужжатлар юритилади: Нутқ картаси мактабнинг ҳар бир ўқувчиси учун тўлдирилади. Нутқ картасига ўқув йили бошида ўтказилган текшириш натижалари, йил давомида ўқитувчи нутқий ривожланишидаги нуқсонларни бартараф этиш учун бола билан қандай ишлар олиб борилганлиги ҳақида қисқа маълумот ва логопедик машғулотларнинг натижалари белгилаб қўйилади.

Чоракка мўлжалланган индивидуал иш режаси (бошланғич синфларда). Чорак давомида олиб бориладиган индивидуал иш режасида ўқитувчи ишлаши лозим бўлган болалар таркибини аниқлайди ва улар нутқидаги камчиликларга қисқача тавсиф беради, қандай нутқ нуқсони устида ишлаш кераклигини аниқлайди.

Чоракда олиб бориладиган тахминий иш схемаси:

1. Ўқувчиларнинг фамилияси, машғулотга келган вақти.
2. Нутқ нуқсонларига қисқача тавсиф.
3. Тузатиш ишлари (тузатиш ишлари олиб борилаётган нуқсон кўрсатилади).
4. Тузатиш ишларининг муддати.

- 5.Машғулотнинг ташкилий шакллари.
- 6.Натижалар.
- 7.Изохлар.

Хар бир ўқувчи билан олиб бориладиган ишлар режаси.

Логопед нутқ ривожланишидаги камчиликларни тўғрилаш бўйича бола билан олиб бориладиган тузатиш ишларининг хар бир даврини ва муддатини белгилаб боради. Чорак иш режасида логопед хар куни шуғулланиши лозим бўлган ўқувчининг фамилиясини кўрсатиши керак. Хамма машғулотлар мазкур синф ўқув режаси асосида тузилган қатъий жадвал бўйича ўтказилади. Якка тартибдаги машғулотлар жадвали директорнинг ўқув ишлари бўйича ўринбосари томонидан тузилади ва умумий жадвалга киритилади. Якка тартибдаги машғулотлар одатда дарсдан сўнг ўтказилади. Якка тартибдаги машғулотларни ўтказувчи ўқитувчи хар кунги машғулот учун режа тузади. Машғулотда фойдаланиши лозим бўлган ўқув ва дидактик материалларни тайёрлайди. Синф журналининг маълум бир саҳифаси якка тартибдаги машғулотларни қайд қилиш учун ажратилади. Журналнинг биринчи саҳифасига синфдаги ўқувчилар рўйхати ва ўтказиладиган машғулотларнинг санаси, муддати белгилаб қўйилади. Журналнинг иккинчи саҳифасида «Дарсда нималар ўтилди» дейилган графага машғулот санаси ва унда ўтилган мавзулар қайд қилинади.

Соғлиқни сақлаш системасида хизмат қиладиган логопед қуйидаги хужжатларни юргизади: Биринчи қабул қилинган бемор учун карта ёки журнал, бунга беморнинг фамилияси, исми, отасининг исми, ёши, ким томонидан юборилганлиги, поликлиника ёки касалхонага мурожаат қилган вақти, диагнози, ўтказилган машғулотлар сони, ўқитиш методлари,. ўқитиш ишларининг натижалари чиқарилган вақти. Хар куни беморни қабул қилиш учун юргизилган журнал. Бемор билан ўтказиладиган хар бир машғулотнинг қисқача мазмунини ёзиш учун кундалик дафтар. Бемор уйига бориб келиш ҳақидаги маълумотларни белгиловчи журнал. Йиллик ҳисобот. Логопедлар ўз маърузалари билан илмий-назарий конференцияларда фаол иштирок этишлари лозим.

Назорат саволлари:

1. Логопеднинг ота-оналар билан олиб борадиган ишларининг асосий йўналишларини очиб беринг.
2. Оғир нутқ камчилигига эга бўлган болалар мактабидаги тузатувчи таълим вазифаларини ёритиб беринг.
3. Катта ёшдаги аҳолига логопедик ёрдам кўрсатиш ҳақида гапириб беринг.
4. Логопедик кабинетни жихозлашга қўйиладиган талабларни ёритиб беринг.
5. Турли типдаги муассасалар логопедининг хужжатларини айтинг.
6. Махсус муассасаларга борганда ишнинг ташкил этиш шароитларини аниқланг.
7. Логопедик кабинет ва логопеднинг хужжатлари билан батафсил танишинг.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. П.М. Пўлатова “Олигофренопедагогика” Тошкент 2005 йил.
2. В.С. Рахманова “Махсус педагогика” Тошкент 2004 йил.
3. Выготский.Л.С. «Проблема у отсталости» Москва 1956 йил.
4. Под ред. Дульнева. Г.М.»Коррекционная роль обучения в школе»М.1971 й.
5. М. Аюпова “Логопедия” Тошкент, 2007 йил.
6. М. А. Павалёва “Справочник логопеда” Ростов-на-Дону, 2007 год.
7. Алмазова.Е.С. Логопедическая работа по восстановлению голоса у детей.
8. Правдина.О.В. Логопедия 1969 йил

5.2. Мавзу: Махсус муассасаларга болаларни саралаш ишларининг мазмуни.

Режа:

1. Нутқ камчилигига эга бўлган болалар боғчаларига (гурухларга) саралаш
2. Қабул қилишга зид бўлган белгилар
3. Тиббий-педагогик комиссияга тақдим этиладиган хужжатлар
4. Умумтаълим мактаб қошидаги логопедик пунктларга болаларни саралаш
5. Болаларни қабул қилишга оид тавсиялар
6. Тиббий-педагогик комиссияга тақдим этиладиган хужжатлар.

Таянч иборалар: (Диагностика, дифференциал, Ташхиз маркази, ТПК)

Нутқ камчилигига эга бўлган болаларга мўлжалланган махсус муассасалар тармоғининг муваффақиятли ривожланиши логопедия фани соҳасида янги тадқиқотларнинг туғилишига имкон яратади.

Бунга қуйидагилар киради:

Нутқ камчиликларини диагностикаси ва дифференциал диагностикани такомиллаштириш, нутқ камчиликларини бошқа камчиликлардан фарқлаш, айрим ҳолларда ташқи ҳолатдан ўхшаш, аммо пайдо бўлиш табиатига кўра турлича ва турли тузатиш методларини талаб қиладиган камчиликларни бартараф этиш имконини яратиш; турли нутқ бузилишларига эга бўлган болалардаги камчиликларни аниқлашнинг энг оптимал ёш муддатларини аниқлаш ва ўз вақтида дифференциал ўқитишни ташкил этиш; оғзаки (мактабгача тарбия ёшда) ва ёзма нутқ (мактабда) бузилишлари ўртасидаги ўзаро боғлиқликни ўрганиш; мактабгача тарбия муассасаларида нутқ камчиликларининг олдини олиш ишларини назарий жихатдан асослаш; нутқ камчилигига эга бўлган мактабгача ёшдаги болаларнинг ривожланишидаги ўзига хос хусусиятларни ўрганиш; турли нутқ камчилигига эга бўлган мактабгача тарбия ёшидаги болаларни ўқитиш мазмуни ва методларини ишлаб чиқиш; тегишли хужжатлар ва ташкилий масалаларни ишлаб чиқиш.

Нутқ камчилигига эга бўлган болаларга мўлжалланган махсус муассасаларда болани ҳар томонлама ривожлантиришни кўзда тутган ҳолда, ўқитиш ва тарбиялаш ишлари махсус дастур асосида изчиллик билан амалга

оширилади. Оғир нутқ камчилигига эга бўлган болалар оммавий боғча ёки умумтаълим мактабларига борсалар, улардаги нутқ камчиликлари дастур материалларини тўлиқ ўзлаштиришларига тўсқинлик қилади, умумий ривожланишларига салбий таъсир кўрсатади, баъзи ҳолларда эса характернинг салбий хусусиятлари пайдо бўлишига сабабчи бўлади, келгусида социал ва меҳнат кўникмаларида қийинчиликлар келтириб чиқаради. Болалардаги нутқ камчиликларини ўз вақтида аниқлаш ва уларни тиббий-педагогик кўрикка юбориш болалар поликлиникаси логопеди, педиатр, психиатр ва невропатолог, болалар боғчаси ва оммавий мактаб логопедларининг асосий вазифаларидир.

Нутқ камчилигига эга бўлган болалар боғчаларига (гуруҳларга) саралаш.

Эшитишида, нутқида, кўришда, аклий фаолияти ва таянч-харакат аппаратида камчилиги бўлган болалар учун ихтисослаштирилган мактабгача тарбия муассасаларининг ривожланиши, мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг етакчи нуқсонларини ҳисобга олган ҳолда, уларни дифференциал ўқитиш ва тарбиялаш учун етарли шароит яратиш имконини беради. Махсус гуруҳларда камчиликларни бартараф этиш бўйича олиб бориладиган ўқитиш вазифаларини муваффақиятли ҳал этиш, кўп жихатдан нутқ камчиликларини тўғри ва ўз вақтида аниқлашга, унинг оғир, енгил даражаларига, тузатиш машғулотларининг бошланишига боғлиқдир. Нутқ камчилигига эга бўлган мактабгача тарбия ёшидаги болаларни ўз вақтида аниқлаш, уларни гуруҳларга тўғри комплекташтириш ва махсус ўқитиш, болаларни ўқитиш ва тарбиялашда ижобий натижаларга эришишга имкон беради ҳамда болаларнинг келажақда ривожланиши ва мактабда муваффақиятли ўқиши учун етарли шароит яратади.

Махсус мактабгача тарбия муассасаларида турли нутқ камчилигига эга бўлган мактабгача тарбия ёшидаги болаларни дифференциал ўқитиш ва тарбиялаш амалга оширилади. Турли нутқ камчилигига эга бўлган болаларни тарбиялаш ва ўқитишга дифференциал ёндошишни амалга ошириш учун, мактабгача тарбия муассасаларида қуйидаги гуруҳлар ташкил қилинади: нутқи умумий ривожланмаган болалар гуруҳи (3-6 ёш); фонетик-фонематик нутқ камчилигига эга бўлган болалар гуруҳи (5-6 ёш); айрим товушлар талаффузида камчилиги бўлган болалар гуруҳи (5-6 ёш); дудуқланувчи болалар гуруҳи (2-6 ёш). Махсус ясли-боғчалар, болалар боғчалари, оммавий типдаги болалар боғчаси қошидаги алоҳида гуруҳларига нутқ камчилигига эга бўлган болаларни саралаш ва гуруҳларни комплекташтириш тиббий-педагогик кўрик кенгашида ҳал қилинади ва қуйидаги принципларга риоя қилган ҳолда амалга оширилади.

Нутқ камчиликларини бошқа камчиликлардан ажратиш принципи. Мактабгача тарбия муассасаларига эшитиши нормада, интеллект бирламчи сақланган, фақат нутқий камчиликка эга бўлган болалар қабул қилинади. Шунинг учун асосий диққат нутқ камчиликларини тўғри диагностикасига ва нутқий камчиликларни бошқа камчиликлардан (аклий заиф болаларда, рухий ривожланиш вақтинча ривожланмаган, эшитишида камчилиги бўлган болалардаги нутқий камчиликлар) ажратишга қаратилади. Тўғри диагностика қилишда бирламчи ва иккиламчи нуқсон ҳақидаги тушунча катта аҳамиятга эга. Масалан, эшитишида камчилиги бўлган болаларда эшитиш функциясининг бузилиши натижасида турли кўринишдаги нутқ камчиликлари

пайдо бўлиши мумкин. Бундай ҳолатларда эшитишдаги камчилик бирламчи нуқсон, нутқ камчилиги эса иккиламчи нуқсон деб қаралади.

Бу болалар эшитишида камчилиги бўлган мактабгача тарбия муассасаларига қабул қилинади. Нутқий камчиликка эга бўлган ақлий заиф болалар ҳам ақлий заиф болалар учун ташкил этилган махсус мактабгача тарбия муассасаларига қабул қилинадилар, чунки улардаги нутқий камчилик иккиламчи, интеллектдаги бузилишлар бирламчи нуқсондир. Ёш принципи.

Боғча, ясли-боғча ва оммавий боғчалардаги алоҳида гуруҳларга нутқда камчилик бўлган 2-7 ёшгача бўлган болалар қабул қилинади, ҳар бир гуруҳга бир хил ёшли болалар олинади. Оғирлик даражаси ҳар хил кўринишдаги нутқий камчиликка эга бўлган болаларни дифференциал ўқитиш принципи. Тиббий-педагогик комиссия таркиби Нутқ камчилигига эга бўлган болаларни саралаш ва уларни комплекташтириш бўйича тиббий-педагогик комиссия вилоят (шаҳар, район) халқ таълими бўлимларида ташкил этилади.

Унинг таркибига қуйидагилар киради:

- халқ маорифи бўлимининг мудир - комиссия раиси;
- комиссия аъзолари: болалар психоневрологи, ихтисослаштирилган мактабгача тарбия муассасасининг раҳбари (болалар уйининг директори, болалар боғчаси ва ясли-боғчанинг мудир), катта логопед (вилоят, шаҳар, районнинг), мактабгача тарбия муассасаларининг логопедлари;
- кўрик котиби.

Тиббий-педагогик комиссия таркибини халқ маорифи бўлими соғлиқни сақлаш бўлимлари билан келишган ҳолда тасдиқлайди. Тиббий-педагогик комиссия иш кунларида унинг аъзолари асосий иш жойларидаги вазифаларидан озод қилинадилар. Тиббий-педагогик комиссия маълум бир график асосида ишлайди, иш фаолиятини февраль ойидан бошлайди. Унинг биринчи кенгашида комиссия таркиби ва комиссия аъзоларининг вазифалари тасдиқланади.

Йиллик режа муҳокама қилинади ва тасдиқланади, унда қуйидагилар аниқлаб олинади: болаларни мактабгача тарбия муассасаларига саралаш; уларни мактабгача тарбия муассасаларидан чиқариш (муддат тугагач) юзасидан мажлислар ойда (ҳафтада) неча марта ўтказилади; нутқ камчиликлари диагнози аниқлангач, болаларни мактабгача тарбия муассасаларидан чиқариш; муайян бир кунда бола қайси нутқкамчиликлари бўйича текшириляпти (ёшини ҳисобга олган ҳолда) ва бошқа ташкилий масалалар. Тиббий-педагогик комиссия аъзолари олдида қуйидаги вазифалар туради; болани нутқ камчилигига эга бўлган болалар мактабгача тарбия муассасаларига қабул қилиш лозим ёки лозим эмаслигини аниқлаш; болани қайси гуруҳга қабул қилиш; болани қандай ўқитиш муддатига қабул қилиш.

Нутқ камчилигига эга бўлган болалар гуруҳларига мактабгача тарбия ёшидаги болаларни қабул қилиш йўлланмаси Саралашнинг барча принципларига амал қилиш нутқ камчилигига эга бўлган болаларни гуруҳларга тўғри комплекташтиришга имкон беради. Нутқи умумий ривожланмаган болалар гуруҳларига нутқи турли хил даражада ривожланмаган, нутқ камчиликларини турли шакллари (алалия, дизартрия, ринология) эга бўлган болалар қабул қилинади. I даражали нутқи умумий ривожланмаган болалар мактабгача тарбия муассасаларига 3 ёшдан 3-4 йил

ўқитишга, II. даражали нутқи умумий ривожланмаган болалар 4 ёшдан 3 йиллик ўқитишга, III даражали нутқи умумий ривожланмаган болалар 4-5 ёшдан 2 йиллик ўқитишга қабул қилинадилар.

Фонетик-фонематик нутқ камчиликларига эга бўлган болалар махсус мактабгача тарбия муассасаларига 5 ёшдан бир йиллик ўқитишга қабул қилинадилар. Бир хил нутқ камчиликларига (ринолалия, дизартрия) эга булган болалар сони етарли бўлса, улар махсус гуруҳларни ташкил этадилар.

Ринолалик ва дизартрик болалар 2 йиллик ўқитишга 4 ёшдан қабул қилинадилар. Айрим товушлар талаффузидаги камчиликларга эга бўлган болалар гуруҳларига фонетик камчилиги бўлган болалар қабул қилинади. Бунда нутқдаги камчиликнинг асосий белгиси товушларни турли кўринишда нотўғри талаффуз қилишдир.

Бунда мактабгача тарбия муассасаларининг махсус гуруҳларига қабул қилинадиган болалар талаффузида нотўғри талаффуз қилинадиган товушлар икки гуруҳдан кам бўлмаслиги лозим, масалан, сирғалувчи ва сонар ёки сонар ва шовқинли товушлар. Нотўғри талаффуз қилинадиган товушларнинг умумий сони 5-6 товушдан кам бўлмаслиги лозим. Бундай болалар махсус гуруҳларга 5 ёшдан қабул қилинадилар, уларда ўқитиш муддати ярим йилдир.

Дудукланувчи болалар гуруҳларига, нутқнинг алоқа гуруҳларига 15 та бола қабул қилинади. Нутқи умумий ривожланмаган болалар гуруҳи, болаларни умумтаълим мактаблари ёки нутқ мактабларида билим олиш учун тайёрлайди. Фонетик-фонематик ва алохида товушлар талаффузи камчилигига эга бўлган болалар гуруҳи болаларни умумтаълим мактабларида билим олиш учун тайёрлайди. Дудукланувчи болалар гуруҳи эса болаларни умумтаълим ёки нутқ мактабларида билим олиш учун тайёрлайди.

Қабул қилишга зид бўлган белгилар

Махсус боғчаларга (гуруҳларга) қуйидагй болалар қабул қилинмайди:

- а) эшитишида камчилиги бўлган болалар;
- б) ақлий заифлик натижасида келиб чиққан нутқий камчиликка эга бўлган болалар;
- в) ўз-ўзига хизмат қила олмайдиган ва алохида қарашни талаб қиладиган (ногирон) болалар;
- г) умумий типдаги болалар боғчаси ва ясли-боғчаларда қабул қилиш учун зид бўлган касалликлар билан касалланган болалар;
- д) тутқаноғи бор болалар.

Тиббий-педагогик комиссияга тақдим этиладиган хужжатлар.

Тиббий-педагогик комиссияга қуйидаги хужжатлар тақдим этилади: отоларинголог хулосаси, психиатр хулосаси, логопед ва тарбиячилар характеристикаси. Отоларинголог ўз хулосасида боланинг физик эшитиши ва бурун, томоқ, халқум аъзоларининг нормадалигини кўрса-тиши лозим. Психиатр хулосасида эса боланинг интеллектуал ривожланиш ҳолати ҳақидаги маълумотлар бўлиши керак. Логопедик характеристикада айни текшириш вақтидаги бола нутқининг ривожланиши ҳақидаги маълумотлар бўлиши лозим. Бунда асосий диққат боғланган нутқнинг ривожланиш даражасига, тилнинг лексик-грамматик томонининг шаклланганлик даражаси, шунингдек фонетик-фонематик ривожланишга қаратилган бўлиши керак. Нутқдаги ҳар қандай камчиликлар логопед характеристикасида мисоллар келтириш билан тасдиқланиши лозим. Логопед характеристикасида бола илгари ҳам логопедик машғулотларда бўлган-бўлмаганлиги,

машғулотларнинг самарадорлиги қандай бўлганлиги кўрсатилиши керак. Характеристика охирида логопедик хулоса ва болани маълум бир нутқ камчиликлари гуруҳига қабул қилиш ҳақидаги тавсиялар кўрсатилган бўлиши лозим.

Агар бола болалар боғчасига борган бўлсагина тарбиячи характеристикаси талаб этилади. Характеристикада боланинг қайси вақтдан бери болалар боғчасига қатнаётганлиги, қаердан келгани (оиладан, бошқа мактабгача тарбия муассасаларидан), янги шароитни қандай ўзлаштиргани, болалар ва катталар билан қандай алоқага киришгани, боланинг хулқи ва дастур материалларини ўзлаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари, диққатининг барқарорлиги, ўйинларда иштирок эта олиш-олмаслиги, ижодий ўйинларни ташкил эта олиши, ўртоқлари орасида ўзини қандай тутиши, ўз дефектига қандай қараши (сезадими, биладими, уяладими, таъсирланадими); ўз-ўзига хизмат кўрсатиш малакалари бор-йўқлиги кўрсатилиши лозим

Умумтаълим мактаблари қошидаги логопедик пунктларга болаларни саралаш.

Нутқ камчилигига эга бўлган болалар ҳақида маълумотларни логопед куйидагилар натижасида олиши мумкин:

- боланинг нутқий ҳолати ҳақида поликлиника логопеди хулосаси қайд этилган тиббий ҳужжатни кўриш;
 - ушбу райондаги болалар боғчасининг тайёрлов группасини текшириш;
 - умумтаълим мактабларига болаларни қабул қилиш комиссияси ишида иштирок этиш;
 - умумтаълим мактабларининг бошланғич синф ўқувчиларини текшириш.
- Хар бир мактаб директори билан келишган ҳолда болалар нутқини текшириш жадвали (1 сентябрдан 15 сентябргача ва 15 майдан 30 майгача) тузилади. Биринчи синф ўқувчиларининг» оғзаки нутқини фронтал текшириш расмлар ва суҳбат асосида ўтказилади; 2-4-синф ўқувчиларининг оғзаки ва ёзма нутқлари текширилади.

Юқори синф ўқувчилари логопедик пунктга ўқитувчиларнинг йўлланмаси ёки ота-оналарнинг илтимосига кўра қабул қилинадилар. Нутқ камчилигига эга бўлган болалар аниқлангач, махсус. рўйхатга белгиланадилар. Махсус рўйхат улар ҳақидаги умумий маълумотлардан {фамилияси, исми, синфи, мактаби, уй адреси ва текширилган вақти) ташқари она тилини ўзлаштириши, нутқ ривожланишидаги камчиликлар, шунингдек қисқа тегишли тавсиялар кўрсатилади. Машғулотлар 15 сентябрдан бошланади. Бир вақтнинг ўзида 30-40 бола логопунктга қабул қилинадилар. Нутқ камчиликлари аниқланган бошқа болалар навбатга қўйилади. Улар йил давомида логопедия машғулотларидан чиқарилган болалар ўрнига қабул қилинадилар. Логопедик пунктларга биринчи навбатда нутқ камчилигига эга бўлган бошланғич синф ўқувчилари қабул қилинади.

Логопедик пунктларни комплекшлашга оид тавсиялар.

Логопедик пунктларда ўқув-тузатиш ишларининг асосий шакли гуруҳли машғулотлардир. Гуруҳларни тўғри комплекшлаштириш болалар билан олиб бориладиган ишларнинг самарадорлигини ташкил этиш учун муҳим аҳамиятга эга. Ўқувчилар гуруҳи куйидагича комплекшлаштирилади: нутқ камчиликлари сабабли ўқиш ва ёзув камчилигига эга болалар гуруҳи; нутқи умумий ривожланмаган болалар гуруҳи; дудукланувчи болалар гуруҳи; товуш талаффузи камчилигига эга бўлган

болалар гурухи. Нутқидаги камчиликлар умумтаълим мактаб дастурини ўзлаштириш учун тўсқинлик қиладиган болаларга машғулотлар-га қабул қилишда афзаллик берилади.

Оғир нутқ камчилигига эга бўлган болалар махсус мактабини комплектлаштириш.

Махсус мактабга болаларни қабул қилиш тиббий-педагогик комиссия томонидан амалга оширилади. комиссия таркиби ва ишни ташкил этиш «Республика ва вилоят тиббий-педагогик комиссия хақида» ги низомда белгиланган.

Тиббий-педагогик комиссия вазифалари қуйидагилардан иборат: махсус мактаб-интернатларга ақлий ва жисмоний ривожланишида камчилиги бўлган болаларни тафовутли равишда саралашни амалга ошириш; умумий типдаги мактабларда ўқиши лозим бўлмаган болаларни тегишли махсус мактабларга тавсия этиш; махсус мактабдан чиқариш ёки тегишли муассасаларга ўтказиш масалаларини хал этиш; ривожланишида енгил камчиликлар бўлган болаларни ўқитиш ва тарбиялаш, даволаш масалалари бўйича ота-оналарга, педагогларга консультация бериш. Тиббий-педагогик комиссия ўз ишини ўқув йилининг охиридан (апрель - июнь) бошлайди.

Комиссия аъзолари ҳар бир боланинг ҳужжатлари билан танишганларидан сўнг, болаларни қабул қилиш графиги жорий қилинади ва яқка тартибда психологик-педагогик текшириш ўтказилади. ТПК аъзолари баённома (протокол) тузадилар (2 нусхада), охириги логопедик ҳулоса ва болани қабул қилишга тавсия қайд этилади. Биринчи бўлимга нутқи умумий ривожланмаган болалар ва алалия, афазия, дизартрия, ринолалия, алексия, агрофия диагнозли болалар қабул қилинади. Иккинчи бўлимга умумтаълим мактабларида билим олишларига ва нутқий алоқага тўеқинлик қила оладиган оғир формадаги дудуқланувчи болалар киради.

Болаларни қабул қилишга оид тавсиялар.

Оғир нутқ камчилигига эга бўлган болалар мактабининг ўқувчилар таркиби ўзгариб туради. Мактабга болалар фақат бошланғич синфларга эмас, балки, агар болалар аввал умумий таълим мактабида ёки бошқа типдаги мактабларда таълим олган бўлса, юқори синфларга ҳам қабул қилиниши мумкин. I бўлим синфларига ўқувчилар нутқий ҳолатларига қараб қабул қилинади. Синфлар болалардаги нутқнинг умумий ривожланмаганлик даражалари ва уларнинг умумтаълим тайёргарлигини ҳисобга олган ҳолда комплектлаштирилади. I бўлимда «Оғир нутқ камчилигига эга бўлган болалар махсус мактаби хақидаги низом» га мувофиқ тайёрлов синфлари ҳам ташкил этилади.

Тайёрлов синфларига мактабгача тарбия муассасаларида бўлмаган, биринчи даражали нутқи умумий ривожланмаган 6-7 ёшли болалар қабул қилинади. I-синфга тайёрлов синфларидан ва бошқа муассасалардан (умумтаълим мактаблари, нутқ камчилиги бўлган болаларга мўлжалланган боғчалар) келган II, III даражали нутқи умумий ривожланмаган ҳамда ўқув предметлари бўйича билим ва малакаларга эга бўлган болалар қабул қилинади. I бўлимнинг бошқа синфларига умумтаълим мактабларидан келган ва турли даражадаги нутқи умумий ривожланмаган болалар қабул қилинади.

Айрим ҳолларда, болаларга логопедик ёрдам бериш имкониятлари бўлмаганда, товушлар талаффузида оғир бузилишлар бўлган болалар нутқ мактабининг I-синфига қабул қилинадилар. Болалар нутқидаги камчиликлар

бартараф этилгач, улар ўқишларини оммавий мактабда давом эттирадилар. Шунинг учун I бўлимнинг IV-VI синфлари у ёки бу сабаб билан нутқ мактабига кира олмаган болалар билан тўлдириб борилади.

Нутқ мактабининг у ёки бу синфларига қабул қилишда биринчи навбатда қуйидагилар, яъни: математика ва умумтаълим мактабининг бошқа фанлари бўйича боладаги билим ва малакалар қайси синф талабига жавоб бериши; оғзаки ва ёзма нутқ камчиликларини бартараф этишда қандай тузатиш ишларига мухтожлиги; бу ишлар айнан шу синфда амалга оширилиши мумкинлиги ҳисобга олинади.

Бошланғич синфларга турли нутқ бузилишларига (алалия, дизартрия, ринолалия, дудукланиш ва бошқалар) эга бўлган болалар қабул қилинади. Синфларда ўқувчилар сони етарли бўлгач, ўқитишнинг биринчи бошланғич даврида нутқ бузилишларининг характери ва табиатига кўра болаларни дифференциал ўқитиш, параллел синфларни ташкил этиш йўли билан амалга оширишни назарда тутиш лозимдир.

Агар ўқув ишлари жараёнида у ёки бу бола нутқидаги камчиликлар бартараф этилган бўлса, бола ўз ўқишини оммавий мактабда давом эттириши мумкин. Бунда район ёки шаҳар халқ таълими бўлимлари нутқ мактаби директоридан зарур бўлган материалларни олгач, болани оммавий мактабнинг тегишли синфига юбориши лозим. Оммавий мактабнинг директори ва педагоглар кенгаши махсус нутқ мактабидан ўтказилган боланинг муваффақиятли ўқиши учун керакли шароитларни яратмоқлари лозим.

Агарда ўқиш жараёнида бола ўзининг ривожланиш имкониятлари билан нутқ мактабига мувофиқ келмаслиги аниқланса, унда бундай болалар қайтадан тиббий-педагогик комиссиядан ўтадилар ҳамда ўқитувчи ва логопед хулосалари билан улар ёрдамчи мактабга ёки заиф эшитувчи болалар мактабига юборилади.

Қабул қилишга зид кўрсатмалар.

Нутқ камчилигига эга бўлган болалар махсус мактабига қуйдаги болалар қабул қилинмайди:

Эшитишида камчилиги бўлган болалар; махсус психофизик тарбияга мухтож болалар; тутқаноғи бор бўлган болалар; ўз-ўзига хизмат қила олмайдиган ногиронлар; нутқ камчиликларини мактаб логопедик пунктларида бартараф этиш мумкин бўлган болалар.

Тиббий-педагогик комиссияга қуйидаги ҳужжатлар тақдим қилинади:

Логопедик характеристика. Унда боланинг нутқий ривожланиш ҳолатларини тўлиқ баён этиш лозим. Педагогик характеристика. Унда ўқитиш ва тарбиялаш жараёнида кўрилган қийинчиликлар, болага қандай индивидуал ёрдам кўрсатилгани; бола бунга нисбатан қандай жавоб бергани, ўз нуқсонига нисбатан қандай муносабатда бўлиши, жамоа билан қандай муносабатда бўлиши ва хоказолар батафсил ёритилиши керак.

Характеристикага қўшимча равишда боланинг шахсий делоси нусхаси ва ёзма иши, шунингдек ўзлаштириш табели ҳамда мактаб тиббий картаси илова қилинади. Болалар поликлиникасининг бош врачлари томонидан тасдиқланган боланинг касаллик тарихидан тўлиқ кўчирма, унда педиатр, психоневролог, отоларинголог, офтальмолог, ортопед хулосалари ҳам бўлади. Туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома (кўрсатилади).

Назорат саволлари:

1. Болаларни махсус мактабгача тарбия ва мактаб муассасаларига саралашда

- ТПК асосий вазифаларини таърифлаб беринг.
2. ТПК таркибини ва комиссия ишининг ташкил этилишини тавсифланг.
 3. Болаларни махсус мактабгача тарбия ва мактаб муассасаларига, логопедик пунктларга қабул қилишга зид бўлган белгиларни айтинг.
 4. ТПК га тақдим қилинадиган зарур ҳужжатларни айтинг.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Филичева. Т.Б, Чирикина.Г.В, Л Муминова. «Логопедия» Тошкент 1993
2. Шомахмудова. Р.Ш, Муминова. Л.Р. « Боғча ва кичик мактаб ёшидаги болалар талаффуз ўзидаги нуқсонларни т тузатиш.» Тошкент. 1981 йил.
3. Фомичева Т.Б, Чиркина. Г.В. «Логопедическая работа в специальном детском саду» 1987 йил.

VI – БОБ. ПСИХИК ВА ЖИСМОНИЙ РИВОЖЛАНИШДА НУҚСОНГА ЭГА БЎЛГАН БОЛАЛАР ДИАГНОСТИКАСИ.

6.1. Мавзу: Психик ва жисмоний ривожланишда нуқсонга эга бўлган болалар диагностикаси курсининг мақсади ва вазифалари.

Режа:

1. Психик ва жисмоний ривожланишда нуқсонга эга бўлган болалар диагностикаси курсининг вазифалари.
2. Психик ва жисмоний ривожланишда нуқсонга эга бўлган болалар диагностикаси курсининг аҳамияти ва мазмуни.
3. Психик ва жисмоний ривожланишда нуқсонга эга бўлган болаларо диагностикаси курсининг бошқа фанлар билан алоқаси.
4. Ақли заифлик тушунчаси ва этиологияси, унинг даражалари.

Таянч иборалар: (Эндоген, экзоген, генетик, этиология, олигофрения)

Психик ва жисмоний ривожланишда нуқсонга эга бўлган болалар диагностикаси курси махсус фан бўлиб, болаларнинг ривожланишдаги нуқсонларни эрта аниқлаш, бошқа унга ўхшаш ҳолатлардан фарқлашга, диагнозини аниқлашга, тегишли махсус муассасаларга юборишга ва у ерда ўзларига мос тааллуқли коррекцияларга йўналтирилган ўқув-тарбиявий ишларни амалга оширишга имкон беради.

Ривожланишда нуқсони бўлган болаларни иложи борича эрта аниқлаш ва тегишли махсус муассасаларга юборишнинг зарурлиги шундаки, умумтаълим мактабларида ривожланишда турли нуқсонлари бўлган болаларнинг кўпчилиги ўқийдилар ва ушбу мактаб дастурини ўзлаштиришга қийналадилар, ўзлаштириб олмайдилар.

Тегисли органлар ва дефектологларнинг вазифалари шундан иборатки, болалар ўзларининг ақлий, билим имкониятларига ва ҳиссий-идоравий доираларининг хусусиятларига мос шароитда таълим олишлари, тарбияланишларига имконият яратиб беришлари лозим. «Психик ва

жисмоний ривожланишда нуқсонга эга бўлган болалар диагностикаси» курсининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

1. Ақли заиф болалар учун махсус муассасаларни комплектлаш тизимининг назарий асосларини ёритиб бериш.

2. Ривожланишда нуқсони бўлган мактабгача ва мактаб ёшидаги болаларни психолог-педагогик диагностика методларини амалда қўллаш бўйича билим ва кўникмалар билан қуроллантириш.

3. Ақли заиф болаларни махсус муассасаларга саралаш ишларни олиб бориш бўйича амалий малакаларни шакллантириш.

Курснинг мазмунига болаларнинг ривожланишдаги нуқсонларни диагностика қилиш, болаларни махсус муассасаларга саралаш принциплари, клиник-психологик-педагогик диагностика (ёки текшириш) методлари, тиббий педагогик комиссия ишини ташкил қилиш масалалари ва маслаҳатлар бериш ва шу каби комиссияларда турли методикалардан фойдаланиш киради. Бундан ташқари, ақлий заифликни ўхшаш ҳолатлардан, айниқса ПРС дан, ҳамда нуқсонли ривожланиши таълим-тарбия жараёнида коррекциялашнинг баъзи усуллари кўриб чиқилади. Мазкур курс бошқа ўхшаш фанлардан: олигофрения клиникаси билан боғлиқдир. Бу боладаги нуқсон тузилишни, ривожланишдан орқада қолиш сабабларини аниқлашга, тўғри диагноз қўйишига имкон беради.

«Психик ва жисмоний ривожланишда нуқсонга эга бўлган болалар диагностикаси» курси олигофренопедагогика фани билан ҳам боғлиқдир. Олигофренопедагогика нуқсон тизимини эътиборга олиш асосида болаларга таълим-тарбия бериш жараёнида уларнинг типологик, индивидуал хусусиятларини кўриб чиқиб коррекциялашнинг самарали усулларини танлашга ёрдам беради. Логопедия фани боланинг нутқидаги нуқсонларини аниқлаш, логопедик текширишни амалга ошириш имконини беради.

«Психик ва жисмоний ривожланишда нуқсонга эга бўлган болалар диагностикаси» курси ақли заифликни аниқлаш, уни бошқа ўхшаш ҳолатлардан фарқлаш имконини беради, бу эса назарий жиҳатдангина эмас, балки муҳим амалий аҳамиятга ҳам эга. Шунинг учун ақли заифликни тўғри тушуниш назарий ва амалий аҳамиятга эга.

Назарий аҳамияти шундаки боланинг ривожланишидаги нуқсонларнинг жиддий клиник-психологик белгиларни ажратишга ва унинг моҳияти ва сабабларини янада чуқурроқ тушунишга имкон беради. Ақли заиф деганда бош миянинг органик жиҳатдан жароҳатланиши натижасида психик, биринчи навбатда интеллектуал ривожланишнинг турғун пасайиши тушунилади. Ақли заиф болалар умумтаълим мактабларида ўқишга қодир бўлмайдилар. Оғир даражадаги ақли заиф болалар мактабда билим ва кўникмаларни ўзлаштириб ололмайдилар.

Ақли заифликнинг клиничко-психологик кўринишида етакчи нуқсон билиш фаолиятининг ривожланмай қолганлигидир. Билиш фаолиятининг пасайганлиги фикрлаш операцияларнинг, психик жараёнларнинг суръати, ҳаракатчанлигининг бузилиши, диққат, хотира ва бир қатор пўстлок

функцияларнинг ривожланмай қолганлигида намоён бўлади. Ақли заифликнинг этиологияси турличадир.

Ақли заифлик ҳомиланинг она қорнида туғилишда ёки илк ривожланиш даврида марказий нерв тизиминингсининг генетик бузилишлари, травмалар, асфиксия, инфекциялар, интоксикациялар оқибатида келиб чиқади. Ақли заифликнинг асосий шакллари клиник тавсифи жароҳатнинг патогенези, салбий таъсирнинг вақти билан чамбарчас боғлиқдир.

Онтогенезнинг илк босқичларида марказий нерв тизимининг системасининг жароҳатланишида (1,5-2 ёшгача) биринчи навбатда пўстлоқ тизимининг шаклланишига зарар етади. Жароҳатланишнинг морфологик кўринишда ва психик нуқсоннинг клиник намоён бўлишида ривожланмай қолиш устун бўлади. Бундай ҳолларда олигофренияларнинг турли вариантлари ҳақида гапириш мумкин.

Каттароқ ёшда, яъни бош миянинг пўстлоқ тизимининг нисбатан етилганроқ даврида юз берган салбий таъсир натижасидаги нерв тизимининг морфологик ва клиник кўринишда деменциянинг турли кўринишлари устунлик қилади. «Олигофрения» терминининг клиник кўриниши куйидагилар билан ҳарактерланадиган ҳолатларни назарда тутади:

1. Психик ривожланмай қолганликнинг турғун ҳарактердалиги;
2. Интеллектуал нуқсон тузилишда мавҳум тафаккурнинг заифлигини устунлиги;
3. Прогредиентликнинг йўқлиги.

Олигофрениянинг сабаблари турличадир.

Этиологик белгилар бўйича олигофрения иккита асосий гуруҳга ажратилади:

1. **Эндоген** (генетик) таъсирлар оқибатида келиб чиққан, ирсий патология билан боғланган ёки оилада мавжуд бўлган ёки ушбу индивидда биринчи марта пайдо бўлган олигофрения;

2. **Экзоген** таъсирлар натижасида (ҳомилалик ёки постнатал онтогенезнинг дастлабки босқичларидаги инфекциялар, интоксикациялар, бош мия травмалари) келиб чиққан олигофрения. Текшириш методларининг такомиллашиб бориши муносабати билан нерв системасининг генетик жароҳатланиши сабабларига катта аҳамият бериб келинмоқда ва ақли заифликнинг келиб чиқишидаги кўп ҳоллар анна шу сабабларга боғлиқ деб кўрсатилмоқда. Ақли заифликнинг генетик шаклига хромосомаларнинг турли бузилишлари билан боғлиқ олигофрения киради.

Бунда хужайрадаги хромосомаларнинг сонини ўзгариш, мозаик шаклда бўлиши (баъзи хужайраларда хромосомалар сонини ўзгариш, хромосомаларнинг тузилишини бузилиши-хромосомаларнинг бир қисмининг йўқолиши делеция), бир хромосоманинг қисмини бошқасига қўшилиши (транслокация), хромосома шаклининг ўзгаришлари кузатилади. Хромосомалар бузилишининг сабаблари турлича бўлиб, улар тўлиқ

аниқланмаган. Буларга хусусан ота-оналарнинг генератив хужайраларининг тўла ривожланмаганлиги (хромосомалар қаторининг нотўғри бўлиши, ёш ўтган сари уларнинг «қариши», кимёвий моддалар билан зарарланиши, сурункали касалликлар, радиация) киради.

Ота-оналар жинсий хужайраларининг ривожланмай қолишда хужайраларнинг бўлиниши жараёнида хромосомаларнинг ажралиши бузилади ва турли вариантдаги хромосомаларнинг бузилиши келиб чиқади.

Генетик сабабларга кўра олигофрениянинг иккинчи гуруҳи энзимолатия-турли ферментларнинг туғма ривожланмай қолганлиги туфайли моддалар алмашинувининг бузилиши натижасида келиб чиқади. Ҳозирги вақтда генетик сабабларга кўра моддалар алмашинувининг бузилиши натижасида келиб чиқадиган акли заифлик (фенилкетонурия, галактоземия, гистидинамия, гистинурия, тирозимения, фруктозурия ва бошқалар) кўп кузатилмоқда. Энг кўп фенилкетонурия учрапти.

Бу касалликларда маълум бир ферментнинг туғма йўқ бўлиши организмда захарли моддаларни йиғилишига олиб келади (фенилаланин, гистидин, аргинин, лейцин) ва болаларнинг мияси зарарланади. Бундай бузилишлар билан олигофрениянинг бир қатор оғир шакллари келиб чиқиши боғлиқдир. Уларнинг патогенезини ёритиш даволашнинг самарали йўллари топишга ёрдам беради.

Олигофрениянинг келиб чиқишида полиген турдаги ирсиятга ҳам алоҳида аҳамият берилади. Бунда авлодда ота-оналардан ўтган патологик ирсий омилларнинг тўпланиши юз беради.

Олигофрениянинг экзоген шаклига шундай ҳолатлар киритиладики, бунда нерв тизимининг системасининг ривожланмай қолишга ҳомилалик даврида боланинг миясига ташқи таъсирлар сабаб бўлади. Буларга эмбрионлик, ҳомилалик даврида турли сурункали (токсоплазмоз, сифилис ва бошқалар) ва ўткир (онанинг ҳомиладорлик вақтида қизилча, грипп, эпидемик паротит, инфекцияли гепатит, тошма чечак ва бошқалар) юқумли касалликларнинг таъсири натижасида келиб чиқадиган олигофрениянинг шакллари киритилади.

Она организмнинг алкоголь, кимёвий моддалар, шунингдек баъзи дори дармонлар (антибиотиклар, сульфаниламидлар, барбитуратлар, хинин, гормонлар ва ҳокозо) билан захарланиши ҳам олигофрениянинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Радиактив ва рентгендан нурланиш ҳам ҳомилага ва ота-оналарнинг хужайраларига патоген тарзда таъсир кўрсатади. Ондаги турли эндокрин касалликлар ҳам (диабет, қалқон, безларининг, гипофизнинг жароҳатлари) патоген роль ўйнайди.

Ҳомиладорликдаги токсикозлар, витаминлар мувозанатининг бузилиши ҳам салбий таъсир кўрсатади. Ондаги юрак-томир тизимидаги системасидаги, ўпкадаги, жигар ва буйраклардаги сурункали етишмовчиликлар ҳомиланинг патологиясига олиб келади. Она ва ҳомила қонларининг резус-омил бўйича бир-бирига тўғри келмаслиги ҳам салбий оқибатларга олиб келади.

Туғилишдан олдин ҳомилада кислороднинг узоқ вақт етишмаслиги (гипоксия) мианинг шаклланишга таъсир кўрсатади. Ҳомиланинг зарарланишида таъсирнинг вақти ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ҳомиладорликнинг дастлабки уч ойи жуда хавфли бўлиб, бу вақтда организмнинг муҳим томонлари мианинг шаклланиши юз беради. Олигофрениянинг экзоген шакллариға марказий нерв системасининг илк ривожланиш даврида (1,5-2 ёшгача) инфнкциялар, интоксикациялар ва травмалар натижасидаги зарарланишлар билан боғланган психик етишмовчиликларнинг вариантлари ҳам киритилади.

Бу ҳолларда нейроинфекциялар орқали юктирилган турли этиологиядаги менингит, энцефалит, менингоэнцефалитлар, оғир кечадиган соматик касалликлар (қизамиқ, скарлатина, паротит, дизентерия ва ҳ-зо), нерв системасининг интоксикацияси (поствакцинал энцефалит) олигофрениянинг юзага келишига сабаб бўлади.

Постнатал мия травмалариға ҳам алоҳида эътибор бериш лозим. Бундай жароҳатларининг патогенезида гидроцефалия катта ўрин эгаллайди. Этиологияси бўйича аралаш (эндоген-экзоген) бўлган олигофренияларнинг келиб чиқиши кўпинча аниқ бўлмайди. Бунда кўпинча ирсий омилларнинг таъсири катта деб кўрсатилса ҳам, олигофрениянинг бу шакли экзоген таъсирлар натижасида ҳам келиб чиқиши мумкин. Кранностеноз, микроцефалия, гидроцефалиянинг баъзи шакллари, кретинизм киради. Олигофрения интеллектуал етишмовчиликнинг намоён бўлиш даражасиға кўра уч даражаға ажратилади: дебиллик, имбециллик ва идиотия. Дебиллик-олигофрениянинг энг енгил даражаси бўлиб, ёрдамчи мактабға болаларни саралаш вақтларида асосан шу болалар билан иш олиб борилади.

Ёрдамчи мактаб ўқувчиларининг асосий континентини ҳам дебил болалар ташкил этади. Имбециллик-дебил даражадан бирмунча оғирроқ даражадир. Ақлий нуқсоннинг имбециллик даражасида олигофрениянинг ўзига хос хусусиятлари намоён бўлиши бирмунча яққол кўринади. Биринчи навбатда, бу яққол ҳолатларда умумлаштира олмаслик, хатто оддий тушунчаларни ҳосил қила олмаслиги билан ажралиб туради.

Имбецил болаларнинг мантикий фикрлаш жараёнлари жуда паст даражада бўлади. Ўқиган материалнинг мазмунини илғаб ололмайдилар, ёрдамчи саволлар орқалигина қисман мазмунини тушунишлари мумкин. Идиотлик-олигофрениянинг энг оғир даражаси бўлиб, улар идрокларида кўпол риводланмаганлик кўринади. Атроф-муҳит билан муносабати мос бўлмайди. Ўз шахсини аниқ билмайди. Уларнинг тафаккури деярли йўқ.

Назорат саволлари.

1. «Психик ва жисмоний ривожланишда нуқсонға эға бўлган болалар диагностикаси» курсининг вазифалари нималардан иборат?
2. «Психик ва жисмоний ривожланишда нуқсонға эға бўлган болалар диагностикаси» курсининг аҳамияти нимада?
3. Ушбу курснинг мазмуни нималардан иборат?

4. «Психик ва жисмоний ривожланишда нуқсонга эга бўлган болаларо диагностикаси» курси бошқа қайси фанлар билан боғлиқ?
5. «Ақли заифлик» тушунчасига изоҳ беринг.
6. Ақли заифликнинг этиологияси қандай?
7. Ақли заифликнинг қандай даражаларини биласиз?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. П.М. Пўлатова “Олигофренопедагогика” Тошкент 2005 йил.
 2. В.С. Рахманова “Махсус педагогика” Тошкент 2004 йил.
 3. Выготский.Л.С. «Проблема у отсталости» Москва 1956 йил.
 4. Под ред. Дульнева. Г.М. “Коррекционная роль обучения в школе” М.1971 й.
 5. М. Аюпова “Логопедия” Тошкент, 2007 йил.
 6. М. А. Павалёва “Справочник логопеда” Ростов-на-Дону, 2007 год.
- 6.2. Мавзу: Ақли заифликнинг клиник тавсифи, ақли заифлик тушунчаси.**

Режа:

1. Ақли заифликнинг клиник таснифи.
2. Ақли заифлик тушунчаси ва унинг клиник кўринишлари.
3. Олигофренияда ақлий ривожланмаганлик даражалари.
4. Деменция ва унинг кўринишлари.

Таянч сўзлар: (Клиник, олигофрен, дебил, идиот, имбицил, деменция, онтогenez, патогenez, транслокация, хромосома, мембрана, генетик, шизофрения.)

Ақли заифлик деганда бош миyanинг эрма жарохатланиши ёки органик ривожланмаганлик билан боғлиқ бўлган рухий ва биринчи навбатда ақлий бузилишни тушуниш керак. Ақли заиф болалар оммавий мактабларда ўқиш қобилиятига эга эмаслар. Оғир даражадаги ақли заиф болалар умуман мактаб билимларини ва малакаларини эгаллай олиш қобилиятига эга эмаслар. Ақли заифликнинг клиник-психологик кўринишида асосий бузилиши бўлиб билиш фаолиятининг яққол етишмаслиги хисобланади.

У онгнинг пастлиги, умумлаштириш жараёнининг йўқлиги, психик жараённинг турғун бўлмаганлиги, хотиранинг етарли бўлмаслиги, диққат ва бошқа қатор функциялардаги камчиликлар борлиги билан характерлидир. Ақли заифлик учун нутқнинг ривожланмаганлиги характерлидир. Ақли заифлик турли этиологияга эга у марказий нерв системасининг генетик жарохатланиш, ички патоген таъсирлар, туғруқ пайтидаги травма, асфексия, инфекциянинг бола миясига таъсири, интоксикация, жарохат ва бошқалар билан белгиланади. Айтилганлардан келиб чиққан ҳолда ақли заифликка оғир педагогик қаровсизликни кргизиш мумкин эмас.

Чунки унинг кўринишлари юқорида кўрсатилган мезонларга ўхшаб ақли заифликка олиб келмайди (ақлий нуқсоннинг борлиги, билиш қобилиятининг пасайиши, ақлий функцияларнинг органик етишмаслиги ҳамда

ривожланишнинг биологик этиологияси). Шунингдек ақли заифликка соматоген, психоген, церебрал, конституционал ва психик ривожланишнинг орқада қолишини киритиб бўлмайди. Чунки бу шаклларнинг ижобий динамикаси худди юқоридаги каби ақли заифликнинг мезонларига жавоб бермайди. Ақли заифликнинг асосий шакллари кенг тавсифномаси жароҳатланишнинг патогенези ва зарарнинг вақтинчалик таъсири билан узвий боғлиқ.

Онтогенезнинг эрга босқичида (1,5-2 ёшгача) марказий нерв системасининг зарарланишида биринчи навбатда қобик системасининг шаклланиши зарарланади. Зарарланишнинг морфологик кўринишида ва рухий нуқсоннинг клиник кўринишида ривожланмаганлик устунлик қилади. Бу ҳолларда гап олигофрениянинг турли вариантлари ҳақида боради.

Ката ёшдаги зарарнинг таъсирида, бош мия қобик тизимининг етилиш вақтида нерв системасининг морфологик ва клиник кўринишидаги жароҳатнинг кўриниши устунлик қилади. Бу ҳолларда деменциянинг турли шакллари ҳақида гап боради.

Ақли заифликнинг клиник шакллари. Олигофрения

«Олигофрения» атамаси (ақли камлик) қатор касалликлар йиғиндиси бўлиб, қуйидаги асосий кўрсатмалар билан характерланади.

1. Умумий рухий ривожланмаганликнинг қайтмас кўриниши.
2. Интеллектуал нуқсоннинг структурасини эгаллашдан абстракт тушунчанинг эгаллашнинг заифлиги.
3. Прогридиентнинг йўқлиги.

Олигофрения этиологияси

Олигофрения сабаблари турли хил. Олигофрения этиологик белгилари бўйича 2 та асосий гуруҳга ажратилади.

1. Наслий патология билан боғлиқ ёки оилада мавжуд бўлган ёки шу интеллектда келиб чиққан эндоген факторлар билан белгиланади.
2. Экзоген факторлар (инфекциялар, интоксикациялар), мия кутиси травмалари, ички ва пастномал онтогенезнинг эрта босқичларида таъсир қилувчи инфекциялар. Текшириш усуллариининг турли хиллари шуни кўрсатдики, нерв системасининг генетик жароҳатланишига кўпроқ аҳамият бериш керак, чунки ҳозирги замонда ақли заифлик ҳолатининг кўп қисми айнан шунга боғлиқ.

Ақли заифликнинг генетик шакллари турли хилдаги хромосом аномалиялар билан боғлиқ бўлган олигофрениялар киради. Хромосом аномалияларга катакчалардаги хромосомаларнинг ўзгариши, мозаик шакллари (хромосомларнинг катакчаларининг фақат бир қисмидагина ўзгариш бўлади) хромосома структурасининг бузилиши хромосоманинг бир қисмининг йўқолиши (делеция), 1 хромосоманинг 2 хромасомага қисман кириши (транслокация хромосома шакллариининг турли хил ўзгаришлари).

Хромосом аномалияларнинг сабаблари турли хил ва улар тўлиқ ўрганилмаган. Бу ҳолларда қисман сўз ота-оналарнинг тўлиқ ривожланмаган генератив камакчалари ҳақида боради (хромосомаларнинг нотўғри тўплами,

уларнинг «кариши», кимёвий жарохатланиши, сурункали касалликлар, радиация орқали). Ота-оналарнинг жисмоний катакчаларининг тўлиқ ривожланмаганлиги, хромосомаларнинг катакчаларга бўлиниши даврида хромосома аномалияларини келиб чиқишга сабаб бўлади. Даун касаллигининг келиб чиқишида 21-жуфтлик хромосомада трисомия бўлиб (баъзида мозаика шаклида бўлади) ёки транслокация локализациядан ўтган бўлиб, кўпроқ аёл кишининг ката ёшда бўлганлигига ҳам боғлиқ бўлади. Шу сабабли катакчалар бўлинишида хромосомалар таркалиши жараёни кузатилади. Даун касаллиги олигофренияда муҳим ўринлардан бирини эгаллайди. Бу хромосомалар аномалиясига боғлиқ бўлади. 5-чи хромосоманинг «В» гуруҳига бўлинишида «мушук товуши» жойи бор (кўпроқ имбецил, идиот ҳолатларда).

Бошқа олигофрения уйғотувчи хромосома аномалияси ичида жинсий хромосома абберрацияси муҳим ўрин тутди (Шершевский – Тернер, Клайнфельтер синдромлари ва бошқа жинсий хромосомалар аномалиялари). Шунинг эътиборига эришганда керакки, жинсий хромосомалар аномалияси ҳар доим ҳам ақли заифликка олиб келавермайди. Ақли заифлик частотаси ва унинг даражаси кўшимча Х-хромосома сони билан белгиланади. Барча олигофренияларнинг ярмисиди Клайнфельтер синдроми бўлади.

Энзимопатия – яъни турли ферментларнинг етарли бўлмаганлиги натижасида мода алмашинувида бузилиш бўлган олигофрениялар 2-белгиланган генетик гуруҳга кирадилар. Ҳозирги вақтда модда алмашинуви бузилиши натижасида (олигофрения) ақли заифлик кўплаб учрамоқда (фенилкетонурия, галактоземия, гисмидинемия, гисмидинурия, мирозенимия, гомоцистинурия, аргининурия, пролинурия, фруктозурия, сахарозурия, гаргонлизм, прогерия) фенилкетонурия кўпроқ учрайди.

Бундай бузилишлар қатор ақли заифликнинг оғир шаклларига олиб келади. Улар патогенезини аниқлашда терапия қўл келади (улар патогенезини аниқлаш). Энзимопатик касалликлар туркумига кирувчи фенилкетонурия, гомоцистинурия, галактоземия, фруктозурия ва бошқалар қисман даволанмоқда. Шунинг эътиборига эришганда керакки, энзимопатик формага кирувчи ақли заифлик умум деб қабул қилиш нотўғри бўлади, чунки баъзи ҳоллар ўта кучлилиги билан ажралиб туради.

Бироқ асаб системасининг ўта эрта бузилиши интеллектуал камчиликлар шаклланишига туртки бўлиб, кўпроқ олигофренияга яқинроқ бўлади. Бундан ташқари юқорида кўриб ўтишган касалликлар шакли ақли заифликни юзага келтиравермайди.

Махсус терапия ёрдамида ақли заифликнинг турли даражада камчиликлари юзага келишидан сақлаш мумкин. Шу сабабли юқоридаги касалликларнинг кўп қисмини шартли олигофрения гуруҳига киритамиз. Бир қатор генетик порок ҳолатида наслий камчиликлар ривожланиши натижасида заифлик билан бир қаторда юрак-томирлари, тери суяк, томир системаси, кўриш, эшитиш, органлари камчиликлари ҳам бирга келиши мумкин. Крузоннинг мия дизостози, Апера, Корнелин де Ланге синдроми, Рубинштейн – Тейби. Эльфа юзи бу касалликларда олигофрения мия-юзининг турли диспозия касалликлари билан келади.

Олигофрениянинг юзага келишида фалажнинг полигон типии ката роль ўйнайди. Бу касалликда ота-оналардан олган патологик (камчилик) факторлар йиғилмаси бўлади. Ота-оналарда бу факторларнинг интеллектга унга ката таъсир этмаган, шакли бўлиб олигофрения даражасига етмаган бўлиши мумкин. Олигофрениянинг шартли шакллари акли заифликнинг енгил даражаси деган фикрлар ҳам бор. Бу қоида олигофрения, жинсий хромосомаларнинг шартли аномалияси деган фикрга киради. Олигофрениянинг генетик шакллари, аутосом хромосома аномалияси билан боғлиқ бўлиб, энзимопатик генетик мутациясида кўрсатилганидек, кўпинча акли заифликнинг оғир шакллари юзага келтиради. Олигофрениянинг экзоген шаклига – асаб системаси ривожланмаганлиги сабабли бу ҳужайра ёки бола миёсига она қорни ичида таъсир этади.

Бу ерга яна олигофрениянинг она қорни вақтидаги шикастланиши, турли инфекциялар бўлиб, улардан бири (токсиплазмоз, сифилис) хронический, бошқалари ўткир ҳисобланади (онанинг қизалик, грипп, эпидемик паратит, инфекцион гепатит, ветрянка ва бошқа инфекцион касалликлар). Она организмнинг бола ирсий камчиликлар юзага келишига, калкоголь ичимликлар ичиши (алкоголь эмбриопатия), химик насалар билан ишлаш. Жумладан дорилар билан (антибиотик, сульфаниламид препаратлар, барбитуратлар, хинин, гормонлар яна радиактив, рентген нурлари ҳам қорин болага ҳам таъсир этади). Бундан ташқари онанинг турли эндокринологик касалликлари ҳам таъсир қилади (диабет, букоқ, гипофиза) хомиладорликдаги токсикозлар, витамин алмашинувчи бузилиши ҳам таъсир этади.

Бундан ташқари она организмда бўлган юрак, қон системаси, ўпка, жигар, почкаларнинг етарли ишламаганлиги ҳам таъсир этади. Она қони билан бола қон группаларининг резус фактор бўйича (ABO) тўғри келмаслиги жароҳатларнинг турли хиллари натижасида ривожланаётган эмбрионнинг узун гиноксияси юзага келиб хавонинг етарли бўлмаганлиги натижасида, миё шаклланиши учун муҳим бўлган жараён бузилган ҳолатлар кўп кузатилмонда. Бундай жароҳат юз беришида жароҳат даври катта роль ўйнайди: хомиланинг дастлабки 3 ойи хавфли ҳисобланиб, бу даврда асосий организмнинг муҳим системалари, биринчи навбатда миё ривожланиши рўй беради.

Олигофрениянинг сабабларидан яна бири туғиш давридаги камчиликлар ҳамдир: инфекция (листериоз), туғиш давридаги травма асфикция ёки унга ўхшаш ҳам. Охириги вақтда бу факторларнинг этиологик ўрни кичқармокда. Ката чўзилишдаги асфикция, туғиш давридаги кийинчиликлар патоген ҳолатлар деб қаралмокда. Кўп ҳолатларда холикларнинг ички утрат патологияси бўлгани учун, у травмага мойил бўлиб қолади деган ҳулосага келмоа. Олигофрениянинг экзоген шаклига марказий нерс системасининг инфекция натижасида руҳий кам ривожланганлиги (1,5 – 2 ёшда) интоксикация ва жароҳатлар.

Бу ҳолатларда гап кўпроқ менингит, энцефалит, менинго-энцефалитнинг турли этиология шакллари юзага келган нейроинфекциялар, оғир негидиган умумий соматик касалликлар (қизалиқ скарлатина, паротит, дизентерия) нерв системаси интоксикацияси (поствакциал энцефалит) каби касалликлар ҳақида

бормокда. Бош мия суяги ва бош мия жароҳатлари устида алоҳида тўхталиб ўтамиз. Бу жароҳатлар патогенезида гидроцефалия алоҳида ўрин тутди. Олигофренияда этиология бўйича аралаш формалар келиб чиқиши бўйича кўпроқ ноаниқликларга олиб келади (эндоген - экзоген). Бу касалликнинг маълум қисми наслий факторлар асосида бўлади, бироқ баъзида экзоген зарарланишдан юзага келиши мумкин. Яна шу каторга краниостеноз, микроцефалия, гидроцефалиянинг бир катор шакллари, гипотиреозид шакллари киради (кретинизм).

Шу олигофрениялар асосий этиологик факторларидир. Шунинг назарда тутиш керакки этиологик бузилишига ҳақиқий ташхиз барча олигофрениянинг таҳлилан ярмисига қўйилади. Бу ҳолатлар дифференцирланган олигофрения туркмига кириб, уларга:

- клиника, патогенез ва этиологик қўйилган формалар (масалан: менинго-энцефалитдан кейинги олигофрения);

- аниқланмаган этиологик формалар – аниқланган патогенез ва клиник шакллари (масалан: даун касаллиги, фенилкетонурия);

- клиник кўринишга эга бўлган ўзига хослик билан этиологик ноаниқ формага эга (масалан: гидро ва микроцефалиянинг бир қатор шакллари).

Олигофрениянинг дифференцияланмаган шаклига аниқланмаган этиологик ва патогенез билан маълум клиник томонларга эга бўлмаганлик киради. Табиийни, олигофрениянинг дифференцияланмаган шакллари ривожланиши, ташхиз услублари, маълум этиологик ва клиник дифференцияга эга бўлиши керак.

Олигофрениянинг умумий клинко-патогенетик қонунлари

Юқоридаги айтиб ўтилганидек, олигофренияда аномалия ривожланишнинг ўзига хослиги шундаки церебрал структураларнинг умумий нормал ривожланмаганлиги бўлиб, онтогенез бузилиши, қобик системаси қийин ва кеч шаклланиши, биринчи навбатида пешонанинг кеч шаклланиши билан характерланади. Патогенезнинг бу ўзига хослик томони «камчиликнинг клинко-психологик тузилиши»ни аниқлаб берувчи бўлиб, ўзагида эа факторга асосланади: умумий организм ва миянинг тотал ва герархик ривожланмаганлиги. Тотал-аввало барча нерв психик функцияларнинг органик ривожланмаганлиги. Пастдан (моторика, элементар эмоция) юқорига қараб яъни онг жараёнини инсонга хос томонини таъминлаб беришгача бўлган даври.

Олигофренияда онг фаолиятининг етарли ишламаганлиги логик фикрлашнинг сустигига олиб келади психик жараёнини сусайтиради. Унинг ҳаракатини, ўрин алмашилиш жараёнини, қабул қилиш моторикасини эслаш қобилиятини, диққатини, нутқини, эмоционал ҳолат шаклланмаганлигини юзага келтиради. Логик фикрлашнинг етарли бўлмаганлиги аввало унинг мулоқотдаги камчиликларида, тушуниб етиш қобилиятининг сусайганлигида яққол намоён бўлади. Кўп маъноли сўзларни тушуниб етиш қобилияти деярли йўқ, онг фаолиятида шахсий ва аниқ алоқалар муҳим ўрин тутди. Предмет –

амалий фикрлаш ҳам чекланган характерга эгадир. Предметлар ва борлиқни таққослаш фақат ташқи белгилари билан амалга оширилади.

Онғ фаолиятининг олий форма ривожланмаганлиги нутқ шаклланишига салбий таъсир кўрсатади. Унинг қай даражадаги камчилик эканлиги интеллект камчитликларининг оғирлиги билан белгиланади. Сўз мазмунини тушунмасликда қийнолади. Маълум шароитга боғлиқ бўлган аниқлик киритувчи сўзларни тушунмадилар ёки қисман қийинчиликлар билан тушунадилар. Сўз бойлиги айниқса, фаси сўзлар чекланган, жумлалар камбағал бўлиб, боғловчи аниқловчилар кам ишлатилади.

Нутқнинг грамматик тузилиши бузилган. Талаффузда камчиликлар кўп учрайди. Бироқ олигофрения баъзи шаклларида, айниқса гидроцефалия билан боғланган шаклларида нутқий камчиликларнинг кўп турел учрайди: кўпроқ таклид қилишдан фойдаланадилар. Олигофрения камчиликларининг ўзига хос томонларидан бири бу психик жараённинг инертлигидир. Англаш қобилияти суст, кам ҳаракатчан. Бир иш фаолиятдан иккинчисига ўтиш жараёни қийин кечади. Диккатнинг ўта сустлиги, эслаб қолмаслик, эсанча қарши осон. Олигофренияда қабул қилиш камбағаллиги, ажрата олишнинг сустлиги ва ён атрофдаги бўлаётган ишларни тўлиқ тушуниб етмаслик кузатилади.

Эмоционал ирода қисми ҳам қисман ривожланганлиги кузатилади. Эмоциянинг бир хиллиги ва дифференциянинг камлиги, ҳаяжоннинг йўқлиги билан ёки қисман борлиги, фикрнинг тарқоқлиги, эмоционал реакция асосан таъсир асосида юзага келади. Эмоционал ҳолатнинг кам ривожланганлиги умумий психик соҳани қийин аҳволга солиб, психик фаолликнинг, пастлигига, атроф-муҳимга қизиқишнинг етарли бўлмаганлигига, фаолликнинг йўқлиги, мустақиллик сустлиги кузатиладию шу билан бир қаторда ўзини бошқара олмаслик натижасида арзимаган нарсага импульсив ҳолат юзага келиб, ҳақдор бўлиб қолади. Ҳаракат аппаратларининг бирламчи бузилиши ҳолати натижасида моторикадаги камчиликлар сезилади. Бир хил камбағал (ритмикасиз, секин, ҳаракат) билан бир қаторда уларнинг мақсадсиз, умумий ҳаракатланишдаги безовта сизлик кузатилади.

Олигофрен болалар фаолият даражаси аввало интеллектуал даражасидаги камчиликлар билан боғлиқ. Айниқса, эмоционал ирода борасида олигофрениaning енгил даражасида оддий меҳнат кўникмаларига ўрганиш мойиллиги сезилади фақат амалиётда шароитга кўникиш керак бўлади. Олигофрениaning оғир даражаларида фаолият ҳақида фақат шартли гапириш мумкин. Олигофрениaning 2-чи муҳим белгиларидан бири бу психик камчиликнинг иерархизмидир. Бу ҳолатда қабул қилиш, хотира нутқ эмоционал ҳолат, моторика қисман бўлади. Олигофрениaning енгил шаклларида маълум психик функцияларнинг сакланганлигини кузатиш мумкин. Олигофрениaning муҳим белгиларидан бири бу онгнинг ривожланмаганлигини «кардинал» ни юзага келтиришидир. Бу қонун ҳар бир психик функциянинг структурасида кўринади.

Олигофренияда доимо қабул қилиш, нутқ, хотира, диққат, эмоционал ҳолат ва ҳатто моторика паст даражада бўлиб, умумлаштириш ва палғиш функцияларига боғлиқ бўлади. Бунинг яққол породасини нутқ етарли даражадалидир. Аниқ ва нозик ҳаракатлар қобиляти ривожланмаган ҳолда ҳаракатда қийин бўлган шакллар, элементар ҳаракатлар нисбатан сақланиб қолгани кузатилади. Уларни дифференциялаш ўргатиш натижасида юзага келиши мумкин. Билим асосида ҳунарга ўргатиш негизида уларда маълум дифференцияга эришиш эҳтимали бор. Олигофрениянинг енгил шаклида, интеллект ривожланмаганлик билан амалий фаолият бузилиши параллель аниқланганда, англашга нисбатан амалий фаолият кўпроқ сақланиб қолиниши сезилди. Мустақиллик тез бажаришлик шахсий инициатива (фикр) талаб этилмаган ишларни бажаришда касалликлар етарли даражада унумли ва мақсадли меҳнат қилишлари мумкин. Бу борада меҳнат фаолиятининг иқтисодий томонларини тарбия жараёнида тўғри тушунтирилганда яхши натижаларга эришиш мумкин.

Олигофрениянинг неврологик кўринишида айниқса, унинг оғир шаклларида турли органик симптомларнинг йўқлиги, бир церебрал системага боғлиқ равишда бошқасининг бузилганлигини кўриш мумкин. Бунга бош суяк ва миёна иннервациясининг бузилганлигини, тери ва тери ости рефлексларининг сусайган ёки кучайганлигини, турғун бузилмаган рефлексор патологияларини (камчиликларини кузатиш мумкин).

Айниқса, генетик, шартли формалар, умумий пайлар гипотения натижасида суякларнинг хаддан ташқари хиралашганлигини кўриш мумкин. Олигофрениянинг оғир шаклларида бош миёна қон босими юқорилиги кузатилади (айниқса гидроцефалия билан боғлиқ олигофренияларда). Вегетатив дистонияда бош оғриғи, оғирроқ неврологик белгиларга паралич ва парезлар, гиперкинезлар, атетод кўринишлар, тутқаноқ ҳолатлари киради. Неврологик бузилишлар кўринишига, ҳис нилиш органларининг ривожланмагани учрайди. Кўпроқ кўриш органлари аномалияси, кўз қобиғи камчиликлари, микрофтальмия, кўз қорачиғининг чиққанлиги, кўз пайларига ўзгаришлар учраб туради.

Узоқни яхши кўролмаслик тез тез учраб туради. Қатор наслий бузилиш шакллари акли заифлик билан эшитиш ва кўз, ички органлардаги камчиликлар бирга учрайди. Масалан: олигофрениянинг наслий шаклларида акли заифлик, туғма катаракт ва бошқа кўздаги камчиликлар билан бирга келиши кузатилади. Эшитиш ва эшитиш аппарати аномалиялари нисбатан камроқ учрайди. Олигофрениянинг клиник кўринишида кўпроқ қисмини жисмоний ривожланмаганлик эгаллайди. Эмбрионнинг кичик давридаги утробиги жароҳатланиши натижасида генетик формадаги олигофренияда танадаги турли дисплазиялар учрайди. Шунинг айтиб ўтиш керакки дисплазияларнинг маълум қисми бошқа туғма аномал ҳолларида ҳам учрайди (масалан: ҳаракат – таянч аппаратларда).

Бу кўпроқ турли генезлар ривожланишидаги генетик порокларга киради. Олигофренияда асосан кўйидаги дисплазия ва бошқа жисмоний ривожланишдаги бузилишлар учрайди.

1. **Мия чаноғи** микроцефалия (бош чаноғининг анча кичиклиги), макроцефалия (бош мия чаноғининг анча катталашганлиги) шу билан бирга гидроцефалия (бош чаноғининг сув йиғими билан боғлиқ катталашуви), (минорага ўхшаш мия) аксицефалия, акроцефалия (ўткир учли мия), скафоцефалия (ғалтаксимон мия), плагицефалия (йиғмачали мия), тригоноцефалия (учбурчак мия), аоцефалия (тухумсимон мия).

2. **Юз скелети.** Текис юз ойсимон юз, микрогнатис ва ретрогранатив (пастки лунжининг қисқарганлиги, орқага тортилиб пешона билан бир хиллиги); прогнатия (лунжининг олдиға чиққанлиги); гипертелоризм (ички ва ташки кўз ичида кўзнинг ўта катталиги); бурун ёпишган тойининг кенглиги, танглайнинг ойсимонлиги ёки готик-исмонлиги; қаттиқ манглайнинг юмшоқлиги; диастема (ўрта резца ўртасининг катталашиб кетганлиги).

3. **Кулоқ.** Паст жойлашган кулоқлар, кулоқнинг деформацияси, микроомия (кулоқдаги кичик ривожланмаганлик).

4. **Кўз.** Микроофтальм, эноофтальм (кўз олмасининг орқаға тушганлиги); каторакта, кўтаринган пешонада учбурчак холда тушган ингички кўз тешиклари; эпикантус (юқори ва пастки қовоқ ўртасидаги тери йиғилганлиги; кўзни юмиб қўйганлиги); птоз (юқори қовоқнинг тушганлиги) етрабизм (ғилайлик); аниридия (намалан қобиғининг йўқлиги).

5. **Овоз чиқарувчи қисм:** юқори лабнинг юмшоқлиги, юмшоқ танглайнинг юмшоқлиги, макроглоссия (тилнинг узунлиги катталиги), микроглоссия (налталиги).

6. **Тери ва унинг қисмлари:** пигментларнинг етарли бўлмаганлиги депигментли ва пигментли доғлар, ихтиоз (бир неча қаватли қуруқ тери) ангиомы (пайлар ишиши); бошда соч ўсишининг кальлиги, гипертрихоз (кўп сочли).

7. **Тана.** Кифоз (кўкрак қафасининг орқаға кийшанганлиги); сколиоз (кўкрак қафасининг ёнга кийшанганлиги); кифоскалиоз (кўкрак қафасининг аралаш кийшанганлиги), кўкрак қафасининг пиққанлиги; кўкракдаги «мечевид» ўсмашнинг йўқлиги.

8. **Якунийлар.** Акромелия (Тирсак ва тоvonнинг кичиклиги); микромелия (барча якуний сигментларнинг қисқалиги); ризолалия (елка думғоз, суянларнинг қисқалиги); фокомелия (якуний қисмларнинг йўқлиги); олигодикитика (ҳар-бир одамда 2 та жинс белгиларининг бўлиши); гипомиреоз (қалқонсимон безлар иш фаолиятининг сусайиши); олигофрения бир катор дифференциал шаклларида айниқса генетик келиб чиқиш холатида, санатик дисплазиянинг махсус комплекси (йиғмаси) бўлади.

Масалан, бизға маълумки даун касаллигининг белгилари бу паст бўй, якуний қисмларнинг калталиги, орқа миянинг кийшанганлиги кичкина кулоқлар, ингичка кўзлар эпикантус, гипертелоризм юқори жағнинг ривожланмаганлиги, прогнатизм, готик танглай, «географик» тил. Қўлга хос бўлган томонлар, қалин бўлиш, жимжиллоқнинг қийшанганлиги қўл ичидаги складкалар товондаги оралиқ бармоқларнинг синдактимияси.

Юрак сосуд системасидаги порок ўсиш, типик гипогенитализм, семизлик, пайларнинг диффуз гипотонияси, тананинг ўзига хос тузилганлиги ва

юришнинг ўзига хослиги оғизнинг озгина очик туриши, гипомилия. Бундай ташқи кўринишга эга бўлган касаллар бир-бирига жуда ўхшайдилар. Ташқи кўринишга характерли бўлган белгилар бола туғилган захоти уни англаб етишга ёрдам беради. «Кридюша» синдромида (мушук товуши) жисмоний ривожланишдаги камчиликлар, кўзлар учбурчак бўлиб кўтарилган думалок юз, гипертелоризм, эпигантом, кулоқнинг мокларнинг камлиги), полидактилия (бармоқларнинг кўплиги); брохидактилия (бармоқлар калталиги), синдактилия (тармоқлар ёпишганлиги); клинодактилия (бешинчи бармоқнинг қийшанганлиги); сандалевид оралиғи (1 ва 2 бармоқ оралиғининг катталиги оёқда); косолопость – тос суянларининг туғма чиққанлиги; дерматоглифик ўзгариш (тўрт бармоқли «маймунасимон» терининг йиғилган ҳолати).

9. **Бўй (узушлик).** Карлик ўсишдаги камчилик; церебрал гигантизм.

10. **Пай системаси.** Регионар ёки диффузия многопотоник.

11. **Ички органлар ва тери.** Туғма юрак пороги (ошқозон оралиқ кийшик ўсмаганлиги, протон баталлиги); ошқозон ичак дисгенези (орқа ичакнинг йўқлиги).

12. **Эндокринологик система** – гипогенитализм (ташқи жинсий органларнинг ривожланмаганлиги ва иккиламчи жинсий белгиларнинг сустлиги); монорхизм ёки анорхизм (1 та ёки 2 та тухумнинг туғма йўқлиги); крипторхизм (тухумларнинг багадонга тушмаслиги) микропения (жинсий аъзонинг ривожланмаганлиги); гипоспадия (жинсий аъзонинг ривожланиши пороги ҳамда ташқи сийдик чиқариш каналидаги аномал ҳолат); эрта жинсий уйғониш, гермафродитизм паст ва асимметрик жойлашганлиги, кузатилади. Товуш ривожланишидаги аномалия, овоздаги тембрнинг «личулашига» сабабдир. Шершевский – Тернер синдроми кизларда учраб, пакана бўлиши билан ажралиб туради.

Юқори қисм катта, паст қисм калта, оёқ деформациялашган бўлади. Баъзида поли ва синдактимия, яъни тепага учбурчак шаклида кўтарилган қовоқ ва ингичка кўзлар кузатилади. Касалларнинг ярмидан кўпроғида «қанотсимон» бўлин йиғмалари бўлади. Ички органлар пороги учрайди. Ўсмир ёшга етганда кўпол жинсий ривожланмаганлик сезилади. Клайнфельтер синдроми касаллар астеник тана тузилишига эга бўлиб, евнухоид (жинсий органи йўқ) белгиларга эга (якунийликнинг узунлиги орқанинг катталиги, гинекомастия, семизлик, аёллар типиди соч ўсиш, юз ва танада сочларнинг камлиги, жинсий органларнинг ривожланмаганлиги).

Лоуренса-Муна-Парде-Тидля синдромли касалларда семизлик, гипогенитализм кузатилади. Белгилардан бири оилги бармоқлик ва танадаги доғлар.

Крузон синдромли касалликларда бош ганофининг деформацияси, гипертелоризм; экзофтальм, буруннинг бургут шаклидагиси, юқори жағнинг ривожланмаганлиги, оғизнинг очик бўлиши хосдир. Олигофрениянинг гипомироид шаклида паканалик елка кенглиги тана ва оёқнинг кийшиклиги микседематоз шишиш хосдир (лабнинг, тилнинг бурчакчилиги юзнинг умумий шишиши, тери ва осчнинг қуруқлиги) жинсий ривожланмаганлик,

яққол гипотония кузатилади. Фенилкетонурияда 80-90% да пигментациянинг заифлиги учрайди (соч ва терининг ақлиги кўзнинг кўклиги). Бундан ташқари дисплазия учрайди.

Гаргоилизм касалига хос ташқи кўриниш, калта бўйин, тана ва якунийлар; кўкрак қафасининг олдида чиққан холдаги деформацияси; пананинг қийшанганлиги. Калта бақалоқ учи қийшанган бармоқлар. Кенг пешонанинг бурун устига этилгани, экзофтальм ва гиперталоризм, паст ва деформацияланган қулоқлар, ёпишган лаблар, тишларнинг нотўғри ўсганлиги, катта тил. Олигофрениядаги ривожланмаганлик белгилари фақат «статика» дагина эмас, ривожланиш «динамикасида» ҳам кўринади. Психик функциялар, ривожланишдаги турли оқсоқланиш, нерв системасининг турли даражадаги жароҳатланиши, локал дефект борлиги, умумий ривожланмаганлик билан бирга ривожланишдаги колоклиқ даражаси ва характерини белгилаб беради.

Психик ривожланишнинг чуқур жароҳатланиш онтогенезнинг бошланғич этапида тугайди. Қийин психик функциянинг шаклланиши, масалан нутқ, умуман юзага келмаслиги мумкин. Олигофрениянинг енгил даражасида бўлган 1 ёшгача бўлган болаларда перцептив функциялар ривожланишида оқсоқланиш кузатилади, чироқ ва товушга реакция, ташқи таъсирга «умумий жонланиш» (хатто енани кўриб). Моторик ривожланиши орқада қолади статик, локомотор кўникмалар (бош ушлаш, туриш, юриш) 2-3 ёшлигида ўз-ўзига хизмат кўникмаларида қийинчилик сезади. Бу айниқса нутқида сезилади. Уйин оддий манипуляция даражасида қолади.

Эмоционал ҳолатда кўпинча инжин пассив ёки ўта хаянсонланган мактабгача ёшида бирламчи даражада интеллектуал фаолиятнинг йўклиги туради. Болалар ўйин талабини тушуни олмайдилар. Эҳтиёж, ижод сезилмайди. Бу даврга келиб қизиқиш, жонли талабганлик китобларга қизиқиш умуман йўқ бўлади. Мактаб ёшига яқинлашгач, айнан интеллектуал ривожланмаганлик сезила боради. Бошланғич ўқиш, санашни билишдаги қийинчиликлар (хатто харф билишга ҳам) мактабга қизиқишнинг йўклиги.

Олигофренияда ақлий ривожланмаганлик даражалари

Олигофрения интеллект даражаси бўйича 3 гуруҳга бўлинади дебил, имбецил, идиот.

Дебил – олигофрениянинг кўпроқ тарқалган енгил шакли бўлиб, уларни ёрдамчи мактабга болаларни олишда учратиш мумкин. Дебил даражадаги олигофрен болалар ёрдамчи мактаб ўқитувчи компоненти асосини ташкил этади. Ташхиз қўйишда баъзи қийинчиликларга дуч келиш мумкин, чунки интеллектуал камчилик яққол кўринмайди. Умумлашган элементлар мавжуд. Мактабгача ёшда оддий ўйинлар ўйнаш оддий ташкилий ишлар, оддий саволларга ориентация оддий нутқга баъзи механик хотирага эга бўладилар. Буларнинг барчаси баъзи маълумотлар олишга ёрдам бериб, болаларга ёрдамчи мактаб программасида кўрилган ўқиш кўникмалари, ёзув, ҳисоб билимларни ўргатишда қўл келади.

Қийин факторлар бўлмаган тақдирда болалар етарли ҳаракатни ишлашга бўлган қобилиятни кузатиш мумкин.

Эмоцияларнинг сақланганлиги, уларнинг дифференцияланганлиги ўз-ўзини бошқариш кўникмаларини ҳосил қилишда ёрдам беради. Ёрдамчи мактабларда махсус шароитларда бу болалар 8 йил билим олиб, бу болалар оммавий мактаб бошланғич синф дастурини ўрганиб, бирламчи ишлаб чиқаришга тайёр бўладилар. Шунга қарамай дебилларда олигофрениянинг барча компонентлари учраб туради.

Онг кўргазма характерга эга. Улар ҳақиқий билимга эга бўла олмайдилар. Улар умумлаштиришга жуда секин киришадилар. Ўтилган нарсани тушуна олмайдилар. Дебил болалар предмет кўринишини тўғри қабул қилгани билан уни тенглаштириш улар билан алоқадор нарсалар ҳақида сўзлаб беришга қийналадилар. Бу нарсалар сюжетли расмлар билан ишлаганда яққол намоён бўлади. Ҳисобга ўрганишда болалар сон, уларни қўшиш ва айришни қийинчилик билан бажарадилар.

Олдиндан тушунтириб берилмаса, бажараётган масала жараёнларини тушунмайдилар. Ёзув қоидаларини қийинчилик билан эгаллайдилар. Жумлалар оддий, нутқий аграмматизм билан қийналади, камгаплик учрайди. Интеллектуал ривожланмаганлик билан, шахснинг етилмаганлиги ўзаро боғлиқдир. Дунё қараши, фикр юритиши мустақил эмас қизиқиш, меҳнат жараёнида интилиш йўқ. Эмоционал ҳолат сақланган ҳолда жонкуярлик сезилмайди. Ҳаракатнинг дифференциялашганлиги мимиканинг аниқлиги етарли эмас.

Кўпинча неврологик белгилар турли ҳолатларда учрайди. Тана тузилиши дисплазияси, цереброэндокрин бузилишлар. Олигофрениянинг бу шаклида тўғри тарбия ва билиш берилса, ўз вақтида меҳнат-кўникмаларига ўргатилса, нерво-психик бузилишлар бўлмаса, интеллектуал камчиликлар асорати бўлмаса, бунда яхши натижаларга эришиш мумкин. Бунда иш бажаришда, жонкуярлик, мустақиллик, тезлик талаб этилмаса етарли натижаларга эришиш мумкин. Болаларда бўлган амалий ориентация, ўз ҳаётини йўлга қўйишга бўлган интилиш меҳнат кўникмаларини олишга ва адаптацияга ёрдам беради.

Имбецил – ақли заифликнинг дебилга нисбатан оғирроқ шакли. Олигофрения ақли заифлик имбецил формада аниқроқ кўринишга эга бўлади. Бу аввало маълум шароитдан бутунлай четда бўлиши, элементар билимларга эга бўлмаслик, фикрлаш ўта камбағал, асосан бошқаларникини такрорлаш, логик жараён ўта паст даражада бўлади. Болалар уларга ўтиб берилган хикоянинг асосий мазмунини тушуна олмайдилар фақат саволлар орқали уларнинг мазмунини чиқариш мумкин.

Сўзларда бўғин, товушлар, ўхшаш товушлар қаторларни эслаб номида кўриш ва эшитиш, анализ ва синтез ҳолатидаги қийинчиликлар яққол кўриниб туради. Ўлар кўпинча механик характерга эга бўлади: ўқиган нарса тушунилмайди, 10гача санашни ўргатиш мумкин, кўпайтириш жадвали механик ёдланади. Ҳисоб аралаш, саналарни билмайдилар. Сўз бойлиги кам, баъзида предметлар номини айтиш билан чегараланадилар. Нутқ мазмунсиз, жумлалар қисқа, аграмматик, тил камчиликлари учрайди.

Моторика кам дифференциялашган, жисмоний меҳнатда ёзувда ҳаракат кўполлиги бепарволиги, секин ҳаракат қилиши, синкезия ва қатор қийинчиликлар туғдиради. Фаолият жараёнида мустақил фаоллигини сезилмайди, фақат таклид билан иш юритилади. Бу касалларга бир хил турдаги меҳнат турлари мос келади. Уларнинг ишлашга ва маиший хизматга бўлган тартиби бузилганидан улар ўзларини йўқотиб қўядилар. Шу сабабли ҳаётга мослашишда, элементар меҳнат турларига ўрганганда раҳбарлар доим ёрдам беришлари ва назорат қилиб туришлари керак. Баъзида бу болаларга маиший шароитларди маълум кузатувнинг ўзи ҳам кифоя бўлади.

Бироқ бу болаларда баъзи маълумотларни эслаб қолиш қобилиятлари ҳам бор. Элементар сўзлар талаффуз этиш, улар маъносини тушуниш, предметларни белгиларига қаратиб ажрата ола билиш қобилиятлари ҳам учраб туради. Оддий ўқиш, ёзиш ва санаш кўникмаларини ўргатиш мумкин. Ўз-ўзига хизмат қилишнинг ҳам элементар кўникмалари бор. Мақташ ёки камчиликларни айтгандаги реакциялар, оддий эмоциялар, ёрдам бериш, меҳрибонлик қилиш каби кўникмалар нисбатан сақланиб қолган. Ўз-ўзини баҳолаш яъни жисмоний камчиликларни, моторлик хатоларни англай билиш юзага кела бошлайди. Имбецил билан касалланган болалар ва ўсмирлар кўпинча жисмоний меҳнат турларининг элементар хилларини эплай оладилар (оддий картонли ишлар, қийин бўлмаган детал ва бошқа буюмларни рангига шаклига қараб ажратиш). Имбецилнинг оғир даражаларида ишлаб чиқаришнинг оддий турларини ҳам ўргатиш мумкин эмас.

Имбецилда интеллектуал камчилик даражалари ёки кўринишлари турлига бўлади. Ақли заифликнинг енгилроқ даражаларида (нутқнинг етарли ривожланганлиги оддий амалий кўникмаларига бўлган қобилият) дебил даражалари билан дифференциялаш маълум қийинчиликлар туғдиради. Бунда болаларни ёрдамчи мактабларнинг ташҳез синфларига юбориш мақсадга мувофиқдир. Интеллект камчилигининг квалификацияга қараб билимлар берилади. Имбецил билан оғриган болалар неврологик статусида, кўплаб турли симптомлар, яъни бош мия нервлари патологияси, бошқа мия бузилишлари, патологик рефлекслар учраб туради. Қийин шаклларида паретик бузилишлар тутқаноқ тутиш учраб туради.

Бош мия дисплазияси, микро ва гидроцефалия кўринишлари учрайди. Жисмоний томондан, дебилга нисбатан имбецилда тананинг турли дисплазияси церебрал эндокрин бузилишлари учрайди.

Идиотия – олигофрениянинг оғир шаклидир. Қабул қилиш функцияларининг оғир ривожланмаганлиги кузатилади. Ён атрофдагиларга бўлган мунособат ўта суст ёки айтиб бўлмас даражада. Ўз шахсини зўрға танийди. Онг деярли йўқ (алогия). Унга мурожаат қилинганда унинг маъносига эмас, интонациясига қараб, нутқи, мимика, имо-ишора билан бўлади. Нутқнинг ўзига хослиги идиотиянинг қай даражада чуқур бўлганлигига боғлиқ. Нутқ маълум товушлардан иборат бўлади ёки ўз ичига 1 та сўз йиғиндисини олади (от, ёки феъл, кўпроқ ноаниқ феъл). Грамматик боғловчиларсиз, талаффузнинг ўта бузилганлиги, маъносини тушуниб бўлмаслик кузатилади.

Хамма нарсага бефарқ асосий ҳис-ҳаяжон жисмоний бўлиб, физиологик талабга эга оддий хурсанд бўлиш, рағбатланиш, овқатланиш, иссиқлик талабларини қондириш буларнинг бари соматик қониқиш ҳисобланади (огофат, онанизм бармоқларни сўриш, турли предметларни чайнаш). Совуққотиш очлиқ оғриқ каби ҳиссиётлар салбий ҳиссиёт уйғотади. Ҳис-ҳаяжонларни билдириш жуда оддий. Кўрқув аффекти, негатив ҳолатларнинг пайдо бўлиши кўпроқ янги, нотаниш нарсалар билан дуч келганда юзага келади. Бироқ идиотиянинг енгилроқ шаклларида ижтимоий ҳиссиётлар борлиги кузатилади. Уларни овқатлантирган, караган одамларга суяниб боғланиб номиш камчиликлар ҳақида гапирганда бир оз ҳаяжон, мактаганда хурсанд бўлиш. Умумий тавсифнома берадиган бўлсак ё эйфорин элементлари билан яхши ёки апатия ва бўшашганлик, хафа бўлиш ва жажли чиқиш камроқ учрайди. Моториканинг ривожланмаганлиги мимиканинг ўта камбағаллигида сезилади. Бунда ҳаракатнинг бир хил ва секинлиги, улар координациясининг бузилиши, хатто бу бузилиш туриш ва юриш кўникмалари бузилганлигини кўрсатади. Мақсадли ҳаракатлар умуман йўқ. Ўз-ўзига хизмат кўникмалари йўқ. Хулқ аргвор ё инстинкт талабалар остида, ё элементар аффектив ва ҳаракатлар реакцияларининг ташқи таъсир асосидаги натижаси. Баъзи касаллар ўз холига ташлаб қўйилган, баъзи касаллар ётади ёки ўтиради, ташқи муҳитга бутунлай бефарқ бошқалари эса жонсарақ, мақсадсиз кимирайдилар. Ҳаракат стереотиплари тананинг ритмик кимираши билан характерланади, бошлар бир хил кимирайди.

Неврологик статусларда кўпроқ бош мия деформацияси парезлар, параличлар, тутқаноқ тутишлар учрайди. Жисмоний ривожланишнинг чуқур камчиликлар қисми: тананинг чуқур дисплазияси, тери ривожланишидаги порок, ички органлар, эндокринологик алмашувнинг бузилиши.

Олигофрения системаси

Олигофрениянинг этиологик турли туманлиги, унинг клиник шаклининг полиморфизми ёндошиш чиқиш нуктаси (генетика йўналиши бўйича ёки психиатрия, дефектология, психология) унинг классификацияси вариантларини кўп томонликка олиб келдилар. Юқоридаги келтирилган классификация бўйича акли заифликнинг оғир даражаси (идиотия, имбецил, дебил) дир. Кўпгина чет эл классификацияси, психологик критериядан келиб чиққан ҳолда интеллектуал ривожланмаганлик даражаси акли заифлик қобилятининг маълум коэффицентига асосланган.

Камчиликнинг келиб чиқиши, тузилиши, интеллекти сақланганлиги ҳақидаги ҳисоботнинг йўқлиги машҳиз қўйиш мақсадида ва билим беришнинг адекват усуларини танлашда қийинчиликлар туғдиради. Сўнги вақтларда қатор табиий фанларнинг ривожланиши натижасида олигофрениянинг этиологик ва патогенез ҳақидаги маълумотлар кўпайиб, этиопатогенетик принциплар асосида медицинада олигофрениянинг классификацияси катта ўрин эгаллаб бормоқда. Хозирда Г.Е.Сухарева (1965-72) классификацияси энг кенг тарқалган ҳисобланади.

У томонидан олигофрениянинг қўйидаги шакллари ажратиб кўрсатилган:

1. Эндоген табиатли олигофрения:

- а) даун касаллиги;
- б) хақиқий микроцефалия;
- в) туғма олмашинувидаги бузилиш шартли олигофрения;
- г) тери ва суяк бузилишлари билан биргаликда келган олигофрения.

2. Эмбрио ва фетопатик олигофрения:

- а) она ҳомиладорлик вақтида қизамиқ билан оғриши натижасидаги олигофрения;
- б) бошқа вируслар натижасида олигофрения (грипп, сарик касал);
- в) туғма сарғилик натижасидаги олигофрения;
- г) она организмида токсин факторлар ва гармонал бузилиши натижасидаги олигофрения;
- д) чақалоқнинг гемолитик касаллиги натижасидаги олигофрения.

3. Туғилиши ҳамда чилла давридаги турли таъсир натижасидаги олигофрения:

- а) туғма травма ва асфексия билан боғлиқ олигофрения;
- б) чилла даврида бош миёга травма олиш натижасидаги олигофрения;
- в) чилла вақтида менингит, менингоэнцефалит, энцефалит билан оғриши натижасидаги олигофрения.

Қатор олигофрения классификацияси клиника патогенетик принципа қурилган (М.С.Певзнер 1959, 1965, 1979; С.С.Мнухин 1961; О.Е.Фритеров 1954; Д.Е.Мелехов 1965; Г.Е.Сухарева 1965; Д.Н.Гесаев 1970).

М.С.Певзнер классификациясида асосий интеллект дефекти тузулишига, характеристика бериш билан бир қаторда нейродинамик, психопатологик ва бошқа бузилишлар дифференцияланиб, иш қобилияти ва бўлиш фаолиятига турлича таъсир эта оладиган бошқа бузилишлар ҳам кўрсатиб ўтилган.

Психоло-педагогик коррекция услубларни дифференциялаш мақсадида систематик олигофренияга бундай ёндошиш унумли бўлди.

М.С.Певзнер олигофрениянинг қуйидаги асосий формаларни ажратди:

- 1) олигофрениянинг энгил шакли;
- 2) нейродинамик жараён бузилиши натижасидаги олигофрения;
- 3) психопатологик шакл хусусиятига эга бўлган олигофрения;
- 4) турли анализаторлар бузилиши натижасидаги олигофрения;
- 5) пешонадаги камчиликлар натижасидаги олигофрения.

Қуйидаги олигофрениянинг клиник шакллари асосан шу классификацияга асосланган.

Олигофрениянинг клиник шакли

Олигофрения клиник кўриниши психик ривожланмаганлик белгилари билан ҳар доим ҳам тугамайди. Бош миё жароҳати онтогенез даражасига етганда, ақли заифлик филогенетик ҳолатга келиб янги миё заррагалари пайдо

бўлади, бунда шу даврдаги ёмон таъсирлар маълум структура етилишига келиб, ақли заифликка эмас, жароҳат таъсирига учрайди. Кўпроқ бу қобик остига тааллуқлидир. Олигофрениянинг асоратли шакллари патогенезида тўқима шаклидаги шамоллаш асоратига ўхшаш қолдиқ катта роль ўйнаб, бунда атрофик белгилар, линвородинамик бузилишлар, гидроцефалия кўринишлари кузатилади. Бу ҳолатда психик ақли заифлик нейродинамик ва энцефалопатик бузилишлар билан бирга келади. Бунда психик тормозланиш, хаяжонланиш, церебрастик, неврозоподоб, психопатик, эпиллептиформадаги камчиликлар кўринишлари ҳам кузатилади.

Олигофрениянинг бир қатор кўринишлари чуқур ақли заифликнинг локал функциялари жароҳатлари баъзи анализаторларнинг бузилишлари билан биргаликда келиши мумкин.

Олигофрениянинг оғир бўлмаган шакли

Олигофрениянинг оғир бўлмаган шаклининг клиник кўриниши ҳам статик, ҳам динамикада юқорида кўрсатиб ўтилган турли даражадаги психик ва саматоневрологик чекланишга эга. Психик имкониятлар у ёки бу анализаторларнинг бузилиши, психомотор сустлиги церебрал астения, аффектив бузилишлар, патологик кўникшилар, тутқаноқ тутшиларда ишлатишга имкон беради. Шахснинг интеллектуал меҳнат фаолиятидаги ютуқлари даражаси билан тўғриланади. Бу болалар одатда мулойим, бир тартибда, тарбияли, хулқли бўлади. Улар қобилиятига мос иш билан шуғулланганларида диққатли, ташкилий бўладилар. Улар оила аъзоларига, ўқитувчиларига, тенгдошларига ўта боғланган бўладилар, одатда уй ишларига, жон дили билан ёрдам беради.

Мактабдаги ютуқларидан қувонади, камчиликларидан қуюнади. Улар тортиниш, уялишни биладилар.

Эмоционал ҳисларнинг маълум даражада сақланганлиги, уларга шароитни тушунишга атроф-муҳимга мослашишга, янги кўникмалар ҳосил қилишга ёрдам беради. Бироқ шуни эсдан чиқармаслик керакки олигофрениянинг енгил даражаларида эмоционал ҳолат сақланганлиги етарли бўлади. Интеллектуал камчилик кўп ҳолларда элементар ҳоллардан ҳисобга олишдаги камчиликларни яширади. Бу камчиликлар бола оммавий мактабга боранда ёки у ерда 1-2 йил бўлгач; юзага чиқади ва кўринади.

Ёрдамчи мактабларда болалар дебилнинг оғир бўлмаган шакллари ташҳизи билан режада назарда тутилган билим ва кўникмаларни бемалол ўргана оладилар. Олигофрениянинг оғир бўлмаган шаклида неврологик бузилиш, тана дисплазияси олигофрениянинг оғир шаклига нисбатан камроқ кўринишга эга бўлади.

Электроэнцефалограммада альфа ритм доимийлиги бузилганлиги дизритмия кузатилади. Кўпинча электроэнцефалограммадаги ўзгаришлар ёш нормаларидан ҳам бўлиши мумкин.

Нейродинамик бузилиш натижасидаги олигофрения

Олигофрениянинг нейродинамик бузилиш натижасидаги шакли интеллектуал ривожланмаганлик, психомотор тўхталиш билан ёки ўта тўхталиш билан биргаликда келиши мумкин.

Биринчи кўринишда ҳаракат (секинлашувчи натижасида) тўхталишида - интеллектуал фаолият, иш қобилият, психик ривожланиш, импульсивлик, диққатсизлик, аффектив кўринишларда қийналади.

Иккинчи кўринишда интеллектуал ривожланмаганлик ҳаракатдаги эмоционал тўхталиш ҳолатини чуқурлаштиради. Бу болаларда ишлаш қобилиятининг сусайиши церебрастеник бузилиш билан боғлиқ бўлиб, тез чарчаш, бош оғриғи, вегетатив дистония кўриниши, невроз сифат ҳафачилик кузатилади. Нейродинамик бузилиш олигофрениянинг турли этиологиялари кузатилиши мумкин.

Бу ҳолат кўпроқ олигофрениянинг туғма травма ва асфиксия, болалик вақтида оғир инфекция билан оғриганлик шаклларида учрайди олигофрениянинг қуйидаги вариантига апатико-адиналик бузилиш ҳам киритиш мумкин. Бунда гап психик жараённинг оғир бузилиши, фикр тарқоқлиги, умумий психик шу билан бирга моторик, беғамликнинг бир бири билан уйғунлашиб келганлиги устида бормоқда.

Бундай ҳолатлар олигофрениянинг туғма микседемлари, цереброэндокринологик бузилишлари натижаси юзага келган ҳолатларда кузатилади. Электроэнцефалограммада дизритмия, альфарима частоталари бузилишлари (апатико-адиналик белгиларида у секинлашади) тета ва дельта силкинишлари кузатилади.

Психотоп ўқшаш бузилишлар натижасидаги олигофрения

Психотоп бузилишлар натижасидаги олигофренияларда психик ақли заифлик билан чуқур аффектив ҳаяжонланиш уйғунлашиб келиб, яқинлашувнинг чекланганлиги (жинсий, норин тўй маслик, дайдирашга бўлган эҳтиёж, ўғрилиқ) олигофрениянинг бу тури тилик бўлиб шартли пастонал бузилишлари (менингоэнцефалитлар) менингитлар, травмалар патологик жараён бўлиб биргаликдаги йиғилишидир. ЭЭГ нинг полиморор кийшиқ ва ёмон альфаритм фонида юқори амплитуд тета ритмлари кўриниб, билатерол ёпиш юқори амплитуднинг секин кимирлаши, бош мия тузилиши корка ости кизиқишга йўналтирилган бўлади.

Тутқаноқ бузилиш натижасидаги олигофрения

Тутқаноқ бузилиши натижасидаги олигофрения, эпилептик форма бузилиши асорати бўлиб, олигофрениянинг турли ақли заифлик турлари билан бирга турли тутқаноқ кўринишларида (очиқ ёки кичик ёкилишлар, эпилептик эквивалентлар аб санслар) бўлади. Олигофрениянинг бу шакл

кўринишлари кўпинча туғиш давридаги кейинги ва чилла вақтидаги инфекция ва травмалар натижасида юзага келган миёдаги чандиқлар асоратидир. Бирок у генетик шартлар асосида тутқаноққа бўлган мойиллик ҳам бўлиши мумкин. ЭЭГ да эпилептикнинг фаол шакллари порок сизмал ёниш деб ҳисобланади пик-волнлар ёки турли эпи-эквивалентлар кўринишида бўлади.

Пешона функцияси бузилиши натижасидаги олигофрения

Пешона функциялари бузилиши натижасидаги олигофренияда мақсад йўналиши натижасида онг чуқур жарохатланган бўлади. Баъзи болаларда бўшашган, пассив, ҳаракатда чекланганлик, автоматик бўй сунтишлик кузатилади. Бошқаларида импульсивлик, чўзилганлик, бегабаб ҳаракатлар кайфиятнинг эйфорит кўринишда бўлиши, ҳар бир нарсага диққатини бўлавериш ҳоллари кузатилади. Маъносиз ўзига хос нутқ, бошқалар гапларини тушунмасдан, ўйламасдан такрорлаш ҳоллари ҳам учрайди. Шахсий ўта ривожланмаганлиги, уялишнинг йўқлиги, ўзига ва ўзларига баҳо бера олишнинг йўқлиги, кўркув аразлаш ҳолатларининг йўқлиги кузатилади. Электроэнцефалограмма кўпол бузилган: альфа-ритм бузилган; дельта ва тета тебраниш характерлидир. Бундан ташқари миёа худудидаги бош миёа қобиғи бета ритмининг гиперсинхроника сининг бузилиши.

Маълум анализаторлар бузилиши натижасидаги олигофрения

Маълум анализаторлар бузилиши натижасидаги олигофренияда миёанинг умумий ривожланмаганлиги билан бир қаторда қобиғ бузилиши ҳам кузатилади. Бунда ақли заифлик кўз, нулоқ, нутқ, суянч – ҳаракат – аппаратлари бузилиши биргаликда келади. Нутқ системасининг оғир бузилиши натижасидаги олигофренияда нутқдаги камчиликлар психиканинг бирламги камчилиги ўхшаб келади. Кўргазмали қуролларсиз ўтказилган нутқ йўналишидаги топшириқлар болаларда катта кийинчиликлар ўйғотади оддий сўзларни тўғри ёзишда, бу сўзларни бузиб талаффуз қилиниши, товуш ҳарор анализи жараёнидаги кийинчиликлар фонематик ёзувда тўғринликларга дуч келишига сабаб бўлади.

Неврологик текширувларда лаб ват ил апраксияси қўплаб учрайди. Олигофренияда бош миёа моторидаги камчиликлар, интеллектуал камчиликлари кўпинча церебрал паралич кўринишлари билан биргаликда келади. Ҳаракат анализаторларида бўлган камчиликлар интеллектуал дефектларга таъсир этиб, оддий ҳисоб операциялари ўтказишга тўсқинлик қилади. Олигофрениaning этиологиясида умумий психологик камчиликлар баъзи анализаторлардаги ўзгариш ва камчиликлар билан уйғунлашган ҳолда келади. Бунга алмашилиш процессидаги камчиликлар, ички утроб ривожланишдаги, туғми даврида орттирилган травмалар (резус - конфликт), чилла даврида орттирилган травмалар кириб, улар генетика шакллари ҳисобланадилар.

ДЕМЕНЦИЯ (Органик деменция)

Органик деменциянинг этиологияси олигофрениянинг этиологиясига қисман ўхшаш бўлди. Органик деменцияни келтириб чиқарувчи сабабларига бош миянинг юқумли, травматик, интоксикацияли жароҳатланиши, марказий нерв тизимининг дегенератив касалликлари, моддалар алмашинувининг бузилишлари киради. Деменциянинг патогенез ива клиник намоён бўлиши хусусиятларини аниқлайдиган тафовут саябий таъсир қилиш вақти билан боғлиқдир. Органик деменция кўпинча 1,5-2 ёшдан сўнг, яъна мия тузилмаларининг кўпгина қисми шаклланиб бўлган вақтда бош миянинг жароҳатланишидан келиб чиқади.

Шунинг учун патоген агент мия тузилмаларининг кейинги шаклланишига тўсқинлик қиладиган омил бўлиб қолмасдан, балки ушбу тузилма ва унга боғлиқ функцияларни ҳам жароҳатлайди. Миянинг органик жароҳатланишининг асоратлари натижасида (инфекциялар, интоксикациялар, травмалар) келиб чиққан резидуал деменцияни ҳамда бош мияда юз бераётган органик жараёнларга (яллиғланиш, дегенератив, атрофик, алмашинув нуқсонлари) ажратадилар. Бош мияда юз бераётган органик жараёнларга боғлиқ деменцияда касаллик учайиб психик дегарадацияга олиб келади, аввалги эгалланган малака ва билимлар йўқолиб боради.

Органик деменциянинг клиник-психологик кўринишида уни олигофрениядан фарқлайдиган бир қатор хусусиятлар мавжуд. Бунда энг аввало интеллектуал нуқсоннинг ўзгача тузилишидир. Органик деменция учун олигофреник ақли заифликнинг асосий белгиларининг, яъни тоталлик ва ривожланмай қолишнинг иерархлиги хос эмаслигидир. Деменция учун интеллектуал нуқсонларнинг парциаллиги характерлидир. Жароҳатнинг локализациясига боғлиқ бир интеллектуал функциялар кўпроқ бузилиши, бошқалари эса нисбатан сақланиб қолиши мумкин. Масалан, травматик деменция учун хотиранинг бузилиши; нерв тизимининг инфекцияли жароҳатланишига боғлиқ деменцияга диққатнинг қўпол бузилишлари хосдир.

Олигофрения учун хос бўлган ривожланмай қолишнинг иерархлиги шунда намоён бўладики, бунда кўпинча тафаккур умумий бузилиши эмас, балки алоҳида интеллектуал функциялар, психик жараёнларнинг суръати ва подвижность нуқсонлари яққол ифодаланган бўлади. Масалан, ихтиёрий хотира, фаол диққатнинг қўпол бузилишлари, доимо ташқи таъсирларга чалғиш кўп намоён бўлади. Кўпинча олий пўстлоқ функцияларининг локал нуқсонлари: кўрув – фазовий синтезнинг бузилишлари, акустик агнозия ҳодисалари кузатилади.

Кўпинча нуқсонларнинг локал характердалиги органик деменцияда ва нутқ бузилишларига ҳам хосдир (мотор, сенсомотор алалия ва афазия), олигофренияда эса нутқнинг ривожланмай қолиши асосан унинг камбағаллиги, сўз бойлигининг камлиги, агграматизмлар, товушлар талаффузининг бузилишларида намоён бўлади. Қоидага баноан, деменцияда олигофренияга қараганда нейродинамик бузилишлар кўп ва равишда намоён бўлади: булар тафаккурнинг кескин секинлиги, персеверацияга мойилликда кўринади. Умумлаштиришнинг етарли даражада эмаслиги доимо кузатилади,

аммо юқорида кўрсатилган алоҳида интеллектуал функциялар кўпроқ бузилган бўлади.

Тафаккурнинг нуқсонлари фақатгина умулаштириш функциясининг заифлигига эмас, балки фикрларнинг мақсадга йўналтирилмаганлиги, кетма-кет эмаслиги ёки истикларнинг бўш, пассивлигига боғлиқдир. Агар олигофренияда энцефалопатик (церебрастеник, эпилептик, психопат шаклдаги, апатико-динамик) бузилишлар фақатгина мураккаб шаклларида кузатилса, деменция учун эса психомотор кўзғолувчанлик, импульсивлик, ҳаракат стереотиплари билан ифодаланган психик заифлашиш ёки аксинча, апатия, адинамия характерлидир. Деменцияда олигофренияга қараганда эпилепсия шаклидаги бузилишлар: умумий ва фокал тутқаноқлар, чатак, талвасасиз пароксизмлар кўп кузатилади.

Деменцияда намоён бўлишида анча оғир кўринишдаги мойилликлар мавжуд бўлган психопатлик каби бузилишлар ҳам кўп учрайди. Аффектив бузилишлар: ҳаракатлар кўзғолувчанлигидаги эйфория, кўп гапириш, жиннилик қилиш (дурашливость) ёки гумонсирал билан дисфория, агрессияга (иамовузкорликка), жахлдорликка мойилликлар кузатилади. Органик деменциядаги асосий нуқсонлар – шахснинг ўзгариши, танқийдийликнинг бузилишидир. Фақатгина айрим болаларгина ўзларининг нуқсонларини сезадилар. Кўпчилик болалар ўз нуқсонини англамайдилар.

Улар беғам ёки апатик бўладилар, машғулотларга қизиқмайдилар, баҳоларга бефарқ қарайдилар, келажакка режа тузмайдилар. Ўз шахсига эмас, балки атрофдагиларга ҳам танқидий бўлмаслик хос бўлади. Кўпинча бемор содда реал (ҳақиқий) вазиятни ҳам тўғри баҳолай олишга қодир бўлмайди.

Мақсадга интилиш, танқийдийликнинг йўқлиги, шунингдек яққол ифодаланган нейродинамик ва энцефалопатик бузилишлар фаолият нуқсонларини чуқурлаштиради ва улар интеллектнинг пайайишига қараганда кўпол характер касб этиди. Таълимдаги самаралилик, шароит ва ўз имкониятларига мос ҳаракат қилиш қобилиятлари ҳатто яққол ифодаланган интеллектуал ривожланмай қолганлик кузатилмаганда ҳам анча пасайган бўлади.

Жисмоний жиҳатдан беморларда олигофрения учун хос бўлган (агарда генетик жиҳатдан кучайиб кетаётган касалликлар бўлмаган ҳолларда) гавда тузилиши ва калла суягининг дисплазияси, турли системалар ривожланишидаги бузилишлар кузатилмайди. Кўп ҳолларда органик деменцияни ташхис қилишда анамнестик маълумотлар муҳим аҳамиятга эга: боланинг дастлабки ва ўз вақтида тўғри ривожланиши, церебрал жароҳатланиш симптомлари билан бирга келадиган мия травмаси ёки инфекциси мавжудлиги, боланинг билим, кўникма, малакаларининг йўқолиб бориши, фаоллик ва ташаббуснинг пасайиши ва ҳақозо. Неврологик ва энцефалопатик бузилишларнинг кечроқ кўшилиши ҳам деменцияга хос бўлади.

Эпилептик деменция

Талвасали тутқаноқ билан биргаликда келаган ҳар қандай ақли қоқоқликни эпилептик ақли заифлик деб кўрсатиб бўлмайди. Эпилептик деменция (эпилептик ақли заифлик) фақатгина эпилептик касалликда – миянини генетик орттирилган, кўпинча эса тўғма органик касаллигида кузатилиб унинг асосий симптомлари (белгилари) эпилептик тушқаноқлар (ангаклар, талвасалар); тафаккурнинг ўзига хос хусусиятлари (ёки ақли заифлик тузилишининг ўзига хослигида), ҳиссий-иродавий доиранинг ўзига хос хусусиятларида намоён бўлади.

Эпилептик ақли қоқоқлик органик деменциянинг вариантыни ҳисобланади ва шунинг учун кўп жиҳатдан унга ўхшайди, аммо бир қатор белгилари билан фарқланади. Масалан, эпилептик ақли қоқоқликда интеллектуал нуқсон тузилишида тафаккурнинг (фикрлашнинг) қийинлиги устун туради. Эпилептик деменция учун нутқнинг, ўқиш, ёзиш ва ҳисоблаш ва эса тушириш жараёнларининг кескин секинлашиши хосдир. Эпилептик деменцияда психик кўчишнинг (переключаемость) секинлиги, сустлиги, ҳаддан ташқари деталлаштириш ва педантик, асосийларини ажрата олмай эътиборга молик бўлмаганларида ўралашиб қолишга мойиллик характерлидир. Ҳиссий-иродавий доирадаги ўзгаришлар ҳам диққатни ўзига тартади.

Кайфиятнинг умумий фонида ҳўмрайганлик, қовони солиқлик устун бўлади. Кайфиятнинг сабабсиз ўзгаришлари дисфория характерига эга бўлади. Газабланиш, аччиғланиш каби аффектлари кузатилади. Наслий характердаги эпилептик касалликларда би поляр аффектлар, яъни кек (гина) сақлаш, ўч олишлар хиралик шилқимлик билан ёқиш, кўнглини олиш, экзалтацияга мойиллик билан биргаликда келиши кузатилади. Тез-тез ва кенг ейилган эпилептик тутқаноқлар интеллектуал ривожланишга жуда салбий таъсир кўрсатади.

Шизофрениянинг клиник-психологик тузилишда турли асосий (салбий) ва кўшимча (продуктив) белгилар ажратилади. Салбий (негатив) белгиларга қуйидагилар киритилади:

1) аутизм – ҳақиқат (реаллик) билан алоқани заифлашуви, ташқи дунёдан ажралиб олиш, одамовилик, атрофдагилар билан алоқа қилиш эҳтиёжининг йўқлиги, фантазиялар, аутик уйинлар ва қизиқишлар дунёсини афзал кўриш;

2) ҳиссий ўзгаришлар – ҳиссий реакцияларнинг мос эмаслиги, яқинлари билан ҳиссий боғланишнинг заифлашуви, ҳислар ва кечинмаларнинг ёрқинлиги ва равшанлиги пасайади;

3) тафаккурини (фикрлашнинг) бузилишлари – аввал унинг парадоксаллиги (соғлом фикрга қарама-қарши бўлган ўзига хос фикрлаш), символлиги кейинчалик мулохазаларнинг заифлашувига олиб келадиган рзонерликка мойиллик, интеллектуал самарасизлик. Ушбу асосий белгиларнинг ифодаланиш даражаси шизофреник нуқсоннинг асосий оғирлигини белгилаб (аниқлаб) беради.

Шизофрениядаги аффектив, галлюцинатор, алаҳлаш, неврозга ўхшаш, ҳаракатли (кататоник) синдромлар, онгнинг бузилишлари касалликни кечишининг ўткирлигини акс эттиради.

Назорат саволлари:

1. Ақли заифликнинг клиник таснифлаб беринг.
2. Ақли заифлик тушунчаси ва унинг клиник кўринишларини батафсил изохлаб беринг.
3. Олигофренияда ақлий ривожланмаганлик даражалари.
4. Деменция ва унинг кўринишлари.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. П.М. Пўлатова “Олигофренопедагогика” Тошкент 2005 йил.
2. В.С. Рахманова “Махсус педагогика” Тошкент 2004 йил.
3. Выготский.Л.С. «Проблема у отсталости» Москва 1956 йил.
4. Под ред. Дульнева. Г.М.»Коррекционная роль обучения в школе» М.1971 й.

6.3. Мавзу: Олигофренияга ўхшаш бўлган баъзи ҳолатларнинг тавсифи.

Режа:

1. Инфантилизм туридаги психик жисмоний ривожланиши суи болалар
2. Астеник ва психопат хулқидаги болалар
3. Эшитиши ҳамда нутқи ривожланмай қолган болалар
4. Педагогик қаровсиз болалар.

Таянч иборалар: (Инфантилизм, астеник, психопат хулқидаги болалар педагогик қаровсиз болалар)

Умумтаълим мактабларида ўзлаштирмовчи ўқувчиларни ўрганиш улар орасида илк ривожланиш даврида баъзи бузилишлар бўлган болалар ҳам учрашини кўрсатади. Бундай болалар олигофренларга ўхшаса ҳам, ҳақиқатан бундай бўлмайди. Ўз вақтида ва тўғри, малакали ёрдам кўрсатилганда бу болалар аста-секин ўз тенгдошларига етиб оладилар ва ўзлаштирувчи ўқувчилар орасига қўйишладилар. Аммо, баъзан бундай болалар ёрдамчи мактабга юборилади. Болаларда олигофренияга ўхшаш ҳолатлар кўпинча марказий нерв тизимидаги ўзгаришлар натижасида келиб чиқади.

Бундай ўзгаришлар болаларнинг алоҳида нерв-психик тизимининг ривожланиши ва фаолиятига, шунингдек бутун организмнинг ҳолати ва ривожланишига салбий таъсир кўрсатади.

Олигофренияга ўхшаш ҳолатларни келтириб чиқарадиган сабаблар турлича бўлиши мумкин. Олигофренияга ўхшаш баъзи ҳолатларни кўриб чиқамиз.

Инфантилизм туридаги психик жисмоний ривожланиши суст болалар.

Психик ва жисмоний ривожланишнинг вақтинчалик сустлашиши бола организмига турли салбий зарарлар таъсири натижасида юзага келади. Уларга, масалан, хромосомаларнинг бузилишлари, ҳомилалик даврида марказий нерв тизимининг мароҳатланишлари, эндокрин етишмовчиликлар, асфиксия ёки туғилишдаги енгил жароҳатлар, нурланиш ва ҳ.к.лар киради.

Кўрсатиб ўтилган сабаблар умумий ҳолсизланишга, организмнинг заифлашуви ва ривожланиш суръатининг бўзилишга олиб келади. Бундай болаларда жисмоний ва психик ривожланишнинг сустлашиши кузатилади. Инфантил болалар одатда бўйи паст, гавда тузилиши тўғри бўладилар, болаларнинг кўпчилигида жинсий тизимнинг ривожланмай қолиши жинсий етилишнинг орқада қолиши ва иккиламчи жинсий белгиларнинг кеч ривожланишига олиб келади.

Инфантил болалар тенгдошларидан психик ривожланишда орқада қоладилар. Қизиқишлари доираси ўйин фаолият билан чегараланади. Ўйин жараёнида улар ўзига-ўзи хизмат қилиш маликаларини ўзлаштирадилар, аммо ундан кам фойдаланадилар. Мустақил ўйин мазмунли, қизиқарли ўлиб кўп вақт давом этиши мумкин. Инфантил болаларнинг луғат захираси бой; улар ҳикоя, эртак ва ҳ.к.ларнинг маъносини, мазмунини тушуна оладилар.

Ёрдамдан яхши фойдалана оладилар. Сухбат жараёнида ва топишриқларни бажаришда аввалги тажрибаларини қўллай олиш кўникмасига эга бўладилар. Инфантил болалар учун хулқнинг мураккаб шакллариининг ривожланмай қолганлиги хосдир. Уларда фаолиятнинг барча турларининг фаоллиги функционал пасайган бўлади.

Мактабда ўқишда бундай болалар катта қийинчиликларга дуч келадилар, зарур вақтда фаол равишда ишлай олмайдилар, тез толиқиб, чалғайдилар. Шунинг учун улар мактабдаги малака ва билимларни қийинчилик билан ўзлаштирадилар. Олигофренларда фарқли инфантил болалар фаол фаолият даврида диққатларини жамлай оладилар (одатда қисқа вақт оралиғида) ва ақлий имкониятларини намоён этадилар.

Аммо психик фаолиятдаги бузилишлар натижасида ўзлаштирамовчи ўқувчилар орасига кўшилиб қоладилар. Махсус даволиш (умуммустаҳкамловчи терапия, симптоматик даволов, сув муолажалари, гимнастика ва бошқалар), бола имкониятларини эътиборга олган ҳолда ўқитиш (енгиллаштирилган кун ратиби, якка ҳолдаги педагогик ёрдам ва ҳ.к.), уйда яхши шароит яратиш бундай болаларнинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Астеник болалар

Болаларда астеник ҳолат соматик ва юқумли касалликлар, жароҳатланишлардан сўнг юзага келади. Астеник ҳолат учун касалликнинг характери ва бола организмнинг ҳимоя хусусиятларига боғлиқ марказий нерв тизимининг салбий таъсирларга бўлган турли реакциялари хосдир. Салбий

таъсирларга реакция қисқа вақт давом этиши мумкин. Алоҳидаҳолларда узокроқ ва оғир давом этадиган нерв-психик заифлашув кўринишидаги, қон ва лимфа айланишидаги ўзгаришлар намоён бўлади. Касалликдан сўнг марказий нерв тизимининг енгил жароҳатланиш ҳолларида болалар таълим олишда ўз тенгдошларидан вақтинчалик орқада қоладилар. Оғирроқ ҳолларда эса уларни синфда қолдирилади, баъзан эса ёрдамчи мактабга ўтказиш масаласи кўрилади.

Астеник болаларда тез нерв дармонсизлиги, фаол диққатнинг заифлиги ва тарқоқлиги, иш куни давомида фаолият самаралилигининг бир хил бўлмаслиги, иш қобиляти, хотиранинг пасайиши (содда масала, мисолларнинг ва ҳ.к.ларнинг шартларини эслаб қололмайдилар) кузатилади. Ёзувда ҳарфларни ташлаб кетиш, сўзни охиригича ёзмаслик, ҳарфларни алмаштириш ва бошқа хатолар кузатилади. Толиқиш ҳолатда хатолар сони кўпаяди, ҳарфинлик кузатилиб машғулотларга қизиқиш йўқолади. Астеник болаларда кўпинча қизариб кетиш, оқариб кетиш, кўп терлаш (айниқса кафтларнинг) каби вегетатив реакциялар, уйқу ва шитаҳанинг бузилиши, бош оғриғи ва бошқа ўзгаришлар кузатилади.

Астеник болаларда ёруғлик ва товуси таъсирлагичларга сезгирлик кучайган бўлади. Бу болаларда кайфиятнинг ўзгариб туриши, йиғлоқлик ва аразчанлик кўзатилади. Баъзиларига берилувчанлик, апатия хос бўлади. Астеник болалар олигофренияга қараганда анча юқори ақлий фаолиятга қобилятли бўладилар. Аммо дифференциал ташхис қилиш кўпинча қийин бўлади. Шунинг учун астеник боланинг ҳақиқий имкониятларини аниқлашга анча кўп вақт сарфланади. Бундай болаларни соматик заифлашган болалар учун махсус санаторий (оромгоҳ) ларга юбориш маъқул. Бундан ташқари, амбулатор шароитда комплекс даволашни (қатъий ўрнатилган кун тартиби, спорт билан шуғулланиш, сув муоламалари, бадантарбия, физиотерапия ва дори-дармон билан даволаш) ўтказиш мумкин.

Қулай, авайлаш шароитидаги таълимда ва зарур бўлган даволов ишлари борилганда астеник болалар аста-секин чиниқиб борадилар ва жисмоний жиҳатдан ривожланадилар. Миянинг функцетонал фаоллигини оширишга ёрдам берадиган шароит яратилганда қисман компенсация юзага келади, натижада бола умумтаълим мактабида ўқиши мумкин.

Психопат хулқидаги болалар

Психопатияга ўхшаш хулқ-болалар ёшида кўп кузатилиб, психопатияга киради. Психопатияда асосий симптокомплекс ҳали аниқланмаган, аммо кўпгина муаллифлар уни ҳиссий-иродавий доиранинг ривожланишидаги нуқсонлар (бузилишларга) билан боғлайдилар. Бундай бузилишлар боланинг шахси, хулқи ва характерида акс этади. Хулқ бузилишлари болаларни таълим олишини қийинлаштиради, кўпинча болалар умумтаълим мактабларида ўзлаштирмовчи болалар сафига қўшилиб қоладилар. Психопатияларнинг сабаблари турлича бўлиб, уларга генетик (наслий) ўтиш, мия инфекциялари, интоксикациялар (заҳарланишлар), оғир туғма жароҳатлар ва ҳ.к.лар киради.

Психопатияни ижтимоий муҳитдаги оғир шароит ҳам келтириб чиқариши мумкин. Психопатияга ўхшаш хулқнинг клиник кўринишлари ҳам хилма-хил. Бундай болалар учун кўзғолувчанлик, психомотор беҳаловатлик хосдир.

Улар кўпинча арзимаган сабаб билан асабийлашиб, қизишиб кетадиялар, баъзан тамовузкор бўладилар. Кайфиятлар тез ўзгариб туради. Иш қобилиятлари паст бўлади, уларнинг диққати тарқоқ бўлиб, топшириқларини бажаришдаги қийинчиликларни енга олмайдилар. Бошлаб қўйилган ишни кўпинча ташлаб қуйдилар, тез толиқидилар. Бундай болалар орасида кўрқоқ, ўзини ҳимоя қила олмайдиган болалар ҳам учраб туради. Психопат хулқига эга бўлган болаларни махсус психоневрологик санаторийларга юбориш мақсадга мувофиқдир. Устахоналарда меҳнат билан даволаш болаларни тинчлантиради, уларнинг ақлий фаолиятини ташкил этади. Хулқнинг патологик кўринишлари билан биргаликда ақли заифлик ҳам аниқланган ҳолатларда болаларни ёрдамчи мактабга юбориш зарур. Психопат ҳолат зўрайган, яққол ифодаланган можароли вазиятлар юзага келган ҳолларда болаларни касалхоналарга юбориш лозим.

Эшитишида нуқсони бўлган болалар

Болаларда эшитин нуқсонлари турли даражада бўлади. Эшиттишнинг у ёки бу даражада бўзилиши боланинг ақлий фаолиятига, нутқининг шаклланишига салбий таъсир этади. Эшитиш нуқсонларини келтириб чиқарадиган сабаблар турличадир. Уларга наслий омилларни, ҳомилалик ва туғилгандан сўнг илк риводланиш давридаги салбий таъсирлар киради. Эшитишнинг эрта бузилишига боғлиқ нутқ функциясининг шаклланиши ҳам бузилади. Бу боланинг психик ривожланишини чегаралайди, кейинчалик умумтаълим мактабларида таълим олишига тўсқинлик қилади.

Ақли заиф болаларни интеллект меъёридаги қар болалардан ажратиш осон. Ақли заиф болаларни заиф эшитувчилардан ажратиш мураккаброқ. Заиф эшитувчи болалар сўз бойлиги ва тушунчалари кам, нутқи аграмматик бўлади. Аммо улар янги сўзларни, тушунчаларни тез идрок этиб ва уларни нутқда қўллай оладилар. Уларнинг нутқи ўзига хос бўлади.

Кўпинча товушларни алмаштириш (айниқса жарангли ва жарангсиз товушларни ва ҳ.к.) кузатилади. Нутқнинг тушунарсизлиги асосан товушларни бузиб талаффуз этиш, қўшимчаларни ташлаб кетишга боғлиқдир. Оғзаки нутқ нуқсонлари ёзма нутқда ҳам акс этади (сўзларни охиригача ёзмаслик, ҳарфларни ташлаб кетиш, гаплар тузилишни бузилиши). Умумтаълим мактаблари шароитида бундай болалар ўзлаштирмовчи ўқувчилар сафига қўшилиб қоладилар махсус машғулотлар ўтилмаган заиф эшитувчи болалар оддий ҳолатларда ожиз, ночор бўлиб қоладилар, ақли заиф болаларга ўхшайдилар.

Аммо заиф эшитувчи болага яхши эшитиш талаб этилмайдиган мантиқий характердаги топшириқлар берилганда (классификация, расмларнинг сабаб-оқибат боғланишларини эътиборга олиш тахлаш) улар топшириўғри ва тез бажара оладилар. Анализаторларидаги нуқсонлар

натижасида келиб чиққан ҳолатни ақли заифликдан ажратишда ривожланишдан орқида қолишда нима асосий ва бирламчи нуқсон нималигини аниқлаш лозим: ақли заифлик асосий ва бирламчи бўлиб эшитишнинг, кўришнинг пасайиши билан биргаликда келганли ёки ривожланишнинг орқада қолиши анализаторлар бузилиши натижасида юзага келдими? Шунга боғлиқ равишда бола таълим олиши лозим бўлган мактаб тури ҳақидаги масала ҳал қилинади.

Нутқи ривожланмай қолган болалар

Нутқнинг ривожланмай қолиши унинг сенсор ёки мотор томонларининг бузилишларидан келиб чиқади. Кўпинча иккала функция ҳам бузилган бўлади. Нутқнинг ривожланмай қолиши сабабларига ҳомилалик давридаги турли салбий таъсирлар, туғилиш жароҳатлари ва асфиксия бола тўғилганидан сўнг нутқ марказларининг жароҳатланишлари киради. Мотор олалиядда фаол луғат мустақил равишда шаклланмайди ёки жуда секин шаклланади.

Алалик болалар фаол нутқдан фойдаланиш зарур бўлмаган топшириқларни бажонудил бажарадилар. Бундай болалар ривожланишдан сезиларли, равишда орқида қоладилар. Уларнинг тушунчалари ва тасаввурлари чегараланган бўлади. Баъзит болаларда ақлий ривожланишнинг сустлашиши яққол ифодаланган нутқ нуқсонлари билан биргаликда келади. Логопедик машғулотлар натижасида алалик болаларнинг нутқи ривожлана бошлайди. Аммо луғати, айниқса фаол луғат секинлик билан кўпаяди. Нутқда агграматизмлар кузатила бошлайди. Кейинчалик таълимда муаммолар, қийинчиликлар юзага келади. Нутқида сенсор бузилишлар устун бўлган болаларни ташхис қилиш жуда мураккаб. Бундай болалар нутқни тушунмайдилар.

Натижада нутқий алоқа қийинлашади бу эса ўз навбатида боланинг ақлий ривожланишига салбий таъсир этади. Мутахассис билан узоқ вақт давом этган машғулотлардан сўнг болаларда нутқга реакция, кейин эса мустақил талаффуз қилишга интилишлар пайдо бўлади. Дастлабки машғулотларда болалар нутқи алоҳида товуш бирикмаларидан, баъзан қисқа сўзлардан иборат бўлади. Луғат секинлик билан кенгаяди. Ташхис қилишдаги қийинчиликлар характери сабабли баъзан нутқида нуқсони бўлган болалар олигофрен болаларга олмаштириб юборилади.

Нутқида нуқсони бўлган болаларни текширишда кўргазмали қуроллар мақсимал даражада фойдаланиш жуда муҳим. Уларга бажаришда боладан фаол нутқ талаб этилмайдиган топшириқларни тавсия этиш лозим. Шу тарзда болада билим, тасаввурлар, ўйинни мустақил ташкил этиш ва ҳ.к.лар аниқланади. Мотор алалик болаларда енутқ бузилишларини ташхис этиш катта қийинчилик туғдирмайди.

Алоҳида ҳолларда нутқнинг ривожланмай қолиши ақлий фаолиятнинг ривожланмаганлиги билан биргаликда келиши мумкин. Бу ҳолатни болани

махсус нутқ мактабларида узоқ вақт олиб борилган иш натижасида аниқлаш мумкин.

Педагогик қаровсиз болалар

Ўз вақтида ва малакали ёрдам бўлмаган ва ёмон, номувофик муҳит ҳолларида юқорида кўрсатилган барча ҳолатларда педагогик қаровсизлик юзага келади. Педагогик қаровсизлик мутлақо соғлом болаларда ҳам жзага келиши мумкин. Педагогик қаровсизликнинг сабаби салбий биологик ва ижтимоий омиллардир. Салбий ижтимоий омилларга масалан, оиладаги тез-тез бўлиб турадиган можаро ва жанжаллар, болага бир-бирига зид бўлган талабларнинг қуйилиши, кун тартибига риоя қилмаслик, қаровсизлик, кучанинг таъсири ва бошқалар киради. Буларнинг барчаси боланинг мактабдаги таълимига салбий таъсир кўрсатади. Баъзан мактабдаги номувофик шароит ҳам (ўқитувчиларнинг тез-тез ўзгариб туриши, қолоқ ўқувчига ўқитувчининг нотўғри муносабати) муаммони мураккаблаштиради. Бундай болалар дарсларни кўп қолдирадилар, уйда топшириқларни бажармайдилар.

Улар берилувчан бўлиб ўқув жараёнига алоқадор бўлмаган барча ишга қўшиладилар. Ўз ҳоҳиш ва истакларини чегаралай олмайдилар, вақтдан тўғри фойдаланмайдилар. Уларда жавобгарлик ҳисси ва қатъийлик бўлмайди. Натижада бундай болалар мактабда зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларни эгаллаб ололмайдилар, таълим жараёнида ўз тенгдошларидан орқада қоладилар. Баъзан бу болаларни олигофрен болаларга ўхшатиб ёрдамчи мактабга юбориш масаласи қуйилади. Бундай болалар қулай шароитда ўз тенгдошларига етиб оладилар. Уларга оилада ва мактабда зарур шароитларни яратиб бериш лозим.

Ақли заифликни унга ўхшаш ҳолатлардан фарқлаш.

Ёрдамчи мактабларни комплектлаш масаласи ҳозирги замон педагогикасининг муҳим вазифаларидан биридир. Ёрдамчи мактабда ўқишга номзодлар орасидан ҳақиқий ақли заиф ва ёрдамчи мактабда ўқишга муҳтож бўлганларни ажратиш, аниқлаш муҳим ва жиддий вазифадир. Унинг муҳимлиги шундаки, бу вазифани ечилишда боланинг тақдири ҳал этилади. Ақли заифликнинг моҳиятини тушуниш ҳам илмий, ҳам амалий жиҳатдан муҳим бўлиб ушбу ҳолатни тўғри диагностикалашга ёрдам беради ва ёрдамчи беради ва ёрдамчи мактабларни комплектлашдаги хатоларни олдини олади. «Ақли заифлик» оддийгина қобилиятларни пасайиши, ақлнинг камлиги эмас, бу шахснинг барча томонларининг сифатини ўзгаришидир.

Болада ақли заифликда асосан интеллект бузилади, шу билан бирга ҳиссий, иродавий доирасида, ҳулқида сезиларли нуқсонлар, бузилишлар кузатилади. Педагогиканинг асосий масаласи ақли заифликни у билан баъзи умумий тамонлари бўлган, аммо ундан кескин фарқ қиладиган ҳолатлардан ажратишдир. Ақли заифлик билан чалкаштирилиб юбориладиган

ҳолатларнинг барчасида биз ақли заифлик характерланадиган ўзига хос томонларни ҳаммасини топа олмаймиз.. Синчиклаб таҳлил килинганда албатта интеллектнинг бузилиш чуқурлигини йўқлигини, ёки ушбу нуқсоннинг турғун эмаслигини ёки марказий нерв системасининг органик жароҳатланмаганлиги аниқланади.

Шундай белгиларнинг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги ақли заифликни диагностика қилишда мезон бўлиб хизмат қилиши лозим. Ёрдамчи мактабларни комплектлашда ақли заифликни унга ўхшаш ҳолатлардан ажратиш билан баҳоланган худди шу масалалар энг кўп қийинчиликларни келтириб чиқаради. Мактаб ёшидаги боланинг интеллект нормадалигини шубҳага олишнинг сабаби бўлиб унинг таълим жараёнида ўзлаштирмаслиги хизмат қилади. Ўзлаштирмасликни ақли заифлик билан ўхшатмоқ, чалкаштириш кўпол назарий ва амалий хатодир. Ўзлаштирмасликнинг энг кўп тарқалган сабаби боланинг мактаб таълимига тайёр эмаслиги, болада ўқув фаолияти заминлари ва малакаларининг шаклланмаганлигидир.

Болалар талабларга бўйсунитишга ўрганмаганлар, ишни охирига етказишни, топшириқларни бажаришда диққат қилишни билмайдилар, ишда мақсадга йўнала олмайдилар. Ўзлаштирмасликларнинг сабабларига шунингдек, мактаби ўқув-тарбия жараёнини ташкил этилишдаги турли камчиликлар (дидактик тамойилларнинг бузилиши, дарснинг методик жиҳатдан мукамал эмаслиги, ўқитувчининг педагогик малакасини пастлиги, боланинг ҳ.к.лар), боланинг оиладаги яшаш шароитининг яхши эмаслиги (оталар томонидан боланинг ўқишини назорат қилинмаслиги, ёрдам берилмаслиги, кун тартибига риоя қилмаслик, оиладаги можароли ваҳият) ҳам киради. Умумтаълим мактабларидаги барча ўзлаштирмовчи ўқувчиларни 2 гуруҳга ажратиш мумкин:

- умумтаълим мактабларида қолдириладиган ёки узоқ бўлмаган муддатга соғломлаштириш муассасаларига юрилиб яна мактабга қайтариладиган ўзлаштирмовчи болалар;

- нуқсон характериға кўра тегишли махсус мактабларга юбориладиган ўзлаштирмовчи болалар.

Умумтаълим мактабларида қолдириладиган ўзлаштирмовчи болалар. Аввало бор, бу гуруҳга педагогик назоратдан қолган болалар киритилади. Педагогик назардан қолган боланинг мактабгача тарбия давридаёқ оиладаги тарбиянинг ёмон шароитларидан келиб чиқиши ёки мактабда тажрибасиз ўқитувчининг қолоқ боланинг эътиборсиз қолдиришидан, ёки боланинг мактабга мунтазам равишда қатнамаслиги оқибатида келиб чиқиши мумкин. Одатда бундай ўқувчилар тегишли қўшилишлари мумкин.

Аксинча, бундай болаларга ўз вақтида ёрдам кўрсатилмаса, улар борган сари ўз тенгдошларидан орқада қолиб борадилар, таълимдаги муваффақиятсизликлар болаларда ўқишга нисбатан салбий муносабатни келтириб чиқаради, улар систематик равишда мактабдаги хулқ қоидаларни бузиб борадилар. Натижада умумтаълим мактаби бундай ўқувчини махсус мактабга ўтказишга ҳаракат қилади. Бу нотўғри қарор бўлиб масалани бу усулда ҳал қилиш мутлақо мумкин эмас. Умумтаълим мактабларида ақли

заиф бўлмасаларда ўқишда қийналадиган ўзлаштирмовчи болалар учрайди. Бирга ривожланиш вақтинчалик орқада қолган, яъни инфантил болалар киради.

Инфантил болалар психик ривожланиш бўйича ўз тенгдошларидан сезиларли орқада қиладилар. Уларнинг қизиқишлари ўйин фаолияти билан чегараланди. Ўйин жараёнида улар ўзига хизмат қилиш малакаларини эгаллаб олсалар ҳам ундан кам фойдаланадилар. Мустақил ўйинлари мазмунли, қизиқарли бўлиб, узоқ давом этиши мумкин. Инфантил болаларнинг луғат бойлиги етарлича бўлиб, улар хикоянинг, эртақнинг мазмунини тушуниб оладилар. Қийналганда ёрдамдан яхши фойдалана оладилар. Инфантил болалар учун айниқса хулқнинг мураккаб шакллари ривожланмай қолиши характерлидир. Бундай болаларда барча фаолият турларининг функционал фаоллигининг пасайганлиги кузатилади. Инфантил болалар одатда бўйи паст, гавда тузилиши тўғри бўлади. Уларнинг кўпчилигида жинсий системанинг ривожланмай қолганлиги кузатилиб, жинсий етилишнинг орқада қолиши ва иккиламчи жинсий томоннинг ривожланмай қолишига олиб келади. Мактабда ўқиётган бундай болалар катта қийинчиликларга учрадилар, тез чарчаб қоладилар, зарур вақтда фаол ишлай олмадилар, чалғийдилар. Махсус даволаш, боланинг имкониятларини эътиборга олган ҳолда ўқитиш, уйда қулай шароитни яратиш бундай болаларни сезиларли даражада ривожланишни таъминлайди.

Ўзлаштирмаслик боланинг астеник ҳолатига ҳам боғлиқ бўлиши мумкин. Болада астеник ҳолат узоқ вақт давом этган касалликдан сўнг тез чарчаш, хотиранинг, диққатнинг заифлашуви, хулқнинг бузилишларида намоён бўлади. Астеник болаларда тез руҳий ҳолдан тойиш, қувватсизлик, фаол диққатнинг турғунмаслиги, иш куни жавомида фаолиятнинг маҳсулдорлигини бир хилда бўлмаслиги, иш қобилиятининг пасайиши, хотиранинг пастлиги (улар содда масала ва мисолларнинг шартини эсда сақлаб қолмайдилар) кузатилади. Ёзувда ҳарфларни ташлаб кетиш, сўзларни охиригача ёзмаслик, жуда секин ёзиш каби хатолар кузатилади. Толиқиш ҳолатида хатолар сони кўпаяди, бўшанглик, хорғинлик кузатилади, машғулотларга қизиқиш йўқолади.

Астеник болаларда кўпинча қизариб кетиш, оқариб кетиш, соливациянинг кучайиши, кўп терлаш (айниқса кафтларнинг) каби вегетатив реакцилар, уйқу ва иштаҳанинг бузилиши, бош оғриғи ва бошқа ўзгаришлар кузатилади. Қулай, авайлаш шароитидаги таълимда ва керакли бўлган даволов ишлари олиб борилганда бола аста-секин чиниқиб боради ва жисмоний ривожланади. Миянинг функционал фаоллигини оширишга ёрдам берадиган шароит яратилади, қисман компенсация юз беради. Бунда бола кейинчалик умумтаълим мактабида ўқиш мумкин. Анализаторларнинг бузилишида ҳам акли заифликка ўхшаш ҳолат бўлиши мумкин. Анализаторларнинг бузилишдан келиб чиққан нуқсонлар боланинг билиш фаолиятига салбий таъсир этади ва мактабда уни ўзлаштирмовчи ўқувчилар сафига қўшилишига сабаб бўлади. Маълумки, билиш жараёни – бу атроф борлиқдаги ҳақиқатнинг

инсон онгида акс этишидир. Унинг нормал кечиши учун соғлом мия ва ривожланган сезги органларнинг мавжудлиги талаб этилади.

Анализаторлардаги озгина ўзгаришлар, нуқсонлар ҳам агарда марказий нерв системанинг компенсатор имкониятларидан ва махсус техник воситалардан (эшитиш аппаратлари, кўзойнаклар) фойдаланилмаса атроф дунёни нотўғри акс этиши, тасаввурларнинг нотўғрилиги, камбағаллигига олиб келади. Махсус машғулотлар ўтилмаганлар заиф кўрувчи ва заиф эшитувчи болалар оддий ҳолатларда ожиз, ночор бўлиб қоладилар, ақли заиф болаларга ўхшайдилар.

Аммо заиф эшитувчи болага яхши эшитишни талаб қилмайдиган мантиқий характердаги топшириқ берилганда (классификация, расмларни сабаб-оқибат боғланишларни эътиборга олиш таҳлаш) у топшириқни тез ва тўғри бажарган (Р.М.Боскис, Т.А.Власова). Анализаторлардаги бузилишлар натижасида келиб чиққан ҳолатни ақли заифликдан ажратишда орқада қолишда нима етакчи бўлиб эшитишнинг, кўришнинг пасайиши эса биргаликда келдими ёки ривожланишнинг орқада қолиш анализаторнинг бузилиши натижасига юзага келдими?

Шунга боғлиқ равишда бола таълим олиш лозим бўлган мактаб тури ҳақидаги масала ҳал қилинади. Ақли заифликдан нутқида нуқсони бўлган нормал болаларни (айниқса нутқи тўлиқ ривожланмаган) ажратиш зарурдир.

Нутқида нуқсони бўлган болаларда интеллектнинг сақланганлиги нутқ иштирок этмайдиган топшириқларни бажаришда (қисмлардан предметни, 3-4 қисмдан иборат қирқилган расмларни йиғиш: предметда етишмайдиган қисмнинг расмни чизиб қўйиш, предметларни классификация қилиш; предметларни, расмларни кетма-кетликда таҳлаш) аниқ кўринади. Нутқида нуқсони бўлган болалар ҳулки адекват, реакцияси тез, нуқсонларни бартараф этишга ҳаракат қилишлари яққол намоён бўлади.

Энг аввало мана шулар билан нутқида нуқсони бўлган болалар ақли заиф болалар ажралиб турадилар. Юқорида кўрсатиб ўтилган билиш фаолиятидаги вақтинчалик ўйинчиликлар (марказий нерв системасининг вақтинчалик бузилиши натижасида, алоҳида анализаторларнинг бузилиши, нутқ нуқсонлари натижасида) агарда уларга мактаб ва оиланинг диққати ўз вақтида қаратилмаса педагогик жиҳатдан қаровсизликка олиб келади, уни эса кўпинча ақли заифлик билан чалкаштирилади.

Шундай қилиб ақли заифликни аниқлаш мураккаб вазифа. Ақли заифликни аниқлашнинг мураккаблиги шундаки, унда бошқа нуқсонлардан фарқли (кар-соқовлик, кўрлик) аниқлашнинг абсолют объектив мезони, ёки ўлчов шкалалари мавжуд эмас.

Шунинг учун ақли заиф боланинг шахсини характерлайдиган барча хусусиятларни жуда яхши билиш, соф ақли заифликни унга ўхшаш ҳолатлардан фарқлаб олиш кўникмаси лозим.

Назорат саволлари:

1. Ақли заифлик деганда нимани тушунаси?

2. Ақли заифликни қайси унга ўхшаш ҳолатлардан фарклаш лозим?
3. Ақли заифлик астеник ҳолатдан нималар билан фарқ қилади?
4. Ақли заифлик ПРС қандай фарқ қилади?
5. Ақли заифлик анализаторларнинг бузилиши натижасидаги орқада қолишдан қандай фарқ қилади?
6. Ақли заифлик турли нутқ нуқсонлари оқибатидаги орқада қолишдан қандай фарқ қилади?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. П.М. Пўлатова “Олигофренопедагогика” Тошкент 2005 йил.
2. В.С. Рахманова “Махсус педагогика” Тошкент 2004 йил.
3. Выготский.Л.С. «Проблема у отсталости» Москва 1956 йил.
4. Под ред. Дульнева. Г.М.»Коррекционная роль обучения в школе»М.1971 й.
5. М. Аюпова “Логопедия” Тошкент, 2007 йил.
6. М. А. Павалёва “Справочник логопеда” Ростов-на-Дону, 2007 год.

6.4. - Мавзу: Махсус муассасаларни комплектлаш бўйича диагностика ишининг мазмуни ва унинг педагогик коррекциядаги аҳамияти.

Режа:

1. Болаларни комплекс ўрганиш принципининг моҳияти.
2. Болани ҳар томонлама ва тўлиқ ўрганиш принципи.
3. ТПК нинг иш мазмуни.
4. ТПК да ҳужжатлар юритиш.
5. Болага қандай ҳужжатлар расмийлаштирилади?
6. ТПК аъзолари томонидан болани текширишнинг қандай турлари ўтказилади.
7. Диагностика ишининг мазмуни ва унинг педагогик коррекциядаги аҳамияти.

Таянч сўзлар: (ТПК, психатр, невропатолог, офтальмолог, лор, ЭНН.)

Махсус мактабларни тўғри комплектлаш – давлат халқ таълими тизимининг энг муҳим бўғинларидан биридир. Маълум бир турдаги малакали саралашдан ўтказиш қабул-саралаш комиссияларининг вазифасидир. «Ёрдамчи болалар муассасаларига болаларни саралаш» ҳақидаги дастлабки расмий ҳужжат 26 октябрь 1926 йилда чиқарилган бўлиб, унда ёрдамчи мактабга болаларни саралашни ташкил этиш принциплари, баён этилган ушбу мактабларида ўқитиладиган болалар категориялари аниқланган.

Ушбу ҳужжатда болаларда ақли заифликни эрта аниқлаш масаласига алоҳида эътибор берилади. Болаларни ҳар томонлама ва чуқур ўрганиш талаб этилади. Кейинчалик дефектологларнинг сайил ҳаракатлари текшириш методлари ва саралашнинг шундай тамойилларини яратишга қаратилди, уларда ҳар бир боланинг ривожланишига мос шароитларни ўз вақтида аниқлаш муҳимдир.

1973 йили рус дефектологлари Г.М.Дулнев, А.Р.Луриялар таҳририда «Принципы отбора детей во вспомогательной школе» китоби, бир қатор қарорлар, хусусан «Об отборе детей во вспомогательные школы» методик хатлари чиқарилди. Бу қўлланмаларда саралашнинг принциплари, мақсади ва вазифаларининг мазмуни ёритилган. Болаларни ҳар томонлама текшириш методикаси берилган, ёрдамчи мактабга қабул қилинадиган ва қабул қилинмайдиган болалар категориялари кўрсатилган. Г.М.Дулнев ва бошқаларнинг қўлланмасида болаларни махсус муассасаларга тўғри саралашда асосланиладиган принциплар кўрсатилган.

Болалар муассасаларининг ходимлари ўз фаолиятида инсонпарварлик принципларини максимал даражада ривожлантира оладиган шароитни ўз вақтида яратиб беришдан иборатдир. Бу принцип болани диққат билан ва чуқур ўрганиш, унинг йўлида учрайдиган қийинчиликларни енгиб ўтиш учун воситаларни излашни тақозо қилади. Умумтаълим муассасалари шароитида болаларга берилган барча зарур ёрдам чоралари ҳам ижобий натижа бермагандангина уларни махсус муассасаларга юбориш масаласи қўйилади.

Болаларни ўрганишда зарур принцип – комплекслилик принциpidир. Бу принцип болани биргаликда муҳокама қилишда барча мутахассисларнинг (врач, дефектолог, психолог) текширишида олинган маълумотларни эътиборга олишни назарда тутди. Бу принцинга болани комиссиягача бўлган вақтда ўрганишда ударнинг ҳолатини аниқроқ билиш, ривожланишидаги нуқсонларининг сабабларини аниқлашга имкон беради. Педагог биринчи бўлиб боладаги парижонлик, толиқиш, йиғолоқлик каби ўзгаришларга диққатини қаратиш мумкин. Ўз навбатида врач ушбу бартараф этиш учун зарур воситаларни тавсия этади.

Бола ҳар **томонлама** ва **тўлиқ** ўрганиш принциплари ҳам катта аҳамиятга эга. Бу принциплар боланинг билиш фаолияти, хиссий-идоровий доираси ва хулқини текширишни назарда тутди. Шунингдек, болаларнинг акий қобилиятларнинг шаклланишига таъсир этадиган жисмоний ривожланиши ҳам эътиборга олинади. **Тўлиқ** ўрганиш деганда боланинг психик ривожланиши алоҳида олинган қобилиятларни ривожланишининг суммаси эмаслигини, шунинг учун бола ҳақида унинг идроки, хотираси ёки психик функцияларнинг ҳолатини текшириш асосидагина хулоса чиқариб бўлмаслигини эсда тутиш лозимлигини тушунамиз.

Тўлиқ ўрганиш деганда бола ҳақида олинган барча маълумотларни, алоҳида психик жараёнларнинг хусусиятлари, ҳиссийёт, ирода, хулқ ва ҳолат ҳақидаги маълумотларни албатта солиштириш назарда тутилади. Болани ҳар томонлама, тўлиқ ўрганиш агарда у боланинг фаолияти жараёнида: ўқиш, меҳнат ёки ўйин фаолиятларида амалга оширилса муваффиқиятли бўлиши мумкин. Болани ўрганиш, текширишда фойдаланиладиган методлар ҳам, материаллар ҳам уларнинг ёш ва характерологик хусусиятларини эътиборга олган ҳолда максимал даражада индивидуаллаштирилиши лозим. Комиссия аъзолари бола билан контакт ўрнатишлари лозим.

Бу боланинг шахси сифатларини: қизиқишларини, иродавий ҳаракатларининг ҳолати ҳаракатларидаги мақсадга йўналганлик, асосий

психик жараёнларнинг ўтиши хусусиятларини яхшироқ англашга ёрдам беради. Дефектология учун энг ўзига хос принцип болаларни **динамик** ўрганиш принциpidир. Бу принцип шуни англатадики, болани ўрганишда текшириш вақтида у биладиган ва бажара оладиганларни эмас, балки уларнинг таълимдаги имкониятларини ҳам эътиборга олиш лозимдир.

Бу принцип асосида Л.С.Выготскийнинг болаларнинг «яқин ривожланиш зонасини», ўқитишда уларнинг потенциал имкониятларини ўрганиш ҳақидаги фикрлари ётади. Боланинг ақлий ривожланиши қанчалик юқори бўлса бола у ёки бу топширишни, эгалланган тажрибани янги вазиятда қўллай олишни шунчалик муваффақиятли, тез ўрганиб олади. Ақли заиф болаларнинг нормал ривожланаётган болалардан фарқланадиган томонларидан бири шуки, ақли заиф болалар ёрдамдан яхши фойдалана олмайдилар.

Шунинг учун текширишда педагог диққатини болага тушунтиришдан сўнг унинг иши қанчалик яхшиланганлигига, унинг ўхшаш вазифани қандай бажаришга қаратиши лозим. Бола томонидан бажарилган топшириқни баҳолашда **сифат-сонли ёндошиш** принципини ҳам эътиборга олиш лозим.

Фақатгина охириги натижанигина эмас, балки топшириш усулини ҳам эътиборга олиш лозим. Ақли заиф болалар учун муассасаларнинг комплекташда амал қилинадиган принциплар шулардир.

Ёрдамчи мактабларга болаларни тиббитй-педагогик комиссиясининг намунали низоми ва ақлий ва жисмоний нуқсонга эга болаларни ёрдамчи мактабларга қабул қилиш қўлланмаси асосида амалга оширилади. Тиббий-педагогик комиссия (ТПК) йил давомида ишлайди, айниқса 3-4 чоракларда жадал иш олиб боради. Комиссия бир кунда 10 тадан кўп бўлмаган болаларни текшириши лозим.

Талаб этиладиган ҳужжатлар:

1. Врач-психоневролог томонидан бериладиган маълумотнома-йўлланма.
2. Тиббий ҳужжатларда врач-психоневрологнинг хулосаси бўлиши лозим (диагнознинг тўлиқ, батафсил ёритилиши, боланинг невропсихик ҳолати, анализларининг тўлиқ маълумоти).
3. Боланинг соматик ҳолати ҳақидаги хулосали амбулатор карта маълумотлари, офтальмолог, отоларинголог, логопеднинг текшириш натижалари.
4. Болага берилган психолого-педагогик тавсиф.
5. Ўзлаштириш табели.
6. Фаолияти натижалари (дафтарлари, чизган расмлари, ясамалари).

Психолого-педагогик тавсифнома

1. Бола ҳақидаги умумтаълим мактабида ўқиган вақти кўрсатилган паспорт маълумотлари.
2. Оиласи ҳақида маълумотлар (оила аъзоларининг сони, ота-онасининг маълумоти, оила аъзоларининг муносабатлари, болага бўлган муносабат).

3. Билим даражаси ва ўқув малакалари ҳақида маълумот.
4. Ўқишга, алоҳида фанларга, жамоага, меҳнатга бўлган муносабати ҳақидаги маълумотлар.
5. Боланинг билиш жараёнлари ҳақидаги маълумотлар.
6. Ҳиссий-иродавий доирасининг хусусиятлари ҳақидаги маълумотлар.
7. Боланинг шахси хусусиятлари ҳақидаги маълумотлар.
8. Ўтган йил давомида боланинг билаш фаолияти ва шахсининг ривожланиш динамикаси ҳақида маълумот.

Психологик-педагогик тавсифнома қуйидаги учта талабларга жавоб бериши лозим:

1. Шахсни тўлиқ акс эттириши.
2. Бола шахсининг ривожланиш динамикасини акс эттириш.
3. Психолого-педагогик тавсиялар.

Психолого-педагогик тавсиянома ота-оналарга тавсиялар билан яқунланади.

Ҳисобга олиш дафтари

Ҳисобга олиш журналида қуйидаги маълумотлар акс этиши лозим:

1. Фамилия, исми, отасининг исми.
2. Туғилган вақти.
3. Яшаш жойи.
4. Ота-онаси ҳақида қисқа маълумот.
5. Бола комиссияга ким томонидан, қайси синфдан юборилган ва неча йил ўқиган.
6. Комиссияга қандай диагноз билан келган.
7. ТПҚ диагнози ва хулосаси.
8. Изоҳ (эслатма).

ТПҚ текширишда барча маълумотлар котиба томонидан баённомага ёзиб берилади.

Баённома

1. Расмий маълумотлар (фамилияси, исми, туғилган йили, ойи яшаш жойи, болани ким юборгани, ота-онасининг ёши ва касби).

2. Аналитик маълумотлар ва врачнинг хулосаси бўлган тиббий текшириш маълумотлари.

3. Психолого-педагогик ва логопедик текшириш маълумотлари.

- Бола контактга осон киришадими?
- Боланинг ўзи, ота-оналари, қариндошлари ҳақидаги маълумотлар.
- Атроф ҳақидаги тасаввурлари доираси.
- Расмлар ва матнларни идрок этиш хусусиятлари.
- Катта-кичиклик, шакл, рангни идрок этиш хусусиятлари.
- Вақтни идрок этиш.
- Фазони идрок этиш.

- Дикқатининг хусусиятлари.
- Хотирасининг хусусиятлари.
- Тафаккурининг хусусиятлари.
- Нутқининг хусусиятлари.
- Ҳисоблаш, ёзув ва ўқув малакаларининг хусусиятлари.

4. Диагноз.

5. Бола ҳақида тўлиқ маълумотнома

6. Ирсий факторлар тўғрисида маълумот

6. ТПК нинг хулосаси.

Шахсий варақаси баённомалар билан тегишли бўлимларга юборилади. ТПКга малакали, фақатгина ақли заиф болаларнинг ривожланиш хусусиятларини ва ёрдамчи мактабда ўқитиш ва тарбиялашнинг барча томонларинигина эмас, балки нормал ривожланаётган болаларнинг психик ва жисмоний хусусиятлари билан яхши таниш бўлган мутахассислар киритилади. Комиссиянинг аъзолари халқ таълими бўлими томонидан тасдиқланади.

Комиссиянинг аъзоларига қуйидагилар киради:

Врач-психоневролог.

Педагог-дефектолог

Психолог

Логопед.

Комиссия раиси бўлиб халқ таълими бўлимининг вакили (республика комиссиясида – халқ таълими вазирлигининг вакили), комиссия раисининг муовини қилиб-соғлиқни сақлаш бўлимининг вакили (республика комиссиясида-соғлиқни сақлаш вазирлигининг вакили) тайинланади. ТПК нинг тузилиши доимий бўлиши зарур-бу ақли заиф болалар учун махсус муассасаларни тўғри комплектлашни амалга оширишнинг зарурий шартларидан биридир. ТПК йил давомида ишласа ҳам, унинг асосий иши 3-4 чоракларнинг охирида ўтказилади.

Болани ТПК дан ўтказиш

1. Врач-психоневролог комиссия аъзоларини шахсий варақдаги ҳужжатлар билан таништиради.

2. Педагогик ҳужжатлар билан танишиш.

3. Ота-оналар билан суҳбат.

4. Врач-психоневролог томонидан болани кўрувдан ўтказиш.

5. Педагог-дефектолог томонидан боланинг психик ривожланишининг хусусиятларини ўрганиш, боладаги билим, кўникма ва малакаларини аниқлаш: бола билан алоқага киришиш; болани ўзи, ота-онаси, қариндошлари ҳақидаги маълумотларни тўплаш; теварак-атроф ҳақидаги билим ва тасаввурларни аниқлаш; идрок ва англаш хусусиятларини аниқлаш; расм мазмунини мустақил тушуниш кўникмасини аниқлаш; матнни тушуниш; асосиймсини ажратиш ва хулоса чиқариш; ўхшашлиги ва фарқланишини аниқлаш бўйича предметларни таққослаш кўникмаси, предметларни

классификациялаш ва умумлаштириш кўникмаси; предмет ва ходисалар ўртасидаги муносабатлар, вақт, фазовий, сабаб-оқибат боғланишларини аниқлаш кўникмаси.

- хотира, диққат, нутқнинг хусусиятлари; билимга қизиқиш; ҳиссий-идоравий сифатлари; хулқнинг хусусиятлари; билим, кўникма, малакаларнинг сифати, даражаси; ўқишга ҳалақит берадиган қийинчиликларнинг сабаблари.

ТПК ишига тиббий, психолого-педагогик ва логопедик текширишлар киради. Тиббий ўрганиш ўзига офталмологик, отоларингологик, соматик, неврологик ва психиатрик текширишларини киритади. Комиссияда болани аввал тиббий текширишдан ўтказиш мақсадга мувофиқ.

1. Тиббий текшириш.

- Офталмолог текширув. Бундай текшириш врач-офталмолог томонидан комиссияга тақдим қилинган ҳужжатлар кўриб чиқилганидан сўнг ўтказилади. Отоларингологик текширув. Комиссияга тақдим қилинган ҳужжатларни отоларинголог кўриб чиққанидан сўнг ўтказилади.

Соматик, неврологик ва психиатрик текшириш. Бундай текширув врач-педиатр томонидан комиссияга тақдим қилинган ҳужжатлар кўриб чиқилганидан сўнг ўтказилади.

3. Психологик текшириш.

Бундай текшириш психолог ёки педагог-дефектолог томонидан комиссияга тақдим қилинган ҳужжатлар кўриб чиқилганидан сўнг ўтказилади.

4. Педагогик текшириш.

Комиссияга топширилган психологик ва тиббий текшириш маълумотлари бўлган ҳужжатларни педагог-дефектолог томонидан кўриб чиқилгандан сўнг ўтказилади. Бола ҳар томонлама текширилгандан сўнг комиссия текшириш баённомасини беради. Унда қисқа аналитик маълумотлар, клиник, педагогик ва логопедик текшириш маълумотлари, боланинг ақлий ривожланиши ҳарактири ва даражаси ҳақидаги умумий хулоса, бошқа нерв-психик бузилишлар ҳақидаги маълумотлар келтирилади. Болага тавсия этилган мактаб тури, шунингдек зарур даволаш ишлари кўрсатилади. Баённома юбориладиган болалар боғчаси, мактабга ва ҳоказоларга тавсия этилади.

Назорат саволлари:

1. Болаларни комплекс ўрганиш принципининг моҳияти нималардан иборат?
2. Болани ҳар томонлама тўлиқ ўрганиш принципини шарҳланг.
3. ТПК га нималар киради?
4. ТПК да ҳужжатлар қандай юритилади?

5. Болага қандай ҳужжатлар расмийлаштирилади?
6. Тиббий педагогик комиссия аъзолари томонидан болани текширишнинг қандай турлари ўтказилади?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. П.М. Пулатова “Олигофренопедагогика” Тошкент 2005 йил.
2. В.С. Рахманова “Махсус педагогика” Тошкент 2004 йил.
3. Выготский.Л.С. «Проблема у отсталости» Москва 1956 йил.
4. Под ред. Дульнева. Г.М.»Коррекционная роль обучения в школе»М.1971 й.
5. М. Аюпова “Логопедия” Тошкент, 2007 йил.
6. М. А. Павалёва “Справочник логопеда” Ростов-на-Дону, 2007 год.

6.5. Мазу: Мактабгача ва мактаб ёшидаги ривожланишида нуқсонли бўлган болаларни психопедагогик таххислаш методлари.

Режа:

1. Психологик текшириш.
2. Педагогик текшириш.
3. Болаларни текшириш учун топшириқлар танлаш.
4. ТПК болаларни ўрганишда фойдаланиладиган методлар.
5. Болалар ишларини баҳолаш.
6. Ўқиш, ёзиш, ҳисоблаш малакалари текшириш.
7. Текширишда психолого-экспериментал методикалардан фойдаланиш.

Таянч сўзлар: (Экспериментал, дефектолог, анамнез, асорат, судрга, таххис, тиббий карта, психоневролог, отоларинголог, офтальмолог, педиатрининг хулосалари, лаборатор маълумотлар)

Болаларни тиббий-педагогик комиссияда текшириш уларнинг ҳужжатларини ўрганишдан бошланади (тиббий карталар, характеристикалар, дафтарлар, чизган расмлари ва ҳ.к.). Врач психоневролог комиссия аъзоларини мавжуд бўлган ҳужжатлар: анамнез, отоларинголог, офтальмолог, педиатрининг хулосалари, лаборатор маълумотлар ва бошқалар билан таништиради. Болада эшитиш ёки кўришнинг пасайганлиги кузатилса унга диққатини қаратади ва ҳоказо.

Бундай ҳолларда дефектолог олдиндан текшириш учун материал танлайди. Масалан, эшитин пасайганда, нутқ нуқсонларида болаларга нутқий кўрсатмалар талаб қилинмайдиган кўргазмали характердаги топшириқлар берилади. Заиф кўрувчи болалар учун оғзаки шаклдаги турлича мантиқий топшириқлар танланади.

Дефектолог ўз навбатида педагогик ҳужжатлар билан танишиб, комиссия аъзоларига бола билан алоқага киришишда ва текшириш жараёнида эътибор бериши лозим бўлган энг муҳим хусусиятлар ҳақида маълумот беради. Масалан, болага берилган тавсифномада ўқув дастурини ўзлаштиришдаги қийинчиликлари кўрсатилган бўлса, текширишни бола учун осон ва қизиқарли бўлган ўйин характеридаги топшириқлардан бошлаш мумкин. Тавсифнома материалларини ўрганиш комиссия аъзоларини боланинг ҳолатини характерлаб берадиган психик фаолиятнинг сифат ва хусусиятларини аниқлашга йўналтиради.

Агарда бола мактабда ўқиган бўлса, унинг дафтарларини диққат билан таҳлил қилиш зарур. Дафтарнинг ташқи кўриниши боладаги бетартиблик, мактаб талабларини тушуниш, таълим жараёнига бўлган қизиқиш каби сифатлар ҳақида маълумотлар беради.

Ёзма ишларни бажариш характери текширувчига боладаги қийинчиликлар сабаби ҳақидаги масалани қўяди. (Масалан, ёзишда қаторга риоя қилмаслик моториканинг бузилиши ёки фазода чамалаш қийинчиликлари, талабларини тушунмаслик каби ва бошқа сабабларга боғлиқдир). Ёзувдаги хатолар (харф ларни ўрнини алмаштириш, ташлаб кетиш, сўзларни охиригача ёзмаслик, жарангли ва жарангсиз ундошларни алмаштириш) ҳам турли сабаблардан келиб чиқади.

Бола бундай қийинчиликларни қандай енгиб ўтди, ўқитувчи томонидан қандай ва қай даражада ёрдам берилганлигини аниқлаш муҳимдир. Биринчи ва охирги дафтарларни таққослаб боланинг ривожланиш динамикасини ўрганиш мумкин. Бола ҳақида қизиқарли маълумотларни у чизган расмлардан ҳам олиш мумкин. Баъзан айнан расм у ёки бу психик ўзгариш ҳақидаги дастлабки сигнал бўлади. Боланинг ҳужжатларидаги барча материаллар синчиклаб ўрганилганидан сўнггина болани бевосита текширишни бошлайдилар.

Биз тиббий текшириш методларини ёритиб бермаймиз, чунки бу билан фақатгина мутахассис врачлар шуғулланадилар. Барча комиссия аъзолари врачнинг ота-оналар билан суҳбатини эшитадилар, боланинг илк ривожланишига диққатларини қаратадилар, врач томонидан болани неврологик ва психологик текшириш кузатадилар, аммо уларнинг асосий вазифаси болаларни тегишли методикалар ёрдамида психологик, педагогик ва логопедик текширишдир.

Шуни эсда тутиш лозимки, умумий психологиянинг болаларни ўрганишдаги индивидуал-типологик, шахс-жамият, тизимли-тузилиш ёндошишлари, сифат-сонли баҳолаш каби низомлари ривожланишда турли нқсонлари бўлган болаларни ўрганишда ҳам зарур ҳисобланади. У ёки бу методларни ва уларнинг кетма-кетлигини танлаш текширувчининг ёш ва индивидуал хусусиятларига боғлиқ. Баъзи ҳолларда комиссия аъзоси (олигофренопедагог, логопед) суҳбат методига таянади, унга алоҳида экспериментал методикаларни қўшади.

Бошқа ҳолларда эса ўрганиш ўйин жараёнида бола фаолиятини кузатиш асосида олиб борилади ва ҳ.к. Текширишга боланинг кўрсатилган усулларни

фаолиятига кўчира олиш қобилияти намоён бўладиган ўқиш элементларини, ёрдам турларини, ўхшаш характердага топшириқларни ҳам киритиш лозим. Топшириқлар вербал ва невербал характерда бўлиши лозим. Болани текширишда қуйдагиларни эътиборга олиш зарур: боланинг текширишга бўлган ҳиссий реакциясини.

Ҳаяжонланиш-янги шароитга, нотаниш одамларга бўлган табиий реакциядир. Бунда ҳаддан ташқари, қувноқлик, комиссия аъзоларига мурожат қилишдаги беодоблик, ҳулқнинг ноадекватлигига диққатни қаратиш лозим. Бола кўрсатмани ниҳоясигача эшитадими ёки уни бажаришдан аввал тушунишга ҳаракат қиладими? Қандай турдаги: оғзаки ёки кўргазма асосидаги кўрсатмалар тушунарлими?

Топшириқни бажаришдаги фаолиятнинг характери

Топшириққа бўлган қизиқишнинг мавжудлиги ва турғунлиги, бола фаолиятининг мақсадга йўналтирилганлиги, ишни охирига етказиш кўникмалари. Бунда ҳаракат усуллариининг самаралилиги ва мослигига, иш жараёнида диққатни бир жойга тўплай олишига аҳамият бериш лозим. Боланинг умумий иш қобилияти эътиборга олинади. Асосий кўрсаткичлардан бири-ёрдамдан фойдалана олиш имкониятидир. Бундай қобилият қанчалик яхши ифодаланган бўлса, боланинг ўрганиши шунчалик юқори бўлади. Болага кўрсатиладиган ёрдамнинг характери ва даражасини эътиборга олиш муҳим. Болани ўқитиш, таълим олиши, ўрганишининг кўрсаткичи бўлиб ўзлаштирилган фаолият усулини ўхшаш топшириққа кўчира олиши хизмат қилади.

Ишнинг натижасига бўлган муносабат (реакция).

Ўз фаолиятини танқидий баҳолаш, адекват ҳиссий реакцилар (муваффақиятдан хурсанд бўлиш, муваффиқиятсизликдан ранжиш) боланинг ҳолатини тўғри тушунганлигидан далолат беради.

Болани психологик текшириш

Ёрдамчи мактабларга болаларни саралашда психологик текширишнинг аҳамияти жуда муҳимдир. Ақли заиф болалар мактабгача ёшдаёқ диагностика қилиняпти. Шунинг учун комиссияга кўп аввал мактабда ўқимаган болалар юборилияпти. Бундай ёшдаги болаларда (мактабгача ёшдаги) мактаб билимлари ва малакаларини текшириш уларнинг интеллектуал ва бошқа психик жараёнларининг ҳолати ҳақидаги зарур маълумотларини бермайди. Тиббий-педагогик комиссиядаги психологик текширишнинг асосий вазифаси боланинг тафаккур (фикрлаш) хусусиятларини аниқлашдир. Бу тафаккурнинг маълум бир нуқсони-асосий белги бўлиб, шу асосида болани ёрдамчи мактабга юборилиши билан боғлиқдир. Психологик текшириш вақтида

боланинг интеллектуал фаолиятининг фақатгина заиф эмас, балки кучли томонларига ҳам диққатни қаратиш зарур.

Текширишдан олинган маълумотлар дифференциал диагностика учун ҳам материаллар беради. Психологик текширишдан аввал албатта педагогик хужжатларни: болалар боғчаси ва мактаб томонидан берилган тавсифномаларни, иш давтарлар, чизилган расмларни ўрганиб чиқиш зарур. Ушбу хужжатларни таҳлил қилиш болага тўғри ёндошишни топишга ёрдам беради.

Масалан, эшитишида, нуқсони бўлган ёки нутқида жиддий нуқсонлари бўлган болаларни текширишни нутқ кўп иштирок этмаган топшириқларни беришдан бошлаш лозим; психик ривожланиши орқада қолган болаларни текширишни ўйин шаклидаги содда топшириқларни беришдан бошлаш лозим; психик ривожланиши орқада қолган болаларни текширишни ўйин шаклидаги содда топшириқлардан бошлаш лозим.

Тавсифномадан келтирилган маълумотлардан келиб чиқиб суҳбат вақтида болани қизиқтирадиган, у яхши кўрадиган машғулотлар билан боғланадиган саволлар бериш мумкин; шу билан бирга суҳбат вақтида бола учун кўнгилсиз бўлган мавзулардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ эмас.

Психологик текшириш вақтида бола хулқининг хусусиятлари ва унинг ишлаш қобилияти эътиборга олиниши лозим. Чунки ишлаш қобилиятининг ва хулқнинг бузилишлари боланинг интеллектуал имкониятларини **яшириши** ёки у ҳақида нотўғри тасаввурни келтириб чиқариш мумкин. Текширишдан аввал ўтказиладиган суҳбат бола билан алоқа ўрнатишга ва педагог ёки психологни дастлабки топшириқларни қандай бўлишини (мураккаблиги бўйича) аниқлашга ёрдам бериши лозим. Кўпинча текширишни мураккаблиги бўйича ўртача топшириқлардан беришдан бошлаш лозим бўлади. Чунки ўртача мураккабликдаги топшириқлар берилишидан аввал болага бир қанча содда топшириқлар берилса у чарчаб, толиқиб қолади. Шунингдек текширишни мураккаб топшириқдан бошлаш ҳам мумкин эмас.

Топшириқнинг бошланишида мураккаб топшириқ берилса, бола тормозланиб қолиши мумкин. Текшириш, ўрганиш вақтида қуйида баён этилган методикаларнинг барчасидан фойдаланиш зарур эмас. Асосий методикалар билан биргаликда қўшимча методикаларни ишлатса ҳам бўлади.

Таклиф қилинаётган ва улар ёрдамида олинган натижаларни таҳлили асосан 7-9 ёшдаги болаларга мўлжалланган (1978 йилдаги ёрдамчи мактабга болаларни қабул қилиш бўйича кўрсатмага мувофиқ). Каттароқ ёшдаги болаларни текшириш (комиссияга баъзан 10 ёшдан 11 ёшгача бўлган болалар ҳам юборилиши мумкин) ҳам юқоридагича олиб борилиб, фақат бундай болаларга топшириқларнинг мураккаброқ вариантларини таклиф қилиш лозим. Комиссияда 10-11 ёшли болаларда педагогик текширишдан кўп маълумотлар олинади. Бола билаан олиб борилидиган ишни таълим эксперимент шаклида ташкил этиш зарур.

Агарда бола қийналиб қолса рағбатлантириш, унинг фаолиятини ташкил этиш, йўналтирувчи саволлар бериш, ўхшаш топшириқ материалида кўрсатиш ва ўрганиш каби шаклда ёрдам кўрсатилиши мумкин. Олинган натижаларни

таҳлил қилишда болага қандай турда ва қай даражада ёрдам кўрсатилганлиги, бу ёрдам топшириқни бажаришга қанчалик ёрдам берганини эътиборга олиш зарур.

Комиссияда бир неча марта текширишда ҳам ақли заифликнинг даражасини аниқлаш, дебилликни имбецилликдан ажратиш қийин бўлган болалар ҳам учраши мумкин. Бундай болалар ёрдамчи мактабларнинг диагностик синфларига юборилишлари лозим.

Болани кузатиш ва суҳбат методлари

Психологик текшириш суҳбатдан бошланади. Суҳбат бола билан ҳиссий алоқа ўрнатишга, унда таклиф қилинаётган ишга тўғри муносабат ўрнатишга қаратилади. Бўшанг, қатъиятсиз, кўрқоқ болаларни тетиклаштириш, мақташ, кўзғалувчан болаларга нисбатан қаттиққўл, талабчан бўлиш лозим. Суҳбат мазмуни боланинг атроф ҳақидаги тасаввурларининг хусусиятларини аниқлашга қаратилиши керак. Суҳбатда боланинг қизиқишлари, унинг сеvimли машғулотлари ва ўйинларига берилиши зарур.

Суҳбат жонли ва эркин кечиши лозим. Суҳбатни оддий саволлардан бошлаш мақсадга мувофиқ. Агарда бола саволларга жавоб беришдан бош тортса, унга бирорта расмни ёки ўйинчоқни кўриб чиқишни таклиф этиш мумкин ва аста-секин бола билан контакт ўрнатиб суҳбатни керакли томонга йўналтирилади. Қуйида болага бериладиган саволлар келтирилган.

1. Боланинг ўзи ва унинг оиласига таалукли саволлар.

Сенинг исминг нима?

Ёшинг нечада?

Онангнинг исми нима?

Отангнинг исми нима?

Оилингизда кимлар бор?

Оилангизда неча киши бор?

Отанг ва онанг қаерда ва ким бўлиб ишлайдилар?

4. Боланинг вақт ва фазовий тасаввурларини аниқлашга ёрдам берадиган саволлар.

Сен қаерда яшайсан?

Сен қайси шаҳада яшайсан?

Сен қайси қишлоқда яшайсан?

Сизнинг уйингизда нечта хона бор?

Сизнинг уйингизда нечта этаж бор?

Сен нечанчи қаватда яшайсан?

Сизлардан юқорида нечта қават бор?

Қандай йил фаслларини биласан?

Ҳозир қайси фасл?

Ёз фаслидаги ойларни айтиб бер.
Бир йилда нечта ой бор?
Сутка нима?
Бир суткада неча соат бор?
Бир соатда неча минут бор?

2. Боланинг дунёқарашига ёрдам берадиган саволлар.

Бизнинг мамлакатимизни номи нима?
Сен қандай шаҳарларни номини биласан?
Бизнинг республикамизда қандай байрамлар нишонланади (баҳорда, ёзда, кузда, қишда)?
Қандай ҳайвонларни биласан?
Улар нима билан озиқланадилар?
Сен қандай қушларни биласан?
Уларнинг қайсилари қишда бошқа иссиқ ўлкаларга учиб кетадилар?
Қайсилари ўлкамизда қишлаб қоладилар?
Сен яқинда қайси китобни ўқидинг?
Ўқиганларингдан нималар эсингда қолди?
Сен яқинда қайси фильмни кўрдинг?
У сенга нимаси билан ёқди?

3. Боланинг қизиқишларига, ўйинларига доир саволлар.

Сен нима билан шуғулланишни яхши кўрасан (китоб ўқиш, ўйнаш, телекўрсатувларни томоша қилиш ва ҳ.к.)?
Сен қандай ўйинларни ёқтирасан?
Ўйингда қандай ўйинчоқлар бор?
Энг ёқимли ўйинчоғинг (ўйин) қайси?
Сен ким билан ўйнашни яхши кўрасан?
Телевизорда қайси кўрсатувларни томоша қилишни яхши кўрасан?
Уй ишларига ёрдам берасанми?
Сен нима қилишни биласан?
Сенга мактабда ўқиш ёқадими?

Суҳбат бола хулқининг кузатиш маълумотлари билан биргаликда у ҳақида дастлабки маълумотларни беради. Булар асосида текширувчи болага текширишни қанлай даражада мураккабликдаги топшириқлардан бошлаш лозимлигини аниқлаб олишга ёрдам беради. Суҳбат бола билан бевосита алоқа қилиш характерида бўлиши лозим. Саволларнинг мазмуни, тартиби ва тузилиши боланинг жавоблари, унинг реакциясига (масалан, хафа бўлиш, ранжиш, диққати, сергаликлиги) ҳамда умумий ҳолатига (бўшанглик, кўзгалувчанлик, диққатнинг тарқоқлиги ва ҳ.к.) боғлиқ. Бола билан суҳбатни комиссия аъзоларидан фақат биттаси ўтказди, болага комиссия аъзоларининг бир нечтасини кетма-кет савол бериши мумкин эмас.

Суҳбат вақтида боланинг хулқини ва реакциясини синчиклаб кузатиш лозим. Бундай кузатишларсиз суҳбат ўрганиш методи сифатида ўз аҳамиятини йўқотади. Боланинг жавобларини баҳолаш ва улар асосида қандайдир бир хулосалар чиқариш катта ҳатога йўл қуйишдир.

Масалан, бола жавоб беришдан бош тортса ёки нотўғри жавоб берса ҳар вақт ҳам бу ундан сўралайтганларни билмаслиги ҳақида ишонч ҳосил қилмаслиги керак. Кўпинча бола берилган саволда диққат эътиборини етарлича жамламаслиги, унинг тузилишини тушунмаслигини кузатиш мумкин.

Шу савол бошқача қилиб (бошқа формулировкада) берилса у қийинчилик туғдирмайди. Баъзан бола аввал ўтказилган суҳбат таъсирида берилган саволга етарлича тайёр бўлмаслиги ва уни педагог таҳминида бошқа доирада идрок этиши мумкин. Суҳбат жараёнидаги бола билан педагогнинг алоқа қилиш характери унинг шахси хусусиятларни аниқлаш учун муҳим аҳамиятга эга.

Шундай болалар борки, улар алоқага қийинчилик билан киришадилар, суҳбат жараёнида кескин, қовоғи солиқ, безовта, камгап ҳолатда бўладилар, саволларга истар-истамаслик билан жавоб берадилар, негативлик реакцияларига мойил бўладилар, бошқалари шароитгша анча тез мослашадилар, тез жонланадилар, ишонувчанлик, очик кўнгиллик билан саволларга бажонидил жавоб берадилар.

Баъзи болалар суҳбат жараёнида ўзларини мустақил тутадилар, вазиятга қарамайдилар, саволларга ўйламасдан тез, охиригача эшитмасдан жавоб берадилар; бошқалари ўзларин вазмин, жиддий тутадилар, берилган саволларга шошилмасдан жавоб берадилар. Суҳбат жараёнидаги бундай кузатишлар болани конкрет фаолият жараёнида ўрганишга ва турли маълумотларни таҳлил қилиш, таққослашга ёрдам беради.

Тўғри таъхис қилишда суҳбатнинг аҳамияти

Тўғри ўтказилган суҳбат боланинг ривожланиши ва унинг шахсини хусусиятлари ҳақида баъзи тасаввурларни беради. Суҳбатда боланинг онгида ўқув фаолияти қандай ўрин эгаллашини, ўқишдаги қийинчиликларни англай олиши, ўз ишига, хулқига танқидий муносабатда бўла олиши аниқланади. Суҳбат натижасида боладаги нейродинамик хусусиятлар ҳақида баъзи маълумотларни олиш мумкин. Бўшанглик, тормозланганлик ёки аксинча, кўзғалувчанлик, диққатнинг тарқоқлиги, савол доирасида қола олмаслик буларнинг барчаси болада кўзғалиш ва ёки тормозланишнинг секинлашган ва тезлашган реакцияларнинг устунлигини тахмин қилишга имкон беради. Суҳбат билиш фаолиятининг даражаси ҳақида ҳам баъзи тасаввурларни беради. Суҳбат жараёнида биз бу босқичда бола учун хос бўлган атроф оламни акс этиш жаражасини аниқлаймиз.

Суҳбат боланинг атрофдаги предметлар ва ходисалар ҳақидаги тасаввурларининг тўғрилигини, сабаб боғланишларини ўрнатиш ва аҳамиятлини аҳамиятсиздан ажратишни билишни аниқлашга имкон

ярататади. Суҳбат жараёнида билиш фаолиятининг қайси томонларини сукурроқ ўрганиш лозимлигини аниқлашади. Шунинг учун суҳбат боланинг психик ҳайтининг алоҳида томонларини анча чуқур ва махсус ўрганишдаги дастлабки қадамдир. Суҳбатдан алоҳида фаолият турларини текширишга ўтиш режали ва етарлича асосланган бўлиши керак.

Суҳбатни тугатиб, экспериментал-психологик текширишга аста-секин ўтиш лозим. Болага «Энди менинг баъзи топшириқлимни бажарасан» ёки янадла соддароқ тарзда: «Кара, менда қандай расмлар бор (ўйин, шакллар)» дейилади. Экспериментал-психологик текширишни ўтказишда боланинг ишга бўлган муносабати, қизиқиши борлиги ёки йўқлиги, мақтов ёки танбеҳга реакцияси ва ҳоказоларга эътибор берилади.

Бу кузатишлар бола фаолиятини тузилишини таҳлил қилиш, патологик хусусиятларни очишга имкон яратади.

Психологик текширишнинг умумий таҳлили

Боланинг интеллектуал ривожланиши ҳақида асосланган хулоса чиқаритиш учун алоҳида топшириқларни бажариш характери билан биргаликда унинг фаолиятини ҳам таҳлил қилиш лозим. Бирорта топшириқнинг бажаришнинг яхши ёки ёмон натижалари интеллектуал ривожланиш даражаси ҳақида фикр юритишга асос бермайди. Бола фаолиятининг хусусиятларини кўп микдордаги турли топшириқларни бажаришда эътиборга олиш ва бола учун характерли бўлган психологик маълумотларни (ёш, шахс) ва агарда мавжуд бўлса интеллектуал фаолияти ва ҳиссий даражасидаги патологик томонларни ажратиб кўрсатиш керак. Шунингдек текширишга бўлган муносабатини, унинг хулқи, ишлаш қобилияти, толиқиш даражасини ҳам эътиборга олиш зарур.

Хотира, диққат жараёнларини, шунингдек, эшитиш, кўриш, нутқини ривожланиши ҳақидаги маълумотларни синчиклаб таҳлил қилиш муҳимдир. Боланинг интеллектуал ривожланиши ҳақида хулосани юқорида кўрсатилган барча характеристикалар асосида чиқариш мумкин. Текширин вақтида интеллектуал жиҳатдан меъёрида бўлган болалар хулқи нормада, жиддий, ҳаракатчан бўладилар. Улар топшириқларни бажариш жараёни, ишнинг натижаси ва унинг баҳоси билан қизиқадиладар.

Интеллектуал жиҳатдан нормада бўлган болалар учун юқорида кўрсатилган топшириқларнинг барчаси қийинчилик туғдирмайди. Табиийки, 7 ёшдаги болалар 8-9 ёшдаги болаларга қараганда қийинчиликларда кўпроқ ташкилий ёрдамга муҳтож бўладилар. Агарда текширишга хулқи бузилган болалар юборилган бўлса, унинг интеллектуал ривожланишни оптимал шароитдагина тўғри баҳолаш мумкин: масалан, яхши алоқа ўрнатишда ва аҳамиятли мотивацияда.

Боланинг жавобларини сифати унинг халқидаги бузилишлар билан қанчалик боғланганлигини тушуниш учун унинг контактга киришгунга қадар ва контактдан кейинги эришган натижаларини солиштириш мақсадга мувофиқдир. Агарда боланинг жавобларининг сифати ва суръати яхшиланса

ёки ёмонлашса, текширишнинг охири ёки ўртасида ўзгарса, бу боланинг ишлаш қобилиятининг бузилиши билан боғланган бўлиши мумкин.

Бундай ҳолларда кўрсаткичларни боланинг толиқиши ёки, ишга киришиб кетиши билан боғлаб таҳлил қилиш лозим. Ишлаш қобилиятининг пасайишини интеллекти турли даражадаги болаларда кузатиш мумкин. Шунинг учун текширишнинг бошидаги, охиридаги дам олишдан кейин топшириқларнинг бажарилиши сифатини таққослаш муҳимдир.

Психик ривожланиши сустлашган болаларнинг кўпчилиги учун текшириш жараёнида иш қобилиятининг ва диққатининг пасайиши характерлидир. Баъзи болаларда янги материалда ориентирлашнинг, ишлаб кетишнинг, фаолиятнинг умумий суръатини секинлашганлиги кузатилади. Бошқаларида тез толиқишлари сабабли диққатининг пасайиши, фаолият жараёнида диққатнинг тарқалиши аниқланади.

Психик ривожланиши сустлашган болаларнинг фаолияти нормал ривожланаётган болалар фаолиятига нисбатан етирлича мақсадга йўналтирилмаган бўлади. Кўпинча улар ўз мақсадини тушунтира оладилар, топшириқ нотўғри бажарилганда ҳам жавобларини асослаб бера оладилар. Фаол луғатлари кўп бўлмайди. Психик ривожланиши сустлашган болага ташкилий ва ўргатувчи ёрдам берилса, улар томонидан бажарилган топшириқларнинг сифати нормал болаларникига яқинлашади.

Дебил даражадаги акли заиф болаларнинг интеллектуал фаолияти ориентирлашнинг секинлашганлиги, инертлик, умумлаштиришларнинг йўқлиги билан характерланади. Дебил болаларнинг теварак-атроф ҳақидаги тушунчалари жуда тор ва юзаки бўлади. Болалар асосий рангларни ва геометрик шакллари биладилар, кесма расмларни жойлаштирадилар, ёрдам берилганда Коос кубикларидан оддий нақшларни туза оладилар. Қисман ёрдам берилганда конкрет амалий вазият (ҳолатни) таҳлил қила оладилар, воқеабанд расмнинг маъносини тушунадилар, расмларнинг мураккаб бўлмаган кетма-кетлигини кўрсата оладилар.

Дебил болалар содда ҳикояларни тушуниш имконига эга бўладилар. Бундай болалар учун бажаришда вазият (ҳолатнинг) маъносини тушуниш лозим бўлган топшириқлар қийинчилик туғдиради. Дебил болалар кенг ҳажмдаги кўп тушунчаларга эга эмаслар. Тушунчалари воқеликни акс эттирмайди, кўп тушунчалари дифференциаллашмаган ва жуда конкрет характерга эга бўлади.

Янги материални ўзлаштиришда ва иш принципини бошқа ўхшаш топшириққа кўчиришда дебил болаларда психик жараёнларнинг инертлиги ва тафаккурининг яққоллиги ёрқин намоён бўлади. Фикрлаш операцияларини бажаришда бундай болалар кўпинча асосий бўлмаган ташқи белгиларга таянадилар. Қийинчилик туғдирган топшириқларни бажаришда ташкилий ёрдам аҳамиятга эга бўлмайди. Ўргатиш ўқитиш характердаги ёрдам жуда секинлик билан қабул қилинади, ёмон ўзлаштирилади ва ўхшаш топшириқни бажаришда деярли фойдаланилмайди. Дебил болаларни узоқроқ ўқитиш лозим! Бундан ташқари такрорлашларни кўп ўтказиш керак.

Ақли заифликнинг имбецил даражасидан болаларда теварак-атроф ҳақидаги тасаввурлари жуда камбағал бўлади. Тушунчалари ўзи ва яқинлари ҳақидаги элементар маълумотлардан иборат бўлади. Баъзи имбецил болалар асосий рангларни, баъзи геометрик шаклларни биладилар. Улар расмдаги ва қисқа ҳикоядаги оддий аниқ вазиятнинг маъносини тушунадилар. Шу билан биргаликда имбецил болалар умумий тушунча ларга эга бўлмайдилар. Луғат бойликлари таниш бўлмаган предметлар доираси билан чегараланган бўлади. Болалар ўзларига ёққан топшириқдан бошқасига қийинчилик билан ўтадилар. Психомотор ёки аналитик-адинамик бузилишлари бўлган имбецил болаларнинг берилган топшириққатини жалб этиш ва бажаришни ташкил этиш дула қийин.

Органик ёки шизофреник деменцияси бўлган болаларда фаолиятнинг персеверацияли бузилишлари, ҳиссий-идоравий диоранинг торлиги, танқидий ёндошмаслик, психик фаолликнинг ривожланмаганлиги кузатилади. Эпилептик деменцияли болалар учун тафаккурнинг инертлиги характерлидир. Болалар кўрсатмани секинлик билан ўзлаштирадилар, бир иш туридан иккинчисига жуда қийинчилик билан ўтадилар. Интеллектуал фаолиятни бажариш вақтида деталлаштириш, муҳим бўлмаган томонларига эътиборни жалб этиш ва иккиламчилардан асосийсини ажратиб олишда қийинчиликлар кузатилади. Шизофреник деменцияли болалар қийинчилик билан алоқага киришадилар, уларда ҳиссий реакцияларнинг ноадекватлилиги намоён бўлади. Уларнинг фикрлаши кўп ҳолларда формал, кўргазма характерида бўлади. Баён қилинган фикр-мулоҳазалари парадоксал (қарама-қарши) характерга эгадир. Кўп ҳолларда бундай болаларга кўргазмали ва конкрет материал билан ишлаш қийиндир. Кўриши пасайган болаларда интеллектнинг сақланганини одатда тафаккурнинг ривожланиш даражасини билиш мақсадида берилган турли топшириқларнинг бажариш характерини ташкил қилиш дараёнида аниқланади.

Бунда болаларга шундай топшириқлар бериладик, уларни бажаришда болалар кўришга эмас, балки нутқ, эшитиш ва сезишга таянадилар. Кўришнинг пасайиши туфайли бундай болаларда кўриш идроки ривожланмаган ва фазода ориентирлаш (мўлжаллаш) бузилган бўлади. Эшитиши пасайган болаларда фикрлаш фаолиятида сўз-мантиқий тафаккурнинг ривожланмаганлиги билан боғлиқ бузилишлар кузатилади. Болалар кўргазмали комбинациялаш бўйича топшириқларни яхши бажарадилар, кўргазмали ҳисоблашни яхши бажарадилар.

Интеллекти бузилмаган церебрал фалажли болаларда фазовий идрок яхши ривожланмаган бўлади. Шунинг учун улар фазодаги йўналишларни ориентирлишда, баъзан эса фазода предметларнинг жойлашувини белгилайдиган жумлаларни (устиди, у ерда, бу ерда) тузишда қийналадилар. Психологик текшириш асосида чиқарилган эулосани бошқа мутахассисларнинг фикрлади билан албатта солиштириш лозим.

Болани педагогик текшириш

Педагогик текширишни психологик текширишдан сўнг ўтказиш тавсия қилинади. Психологик ва педагогик текширишни кўпинча бир мутахассис-педагог-дефектолог ўтказиши. Агарда бу текширишлар турли шахслар-психолог ва педагог томонидан ўтказилса, бунда педагогга психологнинг текшириш натижаларини билиш зарур. Бу такрорлашларнинг олдини олади ва педагогик текширишнинг режасини яхшилаб тузишга имкон яратади.

Педагогик текширишнинг мақсади болалар томонидан ўзлаштириб олинган билим, кўникма ва малакаларнинг ҳажмини. Улар томонидан янги тушунчалар, янги фаолият турларини эслаб олиш жараёнида юзага келадиган қийинчиликлар, уларнинг қайси босқичларда юзага келишини, бу қийинчиликларни бартараф қилиш шароитларини аниқлашдир.

Текширишни бошлашдан аввал педагог боланинг педагогик ҳужжатларини диққат ўрганиб чиқади (болалар боғчаси ёки мактабдан берилган характеристика, дафтарлар, боланинг мустақил ишлари, чизган расмлари ва ҳ.к.). Болага берилган характеристикани таҳлил қилиш педагогик текшириш схемасини тўғри тузишга, боланинг индивидуал хусусиятларини эътиборга олиб унга тўғри ёндошишга ёрдам беради.

Агарда характеристикада бола тез толиқади деб кўрсатилган бўлса, унга текшириш вақтида ёз ва қисқа вақтда бажариладиган топшириқлар берилади, агарда болага ўқув фаолиятига нисбатан салбий муносабат пайдо бўлган бўлса ўйин ҳолатларидан фойдаланиш лозим бўлади ва ҳ.к. Текшириладиган болаларнинг дафтарларини ўрганиш у ёки бу малаканинг ривожланиш динамикаси, мактаб дастурини ўзлаштириш жараёнида бола йўл қуядиган хатолари характери, қийинчиликлари ҳақида фикр юритишга имкон беради. Болалар томонидан чизилган расмларни таҳлил қилиш катта диагностик аҳамиятга эга бўлиб, фақатгина тасвирий фаолият соҳасидаги боланинг техник имкониятлари ҳақидагина маълумот бермасдан, балки унинг кузатувчанлиги, тасаввур ва қизиқишлари доираси ва ҳ.к.лар ҳақида тушунча беради.

Агарда бола чизган расм ғалати, ҳақиқатдан ташқари характерда бўлиб бола унга тўғри тушунча бермаса у шизофрения билан касалланган деб тахмин қилиш мумкин. Ақли заиф болалар мустақил танланган мавзуга доир расм чиза олмайдилар. Ақли заиф болалар чизган расмлар стереотип характерда бўлиб, аниқ тасаввурла йўқлигидан далолат беради.

Педагогик ҳужжатларни шундай тарзда синчиклаб ўрганиб чиққанидан сўнг дефектолог болани текширишга киришади. Комиссияда болани текшириш вақтида унинг ҳисоблаш операцияларини ўтказа олиш ва математик тасаввурларининг шаклланганлиги аниқланади. Мактабгача ёшдаги болаларда сон ҳақида элементар тушунчаларни мавжудлиги текширилади. Мактаб ўқувчиларини улар томонидан ўрганилган дастур материаллари бўйича билимлари текширилади.

Агарда бола ўқиш малакаларини эгалланмаганлиги аниқланса унинг ўқиш малакасининг ҳолатини текширишнинг ҳолати йўқ. Комиссияга юборилгунча мактабда ўқиган болаларнинг ўқиш ва ёзиш малакалари ўтилган

материал ҳажмида текширилади. Барча ҳолатларда болаларнинг билимларини улар ўқиётган синф дастури материалидан бошлаб текшириш лозим.

Сўнгра болаларнинг билимлари қуйи синфларда ўтилган дастур материали асосида аниқланди. Комиссияда боланинг мактаб малакалари ва билимларининг ҳолати, энг аввало ўқиш, ёзиш, ҳисоблаш малакаларининг ҳолатини текширишга қаратиш лозим. Педагог текширишнинг мақсади ўзлаштиришнинг аниқлашдан иборат бўлмай, балки аввало ушбу боланинг таълимдаги қийинчиликларини таҳлил қилиш эканлигини эсидан чиқармаслиги лозим.

Ўқиш.

Ёрдамчи мактабга юборилган болалар орасида ўқиш малакасини эгаллай олмаганлар кўпчиликни ташкил этади. Ўқишни эгаллаб олмаслик ҳоллари турлича бўлиб, баъзан уларни ажратиш анча мураккабдир. Қийинчиликлар ўқиш малакасида ҳам, шунингдек ўқишнинг мазмун томонида ҳам кузатилади. Ўқиш малакаси ўз ривожланишида бир қатор босқичлардан иборат мураккаб йўлни босиб ўтади. Савод ўрганишга киришиб бола кўпинча товуш таҳлилида қийналади. Бола қатор ҳолларда бўғинлаб ва сўзларни сидирғасига ўқишни эгаллаб олишда қийналади. Қийинчиликлар ҳарфларни эслаб қолишда ҳам кузатилади.

Ақли заиф болалар олий нерв фполиятларининг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ўқиш малакаларини жуда қийинчилик билан эгаллайдилар ва унинг алоҳида босқичлари анча кўп вақтни талаб қилади. Оммавий мактабда узоқ вақт ўқиб болалар ўқиш малакасининг бир элементларини ўзлаштириб олсалар, бошқасини эгаллаб олмайлидар. Ақли заиф болаларда кўп кузатиладиган оғзаки нутқнинг нуқсонлари ҳам қатор қийинчиликларни келтириб чиқаради.

Ҳар бир боланинг ўқишни эгаллашдаги қийинчиликларини синчиклаб таҳлил қилиш ва уларнинг характери ва сабабларини аниқлаш муҳимдир. Ўқиш малакасидан ташқари педагог боланинг ўқиган сўзлари, гапларининг маъносини тушунганликлари, интонацияга аҳамият беришни, ўқиганлари бўйича саволларга жавоб бера олиши ва сўзлаб бера олишларига диққатини қаратиш лозим. Ўқиш малакасини текширишда кесма ҳарфлар каби кўргазмалар зарурдир. Кўпинча боланинг ўқиш малакасини унга таниш ва таниш бўлмаган алифбедан фойдаланиб текширилади.

Боланинг ўқиш ва ёзиш малакасини ўрганишдаги қийинчиликларини таҳлил қилишда қуйидагиларга диққатни қаратиш зарур: 1. Болаларда мавжуд бўлган қийинчиликларнинг қайси бири унинг таълим ва тарбия шароитларига боғлиқ (педагогик, қолоқлик, ўқитишда нотўғри методлар, ўқитишда тўхталиш, танаффусларнинг бўлиши).

Ўқишдаги ўзлаштирмасликни ўқитувчилар одатда:

- ҳарфларни эсдан чиқариш;
- ўқиш жараёнини қийинчиликлари;
- ўқилган матнни тушунмаслик билан боғлайдилар.

Текшириш жараёнида қийинчиликларнинг сабабини аниқлаш учун юқорида кўрсатилганларга диққатни қаратиш лозим.

1. Бола кўпинча таҳмин қилиб, расмлар бўйича ўқийди, ёдлаб олади. Уқишни ўрганишнинг аввалги босқичларида ўрганилмаганлар кейинги босқичларида қийинчиликларни юзага келтиради. Шунинг учун баъзи ҳолларда бола ўқиш ва ёзишни билса ҳам ҳарфларни билишнинг мустаҳкамлиги текширилади. Бола ўз қийинчиликларига қандай қараши, уларни қандай йнгишга ҳаракат қилишга ҳам диққатни қаратиш зарур.

2. Ёзув ва ўқишнинг бузилишлари (дислексия ва дисграфия).

3. Ўқишни ўрганишда қийирчилик келтириб чиқарадиган бошқа омилларнинг мавжудлиги (талаффуздаги, нуқсонлар, эшитишнинг, кўришнинг пасайганлиги).

4. Боланинг ўқиш ва ўрганишида орқада қолишнинг асосий сабабини унинг ақли заифлигидангина деб таҳмин қилмаслик. Агарда болани ўқишни ўрганишдаги қийинчиликлари ақли заифликдан деб таҳмин қилмасдан бошқа сабаблари тўлиқ тушунтирилса уни ёрдамчи мактабга юбориш ҳақидаги фикрларга шубҳа туғилади (айниқса боланинг ривожланиши орқада қолиши ҳақида бошқа шикоятлар бўлмаса). Бунда масала текширишнинг барча маълумотларини солиштириш йўли билан ҳал қилинади.

Болада ўқиш жараёнини текшириш учун қуйидаги дастурни тавсия этиш мумкин:

1. Боланинг ўқишга бўлган муносабати ва унинг ўқиши тарихи.

- Ўқиш қачон, қаерда ва ким томонидан бошланган?
- Қийинчиликлар бўлганми? Қайси босқичда? Қандай?
- Бола ўқишни яхши кўрадимми?
- Ўқиладиганларни эшитишни яхши кўрадимми? Бу саволларга жавоб ота-оналар ва бола билан суҳбатда олинади.

2. Ўқишга тайёргарлик.

- Гапни такрорлаш кўникмаси.
- Гапдан сўзни ажрата олиш кўникмаси.
- Товуш таҳлили (оғзаки). Сўзларни бўғинларга бўлиш, биринчи товушни ажратиш, алоҳида товушларни ажратиш, сўзлардаги товушларни тартиби бўйича такрорлаш.

- Ҳарфларни таниш, билишнинг мустаҳкамлиги. Ҳарфнинг номи. Ҳарфнинг номи бўйича кўрсатиш. Қайси ҳарфларни билмайди? Қайсиларини алмаштиради? Қайси ҳарфларга алмаштиради? Нечта ҳарфларни ва қайсиларини билади?

3. Ўқиш малакаси.

Ўрганилган сўзларни ўқийдими? Тўлиқ сўз ёки жумлани ўқий оладими? Ҳарфлаб, бўғинлаб, сидирғасига ўқиш.

4. Боғланган ўқиш.

Ўқиш тезлиги. Гапдаги алоҳида сўзларнинг маъносини тушуниш. Тиниш белгиларига, интонацияга риоя қилиш. Саволларга жавоб (ўқилган ёки тингланганларни сўзлаб) бериш. Боланинг ўқиш малакасининг ҳолатини у ўқиётган синф дастурига мос келиши.

5. Ёзиш.

Ёзишга ўргатишнинг дастлабки босқичида эшитиш анализаторининг аниқ ишлаши катта аҳамиятга эга.

- Ёзилиши лозим бўлган сўзларнинг товуш тузилишини таҳлили.
- Сўзни ташкил қиладиган товушларнинг кетма-кетлигини аниқлаш.
- Товушларни аниқлаш (эшитилаётган товуш вариантларини аниқ умумлашган товушларга айлантириш).

Буларга боғлиқ равишда қуйидагиларга диққатни қаратиш лозим:

1. Ёзилиши лозим бўлган сўзларнинг товуш тузилишини етарлича таҳлил қилинмаслиги, ҳарфларни яхши эсда сақлаб қолмаслик, яхши билмаслик, эшитилиш бўйича яқин товушларни (жарангли ва жарангсиз), ҳарфларни алмаштириш ёзувдаги хатоларга олиб келади. Шулар билан биргаликда кўриш анализаторининг иши билан боғлиқ бўлган ёзув техникасига ўргатишдаги қийинчиликларга ҳам диққатни қаратиш лозим.

2. Қоғоз varaғидан қатор бўйича ёзишдаги, чамалашдаги, йўналишдаги қийинчиликлар (ойнаванд ёзув).

3. Ёзувга ўрганишда қалам ва ручкадан фойдалана билмасликда ифодаланадиган қийинчиликлар. Ҳаракатларнинг (ҳаракатларнинг мослашуви) нотўғрилиги, аниқ эмаслиги, қўлларнинг енгил титраши. Бундай қийинчиликлар боланинг ҳаракат тизимини ривожланишнинг етишмовчиликларидан дарак беради. Ёзиш вақтида боланинг ишлаш қобилиятининг ўзгарувчанлиги, унинг умумий ҳолатига ҳам эътибор бериш лозим. Ҳар бир бола учун характерли бўлган қийинчиликларни аниқлаш учун қуйидагиларни кузатиш зарур:

1. Кўчириб ёзиш жараёни:

- қай тарзда кўчиради: бутун сўзлар билан, ҳарфлаб, талаффуз қилиб туриб ва ҳ.к.;
- кўчиришни нималар қийинлаштиради;
- хатолар характери, ўзини назорат қилиш. Ччарчашнинг ёзишга таъсири.

2. Мустақил ёзиш:

- алоҳида сўзларни, гапларни ёзиш;
- диктовка остида ёзиш, ёзиш суръати, характери, хатолар;

- ёзма нутқдан мустақил фойдаланиш (ўз фикрни ёзма ифодалаш).

4. Ҳисоблаш

Ақли заиф болаларнинг ҳисобни ўзлаштириб олишлари қатор ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, булар ақли заиф болаларни ҳисоблашни ўрганишда қийналадиган, аммо интеллекти нормадаги болалардан фарқ қилишга ёрдам беради. Бунда ҳар ердагидек текширишнинг вазифаси-сабабларни аниқлашдир. Кўпинча комиссияга болани юз ичида ҳисоблашни билади деб юборадилар, ҳақиқатдан эса у хатто беш ичидаги сонлар ҳақида ҳам тасаввурга эга бўлмайди. Ақли заиф болаларда кўпинча механик малакалар шаклланган бўлиб, улар ҳақиқий, реал тасаввурлар билан боғланмаган бўлади. Мураккаб ҳисоб кўп ҳолларда предметларни санаш билан мос бўлмайди. Ақли заиф болаларда сон ҳақида, соннинг тузилиши ва арифметик тушунчалар ҳақида аниқ тасаввурлар бўлмайди.

Ақли заиф бола оммавий мактабда ўқиётиб бошқа болаларга қилаётганларга тақлид қилишга ҳаракат қилади. Кўпинча ақли заиф бола арифметик тушунчаларни тақлид қилиб, механик равишда, ҳисоб малакаларини онгсиз тарзда ўзлаштириб оладилар. Шунинг учун болани текширишда аввало қуйидагиларга аҳамият бериш лозим:

1. Сонлар қатори ҳақидаги тушунчалар (тўғри ва тескари санаш). Сонларни таниш.
2. Микдор ҳақидаги тушунчалар, сўралаётган сондаги предметларни бериш кўникмаси.
3. Сон тузилиши ҳақидаги тушунчалар.
4. Сонлар нисбати ҳақидаги тушунчалар (кўп, кам, қанча).
5. Арифметик ҳисоб ҳақидаги тасаввурлар.
6. Ҳисоблашни амалда қўллаш, пулларни ҳисоблаш.
7. Мисол ва масалалар ечиш. Масалани режалаштириш. Масала шартини ва ечимини ёзиш.
8. Боланинг билим ва малакаларини у таълим олаётган синф дастурига мослиги.

Текшириш қуйдагича олиб борилади: аввал болага мактабда ўтилган материал, сўнгра унинг тушунчаларига мос материал берилади. Боланинг кўрсатишга, тушунтиришга, баҳолашга, иш суръатига бўлган суносабатига алоҳида аҳамият берилади. Текшириш жараёнида турли кўргазмали куруллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Юқорида кўрсатилган барча томонларни кузатиш бола фаолиятининг мотивларини ва унда келиб чиқадиган қийинчиликларнинг характерини тушунишга ёрдам беради. Боланинг мактаб (ўқув) малакаларини текшираётиб педагог ўз олдига боланинг нимани билиш ёки билмаслигини аниқлашнигина эмас, балки у мақсадга йўналган ҳолда ишлай олишни, диққатини вазифага қарата олишни, ўзига таниш бўлган материални тушунишини ва қийинчиликларни қай тарзда енгишни аниқлаш вазифасини кўяди.

Бола фаолиятининг хусусиятларини кузатиш методи

Бола фаолиятининг ҳар хил турларини таҳлил қилаётиб, педагог энг аввал куйидаги масалаларни аниқлаб олади.

1. Мақсадга йўналганлиги.
2. Турғунли.
3. Онглилиги.
4. Махсулдорлиги.

Боланинг ота-онаси, ўзи билан суҳбатлашиш, педагогик характеристикани ўрганиб биз унинг амалий, хўжалик-маиший ва меҳнат фаолияти ҳақида тасаввурга эга бўламиз. Баъзи ҳолларда болага топшириқлар бериш мумкин, масалан, пальтони тугмасини қадаш, ботинканинг ипларини боғлаш ва ҳ.к. Бундай топшириқларнинг бажарилишини кузатаётиб педагог бола моторикасининг ҳолати, ўз фаолиятини ташкил этиш кўникмалари ҳақида тасаввурга эга бўлади.

Боланинг ўқув фаолиятини юқорида кўрсатиб ўтилган нуктаи назардан ўрганиш унинг билиш жараёнларини ўрганиш каби муҳимдир. Ўқувчининг ўқув фаолиятини фақатгина интеллектуал томонигагина таяниш тўғри бўлмайди. Фаолиятнинг бузилишлари, мақсадга йўналганликнинг, турғунлик ва махсулдорликнинг етишмовчиликлари, мотивациянинг ривожланмай қолганлиги (фаолиятга муносабат) интеллект сақлаб қолган ҳолларда ҳам салбий натижалар беради. Энг аввал боланинг мактабга, мактаб кун тартибига, китобга ва дафтарга, дарсга, ўртоқларига бўлган муносабатини аниқлаб олиш лозим. Боланинг ўз ишига берилган баҳога бўлган муносабати ва ўзининг баҳолаши ҳам қизиқиш уйғотади. Боланинг онги ва ҳаётида (айниқса таълимнинг дастлабки босқичларида) мактабнинг қандай аҳамиятга эгалиги ўзлаштириш учун муҳимдир.

Боланинг ўқув топшириқларини бажаришда мақсадга йўналганлиги, ўқиш жараёни ёки предметга бўлган қизиқиш, қийинчиликларни енгиш кўникмаси, кўрсатма ва ёрдамдан фойдалана олиши, ўз ишини ташкил этишига диққатни жалб этиш лозим.

Ишлашдаги турғунлик:

Диққатнинг тарқалмаслиги ва толиқмаслик, мотивацияларнинг мавжудлиги катта аҳамиятга эга.

1. Топшириқни бажариш вақтида боланинг нутқий фаоллиги.
2. Ўз нутқида аввалги тажрибасини намоён эта олиш кўникмаси.
3. Бола эшитаётган, кўраётган, ўқиётганларини тўғри тушунганлиги.
4. Боланинг нутқида тақлидий элементларнинг мавжудлиги.
5. Нутқ боланинг фаолиятида етакчи режаштирувчи ролни бажарадими ёки нутқ фаолиятдан ажралиб қолганми? Боланинг ўйин фаолияти билан танишиш фақатгина диагнозни аниқлашгагина эмас, балки боланинг педагогик имкониятларини, унга ёндошиш хусусиятларини бажаришга ёрдам беради. Ўйинчоқлар боладаги тормозланишни бартараф этади. Баъзан шундай

ҳолатлар ҳам бўладики, фақат ўйинчоқлар орқали болани топшириқни бажаришга ундаш мумкин. Ўйинда бола ўзининг ижобий имкониятларини юзага чиқаради.

Педагогик текширишнинг умумий таҳлили

Педагогик текшириш асосида педагог-дефектолог фақатгина боланинг билим даражаси ҳақида хулоса чиқармасдан, балки у ёки бу қийинчиликлар нималардан келиб чиққанлиги, уларнинг асосида нималар ётишини тушуниб олади. Текшириш натижаларини таҳлил қилиш вақтида асосий диққат боланинг берилган топшириустақил бажариш қобилияти, лозим бўлганда ёрдамни қабул қилиши ва ўзлаштирилган ҳаракат усулидан ўхшаш шароитларда фойдаланишга қаратилади.

Интеллекти нормадаги болалар уларга кўрсатилган ва тушунтирилган ҳаракат усулидан бошқа шароитда ҳам фойдалана оладилар. Педагогик эътибордан қолган, ПРС, анализаторларида турли нуқсонлари бўлган болалар таълимни етарли даражада тез ўзлаштира оладилар. Берилган топшириқларни бажариш жараёнида болани кузатаётиб педагог-дефектолог унинг кўрсатмани тушуниш хусусиятлари ва унинг фаолияти характерини, хулқини кўздан кечириб бориш, топшириққа қизиқишини, олинган натижаларни тўғри баҳолай оладими, мақтов ва танбеҳга қандай муносабатда бўлишига эътибор бериш лозим. Ақли заиф болалар кўрсатиш ва тушунтиришдан кейин ҳам ўхшаш топшириқларни янги топшириқдай бажаришга қийналадилар.

Алоҳида анализаторлари доирасида яққол ифодаланмаган нуқсонлари бўлган болалар берилган кўрсатмаларни қийинчилик билан қабул қиладилар, шунинг учун нутқида ва эшитишда камчиликлари бор деб тахмин қилинган болаларга топшириқнинг мақсадини кўргазмали равишда ёритиб бериш тавсия этилади. Масалан, кўриш ўткирлиги пасайган болаларга тушунтиришда сақланган нутқ, эшитиш ва сезиш функцияларига таянилади. Боланинг ёрдамчи мактабда ўқиши лозимлиги ҳақидаги хулоса ишонарли тарзда асосланиши керак. Бола ёрдамчи мактабда ўқиши лозим эмас деган ҳолатларда, педагог боланинг билим даражаси, потенциал имкониятлари ҳақида ўз хулосасини чиқаришит керак.

Олинган барча маълумотлар ва хулосалар комиссиясида бошқа мутахассислар билан муҳокама қилинади.

Назорат саволлари:

1. Психологик текширишнинг мақсади?
2. Педагогик текширишнинг мақсади?
3. Болаларни текшириш учун топшириқлар танлашда нималарга эътибор бериш лозим?
4. ТПК болаларни ўрганишда қандай методлардан фойдаланилади?
5. Болалар ишларини баҳолашда нималарга эътибор бериш лозим?
6. Ўқиш, ёзиш, ҳисоблаш малакалари қандай текширилади?

7. Текширишда қандай психолого-экспериментал методикалардан фойдаланилади?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. П.М. Пўлатова “Олигофренопедагогика” Тошкент 2005 йил.
2. В.С. Рахманова “Махсус педагогика” Тошкент 2004 йил.
3. Выготский.Л.С. «Проблема у отсталости» Москва 1956 йил.
4. Под ред. Дульнева. Г.М. “Коррекционная роль обучения в школе” М.1971 й.
5. М. Аюпова “Логопедия” Тошкент, 2007 йил.

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

НамДУ ректори Й.Рахимов

«___» _____ 2010 й

**“ZiyoNET” ахборот-таълим тармоғига жойлаштириш учун
тақдим этилаётган электрон ахборот-таълим ресурслари(ЭАТР)ни
ҳақиқийлиги, маълумотларнинг бенуқсонлиги юзасидан
ЭКСПЕРТ ГУРУҲИ ХУЛОСАСИ**

ОЎМТВ Наманган давлат университети факультет декани ф.ф.н. доцент

Ш. Жўрабоев раислигидаги эксперт гуруҳи ўқитувчи А.Хусанов

Педагогик коррекция

(текширилаётган материалнинг номи ва тури)

кўриб чиқиб, ушбу ЭАТРни “техник талаблар” ҳамда “мазмун(контент)га бўлган талаблар”га, “электрон ахборот-таълим ресурслари йўлланма хужжатларида келтирилаётган маълумотларга бўлган минимал талаблар”га тўла жавоб беришини тасдиқлайди.

Хулоса: Материални “ZiyoNET” ахборот-таълим тармоғига жойлаштириш учун ОЎМТВга тақдим этишга тавсия этади.

“ZiyoNET” ахборот-таълим тармоғига жойлаштириш учун тақдим этилаётган ушбу ЭАТРнинг ҳақиқийлиги, маълумотларнинг бенуқсонлиги учун жавобгарликни эксперт гуруҳи аъзолари ўз зиммасига олади.

Эксперт гуруҳи раиси: _____

Жўрабоев Шавкатбек, педагогика факультети декани;

Аъзолари: _____

Асқарова Ўғилой, педагогика ва психология кафедраси мудири;

Собиров Абдушукур, бошланғич таълим методикаси кафедраси мудири;

Абдуллаев Нейматжон, мусикий таълим кафедраси мудири;

Абдуллаев Ўктам, тасвирий ва амалий санъат кафедраси мудири;

Махмудов Аброр, амалий математика ва ахборотлар технологияси кафедраси ўқитувчиси.

Сана _____

**Наманган давлат университети
педагогика ва психология
кафедраси ўқитувчиси А.
Хусановнинг “Педагогик
коррекция” фанидан тайёрлаган
маърузалар матнига**

ТАҚРИЗ

Кадрлар тайёрлаш соҳасидаги давлат сиёсатида юқори малакали, рақобатбардош, жаҳон андозаларига мос келувчи мутахассисларни тайёрлаш вазифаси долзарб масала сифатида кун тартибига қўйилган.

Олий ўқув юртларида ўқитувчи кадрларни тайёрлаш тизимини сифат жиҳатидан янгилаш, талабалар дунёқарашини миллий истиқлол ғоялари асосида шакллантиришда “Педагогик коррекция” фани ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ушбу мажмуа махсус педагогика фанидан бакалаврият талабаларининг зарурий тайёргарлик даражаси ва билимлари мазмунига қўйиладиган талаблар асосида тайёрланган.

Мажмуада махсус педагогика фанини ўқитиш методикасининг мақсади, вазифалари унинг долзарб муаммолари, тамойиллари, методлари, маъруза, семинар ва амалий машғулотларни ташкил қилиш психологияси ҳамда ўқитувчининг педагогик маҳорати ҳақида назарий ва амалий билимлар йиғиндиси берилган.

Муаллиф ҳозирги замон махсус педагогикасининг барча мавзуларини ёритишда методиканинг энг сўнгги ютуқларидан фойдаланган ҳолда маърузалар матнини талаб даражасида тайёрлаган. Маърузага ҳар бир мавзу бўйича мустақил таълим ҳамда муаммоли саволлар қўйилган. Ҳар бир мавзу бўйича талабалар билимини синаб кўриш учун тест саволлари ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати келтирилган. “Педагогик коррекция” фанидан тайёрланган ушбу маърузалар матни ДТС талабларига мувофиқ ҳолда тайёрланган ва уни талабаларга фойдаланиш учун тавсия этиш мумкин.

Тақризчи :

п.ф.н. доцент М. Нишанов

**Наманган давлат университети
педагогика ва психология
кафедраси ўқитувчиси
А.Хусановнинг “Педагогик
коррекция” фанидан тайёрлаган
маърузалар матнига**

ТАҚРИЗ

Кадрлар тайёрлаш соҳасидаги давлат сиёсатида юқори малакали, рақобатбардош, жаҳон андозаларига мос келувчи мутахассисларни тайёрлаш вазифаси долзарб масала сифатида кун тартибига қўйилган.

Олий ўқув юртларида ўқитувчи кадрларни тайёрлаш тизимини сифат жиҳатидан янгилаш, талабалар дунёқарашини миллий истиқлол ғоялари асосида шакллантиришда “Педагогик коррекция” фани ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ушбу мажмуа махсус педагогика фанидан бакалаврият талабаларининг зарурий тайёргарлик даражаси ва билимлари мазмунига қўйиладиган талаблар асосида тайёрланган.

Мажмуада махсус педагогика фанини ўқитиш методикасининг мақсади, вазифалари унинг долзарб муаммолари, тамойиллари, методлари, маъруза, семинар ва амалий машғулотларни ташкил қилиш психологияси ҳамда ўқитувчининг педагогик маҳорати ҳақида назарий ва амалий билимлар йиғиндиси берилган.

Муаллиф ҳозирги замон махсус педагогикасининг барча мавзуларини ёритишда методиканинг энг сўнгги ютуқларидан фойдаланган ҳолда маърузалар матнини талаб даражасида тайёрлаган. Маърузага ҳар бир мавзу бўйича мустақил таълим ҳамда муаммоли саволлар қўйилган. Ҳар бир мавзу бўйича талабалар билимини синаб кўриш учун тест саволлари ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати келтирилган. “Педагогик коррекция” фанидан тайёрланган ушбу маърузалар матни ДТС талабларига мувофиқ ҳолда тайёрланган ва уни талабаларга фойдаланиш учун тавсия этиш мумкин.

Тақризчи :

**Наманган вилояти халқ таълими
бошқармасига қарашли ташхис
Маркази бошлиғи Г.Эрматова**

2,183,4,181,6,179,8,177,10,175,12,173,14,171,16,169,18,167,20,165,22,163,24,161
,26,159,28,157,30,155,32,153,34,151,36,149,38,147,40,145,42,143,44,141,46,139
48,137,50,135,52,133,54,131,56,129,58,127,60,125,62,123,64,121,66,119,68,117,7
0,115,72,113,74,111,76,109,78,107,80,105,82,103,84,101,86,99,88,97,90,95,92,93

184,1,182,3,180,5,178,7,176,9,174,11,172,13,170,15,168,17,166,19,164,21,162,23,
160,25,158,27,156,29,154,31,152,33,150,35,148,37,146,39,144,41,142,43,140,45
138,47,136,49,134,51,132,53,130,55,128,57,126,59,124,61,122,63,120,65,118,67,1
16,69,114,71,112,73,110,75,108,77,106,79,104,81,102,83,100,85,98,87,96,89,94,91